

Ж. Ж. ЖАЛОЛОВ

# СУД

## ТИББИЁТИДАН ТЕРМИНОЛОГИК МАЪЛУМОТНОМА

СУД ТИББИЁТИДАН  
ТЕРМИНОЛОГИК  
МАЪЛУМОТНОМА

СУД ТИББИЁТИДАН  
ТЕРМИНОЛОГИК  
МАЪЛУМОТНОМА

СУД ТИББИЁТИДАН  
ТЕРМИНОЛОГИК  
МАЪЛУМОТНОМА

СУД ТИББИЁТИДАН  
ТЕРМИНОЛОГИК  
МАЪЛУМОТНОМА

СУД ТИББИЁТИДАН  
ТЕРМИНОЛОГИК  
МАЪЛУМОТНОМА

Ж. Ж. ЖАЛОЛОВ

СУД  
ТИББИЁТИДАН  
ТЕРМИНОЛОГИК  
МАЪЛУМОТНОМА

NAMANGAN DAVLAT  
UNIVERSITETI  
Axborot-resurs markazi

AVLAT  
UNIVERSITETI  
Axborot-resurs markazi

Тошкент  
Абу Али Ибн Сино номидаги  
тиббиёт нашриёти  
1995

58я2  
01(011)  
УДК 611

**Жалолов Жалил Жалолович** — II Тошкент Давлат тиббиёт институти суд тиббиёти кафедраси мудири, тиббиёт фанлари доктори, профессор.

*Тақризи:* Ўзбекистон Республикаси ФА академиги  
**Уктам Орипович Орипов**

**Жалолов Ж. Ж.**

Ж 22 \* Суд тиббиётидан терминологик маълумотнома  
/(Сўз боши Р. Т. Султонов). — Т.: Абу Али Ибн Сино  
номидаги тиббиёт нашриёти, 1995. — 152 б.

\* Маъмур нашр биринчи бор чоп этилмоқда. Унга суд тиббиётига оид атамалардан ташқари, шу соҳага яқин бўлган гематология, биология, биокимё, криминалистика ва айниқса юридик атамалар ҳам киритилган.

Маълумотнома тиббиёт, юридик институтларнинг ўқитувчилари, талабаларига, шунингдек суд тиббиёти экспертизаси мутахассисларига мўлжалланган.

**ББК 58я2**

**ЖАЛОЛОВ ЖАЛИЛ**  
**СУД ТИББИЁТИДАН**  
**ТЕРМИНОЛОГИК МАЪЛУМОТНОМА**

Тошкент, 700129, Абу Али ибн Сино номидаги тиббиёт нашриёти, Навоий кўчаси, 30.

Таҳририят мудири *Б. Мансуров*, муҳаррир *Д. Фуломова*, бадний муҳаррир *Э. Валиев*, техник муҳаррир *В. Мещерякова*, мусаввир *С. Абдулсобиёва*.

ИБ № 2056

Босмаҳонага 20.06.95. да берилди. Босишга 15.12.95 рўхсат этилди. Бичими 84×108<sup>1/2</sup>. Газета қоғози. Юқори босма. Адабий гарнитур. Шартли босма табоқ 7,98. Шартли бўёқ-оттиски 8,19. Нашр босма табоқ 13,2. 17—92-рақамли шартнома. Жами 3000 нусха 4488. рақамли буюртма. Нархи шартнома асосида.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасининг 1-босмаҳонасида босилди. Тошкент, 700002. Сағбон кўчаси, 1- берк кўча, 2- уй.

Ж 4109020000—050 95—72  
М 354(04)95

ISBN 5-638-01027-0

© Абу Али ибн Сино номидаги тиббиёт нашриёти, 1995.



## СУЗ БОШИ

Соғлиқни сақлаш вазирлигига тааллуқли ҳар бир фаннинг ўзига хос хусусияти мавжуд, ammo суд тиббиёти фаннинг бошқа тиббиёт фанларидан ажралиб турадиган алоҳида хусусияти бор. У икки бир-биридан узоқ бўлган ҳуқуқшунослик ва тиббиёт фанлариши яқинлаштиради, улар оралиғига ҳамкорлик кўпригини ташлайди. Бу эса талабалар учун суд тиббиёти фаннинг таълими нақадар муҳим аҳамиятга эга эканлигини кўрсатади.

Суд тиббиёт экспертизаси ҳуқуқшунослик органларига ёрдам бериши билан биргалликда ўз бурчини ҳам ижро этади. Яъни аҳолини профилактик-даволаш ишларида катта ёрдам беради, унинг сифатини ошириш учун фаол қатнашади. Шу нуқтаи назардан ҳар бир илмий, ўқув, амалий қўлланманинг давлат тилида чоп этилиши, мустақил Ўзбекистон республикасида, мустақил суд тиббиёт экспертизасининг ташкил топилиши ва ривожланишида муҳим аҳамият касб этади.

Ушбу суд тиббиёти терминлар маълумотномаси анча тўлиқ ҳолда, биричи марта чоп этилмоқда. Мазкур терминлар икки тилдаги (русча-ўзбекча) луғат тартибида тузилиб, сўнгра ўзбек тилида маълумот берилган.

Ушбу маълумотнома суд тиббиётига оид ҳозирги замон илмий ва ўқув адабиётида қўлланиладиган суд тиббиёт терминларининг илмий наشريдир. Унга соф тиббиёт терминларидан ташқари, бу соҳага турдош ва зарур бўлган билим соҳаларига доир, шунингдек гематология, сперматология, биология, биокимё, цитология, криминалистика ва айниқса юридик терминлар киритилган бўлиб, улар суд тиббиёти илмий, амалий ишларида кенг қўлланилади.

Шуни ҳам таъкидлаб ўтиш керакки, маълумотнома тиббиёт, юридик олий ўқув юр்தларининг ўқитувчилари, суд тиббиёти ихтисослигидан таълим олаётган талабалар, суд тиббиёт экспертизаси билан боғлиқ бўлган ходимлар учун мўлжалланган. У суд тиббиёти юзасидан дарсликлар, ўқув қўлланмалари тузувчиларга ҳам катта ёрдам бериши мумкин. Улардан фақат тиббиёт ва юридик куллийет талабалари ҳамда тиббиёт, суд тиббиёти, ҳуқуқшунослик соҳасида хизмат қилувчи ходимларгина фойдаланиб қолмасдан, балки халқ хўжалигининг турли жабҳаларида фаолият кўрсатувчи кишилар ҳам фойдалансалар бўлади.

Шуни мамнуният билан айтиш керакки, сўнги икки йилда тиббий муассасалар, ташкилотлар, идоралар, тиббиёт маъмуриятларида,

шунингдек суд тиббиёт бюрolariда ўзбек тили давлат мақомини олиб, кен қўламда ривожланмоқда. Китобхонлар ҳамда юридик олий ўқув юрtларининг талабалари ўртасида тиббиётга ва шу қаторда суд тиббиётига онд юридик билимини ўрганишга бўлган қиқини ҳам тобора ортиб бормоқда. Тиббиёт олий ўқув юрtларида тиббиётга онд ҳуқуқ асослари ўқитилади, бу тиббиёт талабаларининг қонуларини ўрганишларига ёрдам беради, юридик талабалар ва суд тиббиётги асосларини эгаллайдилар.

Ушбу суд тиббиётидан терминологик маълумотнома биринчи марта ёзилганиги сабабли, албатта унда баъзи камчиликлар учраши, барча намин, амалий эҳтиёжларини қондирмаслиги мумкин. Лекин ишончимиз қомилки, китобхонлар ўзларининг ташиқидий мулоҳазалари, истаклари ва таклифлари билан кейинчалик маълумотномани яхшилашда унинг муаллифига ёрдам берадилар.

*Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш  
вазирининг биринчи ўринбосари  
Р. Т. СУЛТОНОВ*

## А

**АБОРТ КРИМИНАЛЬНЫЙ** — жиноний аборт (лат. abortus) қонунга хилоф равишда бола тушириш, бола олдирш. Мазкур аборт бу аёлда ҳомиладорликнинг 28 ҳафтагача, яъни ҳомила яшашга лаёқатли бўлиб туғилиши мумкин бўлган пайтга қадар, касалхона муассасаларидан ташқари жойда ҳомилани тушириш демакдир. Бола тушириш сунъий ва қонунга хилоф бўлиши мумкин. Биринчиси ихтиёрий ва ғайриихтиёрий абортларга бўлинади. Ихтиёрий сунъий тиббий аборт—ҳомиладорликнинг 12 ҳафтасига қадар ҳомиладор аёлнинг хоҳишига кўра бажарилади. Ғайриихтиёрий аборт тиббий сабабларга кўра, масалан жинсий аъзоларнинг чала ривожланиши натижасида, она ёки ҳомиланинг баъзи касалликларига асосланиб амалга оширилади ва бу аборт 12 ҳафтадан кейин ҳам қилиниши мумкин. Иккинчи, яъни қонунга хилоф равишда бола туширганлик жиноят деб ҳисобланиб, Ўзбекистон Республикаси жиноят кодексининг 114-моддасида жиноний жавобгарлик сифатида белгиланган ва бу модда уч банддан иборат.

**АБСОРБИРОВАТЬ** — абсорбция этиш, кимёвий, физикавий жараёнда бўладиган ҳолат. Материя, моддаларнинг шимиллиши, ютилиши кузатилади.

**АБСОРБЦИЯ АГГЛЮТИНИНОВ В ПЯТНЕ КРОВИ** — қон доғларида агглютининларнинг абсорбцияланиши — агглютининларнинг доғдаги қон агглютиногенлари орқали ютилиши, сингиши. Абсорбция фақат қон доғларида эмас, балки сперма ва бошқа биологик объекتلарда ҳам рўй беради. Мазкур абсорбция йўли билан доғларда қон гуруҳлари аниқланади. Абсорбция усуллари суд тиббиёт даъвовай ашёларини текширишда қўлланилади.

**АБСОРБЦИЯ — ЭЛЛЮЦИЯ** — даъвовай ашёларни текшириш лабораторияларида қўлланидиган реакция (усул). Бу усул орқали қон сперма, сулак ва бошқа биологик моддалардан пайдо бўлган изларда (доғларда) антигенлар (қ.) аниқланади. Реакция даврида, аввало антиген-антитела комплекси пайдо бўлади. Бир-бирига ўхшаш бўлган агглютиноген ва агглютининлар (антиген ва антителалар) қўшилади. Масалан, агглютиноген А ва агглютинин (α) нинг қўшилиши. Антиген антителани ютади, яъни абсорбцияланади. Кейинчалик антиген танасига сингиган антитела, ташқи муҳит таъсири остида, масалан 56°С даражали иссиқлик натижасида қайтиб, суюқликка тушади, яъни эллюцияланади. Бу реакция абсорбция — эллюция реакцияси, деб аталади.

**АВАРИЯ** — авария (арабча), машина ёки бирор бошқа механизмнинг ҳаракат вақтида. ишдан чиқishi, бузилиши. Бунинг натижасида одамлар бахтсиз ҳодисаларга учраб, шикастланиши мумкин.

**АВТОЛИЗ** — (юнонча — autolis — эриш), эриш; гидролитик ферментлар таъсирида туқима ва ҳужайраларнинг эриб кетиши. Уш-

бу ҳаёда мурдалар чириб бошлаганда ёки жароҳатланган жойда шундо бўлади. Мурдаларга антолизининг юзага келиши ушун вақтда шундан метонларидан бири ҳисобланади.

**АВТОМОБИЛЬНАЯ ТРАВМА** — механик жароҳатларнинг бар тури, автомобилдан йиқилиб тушиш ёки унинг айрим ҳаракатда бўлиб турган қисмларидан жароҳатланиш.

**АГГРАВАЦИЯ** — аггравация — (лотинча — *aggravare* — кучайтирмоқ, оширмоқ, зурайтирмоқ, оғир, вазмин) енгил кесаллик ёки беморнинг оғирлаштириб, ошириб кўрсатиш. Аггравация қилган киши ушун касаллигига қарши-олинган дори-дармонларни камситиши мумкин.

**АДВОКАТ** — адвокат — ҳимоячи, ҳуқуқий маълумотларга эга бўлган, ҳуқуқий масалалар юзасидан маслаҳат берувчи шахс. Бу шахснинг вазифаси жиноят қилишда қатнашган ёки бевосита уни содир қилган шахслар, даъвогар ёки жавобгарларнинг ҳуқуқларини қонунига асосан ҳимоя қилишдир. Ҳимоячиларнинг, яъни адвокатларнинг махсус идоралари бор. Ҳимоячиларнинг сайлов асосида ташкил қилинган бу идорасига — адвокатура деб ном берилган.

**АДМИНИСТРАТИВНАЯ ЮСТИЦИЯ** — маъмурий адлия. Ушбу адлия ҳуқуқий низоларни ҳал этишнинг алоҳида тартиби бўлиб, бунда суд ёки бошқа махсус давлат органлари давлат бошқарув органларининг фаолияти устидан тушган шикоятларни қараб чиқади ва тегишли қарор чиқаради.

**АДМИНИСТРАТИВНОЕ ПРАВО** — маъмурий ҳуқуқ; давлатни бошқаришга оид бўлган ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи ҳуқуқ асоси. Маъмурий ҳуқуқ давлат органларининг халқ ҳужжатик тармоқларини бошқаришга, ижтимоий тартибин, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини муҳофаза қилиш ва бошқаларга доир фаолиятни тартибга солади.

**АДМИНИСТРАТИВНЫЙ ПРОСТУПОК** — маъмурий айб, шахснинг маъмурий жавобгарликка тортилшига сабаб бўлувчи айбли ҳаракат ёхуд ҳаракатсизлик, тажовузкорлик, тартиббузарлик. Ушбу айб давлат ёки жамоат тартибин, давлат мулки фуқароларининг ҳуқуқ ва эркинликларига, мавжуд бошқарув тартибларига қаратилган; ваколатли давлат органи ёки мансабдор шахслар томонидан қонун асосида маъмурий айб учун қўлланиладиган жазо чораси маъмурий жазо деб аталади. УРҲК да қуйидаги чоралар белгиланган — оғоҳлантириш, жарима солиш, маъмурий, айбдорга ҳуқуқ бўлини қуроли ёки объекти бўлган нарса ҳақини тўлаб, ундан олиш ёки бу нарсага мусодара қилиш, ахлоқ тузатиши ишлари ва махсус ҳуқуқлардан маҳрум этиш.

**АДМИНИСТРАТИВНЫЙ ПРОЦЕСС** — маъмурий жараён. Ўзбекистон Республикасида маъмурий жараён тартибида, фуқароларнинг шикоят ва аризалари қараб чиқилади, иттиҳомий жазо бериллади; маъмурий жараён давлат органларининг давлатни бошқариш соҳасидаги аниқ маъмурий ишларини ҳал этишга оид фаолиятлар.

**АКТ ОСВИДЕТЕЛЬСТВОВАНИЯ ПОТЕРПЕВШИХ, ОБВИНЯЕМЫХ И ДРУГИХ ЛИЦ** — жабрланувчи, айбланувчи ва бошқаларни кўриб аниқлаш далолатномаси (билидиршиномаси). Далолатнома суд-тиббиёт идораларида ва бошқа шунга ўхшаш муассасаларда бирор ишни, воқеа, ҳодисани тасдиқлаб берish учун кишилар ҳузурда тузиладиган расмий ҳужжат. Ички ишлар органлари, текширув ва дастлабки тергов органлари йўлланмаларига асосланиб, ушбу ҳужжат, яъни суд-тиббиётни экспертиза далолатномаси тузилади. Агар прокуратура, ички ишлар органлари иш юзасидан қарор чиқарсалар ёки суд ажрим чиқарса, унда суд-тиббиёт экспертизасида тузиладиган ҳужжат — экспертизанинг фикри (қ.) деб айтилади.



Далолатнома хилма-хил бўлишига қарамай, унинг асосий мақсади содир бўлган воқеа-ҳодисаларнинг ёки мавжуд ҳолатнинг қонуний-ҳуқуқий жиҳатдан тасдиқлашдир. Ушбу ҳужжат суд тиббиёти муассасаларида жабрдийдани кўриб, ундаги тан жароҳатларнинг тасвирлаш мақсадида ва келиб чиққан воқеа-ҳодисаларни гувоҳлаш мақсадида тузилади. Унда ташқари, суд тиббиёт лабораторияларида тегишли тафтиш, текшириш ўтказилгандан кейин ҳам тузилади. Шунинг учун ушбу муассасаларда далолатнома олдиндан белгилаб қондавий намуна асосида тузилади. Масалан, жабрдийда ҳақида тузилган далолатнома уч қисмдан иборат, чуқурчи кириш қисми, йилги баёни ва экспертнинг фикри демакдир.

**АЛИМЕНТЫ** — алимент (нафақа) — оиланинг меҳнатга яроқсиз аъзоларига, масалан ёш болаларга, ота-оналарга айрим турадиган оила аъзоси томонидан қонуни асосида тулаб туриладиган нафақа.

**АМНЮСА ПРИЗНАК** — амниоса белгиси. Осиш натижасида бўйиннинг икки томонидан ўтган бир жуфт уйқу артериясининг ички томонидан пайдо бўлган йиртиқ. Бу йиртиқ артериянинг ички томонидан, унга нисбатан кўндаланг жойлашган.

**АНТИХОЛИНЭСТЕРАЗНЫЕ ВЕЩЕСТВА** — антихолинэстераза моддалари, холинэстераза ферменти фаолиятини йўқотувчи моддалар. Бу моддалар икки хил бўлади. Биринчи моддалар таъсиридан кейин фаолият кейинчалик тикланади. Уларга эзерин, прозерин ва бошқалар киради. Иккинчи моддалар таъсиридан кейин, ферментнинг фаолияти қайтадан тикланмайди.

**АСПИРАЦИЯ ПОСМЕРТНАЯ** — ўликнинг аспирацияси, ўлгандан кейинги аспирация. Ўлгандан кейин, механик суғий нафас бериш жараёнида (тиббий ёрдам бериш вақтида) пайдо бўлиши мумкин. Қорин ва кўкрак қафасини босиш ва қисиш натижасида (айниқса, ошқозон овқатга тулган пайтда), ҳазм бўлмаган овқатлар ошқозондан қизилўнгачга, ундан кейин юқори нафас йўлларида тушиши мумкин. Мазкур ҳолат мурданинг чириб шишиши натижасида ҳам рўй беради. Газга тулган қорин бўшлиғи, ошқозонни босиб, ундаги бўтқани қизилўнгачга кўтаради ва шундан кейин у юқори нафас йўлларида тушади. Ўлгандан кейин пайдо бўлган аспирация, киши тириклигида вужудга келган аспирациядан (қ. аспирация рвотными массами) фарқланади. Улик аспирацияда овқат бўтқаси фақат нафас йўлларида юқори қисмида — кекирдак ва катта бронхлар ичида жойлашган бўлади. Бундан ташқари, кекирдак, бронхлар шиллиқ пардаларини қичиштириш белгилари бўлмайди.

**АСПИРАЦИЯ РВОТНЫМИ МАССАМИ** — қусиш бўтқалари билан аспирацияланиш. Қусиш бўтқаси нафас йўлларида тушиб, ўпкага ҳаво киришини тўсади. Овқат заррачалари (моддалари) нафас йўллари-кекирдак, катта бронхлар орқали кичик ва кичкина бронхиолларга боради. Ўпка эмфиземаси кузатилади. Ўпканинг юзи ғадир-будир бўлиб қолади. Уни кесганимизда, кесув юзида (ўпкани қисганда) макарон кўринишидаги овқат бўтқаси бронхиоллардан чиқади. Қўл билан ўпка юзини пайпаслаганда қаттиқ овқат заррачаларини сезиш мумкин. Бронх, кекирдак шиллиқ пардалари ўзгарди, уларнинг бутунлиги бузилади, қичиштириш белгилари юзга келади. Овқат қолдиқларини бутун бронх, кекирдак, қизилўнгач йўлларида кўриш мумкин. Қусиш бўтқаларининг аспирацияси, турли, ютиш рефлексини бузувчи, касалликлар натижасида, оғир даражали мастлик ҳолатида ёки клиник шароитда нотўғри наркоз бериш жараёнида ва бошқа сабаблар туфайли бўлади.

**АСФИКСИЯ КОМПРЕССИОННАЯ** — компрессион асфиксия; кўкрак қафасини ва қоринни босиш, қисиш натижасида нафас



олишнинг тўхталishi. Мазкур ҳолатлар тупроқ, қумли карьерларда, чуқури, унирилиши, сляжиб тушиш жараёнида рўй бериши мумкин. Компресснон асфиксия одам танасининг қаттиқ жисмлар орасида қолли қисилиши туфайли ҳам бўлади. Қорини кўкрак қафасини бирдан (биргалликда) босганда киши дарҳол ўлади. Агар кўкрак қафаси билан қорини кетма-кет босилса, унда киши аста-секин ўлади; энбосдан босилганда асфиксия ундан ҳам секин пайдо бўлади. Мазкур асфиксия ўзига хос ўлим механизмига эгадир. Қорини босилганда, диафрагма юқорига — ўпка ва юракка қараб кўтарилади, натижада нафас олиш ҳаракати йўқолади, юрак уриш мароми бузилади. Бу эса гемодинамиканинг юрак томирларида бузилишига олиб келади ва миокард ишемияси рўй бериб, юрак уриши сусаяди. Кўкрак қафаси қисилганда бош мианинг гемодинамикаси бузилади. Қорини, кўкрак қафасининг бирдан босилишида патологик ўзгаришлар тезлашиб, натижада киши асфиксиядан ўлади. Умумий морфологик ўзгаришлар, умумий асфиксия белгиларини вужудга келтиради. Бундан ташқари, нафас йўлларида қум ва тупроқни, қаттиқ нарса билан босганда кишини излари (тамгалари)ни кўриши мумкин. Юз, буйини, кўкрак қафаси юқори қисмининг териси кўкаради, шишади ва терида кўпгина нуқтасимон қонталашлар кузатилади. Мазкур ҳолат экхиматик ишқоб, деб юритилади. Ушбу қонталашлар, номсиз ва бўйинтуруқ веналарининг босими кўтарилиши сабабли вужудга келади. Мурдани ёрганда, умумий асфиксия белгилари ва ўпканинг «қирмизи» шишини кузатилади.

**АСФИКСИЯ МЕХАНИЧЕСКАЯ** — механик асфиксия; механик асфиксияда ўпкада нафас йўлларига ҳаво кирмаслиги натижасида кескин равишда кислород етишмаслигининг вужудга келиши ва кейинчалик нафас олишнинг, юрак уришининг тубдан тўхталиб қолиши кузатилади. Механик сабаблардан пайдо бўлган кислород камчилиги механик асфиксия деб аталади. Механик асфиксиялар уч турга бўлинади. 1. Буйини аъзоларини босиш натижасида пайдо бўлган асфиксия—уни странгуляцион асфиксия (осиш, арқон, ип ёки қўл билан бўғиш) деб аталади. 2. Нафас тешиклари ва йўллариини тўсиш натижасида келиб чиққан кислород танқислиги — обтурацион асфиксия деб айтилади. 3. Кўкрак қафасини ва қоринни босиш натижасида келиб чиққан кислород танқислиги — компресснон асфиксия (қ.) деб аталади. Асфиксия 5—6 дақиқа давом этади, яъни организмнинг тирикчилигида асфиксиянинг давом этиши 5—6 дақиқага тўғри келади. Бу вақт ичида 2 давр тафовут қилинади. Биринчи давр — асфиксиядан олдинги ва иккинчиси — асфиксия даври деб аталади. Биринчи давр 1 дақиқа давом этса, иккинчи давр эса 4—5 дақиқа давом этади. Асфиксиядан олдинги даврда нафас олиш тўхтаб бошлайди, нафас ҳаракатлари тартибсизланади. Асфиксия даври 5 босқичдан иборат: биринчи босқич — инспираторлик нафас сиқилиши; иккинчи босқич — экспираторлик нафас сиқилиши. Энг аввал биринчи босқичдан бошлаб одам ҳушидан кетади; учинчи босқич — осойишталик ёки вақтинча нафас тўхталishi (1 дақиқа давомида); тўртинчи — терминал нафас олиш босқичи (1—2 дақиқа давомида); бешинчи — муттасил нафас тўхталishi босқичи. Нафас олиш мутлақо йўқ бўлади, ammo юрак уриши ҳали давом этиб туради. Асфиксия даврининг муддати ўзгариши мумкин. Бу куп сабабларга боғлиқ (асфиксиянинг тури, кишининг организми, ёши, соғлиги, организмнинг кислород етишмаслигига чидамликлиги ва бошқаларга).

**АФЮН** — афюн (арабча), қора дорн, кучли наркотик, кўриниши қўнғир рангли, кўп алкалоидли моддалар (морфин, кодеин,

папаверин ва бошқалар), тиббиёт амалиётида оғриқни қолдириш учун дори сифатида ишлатилади.

## Б

**БАЛЛИСТИКА** — баллистика (юнонча — ballo — ташлайман), ўқлар ва снарядлар ҳаракати қонунилари тўғрисидаги фан. Суд баллистикаси махсус ўқ отар қўл қуролларидан келиб чиққан ўзгаришларни ўрганади ва унинг изларини кийим-кечак, танада текширади.

**БАЛЬЗАМИРОВАНИЕ** — бальзамлаш. Мурдани бузилишдан сақлаб қолш. Мурдаларнинг сақланиши сунъий ва табиий бўлиши мумкин. Одам танаси унинг ўлиmidан кейин қандай муҳитда бўлмасин, у барибир емирилади. Чириш микроблари ва «мурда ҳашаротлари» — бу мурда танасини емирувчилардир. Фақат алоҳида маълум бир ҳолатлардагина бу кўрсатилган умумий қондадан четга чиқиш кузатилади: ёки мурда емирилмайди, ёки емирилиш охирига етмай, тананинг турли қисмлари учун бир хил бўлмаган маълум бир босқичида тўхтаб қолади. Мурда (кам ҳолларда) ёки унинг қисмлари (кўпинча) у ёки бу миқдорда сақланади, гоҳо одатдаги муддагга nisбатан анча узоқ сақланади. Мурдани ёки унинг қисмлари ташқи кўринишини мустаҳкамлаб сақлайдиган 2 та асосий жараён тафовут қилинади. Булар мумиёлаш ва ёгли мумнинг пайдо бўлишидир. Мазкур ўзгаришлардан ташқари, сунъий сақлаб қолш усуллари мавжуддир. Мурдани бузилишдан сақлаб қолш учун айрим нарсаларни юбориб ҳам, сунъий равишда консервация қилинади. Бу эса ўликни йиринглашдан ва бузилишдан сақлайди. Демак, бальзамлаш, чиришдан сақлаш демакдир. Бунинг учун табиий моддалар (таркибида эфир мойлари ва уларга эритилган смола, ароматик ва бошқа бирикмалар) дан фойдаланилган. Ушбу консервация усули бальзамлаш деб айтилади.

**БАМПЕР** — бампер — (инглизча) буфернинг бир тури, энергия ютувчи қурилма, ушбу қурилма автомобиллар олдид ва орқасида ўрнатилган бўлиб, улар енгил зарбани ютишга мўлжалланган.

**БАМПЕР ПЕРЕЛОМ** — бампер (инглизча bumper автомашина учун буфер) синиғи. Узун қувурли суякларнинг (болдир, сон суяклари ва б) бампер зарбасидан (урилгандан) синиши; машинанинг чиқиб турган қисми — бампер билан урилганда учбурчак шаклига эга бўлган синиқ пайдо бўлади; учбурчакнинг асосий қисми бампер теккан жойга қаратилган.

**БАНДИТИЗМ** — бандитизм, босқинчилик, босмачилик, ўғрилик: жамоат муассасаларига, давлат, корхона маъмуриятларига ёки айрим шахсларга қуролли тўдалар ташкил этиб ҳужум қилиш ёки шу тўдаларда ва улар қилган ҳужумларда иштирок этиш.

**БАРОКАМЕРА** — барокамера (юнонча baros — оғирлик, лотинча қафас), герметик қафас, герметик камера. Барокамера юқори босимли (компрессорли) ва ҳаволи муҳитда паст (вакумли) барокамералар бўлиши мумкин. Бу камералар авиация, космонавтикада об-ҳавонин текшириш ва тиббиётда турли тажрибалар ўтказиш учун ишлатилади. Ушбу камераларнинг ичида ҳалокат, фалокат, фожиялар рўй берганда, унинг ичидаги шахслар жароҳатланса, унда жароҳатлари паст ёки юқори босимларга эга бўлиши мумкин.

**БЕЗ ВЕСТИ ПРОПАВШИЙ** — бедарак, дараксиз йўқолиш, шахснинг узоқ вақт давомида йўқлиги ва донийи турар жойда у ҳақда хабар келмаганлиги (камида 1 йилгача) тўғрисида суд томонидан белгиланган факт. Айрим вақтларда бундайлар ноаниқ шахс сифатида суд тиббиёти мурдаҳонасига тушиши мумкин. Унда суд

тиббиётни эксперти томонидан махсус усуллар билан ноаниқ шахс мурдаси текширилади.

**БЕЗДЕЙСТВИЕ** — ҳаракатсизлик — хизмат вазифасига бепарво қараш. Айрим мансабдор шахслар бепарволлик оқибатида айрим фуқароларнинг манфаатларига ёки жамоат ташкилотларига жиддий зарар етказадилар. Мазкур ҳолатлар бепарволлик деб аталади.

**БЕЗДУШИЕ** — шафқатсизлик, раҳмсизлик, бағритошлик билан яшаш баданига шикаст етказиш ёки уни азоблаб ўлдириш. Ўзбекистон Республикаси жинсий кодексининг махсус моддаларида жинсий жавобгарликлар белгиланган.

**БЕСПРАВНЫЙ** — ҳуқуқсиз, ҳуқуқдан маҳрум этилган киши.

**БЕНЗИДИН** — бензидин, рангсиз кристалл, суюқлашмиш температураси  $188^{\circ}\text{C}$ , кимёвий формуласи  $\text{C}_{12}\text{H}_{12}\text{N}_2$  (ароматик диамин) суд тиббиётни амалвий ишларида, далилий ашёлар — қон доғларини аниқлашда қўлланилади.

**БЕСПЛОДИЕ** — бепуштлик, насбсизлик, туғмаслик, эр-хотин ўртасида узоқ вақт ҳаёт кечириш давомида (2 йилдан ортиқ) бола бўлмаслиги, яъни вояга етган организмнинг авлод қолдиришга оқибатлиги, бепуштлик деб ҳисобланади; унинг сабаблари: уруғ бўлмаслиги, (аспермия), уруғда сперматозонд бўлмаслиги (некроспермия) (қ.), жинсий органлар тузилишидаги аномалиялар ва уларнинг яллиғлашиш касалликлари, масалан, эндометрит, аднексит, эндокриниопатия ва бошқалар; эр-хотин бепуштлиги никоҳни бекор қилишга олиб бориши мумкин, унда суд ўз ажрини орқали суд тиббиётни экспертизасини белгилаб, бепуштлик сабабларини аниқлайди.

**БИОГЕНЕТИЧЕСКИЙ ЗАКОН** — биогенетик қонуни. Бу қонуни шунга асосланганки, организмнинг индивидуал ривожланиши, шу организмга мансуб бўлган гуруҳ эволюциясидаги муҳим боскичларнинг қисқача такрорига ўхшайди (Э. Геккель таърифлаган). Суд тиббиётни турли далилий ашёлар экспертизасини ўтказишда ушбу қонундан фойдаланади.

**БИОМАНЕКЕН** — биоманекен, одам мурдасида тажриба ўтказиш, масалан, автотравмани моделлаштириш (намуналаштириш).

**БРЫЗГИ КРОВИ** — қон қатралари, қон сачратқилари: Қон доғларининг ўткир бурчак ҳосил қилиб, буюмлар сатҳига тушиши. Улар поксимон, ундовсимон, нуқтасимон бўлиши мумкин.

**БУФЕР** — буфер (инглизча), зарбларни юмшатадиган мослама, локомотивлар, вагонлар ва бошқа транспорт воситаларида учратилади. Автомобиль буфери, бампер (қ.) дейилади.

**БУФЕРНЫЕ РАСТВОРЫ** — буфер эритмалар; тирик организмларда муҳим аҳамиятга эга, масалли, қондаги рН нинг турғунлиги карбонатлар ва фосфатлар асосида буфер эритмаси ёрдами билан тутиб турилади. Суд тиббиётни далилий ашёларни текшириш ишларида буфер эритмалари ишлатилади; уларни тайёрлаш учун кучсиз кислота ва шу кислота тузининг сувдаги эритмаси ёки кучсиз асос ҳамда шу асос тузининг сувдаги эритмаси олинад.

**БЮРО** — бюро (французча), муайян бир ишни, асосан раҳбарлик ишини бирор жамият, муассаса, маъмурият, ташкилотда олиб бориш мақсадида таъсис этилган коллегиал ташкилот. Ўзбекистонда бутун суд тиббиётни экспертиза муассасалари шу тарзда тузилган. Шаҳарларда, шаҳар суд тиббиёт бюроси, вилоятларда — вилоят суд тиббиёт экспертизалари, жумҳуриятларда — жумҳурият суд тиббиёт экспертиза маъмуриятлари бор. Улар Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигида ташкил этил-



ган. Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги қoшида бош бюро суд тиббиёт экспертизаси мавжуддир.

## В

**ВЕЩЕСТВЕННЫЕ ДОКАЗАТЕЛЬСТВА** — далилий ашёлар. жиноийлик содир бўлишида иштирок этган буюмлар. Ўзбекистон жиноят процессуал кодексининг махсус моддасида шундай дейилган: «жиноят қилиш қуроли бўлган ёки ўзида жиноят изларини сақлаб қолган ёхуд жиноий ҳаракат объекти бўлган нарсалар, шунингдек, ишга доир ҳақиқатни аниқлашга хизмат қилиши мумкин бўлган бошқа нарсалар жиноят иши бўйича далилий ашё бўладилар». **Далилий ашёлар** турли мутахассислар, биринчи навбатда, албатта судга оид тиббиёт экспертлари, суд кимёгарлари ва криминалистлари томонидан текширилади. Суд тиббиёти турли буюмлар, улардаги излар ва бошқа объектларни ўрганadi. Буларни текшириш учун албатта чуқур тиббий билимга эга бўлмоқ керак. Далилий ашёларнинг объектларига тана аъзоларининг қисмлари ва инсоннинг ўзидан чиқарадиган турли хил ажралмалар, тўқималар, шунингдек қон ва унинг излари, сочлар, шаҳват, сийдик, тер, организмнинг юмшоқ тўқималари ва ҳоказолар кирadi.

**ВИД КРОВИ** — қоннинг ирсияти Қоннинг кимга тегишли эканлигини аниқлаш, масалан одамгами, ҳайвонларгами, ҳайвонларга бўлса, у қайси ҳайвонга мансублигини аниқлаш — суд тиббиётида муҳим аҳамиятга эгадир. Суд тиббиёти амалий ишларида, қон доғлари ирсиятини аниқлаш учун преципитация Чистович — Уленгут усули қўлланилади. Преципитация, яъни чуқма ҳосил қилиш усуллари суюқликда, агарли гелда ўтказилиши мумкин.

**ВИДМАРКА МЕТОД** — Видмарк методи — Этил алкоғолнинг миқдорини бпокимёвий усул орқали қон ва сийдикда аниқлаш.

**ВИЗУАЛ** — визуал (лотинча — visus — кўриш), кўриниб турган, кўринувчи. Суд тиббиёти биологик объектларни айрим вақтларда оддий кўз билан кузатиши — визуал кузатиш деб аталади.

**ВИНА** — айб, жавобгарликка тортишга зарур бўлган шарт. Агар киши айбни қасдан қилган бўлса, унга қилинган жинояти учун махсус жазо берилади. Агарда айб эҳтиётсизлик оқибати бўлса, унда жазо енгиллашади.

**ВИНТОВКА** — винтовка, милтиқ, ушбу қуролдан жароҳатлашиш суд тиббиёти амалий ишларида кўп учраб туради, милтиқ, ўқотар қўл қуроли. Илгари XIX асргача асосан силлиқ стволли милтиқлар қўлланилган. XIX асрнинг ўртасидан бошлаб винтсимон ўйиғи бўлган стволли милтиқлар тарқалади, шунинг учун ўйиқ (винтсимон ўйиқ) стволли милтиқлар винтовка дейилади. Ушбу милтиқлар минутига 10—12 марта ўқ отади ва 2000 метргача бўлган буюмни шикастлай олиши мумкин. Милтиқ бошқа қуроллар каби одам ўлдириш ёки ҳужум қилаётган душмандан мудофаа, ҳимоя этиш вазифасини бажариш учун қўлланилган, аммо жанговар мақсаддан ташқари, милтиқ ёввойи ҳайвонлар ва қушларни отиш, яъни ов қилиш қуроли сифатида ҳам ишлатилади. Махсус сочма ва қўроғшин ўқ отадиган ов милтиқлари ҳам бор: улар бир стволли, қўш стволли, уч стволли, силлиқ стволли, ўйиқ стволли ва мураккаб стволли турлардан иборат.

**ВИШНЕВСКОГО ПЯТНА** — Вишневский доғлари — ошқозоннинг ички қатламида, унинг томирлари бўйлаб, қоннинг ивиб, кичкина қора рангдаги доғлар пайдо бўлиши. Бу белгилар организмни умумий совуқ уриши натижасида вужудга келади.

**ВМНЯЕМЫЙ** — ақли расо, ҳаракат ва ҳаракатсизлик оқибатини аниқлайдиган, қонун олдида ўз қилмишлари учун жавоб бера оладиган шахс.

**ВОЛЯ** — ирода, инсоннинг мақсадни онгли равишда танлашга ва унга эришиш йўлидаги тўсиқларни енгилшга бўлган қобилияти. Инсон иродавий ҳаракатини амалга оширар экан, у ўзинча ҳукмрон эҳтиёж ва хоҳишларига бевосита қарши туради.

**ВОСПАЛЕННОЕ СОСТОЯНИЕ РАНЫ** — яранинг газакланиши, бадандаги яранинг шшш олиб кизариши, яллигланиши.

**ВРАЧ ЭКСПЕРТ** — ҳаким эксперт, суд тиббиёти врач эксперти бу жинсий процессуал кодексларига асосланиб суд, прокуратура, адлия органлари томонидан чақирилиб аниқ, конкрет нш бўлишча суд тиббиёти экспертизасини ўтказадиган шахс.

**ВРАЧЕБНАЯ ОШИБКА** — ҳакимлик хатоси — шифокорнинг ўз фаолиятига, мулоҳазасига ихтиёрий равишда янглишиши; мукаммал бўлмаган диагностика усуллари, даволаш усулларини ишлатиш, шифокорнинг билими етишмаслик сабабларига асосланган бўлиб, аммо совуққонлик, бепарволик бўлмаган ҳолатдир. Ҳаким хатолари қуйидагиларга бўлишиди: 1) дорн ёзиб бериш ва даволашда хатога ёл қўйиш; 2) касаллик диагностикасида янглишиш; 3) тиббиёт ҳужжатларини тузишда хатога йўл қўйиш; 4) тиббиёт ходимларининг хулқ, феъл-атворларининг касал ва унинг қариндошларига нисбатан бузилиши.

**ВРАЧЕБНАЯ ТАЙНА** — ҳакимлик сирн, ҳакимнинг сир сақлаши — касаллик тўғрисидаги сирлар ва касалларнинг ўз сирлари, фақат тиббиёт ходимлари, шахсан ҳакимлар учун уларнинг касб вазифалари туфайли аниқ бўлган маълумотлар; даволаш-профилактика муассасалари ходимларининг беморлар ҳақидаги маълумотларини ошкор қилмаслик бурчи. Юқумли касалликлар тарқалтиш хавфи туғилганда ҳамда суд тергов органлари ва суд тиббиёт муассасалари талаб қилганда сир сақланилмайди. Касал тўғрисидаги маълумотларни мажбурий равишда ҳакимлар сир сақламоли кераклиги жумҳуриятларнинг соғлиқни сақлаш тўғрисидаги асосий қонунлар мажмуасининг моддасида кўрсатилган. Бу моддага асосланиб ҳакимлар ва бошқа тиббиёт ходимлари сир сақлаб, уни фош этмаслиги лозим. Бу сирлар уларга тиббий касб вазифаларини ижро этиш учун касал томонидан берилган маълумотлардир, яъни ҳаким касал учун сирдош. Касал сирини фош этмаслик Ўзбекистон шифокорларининг қасамёд матида ҳам ифода толган. Агар аҳолининг соғлиқини сақлаш учун зарурият пайдо бўлиб, шахснинг касаллиги тўғрисида маълумот керак бўлиб қолса, унда ҳакимлар соғлиқни сақлаш маъмуриятларига касалнинг ташхисини ва бошқа унга тегишли маълумотларни айтишга мажбурдирлар. Шунингдек текширув, дастлабки тергов, суд, прокуратура аъзоларининг талабларига биноан уларга ҳам ҳакимлар касалга тегишли маълумотларни беришлари мумкин. Бемор сирн ошкора бўлмаслигига ишониб, борганин шифокорга айтиши зарур. Бу эса ташхис қўйишга ва самарали даволашга ёрдам беради.

**ВСКРЫТИЕ ТРУПА** — ўлиқни ериш — суд тиббиёти томонидан мурдани ёриб кўриш.

**ВТОРИЧНЫЕ ПОЛОВЫЕ ПРИЗНАКИ** — иккиламчи жинсий белгилар; суд тиббиёти амалий ишларида шахсларнинг вояга етган-елмаганлигини, айрим экспертизаларда ёшини аниқлаш учун иккиламчи жинсий белгиларга эътибор берилади; масалан, эркаларда — мўйлов, соқол, қўштомоқ (Адамово яблоко), аёлларда — катта кўкрак безлари, чаноқ суягининг шакли ва ҳоказолар.

**ВХОДНОЕ ОГНЕСТРЕЛЬНОЕ ОТВЕРСТИЕ** — ўқ теккан яра-

нинг кириш тешиги. Ушбу яранинг кириш тешиги снаряднинг катта тезлик билан учганлиги туфайли (ўқ, сочма, артиллерик, граната ёки мина, снаряд парчалари) пайдо бўлади. Булар кийимни ва терини тешиб ўтиши мумкин. Ҳақиқатан ҳам кириш тешигининг ўзига хос белгилари бўлади. Улардан тўқима йўқлиги (отилган ўқ терини тешиб ўтиб, ўзи билан бирга бир неча тўқимани узиб кетади), суртиш ҳалқаси (ўқ терини тешиб ўтаётганда ўз устидаги ёғ ва бошқа моддаларни тешик атрофида суртиб ҳалқасимон из қолдиради). Ундан ташқари терининг атрофида ҳалқачани эслатади. Шунинг учун ўқ теккан яранинг кириш тешигининг учинчи белгиси ҳалқасимон шилиниш деб аталади. Агар ўқ яқин масофадан отилса, унда кириш тешигининг атрофида қўшимча белгилар пайдо бўлади.

**ВЫДЕЛИТЕЛЬСТВО** — ажратувчилик; организмдан ажралиб чиқадиган сўлак, сперма, тер ва бошқа шунга ўхшаш нарсалар таркибида АВО системасининг мавжудлигини ифодаловчи тушунча. Мазкур тушунча муҳим суд тиббиёти аҳамиятига эга. Одамлар ажратувчи ва ажратмовчи тоифаларга бўлинадилар. Уларнинг кўпчилиги (80—85%) антигенларни организмдан сўлак, сперма ва бошқа ажратгичлар билан чиқаради. Демак, мазкур объектлар таркибида антиген мавжуддир. Қолган 15—20 фоиз одамлар ўз сперма, сўлак ва шунга ўхшаш ажратгичлари орқали антигенларни чиқармайдилар. Шунинг учун сўлак, сперма ва бошқа шунга ўхшаш объектлар текширилганда, экспертиза бу доғлар кимга мансублигини аниқлайди.

**ВЫСТРЕЛ** — отилиш, ўқ отиш, ўқ узини, ўқ отилганда чиққан овоз. Порохнинг алангалиниши натижасида газ ҳосил бўлади, яъни ўз йўналиши билан катта босим пайдо қилиб, снарядни (ўқ, сочма) милтиқ учидан (унинг очиқ томони, яъни оғзидан) портлаш натижасида отилади.

**ВЫСТРЕЛ В УПОР** — тақаб, тираб отиш. Агар ўқ тўппонча ёки милтиқ оғзини терига ёки кийим устига тираб отилса, унда тираб отиш деб айтилади. Тираб отиш уч хил бўлади: тўлиқ тираб, тўлиқсиз тираб ва бурчак ҳосил қилиб тираб отиш.

**ВЫСТРЕЛ С БЛИЗКОГО РАССТОЯНИЯ** — Яқин масофадан ўқ отиш. Ўқ отадиган қурол яқин масофадан отилса, унда газнинг механик, химик ва термик таъсиротлари кийимда ёки терида ўқ кирган кириш тешигининг атрофида қолади. Газнинг босими таъсири натижасида кийим йиртилиши, аланганинг таъсирида эса кийим куйиши мумкин.

**ВЫСТРЕЛ С НЕБЛИЗКОГО (ДАЛЬНЕГО) РАССТОЯНИЯ** — узоқ масофадан (яқин бўлмаган масофа) ўқ отиш. Ушбу масофада ўқ отилган яранинг кириш тешиги атрофида яқин масофага тегишли белгилар кўринмайди. Бу масофа 1—1,5 метрдан ошмайди.

**ВЫСЫХАНИЕ ТРУПНОЕ** — мурданинг қуриши. Суд тиббиёти амалиётида жойли қуриш катта аҳамиятга эга. Терининг устини қавати ва кўзга кўринарли шиллиқ пардалари ўлгандан кейин қурий бошлайди. Лабнинг шиллиқ қаватини кўрганзимизда, унинг юзаси қаттиқлашиб қораяди. Кўзнинг қовоқлардан ёпилмаган қисми қурийди. Шох пардасининг хиралашишидан горизонтал чизик пайдо бўлади. Склеранинг (кўзнинг оқи) қуришидан қўнғир тусли доғ ҳосил бўлади. Улар учбурчак бўлиб, склеранинг қовоқ склеранинг ёпилмаган қисмининг аниқ нухасини беради. Мазкур шакл склеранинг қуришидан пайдо бўлган қўнғир доғ (қовоқни бармоқ билан кўтарилганда кўринади) «Лярше доғи» (қ.) деб аталади. Нафис, юқаланиб кетган эпидермис қаерда жойлашган бўлса, уша жойда қуриш тез рўй беради, тери қаттиқлашиб, пергаментни



желати. Шунинг учун «пергамент доғлари» деб аталади. Пергамент доғлари қаерда мугуз қават бузилган бўлса, ўша ерда тез пайдо бўлади. Бундай ҳол мурдани уёқдан — бу ёққа ташлаганда ҳосил бўлиши мумкин. Қуриш доғи («пергамент доғи») эпидермис бутун бўлганда ҳам, масалан мойк халтачаси терисида ҳосил бўлиши мумкин, чунки у ерда тери нафис ва доимо терлаб туради. Қуриш доғи жиңсий олатнинг бошчасида ёки уни қоплайдиган теричасида (очиқ қолса) бўлиши мумкин. Чақалоқ (гўдак) мурдасининг тери ва шиллиқ (очиқ жойдаги) қаватлари одатда, нафис бўлганлиги туфайли тез қурийд. Шунинг ҳам таъкидлаш керакки, эпидермис шиллинган жойларда ёки мурдани қўпол равишда юкланда «пергамент доғлари» жуда ҳам жадаллашган бўлади. Агар пергамент доғлар кесилса, унинг сатҳида қонталашлар кузатилмайди.

## Г

**ГАБИТУС** — хабитус (лотинча — habitus — ташқи кўриниш), ҳайвон ёки одамнинг ташқи кўриниши; одамнинг ташқи кўринишига баҳо беришда одам гавдасининг бўшлиқда туриш ҳолати, озин-тўлаллиги унинг конституцияси (танасининг тузилиши) узун-пақаналиги ва бошқалар инобатга олинади.

**ГАЗ УГАРНИЙ** — не газ, карбонат оксиди. Турли органик модаларнинг куйиши натижасида ҳосил бўладиган маҳсулот (СО). Бузилган печкалар, сандалларнинг ичидан, тўлиқ ёнмаган кўмирлардан чиқиб, хоналарни қоплайди, натижада нафас йўли орқали одамлар организмга кириб захарлантиради. Ис газини қондаги гемоглобин билан бирикма ҳосил қилиб, карбоксигемоглобин (СОНЬ) га айланди. Гемоглобиннинг мазкур бирикмаси кислородни тўқималарга олиб бориш ва тарқатиш хусусиятига эга эмас. Шунинг учун кислород танқислиги (гипоксия, қ.) вужудга келади. Захарланишнинг клиникаси газнинг миқдорига боғлиқ. Агар ис газини билан 60—70% гемоглобин бирикса, унда киши ўлади. Суд тиббиёти текшируви натижасида мурдани ёрганда, қон суюқ ва қип-қизил ранга эга бўлади. Карбоксигемоглобиннинг мавжудлиги қон таркибида спектроскоп ёрдамида аниқланади.

**ГАЗЫ ПОРОХОВЫЕ** — порохли газлар. Отиш натижасида порохнинг куйишидан пайдо бўладиган маҳсулот. Порох газлари милтиқ, тўппонча найларининг ичида катта босим ҳосил қилиб, ўқни ҳаракатга келтиради. Босимнинг меъёри 2—3 минг атмосферагача кўтарилади. Шунинг учун 2—5 см масофада унинг механик таъсири кийим ва яра атрофидаги тўқимани ёради. Терини суякдан ажратади. Ички аъзоларни ҳам ёради, уларнинг рангини ўзгартиради (қип-қизил тусга айлантиради) — карбоксигемоглобин ҳосил қилиш натижасида.

**ГАИ** — (Государственная автомобильная инспекция) сўзларидан олинган — Давлат автомобил инспекцияси.

**ГАПТОГЛОБИН** — гаптоглобин (юнонча — hapto, тегишмоқ + лотинча globus — шар). Зардобда учрайдиган  $\alpha_2$  глобулинлар фракцияси. Гаптоглобин гемоглобин билан қўшилиб, яхлит бирикмалар ҳосил қилади Нр 1—1, Нр 2—1 ва Нр 2—? — тафовут қилинади. Гаптоглобин ташқи муҳит таъсирига чидамли, изосерологик системалар билан боғлиқ эмас. Ҳар бир шахс ўзига хос гаптоглобин гуруҳига эга бўлади ва ирсият орқали пушларга ўтказилади. Мазкур хусусият суд тиббиёт экспертизасида кенг равишда фойдаланилади. Масалан, волида ва волидиялик баҳсли экспертизаларида қўлланилади.

**ГАНГСТЕР** — гангстер. Америка Қўшма Штатларида сотқин амалдорлар ҳимоясида бўлган бандит, босқинчилар тўдасининг аъзоси.

**ГАММА-ГЛОБУЛИН** — Гамма-глобулин. Одам ёки ҳайвонлар қон плазмасида учрайдиган оқсиллар фракцияси. Унинг таркибида бактериялар ва вирусларга қарши антителалар бор.

**ГЕМАТИН** — гематин (юнонча *haima* — қон) — гемоглобин маҳсулотидир. Жавҳар ва ишқор таъсиридан гемоглобиндан глобин ажралиб чиқиб, гем оксидланади, гематин ҳосил бўлади. Бунинг натижасида темир 3 валентли шаклида ўтади. Гематин бошқа бирикмалар билан, масалан галлоидлар билан бирикиб, гемин ҳосил қилади. Бу хусусият суд тиббиёт амалиётида қон доғларини аниқлаш учун қўлланилади ва доғдаги қоннинг мавжудлигини аниқлашнинг энг ишончли усулларида ҳисобланади. Гемин кристаллари билан синаш усулини 1853 йилда Тейхман кашф қилган (Хлоргемин кристаллари). Кейинчалик, гемин кристалларини бошқа галлоидлардан (йод — гемин, бром — гемин ва ҳасказо) ажратиб олиш мумкинлиги аниқланган. Гемин кристалларининг ҳосил бўлиши доғда қон мавжудлигини кўрсатади, бироқ салбий тажриба ҳам унинг йўқлигини кўрсатиб беба олмайди, чунки, ташқи муҳитнинг купгина омиллари бу тажрибага (реакцияга) ёмон таъсир қилиши мумкин. Шўр ва нордон гематинини (хлоргемин) аниқлаш тажрибасида сирка кислотаси (жавҳари), ош тузи қўлланилади ва иситилади (қиздирилади). Бунинг учун доғнинг сиртидан қириб олинган қириқдини буюм шиша устига тўкиш керак. Сўнгра унга ош тузининг бир нечта доначаларини ва бир-икки томчи сирка жавҳаридан қўшилади. Унинг устини қонлагич шиша билан ёпиб, аланга устида қиздирилади. Агар доғда қон мавжуд бўлса, унда заррабин остида қийшиқ параллелограммалар, жигарранг кристалларни кўриш мумкин.

**ГЕМАТОЛОГИЯ СУДЕБНО-МЕДИЦИНСКАЯ** (юнонча *haima* — қон ва *logos* — фан), суд тиббиёти гематологияси. Гематология юнонча сўз, суд тиббиёти гематологияси — суд тиббиёт фанининг бир бўлиmidир. Қон таркибидаги оқсил моддаларни текшириш, одам қон гуруҳларини аниқлаш, антиген антителаларни текшириш, қондаги бўлган ўзгаришлар механизмини ўрганиш билан шуғулланадиган фан. Қондан пайдо бўлган доғларни текшириш, қайси ҳайвонга ёки одамга тегишлилигини аниқлаш ва бошқа суд тиббиётига оид бўлган саволларни ечиш масаласи экспертизада муҳим аҳамиятга эга.

**ГЕМОТОРАКС, ПРИЗНАКИ НА ТРУПЕ** — гемоторакснинг мурдадаги белгиси. Гемоторакс — (юнонча *haimo* — қон ва *thorax* — кўкрак), кўкрак қафасидаги плевра бўшлиғида қон йиғилиши. Жароҳатланиш механик шикастланиш ва ички қон кетиш натижасида плевра бўшлиғида қон йиғилади. Унинг миқдори айрим вақтларда 1000 см<sup>3</sup> гача ва ундан ҳам кўп бўлиши мумкин. Қон кетиш билан биргаликда плевра бўшлиғида ҳаво ҳам йиғилиши мумкин. Ушбу ҳолатни гемопневмоторакс деб аталади. Гемопневмоторакс икки турли, яъни очиқ ва ёпиқ бўлиши мумкин. Масалан, кўкрак қафасига пичоқ билан санчиб жароҳат етказилса, унда очиқ яра орқали ҳаво кириб, қон билан биргаликда плевра бўшлиғида йиғилади. Мазкур ўзгаришларни мурдани ташқи ва ички текширишда кўриш мумкин.

**ГЕМАТОПАРФИРИН** — гематопарфирин (юнонча *haima* — қон + қирмиз), гемоглобин чуқур ўзгаришида пайдо бўладиган маҳсулот. Мазкур гемоглобин маҳсулотининг эскирган қон доғларидан концентранган сульфат кислотасининг таъсирида олинади. Суд тиб-

тиги амалиётида доғларда қон мавжудлигини аниқлаш учун қўлланилади. Гематографирин махсус спектр ютиш қобилиятига эгадир. Ютилган спектрларнинг биринчиси ингичка, Фраунгорф Д чизиғидан чанда жойлашган (605—590 нм), иккинчиси — қалин Д ва Е чизиқлари оралиғида спектрнинг сариқ-яшил қисмида (565—540 нм) жойлашган.

**ГЕМОЛИЗ, СУДЕБНО-МЕДИЦИНСКОЕ ЗНАЧЕНИЕ** — гемолизнинг суд тиббиётидаги аҳамияти. Гемолиз (юнонча *haima* — қон + *lysis* — эриш). Эритроцитларнинг эриш жараёнида гемоглобин чиқиб, қон зардобига тушади. Механик, химик, биологик ва бошқа муҳитлар таъсири остида эритроцитларнинг бутунлиги бузилади ва гемоглобин озодланади, зардобни қизил-қизил рангга айлантиради. Агар тўғри келмаган қон гуруҳи қўйилса, қон заҳарлари таъсиридан, масалан сенил жавҳари, илон заҳари, дори-дармонлар ва бошқалар таъсиридан гемоллиз, яъни эритроцитлар парчланади, эрийди. Мазкур ҳол аллергия ҳолатларида ҳам учрайди. Шунинг учун суд тиббиёти амалиётида буларни аниқлаш ташхисни қўйишда, воқеанинг келиб чиқишини аниқлашда ёрдам беради.

**ГЕМОХРОМОГЕН** — гемохромоген (юнонча *haima* қон + *chroma* — ранг) гемоглобин маҳсулоти. У гемотинга тикловчи моддалар (аммоний сульфати, натрий гидросульфат) таъсиридан, глобин мавжудлигида ҳосил бўлади. Гемохромоген нормал ҳолатларда, қон таркибида бўлмайди. Суд тиббий амалиётида доғларда қон мавжудлигини аниқлаш учун қўлланилади. Ишқор таъсиридан гемоглобин гемохромогенга ўтади. У ўзига хос ютиш спектрига эга (икки ютиш чизиғи спектрнинг сариқ-яшил қисмида жойлашган). Биттаси чапда — жадаллироқ (565—550 нм), иккинчиси жадалсиз унча яхши кўринишга эга бўлмаган ўнг тарафида жойлашган (535—520 нм). Мазкур ютиш чизиқлари (гемохромоген)нинг мавжудлигидан қон доғларининг энг кам миқдорини ҳам топиш мумкин. Агар қон доғларидан олинган қириндиларига Такайма реактивини (натрий ишқори, пиридин, глюкоза эритмасидан иборат) томизса, унда гемохромоген кристаллари ҳосил бўлади. Микроскоп орқали улар қизил, қирмизи рангли қалдирғоч қанотлари шаклига эга бўлган кристалларни эслатади. Гемохромоген кристалларининг мавжудлиги, шубҳасиз қон доғлари борлигини кўрсатади.

**ГЕНОМ** — геном — ирсият бирликлари; генларни ўзида мужасам этган хромосомалар мажмуаси — ирсият бирликлари. Ушбу терминни 1920 йил немис биологи Г. Винклар таклиф қилган.

**ГЕНОТИП** — генотип (юнонча *genos* — авлод ва *typos* — из), 1- организмда хромосомаларда тарқалган барча генлар мажмуаси. 2-геном, плазмондга кирувчи ҳамма ирсият омилларининг мажмуаси. Бу атамани фанга 1903 йилда даниялик биолог В. Иогансен киритган. Ҳозирги замон генетикаси генотипни генлар системаси деб, унинг таркибидаги ҳар бир ген бошқа генлар билан ўзаро мураккаб таъсирда бўлади, деб қарайди (яна қаранг фенотип). Генотип организмнинг генетик (ирсий) конституцияси, унинг барча генлари мажмуи.

**ГЕРМАФРОДИТИЗМ ПРИ ЭКСПЕРТИЗЕ СПОРНЫХ ПОЛОВЫХ СОСТОЯНИЙ** — гермафродитизмнинг баҳсли жинсий суд тиббиёт экспертизаси. Мазкур экспертиза эндокринолог, гинеколог, психиатр иштирокида ўтказилиши лозим. Экспертизанинг мақсади шахснинг ҳақиқий жинслигини, гермафродитизм мавжудлиги, унинг турини аниқлашдан иборат. Гермафродитизм (хунасалик) бир организмда ҳам эркак, ҳам аёл жинсий органларининг бўлишидир. Табиий гермафродитизм асосан умуртқасиз ҳайвонларга хос. Ано-



мал гермафродитизм одамда ҳам учрайди. У ҳақиқий ва сохта гермафродитизмларга бўлинади. Ҳақиқий икки жинсли (гермафродитизм), яъни киши ҳам эркак, ҳам аёл жинсий органларга эга бўлиши табиатда ниҳоят кам учрайди. Учраган тақдирда ҳам бу органлар кўпинча тулиқ ривожланмаган бўлади. Ҳақиқий гермафродитизмга nisбатан сохта (нотўғри) гермафродитизм кўпроқ учрайди. Бу ҳолда жинсга тегишли ҳамма жинсий безларни кўришимиз мумкин. Аммо, бу билан бир қаторда у кишининг баданида иккинчи жинснинг белгилари ҳам бўлади.

**ГЕРОНТОЛОГИЯ** — геронтология (юнонча *geron* — қария, *logos* — фан). Геронтология тирик организмларнинг, шу жумладан инсоннинг қаришини ўрганадиган фан.

**ГЕТЕРОГЕННАЯ СИСТЕМА** — гетероген система (юнонча *heteros* — бошқа, *genos* — насл, уруғ), ҳар хил жинсли физик ёки химик хоссалар; ушбу сиртлар турлича бўлади. Ҳар хил жинсдан таркиб топган системалар гетероген системалар дейилади. Агар шундай чегара сиртлари бўлмаса, система бир жинсли гомоген ҳисобланади.

**ГИЛЬЗА** — гильза, ўқнинг бир қисми. Гильза ўқ билан қўшилиб, умумийлик ташкил этиб, у порох зарядини ташқи муҳит таъсиридан сақлайди. Порохнинг куйиши натижасида пайдо бўлган газ гильза туфайли орқага қараб бормайди, портламайди. Гильзалар бир неча хил бўлиши мумкин. Шакл жиҳатидан цилиндрик бўлиши мумкин. Гильзалар металлдан ёки картондан бўлади. Кўпинча ов милтиғи учун картонли гильзалар тайёрланади. Унинг тагида махсус ин ўрнатилган, унинг ичида эса капсула жойлашган. Гильза турлари: 1) ов милтиғи патронининг гильзаси металл ва картондан бўлиб, порох заряди, снаряд (питра ўқ) ва пиж билан тўлдирилади; 2) ўқотар қурол патронининг гильзаси кичкина бўлади, у порох зарядининг уч қисмига маҳкамланган ўқ билан биргаликда ўқотар қурол патронини ташкил қилади; 3) артиллерия гильзаси порох заряди, алангалатувчи воситалар (капсуля)ни жойлаштириш учун мўлжалланган юпқа метал стакан.

**ГИПОСТАЗЫ ТРУПНЫЕ** — мурда гипостази, мурда доғларининг биринчи босқичи киши ўлгандан кейин, терисининг пастки қисмларида (қоннинг оқиб тушиши натижасида) 2—3 соат вақт мобайнида пайдо бўлади. Айрим вақтларда, масалан қон кетиши натижасида бу муддат чўзилади. Гипостаз босқичида мурда доғларини бармоқ билан босганда ўзгаради, доғлар йўқолади, чунки қон томирчалар ичидан (босилган бармоқ ўрнида) чиқади ва бир неча секунд ўтгандан кейин қайтадан ўз жойига тикланади, аввалги ранги пайдо бўлади. Мурда доғларининг ранги кўкиш, кўк-қизилдир. Агар мурда ҳолати ўзгартирилса, қон ўзгартирилган томонга қараб пастга тушади. Мурда чалқанча ётган бўлса, кўк-қизил рангдаги доғлар тананинг орқа юзасида, бўйнида, гоҳи оёқ-қўлларида пайдо бўлади. Уларнинг ранги аста-секин заифлашиб, ён томонларида йўқола боради. Орқа томонидан мурданинг тиралиб турган қисмлари — думба, курак ва елкаларининг ўлимтик оқиш рангда бўлиб, умумий бўлган тўқ қизил ранг ичида яққол ажралиб туради. Агар мурда тиралиб турган юзаси нотекис бўлса, мурда танасидаги ички кийимнинг майда бурмалари, терининг тегиб турган жойлари оқиш рангда, уларнинг оралиқлари эса тўқ қизил рангда бўлади. Гемоглобиннинг ранги бирор сабаб билан ўзгарса, унга боғлиқ ҳолда мурда доғининг ранги ҳам ўзгаради. Масалан, углерод оксиди билан заҳарланганда мурда доғлари оч қизил рангда бўлади. Агар мурда иссиқ жойдан совуқ жойга кўчирилса ёки уни тескариси бўлган ҳолда доғлар

Бир қанча вақтгача юқоридагидек рангда бўлади. Мазкур ҳолатнинг сабаби, намликнинг пайдо бўлиши ва унинг суви таркибидаги кислороднинг гемоглобин билан қўшилиб, оксигемоглобин пайдо бўлишидир. Окси ва карбокси (углерод окиси) гемоглобиннинг ранги бир хил. Метгемоглобин ҳосил қилувчи заҳарлар билан заҳарланганда мурда доғлари кулранг тусда бўлади. Тери кориуми (дермаси — эпидермис остида жойлашган ҳақиқий тери қавати) оқ рангда бўлади. Кесилганда корпум гипостатик доғлари кўкимтир тусда бўлиб, томирлар майда қизғиш рангда бўлади. Унинг кесилган сатҳида борган сари кўпайиб борувчи майда-майда қон томирчалари кўринади: Тери ости ёғ қаватида қонга тула вена томирлари кўринади: веналарнинг бутунлиги бузилса, улардан қон оқиб чиқиб, тезда ёйилиб кетади.

**ГНИЕНИЕ ТРУПНОЕ** — мурданинг чириши; мурданинг кечки узғаришларининг бир тури. Мурданинг чириши асосан биологик жараёндир. Тўқима оқсиллари чириydi. Чириш микроорганизмлар туфайли содир бўлади ва шунинг учун чиришни физик-кимёвий қондалар эмас, биологик қонуният бешқаради. Микробларнинг татсирига кўра чириш икки гуруҳга бўлинади. Биринчиси, фақат оқсил парчаланшининг дастлабки маҳсулотларини — альбумозлар, пептонлар, аминокислоталарни берса, иккинчиси эса (ҳақиқий чириш микроблари — сапрогенлар) оқсилнинг парчаланishi, аминокислоталар ҳосил қилиш билан тухтамай — аминокислоталарнинг ёғли қатори — аммиак ва ёғ кислоталарини беради. Оқсилларнинг чиришидан яна заҳарли асослар — пгомаинлар ҳосил бўлади. Ўзининг кимёвий ва физикавий хоссалари билан улар ўсимлик заҳарларини — алколоидларни эслатади. Холин ва ундан ҳосил бўлувчи мускарин, бетаин, путресцин, кадаверин ва унинг изомерлари бўлган нейридин ва саприн ҳам шулар жумласидандир. Чириш, ўзида миллиардлаб чириш микробларини тутувчи меъда-ичак йўлидан бошланади (агар ўлган ҳайвоннинг меъда-ичаги олиб ташланса, унинг танаси узоқ вақт сақланади). Бу эса микроорганизмларнинг ривожланишига пўл очади. Улар тўқималарнинг ичига киради ва қон, лимфа томирларига тушади. Чириш юз бераётганда ичакларда кўплаб газлар пайдо бўлади, уларнинг ташқарига ажралиб чиқиши деярли бўлмайди. Бу газлар тўпланиб борган сари қорин бўшлиғида босимни оширади ва қорин бўшлиғи томирлари ичидаги қон, лимфа билан бирга микроорганизмлар чекка томирга қараб сиқилади.

Микробларнинг тўқималар ичига киришига терининг муғуз қавати қаршилик кўрсатади. Агар эпидермиснинг бутунлигига путур етса, масалан, очиқ яралар бўлганда, бу яра бўлган жой тезда чирий бошлайди. Тобут билан кўмилган мурдалар, тўғридан-тўғри ерга кўмилган мурдаларга нисбатан секинроқ чириydi. Катталарнинг мурдаларига нисбатан болаларнинг мурдалари, семиз кишиларнинг мурдалари эса озгин кишиларнинг мурдаларига нисбатан тезроқ чириydi. Тери ва териости қаватлари бутунлигининг кенг масофада жароҳатланиши яра юзасида чириш микробларининг жойлашиши ва кўпайишига имконият туғдиради. Натижада чириш жараёни организмни ҳам ташқаридан, ҳам ичкаридан эгаллаб олиб, тез кечади. Сепсис ва пиемия чириш жараёнини жуда ҳам тезлаштиради. Агар ўлим секинлик билан аста-секин содир бўлса, микроблар ўлим содир бўлишидан олдинроқ ичаклардан қонга ўтади, қон эса ҳамма орган ва тўқималарга ўтади. Чиришни кечиктирувчи омиллар ҳам мавжуддир. Кўп қон кетиш организмнинг сувсизланишига олиб келади ва чириш секинлашади.

**ГОМОСЕКСУАЛИЗМ** — гомосексуализм (юнча — homos —

тенг, бир хил + лотинча *sexuolis* — жинсий) — ноҳуя жинсий алоқага ғайритабиий ўз жинсига мансуб шахслар билан жинсий алоқада бўлиш. Эркакнинг эркак билан, аёлнинг аёл билан жинсий алоқада бўлиш. Ўзбекистон жинсий кодекси бўйича фақат эркакнинг эркак билан бўлган жинсий жинсий алоқасига жазо моддаси белгилашган.

**ГОСУДАРСТВЕННОЕ ПРАВО** — давлат ҳуқуқи, давлат ҳокимияти ва маъмурларни тузиш системаси ва асосларини, улар расмиятини, сайлов системасини, мамлакатни давлат ва ижтимоий тузилиши қондаларини, фуқароларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини тартибга солувчи ҳуқуқий нормалар мажмуи. Ўзбекистонда давлат ҳуқуқининг асосий манбаи — Ўзбекистон конституциясидир.

**ГРАЖДАНСКИЙ КОДЕКС** — фуқаролик кодекси (ФК), фуқаролик ҳуқуқининг муайян система бўйича жойлаштирилган нормаларини ўз ичига олувчи қонун. ФК да қуйидаги бўлимлар бор: умумий қондалар, мулк ҳуқуқи, мажбурият ҳуқуқи, муаллифлик ҳуқуқи, кашфиёт ҳуқуқи, ихтирочилик ҳуқуқи, ворислик ҳуқуқи, чет эл фуқароларининг ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ҳуқуқ лаёқати.

**ГРАЖДАНСКИЙ ПРОЦЕССУАЛЬНЫЙ КОДЕКС** — фуқаролик процессуал кодекси (ФПК), фуқаролар процессуал ҳуқуқи нормалари системалаштирилган қонун.

**ГРАЖДАНСКОЕ ПРОЦЕССУАЛЬНОЕ ПРАВО** — фуқаролик процессуал ҳуқуқи судда фуқаролик ишларни куриш ва ҳал қилиш тартибини, суднинг, суд ижрочисининг, шунингдек жараён иштирокчиларининг фаолиятини тартибга солувчи ҳуқуқ соҳаси.

**ГУМИНОВЫЕ КИСЛОТЫ** — гумин кислоталари, туқ рангли органик моддалар, қайсиким нобуд бўлган усимликларнинг парчаланиши ва гумификация жараёнида ҳосил бўлади. Ушбу жараёнлар гумус, торф, қўнгир кўмирда бўлади. Шу жойларда қолган мурдалар ҳам вақт ўтиши билан шу жойга хос ўзгаришларга учрайди. Бундай ҳолат мурданинг торфсимон ошланиши деб аталади. Бунда гумификация пайдо бўлиши мумкин (яъни макро-микроорганизмлар намлик ва атмосфера кислороди таъсирида органик қолдиқлар парчаланиш маҳсулстининг гумусига айланишидаги биокимёвий жараённинг пайдо бўлиши).

## Д

**ДАВНОСТЬ ПОВРЕЖДЕНИЙ** — жароҳатларнинг муддати; жароҳатлангандан, то уни куриқдан ўтказган вақтини аниқлаш. Тирик шахсларнинг гувоҳлантириш ва мурдаларни текшириш пайтида жароҳатларни, шунингдек муматалоқ, шилинма, яра ва ҳоказоларнинг рангига, ҳолатига, чандиғига ва бошқа ўзгаришларига қараб, жароҳатларнинг пайдо бўлишидан ҳозирги қадар ўтган вақтини аниқлайди. Суяк синиқларини, уларнинг битиш жараёнига қараб жароҳат муддатлари аниқланади. Шуни ҳам таъкидлаб ўтиш керакки, юқорида кўрсатилган ўзгаришларда ҳар бир шахснинг ўзига хос муддатлари бўлиши мумкин. Шунинг учун жароҳатларнинг муддатини аниқлаганда, шуларга эътибор бериш керак.

**ДАВНОСТЬ СМЕРТИ** — ўлим муддати; ўлим содир бўлгандан то мурдани текшириш жараёнигача бўлган вақт. Ўлим муддатини аниқлаш мурдадаги ўзгаришларга, яъни ўлгандан кейин ҳароратнинг ўзгаришига, мурданинг совишига, қотишига, мурда доғларининг пайдо бўлишига асосланган. Бундан ташқари, мурда



мушакларининг электрик қўзғалиши, кўз қорачиғининг реакцияси, қон, орақ мия суюқлиги, ички орган ва тўқималарнинг ўзгаришларига асосланиб ўлим муддатини, яъни ўтган вақтнинг аниқлашдилар. Ўлим муддатини аниқлаш учун охириги вақтларда гистохимия, биохимик, хроматографик, спектрографик ва бошқа усуллар кенг равишда қўлланилади. Шунинг ҳам таъкидлаб ўтиш керакки, ўлим муддатини аниқлаш учун дастлабки мурда белгилари билан бир қаторда, кечки мурда белгиларидан ҳам фойдаланилади.

**ДАКТИЛОСКОПИЯ** — дактилоскопия (يونونча *daktylos* — бармоқ, *skopeo* — кураман) — бармоқ изларини текшириш йўли билан шахсни аниқлаш усули. Ҳар бир шахснинг ўзига хос бармоқ излари бўлади. Шунинг учун кишиларнинг бармоқ излари бир-бирига ўхшамаслиги туфайли, бармоқ изларини текшириш йўли билан жиноятчилик аниқланади. Дактилоскопия илгари суд тиббиёт экспертиза муассасаларида ўтказиладиган бўлса, ҳозирги пайтда у криминалистика фаинининг бир соҳаси бўлиб ҳисобланади. Шахсни идентификация қилиш, жиноятчини қайд этиш ва қидириш учун қўл бармоқлари учиданги тери изларининг тузилиши ўрганилади.

**ДЕВСТВЕННАЯ ПЛЕВА** — қизлик пардаси, ушбу нарда қизнинг боиланиши ва сийдик чиқариш тешиги билан чегараланган. Парданинг ўзи қиз шиллиқ пардаси, гўшт толалари, қон ва нерв томилрларининг мажмуидир. Қизлик пардасининг асосий қисми ва атрофлари тешиктан иборат. Қизлик пардаси жуда ҳам кун шаклларида бўлади, аммо энг кўп учрайдиганлари ҳалқасимон ва ярим-ойсимон шаклга эгадир.

**ДЕЙСТВИЕ ПЛАМЕНИ, ПРИЖИЗНЕННОЕ** — аланганинг ҳаётли таъсири; аланганинг тирик танага таъсир белгилари; тирик тананинг аланга таъсирдан ўзгаришлари; аланганинг тирик шахсга таъсири қуйидаги белгилар билан таърифланади: кўз атрофида терининг жароҳатдан холи бўлиши, нафас йўлларининг ичида (ҳалқум, кекирдик, бронхлар, альвеолалар) қурумнинг мавжудлиги, нафас йўллари шиллиқ пардасининг куйиши, юракдаги қон таркибида карбоксигемоглобиннинг мавжудлиги, ўпкадаги қон томилрларида ёғ эмболиясининг борлиги ва бошқалар.

**ДЕЙСТВИЕ ПУЛИ, ГИДРОДИНАМИЧЕСКОЕ** — ўқнинг гидродинамик таъсири. Мазкур ҳолат ўқнинг суюқлик, ярим суюқлик билан тўлган аъзоларга тегиши натижасида пайдо бўлади (бош мия, суюқлик билан тўлган ошқозон, сийдик пуфаги ва қон билан тўлган юрак). Ўқнинг энергияси суюқликка тенг тарқалиб, ҳамма органларнинг деворларигача боради. Натижада аъзолар ёрилади ва мураккаб ўзгаришларга олиб келади.

**ДЕЙСТВИЕ ПУЛИ, КЛИНОВИДНОЕ** — ўқнинг понасимон таъсири. Мазкур таъсир ўқнинг кинетик энергияси пасайиши натижасида вужудга келади. Ўқ фақат тўқимани суради, яъни понасимон кириб кетади. Ўқнинг кириш тешиги тирқиш шаклига эга бўлади. Тўқима нуқсони (йўқлиги) кузатилмайд.

**ДЕЙСТВИЕ ПУЛИ, КОНТУЗИОННОЕ** — ўқнинг контузион таъсири. Мазкур таъсир ўқнинг кинетик энергиясининг ниҳоят камайишидан келиб чиқади. Шунинг учун ўқнинг теккан жойи тешилмайди, фақат шишиб, тўқималарни юзаки жароҳатлантиради, яъни контузияга олиб келади. Демак, ўқнинг таъсири ўтмас буюмнинг таъсирига ўхшайди. Аммо, энг кўп учрайдиганлари ҳалқасимон ва ярим-ойсимон шаклга эгадир.

**ДЕВСТВЕННОСТЬ** — қизлик, ушбу сўз билан ифбат, қизлик пардасининг бутунлиги таърифланади. Қизликни аниқлаш жинсий жинной экспертизада муҳим аҳамиятга эгадир. Ушбу экспертиза

номусга тегиш, балоғатга етмаган қизларга уйланиш (ва бошқа шунга ўхшаш) ва одам шаънига доғ тушириш ҳолларида ўтказилади. Иффатнинг бузилиши дефлорация (қ.) деб аталади.

**ДЕЕСПОСОБНОСТЬ** — лаёқатли, ишга яроқли; шахснинг ўз фуқаролик бурчини тўғри ижро этиши; қилган хатти-ҳаракатларининг юридик жиҳатдан тушуна олиши (масалан шартномалар тузиш ва б). Тўлиқ лаёқатлилиқ балоғатга етганлигидан, яъни 18 ёшдан бошланади. Балоғат ёшига етмаган 15—18 ёшгача бўлган шахслар — қисман лаёқатли деб ҳисобланади. Улар турли келишиб олиш ҳаракатларини ижро этишлари мумкин. (Лекин, фақат ота-онанинг ва қарамоғига олган шахснинг руҳсати билан). 15 ёшга кирган шахслар шартнома асосида мустақил ишлашлари мумкин. 15 ёшдан кичик бўлган шахслар учун бу вазифани юридик жиҳатдан ота-она, қариндошлар, қарамоғига олган шахслар ҳал қиладилар. Айрим ҳолларда, лаёқатлилигига қарамай, баъзи шахсларни (сиртлик ичимликлар, наркотик моддаларни истеъмол қилувчи, рўзғорда иқтисодий оғирлик келтирувчи) суд ажрими билан эркинликдан четлаштириш мумкин.

**ДЕЗОКСИРИБОНУКЛЕИНОВАЯ КИСЛОТА** — дезоксирибонуклеин кислота (ДНК) хромосома моддасининг ҳосил қилишда қатнашадиган, юқори полимерли табиий бирикма, тирик организм ҳужайраларининг ядролари таркибига киради; аммо кислота, асосан хромосомалар таркибиде бўлади; ҳужайралар бўлишида ДНК аниқ тикланади, бу эса ҳужайра ва организмларда ирсий белгилар ва моддалар алмашинувишининг ўзинга хос шакллари наслдан-насла ўтишини таъминлайди; ДНК генетик информация ташувчи, унинг айрим қисмлари ирсий хусусиятга эга бўлади.

**ДЕЙСТВИЕ ПУЛИ, ПРОБИВНОЕ** — ўқнинг тешиб ўтиш таъсири. Ушбу ҳолат ўқнинг катта тезлик билан, яъни юқори кинетик энергия билан учини натижасида пайдо бўлади. Бундай ўқ теккан жойдан тўқимани ажратиб, ўзи билан олиб кетади. Натижада кириш тешигида тўқима нуқсони, яъни тўқиманинг йўқлиги кузатилади.

**ДЕЙСТВИЕ ПУЛИ, РАЗРЫВНОЕ** — ўқнинг ёриш таъсири. Ўқнинг ниҳоят катта тезлик, яъни кинетик энергиянинг юқори даражасига эга бўлган вақтида мазкур ўқ таъсири кузатилади. Бундай пайтларда ўқ қирқилган ҳавони ўз униси олиб бориб, мўлажалланган жойда ўзидан бундан қирқилган ҳаво кириб тўқимани ёради. Шундан келин ўқнинг ўзи киради.

**ДЕЙСТВИЯ РАЗВРАТНЫЕ** — ножўя ҳаракатлар. Эракк ёки аёллар томонидан ўз жинсига мос ёки бошқа жинсли ўсмирларга нисбатан ножўя ҳаракатлар қилинса, жинсий иш қўзғатилади. Ножўя ҳаракатлар деб киши қўллари билан ўсмирлар жинсий аъзоларига тегиши, ёхуд ўз жинсий аъзоларини улар танасига ишқалашни ёки уларга турли айбли расмларни кўрсатиши тушунилади. Ножўя ҳаракатларнинг бошқа турлари ҳам учраб туради, аммо буларнинг ҳаммасини тергов орқали аниқлаш мумкин. Ушбу ҳолатлар тўғрисида экспертиза ўтказилганда, суд тиббиёти эксперти жуда ҳам қийин аҳволга тушади, чунки ножўя ҳаракат белгилари ниҳоят кам бўлади. Шунинг учун сперма доғларининг жинсий аъзолар атрофида топилиши муҳим роль ўйнайди. Айрим вақтларда турли жароҳатлар, масалан шилиниш, таталаниш, мўматалоқ изларининг жинсий аъзолар атрофида мавжудлиги, юзак жароҳатларини кириш тешигида, қиннинг шиллиқ пардасида топилиши ҳам ҳақиқатдан мазкур воқеа рўй берганлигининг далили бўла олади.

**ДЕМАРКАЦИОННАЯ ЛИНИЯ** — демаркация чизиги соғлом ҳаётга эга бўлган тўқимани — ҳаётсиз, ўлаётган тўқимадан ажратиб гурувчи чизик. Ушбу чизик кииникининг бойланган жойида пайдо бўлади ва ундаги ўзгаришларга асосланиб гудакнинг туғилишидан то ўлгушигача ўтган вақтни аниқлаш мумкин. Демаркацион чизик ҳалқасимон бўлгани учун уни демаркацион ҳалқа деб айтилади.

**ДЕНАТУРАЦИЯ БЕЛКОВ** — оқсиллар денатурацияси; оқсилларнинг тузилиши ва табиий хоссасининг ўзгариб кетиши. Ушбу ҳолат муҳитнинг физик ва кимёвий шаронти, масалан ҳарорати, босими ва бошқалари ўзгарганда пайдо бўлади.

**ДЕОНТОЛОГИЯ, СУДЕБНО-МЕДИЦИНСКАЯ** — суд тиббиёти деонтологияси. Деонтология (يونونча deon — зарур, керак, лозим, logos — таълимот) халқ соғлиқ-саломатлигини кўзлаб, киши учун яхшилик, эзгулик, хайрли иш қилиш, киши ахлоқ-идрокларини яхшилаш тўғрисидаги таълимот. Деонтология термини инглиз философи Н. Бентам (1748—1882) томонидан ахлоқ назариясини англаш учун киритилган. Деонтологча билан этикани ажратиб бўлмайди. Бу иккала тушунча бир-бирига яқин. Суд тиббиёт деонтологияси тиббиёт деонтологиясининг бир қисми. Бу суд тиббиёт касб эгаларининг умумий этика ва деонтологияси, яъни хулё, ахлоқ тўғрисидаги қоидалари. Ҳаким этикаси ва тиббиёт деонтологиясида асосий эътибор киши хушхулклигига, ахлоқлиликка қаратилган, шунингдек тиббиёт ходимларининг ахлоқий, одобий, маънавий хатти-ҳаракат қоидаларини ифодалайди. Агар ҳакимлик деонтологияси ҳакимнинг беморга нисбатан хулёқий, касбий ахлоқий бурчлари ва ўзини тутиш қоидаларини ифодаласа, суд тиббиёт деонтологияси экспертни жабрдийда, жабрланувчи, уларнинг ёруқариндошларига нисбатан касбий ахлоқий бурчлари, ўзини тутиш қоидаларини ифодалайди. Жабрдийдаларни гувоҳлантиришда, мурдаларни текширишда суд тиббиёт экспертлари ўзларига хос қоидаларга риоя қилишлари лозим. Эксперт билан жабрдийда (уларнинг қариндошлари) оралигидаги муносабатни олганда, жабрдийдаларнинг руҳий ҳолатини инobatга олиш даркор. Айниқса тан жароҳатлари, ножўя ҳаракатлари, баҳсли жишсий ҳолатлари, жинсий жишоатлари, номусга тегиш ва бошқа шунга ўхшаш экспертизаларни ўтказиш жараёнида, эксперт суд тиббиёти деонтологиясига риоя қилиши зарур.

**ДЕСОРБЦИЯ** — десорбция (лотинча) адсорбентларга (қаттиқ жисм) ютилган модда; газ, буг суюқликларининг улардан ажралиб чиқиши. Ушбу усул суд тиббиёти далилий ашёларининг текширилишида кенг қўлланилади, масалан қон, сўлак, сперма, тер ва бошқа шунга ўхшаш доғлар гуруҳини аниқлашда нейтрал эритувчилар ёрдамида қайта амалга оширилади.

**ДЕСПОТИЗМ** — деспотизм (يونонча), ўзбошимчалик, эркни топташ, четланмаган мустабид, тирик ҳокимият шакли.

**ДЕТЕРМИНИЗМ** — детерминизм (лотинча — белгилайман), барча ҳодисаларнинг ўзаро объектив қонуний алоқадорлиги ва сабабий боғланиши тўғрисидаги таълимот; сабабиятнинг умумийлигини инкор этувчи индетерминизмга зиддир; детерминизм — фалсафий концепция, унга кўра, ҳодисаларнинг умумий қонунли ўзаро боғлиқлиги ва унинг сабабий алоқадорлиги объектив мавжуддир, бунда бир ҳодиса зарурий тарзда бошқа ҳодисани келтириб чиқаради. Ушбу концепция амалий ҳамда илмий билим ютуқларини умумлаштириш асосида ривожланган. Индетерминизм эса ҳодисалар орасидаги алоқадорликни инкор этади, ҳодисалар ўртасидаги сабабий боғланишни худо амалдан белгилаб қўйган, деб ҳи-



соблайди. Детерминизмни муайян концепция механистик шакл билан тенглаштириб бўлмайдиган жуда кўп сабабий алоқадорлик шакллари мавжудлигини эътироф этади; бу шакллар фақат зарурий омиллар ёрдамида эмас, балки тасодифий омиллар ёрдамида ҳам амалга оширилиши мумкин, бу тасодифий омиллар ҳам зарурий омиллар каби объектив мавжуддир деб билади.

**ДЕТОУБИЙСТВО** — гўдак ўлдириш — онанинг ўз чақалогини қасддан ўлдириши. Ушбу ҳолат кўпинча яширин туғишларда учрайди. Зеро ҳомиладор бир ўзи, гуёҳсиз, туғиш жараёнида ёки уша туғган заҳоти гўдакни ўлдирса, у албатта ўлдирган гўдакни турли жойларга ташлаб кетиши мумкин. Шунинг учун гўдак мурдаси ўрмон, чердак, кўприк ости, ҳожатхона ва бошқа шунга ўхшаш жойлардан топилади. Тугаётган аёлнинг аҳволи оғир бўлганда, у ўлдирилган гўдакни воқеа содир бўлган жойдан узоққа олиб бормай, яқин атрофларга ташлайди. Икки хил гўдак ўлдириш тафевут қилинади: 1 — фаоллиятли ва 2 — фаолсиз гўдак ўлдириш. Биринчисидан она ўз боласини фаол равишда ўлдирди, масалан, ўз гўдагининг бошига қаттиқ буюмлар билан (тош, кесак, таёқ) уриб ёки қўллари билан болани бўғиб ўлдириши мумкин. Гўдак ўлдиришнинг иккинчи, фаолсиз хили гўдакни туққандан кейин қарвсиз қолдириши, унинг ҳаётини хавф остига қўйиши ва бошқа шунга ўхшаш ҳодисалар билан таърифланади. Бу ҳолда янги туғилган бола эътиборсиз қолгани тўғайли ўлади. Шунинг учун бундай ўлим фаолсиз гўдак ўлдириши деб айтилади. Гўдак ўлдириш Ўзбекистон республикаси жиноят кодексининг 99-моддасида келтирилган: «Она томонидан гўдак боласини туғиш вақтида ёки туғилган замон қасддан ўлдириш — 3 йилгача муддатга озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади». Одам ўлдиришнинг бу тури онанинг гўдак боласи ҳаётига қарши бўлган жинсий ишдир.

**ДЕФЕКТ ПИРОГОВА** — Пирогов дефекти, нуқсон (лотинча defectus етишмаслик): ўқ тешиб ўтган жойда тери тўқимасининг йўқлиги, етишмаслигига айтилади. Шунинг учун ҳам тўқима дефекти деб аталади. Мазкур ўзгариш ўқ кирган тешикнинг ҳақиқий белгиси деб ҳисобланади. Бу белгини биринчи бўлиб 1849 йили Н. И. Пирогов кашф этган. М. П. Райский эса мазкур белгини адабиётда «тўқима минуслиги» деб киритган. «Тўқима минуслиги» мавжудлигини аниқлаш учун ўқ тешигининг иккала чети бармоқлар билан яқинлаштирилади. Агар яранинг четлари яқинлашмасдан, саккизсимон («8») шаклини ҳосил қилса, унда ҳақиқатдан ўқ кирган тешик мавжудлиги, яъни тўқима етишмаслиги исботланади.

**ДЕФЛОРАЦИЯ** — дефлорация (лотинча de қўшимча, йўқ қилиш, бузиш + floa гул) қизлик пардасининг йиртилиши, қизлик пардасининг анатомик бутунлигининг бузилиши. Қизлик парда ташқи жинсий қисмини ичкисидан ажратиб туради. У юпқа пардадан иборат бўлиб, қизларда қинга кириш тешигини беркитиб туради. Уни турли шаклларда учратиш мумкин, масалан, ҳалқасимон, панжарасимон, яримойсимон, парраксимон ва бошқалар. Қизлик пардасининг тешиги, парда шаклининг ўзгариши билан ўзгаради. Баъзан, ёшликда, яллиғланиш натижасида қизлик пардасининг тешиги қисман бекилиши мумкин. Қизлик пардаси қанча кенг ва қалин бўлса, унинг тешиги шунча тор бўлади ва унинг акси — парда тор, юпқа, паст бўлса, қизлик тешиги шунча катта бўлади. Бундай ҳолларда, яъни қизлик пардасининг эластиклиги, чўзилувчанлиги, тешикнинг катталиги тўғайли, жинсий алоқа қизлик пардаси бузилмасдан ўтиши мумкин. Қизлик пардаси узоқ вақт давомида жинсий алоқаларда бузилмасдан, фақат туғиш жараёнида

Бунинини, дефлорацияланиши (йиртилиши) мумкин. Йиртилган жойнинг агрофлариди қонталашлар, қон кетиш (ниҳоят кам миқдорда) кузатилади. Умумий айтганда жинсий алоқадан кейин, қизлик пардасининг бузилиши, қон кетиши, қонталашларнинг пайдо бўлиши дефлорациянинг вақтини аниқлашга ёрдам беради. Бундай ўзгаришлар натижасида қизлик пардаси ўрнида сўргичлари қолади. Қизлик пардасининг излари (қолдиқлари) қин томонидан ҳам, даҳлиз томонидан ҳам, кўп қаватли ясси эпителий билан қопланган бўлиб, улар ўртасида мускул толалари, эластик ишлар, қон томирлари жойлашганлиги билан тавсифланади. Шуңи ҳам таъкидлаш керакки, айрим зақтларда (масалан, қизчаларни зўрлаганда) нафақат қизлик пардасининг дефлорацияси, қиннинг йиртилиши, ҳатто эластик хусусиятга эга бўлган чотнинг ҳам (ташқи жинсий орган билан орқа тешик ўртасидаги соҳа) йиртилиши кузатилади. Бу ҳолда қиннинг кириш жойи очиқ қолади, унинг деворлари пастга (ташқарига) тушиши мумкин.

**ДЕФОРМАЦИЯ** — деформация, буюмларнинг шакли ва ўлчамларининг ўзгариши, ушбу ўзгаришлар ташқи кучлар таъсиридан пайдо бўлиб, буюмнинг чўзилишига, букланишига сабаб бўлади, аммо унинг массаси ўзгармайди.

**ДИАГНОЗ, СУДЕБНО-МЕДИЦИНСКИЙ** — диагноз (юнонча — diagnosis, аниқлаш, билиш, белгилаш); Диагноз (ташхис) касаллик мазмунининг қисқача хулосаси ва касал тўғрисидаги ҳолатнинг ҳозирги замон тиббиёти илмий атамалари билан ишлатилиши. Беморни яхшилаб текшириш асосида касалликнинг моҳияти ва хусусиятларини аниқлаш учун, яъни аломатларга ва таҳлилларга қараб касаллик атамасини аниқлаш, фикр юргизиш ва хулоса чиқариш, демак касаллик тўғрисидаги фикр хулосаси. Суд тиббиёти диагнози жароҳатларнинг (ёки касалликларнинг) ўзи ёки уларнинг оғирлашиши натижасида вужудга келган ўзгаришларни ифодалайди. Суд тиббиёти диагнози — бу суд тиб экспертнинг қисқа хулосаси. Уни мурдани текшириб бўлгандан сўнг, далолатноманинг (фикрнома) баёноти қисми охирида (хулосадан аввал) ёзилади. Суд тиббиёти ташхиси тўлиқ, тушунарли бўлиши даркор. Нозологик принципга асосланиб, унинг тузилиши патогенетик ҳолатни ўз ичига олиши керак. Ҳозирги замон суд тиббиёти диагнозининг тузилиши қуйидаги кетма-кет, босқичма-босқич келадиган схемадан иборат: Энг биринчи, ўлимнинг асосий сабаблари бўлган жароҳат ёки касалликлар, ёхуд касаллик ва жароҳатлар келтирилади; иккинчидан, ушбу касаллик, жароҳатларнинг асоратлари; учинчидан, ўзлари мустақил равишда ўлим сабаби бўла олмасалар ҳам, аммо ўлимга олиб келган касаллик ва жароҳатларга кўмаклашадиган касаллик ва жароҳатлар; тўртинчидан, яъни охирида, ўлим сабабига ҳеч қандай аҳамияти бўлмаган, асосий жароҳат ва касалликлар билан боғлиқ бўлмаган жароҳатлар ёки касалликлар ёзилади.

**ДИАСТАЗА** — диастаза, биологик фаолликка эга бўлган оқсил модда — фермент, у крахмални шакарга айлантиришга ёрдам беради.

**ДИАТОМЕИ** — диатомеи, йўсинлар; сувда ўсадиган кўкат, бақатўни, паст табақали спорали (гулсиз ўсимликларнинг ва баъзи бир ҳужайрали жониворларнинг урчиш органи) ўсимликлар. Диатомеилар диатом сувўтлари деб ҳам аталади, булар кремлий сувўтлари, бир ҳужайрали организмдан иборат. Улар катта-кичиклиги 4 микрондан 200 микронгача бўлади. Уларнинг икки тавақали пўчоғи бор, қайсики органик асосдан иборат бўлиб, қумтупроқ (кремлийнинг кислород билан С<sub>2</sub>о<sub>3</sub>маси, жуда кўп минераллар

таркибига киради) билан сингдирилган. Кичик диатомей йўсинлари (то 10 микронгача) одам суъга чўкканда, унинг организмга қон орқали тушади ва улар махсус усуллар билан мурда органларида аниқланади. Бу эса суд тиббиётида катта аҳамиятга эга, чунки чўкиб ўлган кишиларнинг организмда топилган диатомейлар шахсни сувга тирик тушганлигининг белгиси ҳисобланади. Ундан ташқари, ҳар бир жойнинг ўзига хос диатомейси мавжудлиги туфайли, шахсни қайси жойда тушиб ўлганлигини ифодалайди.

**ДИЛЛОНА ПРОБА** — Диллон тажрибаси. Ҳудак мурдасини текшираётганда унинг тирик тутилганлигини аниқлаш учун Диллон рентген усулини қўллаган. Мазкур аппарат орқали ўпка, меъда-ичак тармоқлари ва пешона суяги бўшлиғида ҳаво борлиги аниқланади. Ушбу синама муҳим аҳамият касб этади, чунки у ниҳоятда сезувчан реакциядир, бунда мазкур реакция билан ҳавонинг жуда ҳам кам бўлган миқдорини аниқлаш мумкин бўлади.

**ДИПЛОИД** — (юнонча *diplōos* — қўшалок ва *ops* кўриниш), тапа ҳужайралари иккита хромосомалар тўпламига эга бўлган организм. Гомологик хромосомаларнинг жуфт сонининг бир хил. Масалан аскарининг 2 жуфт (ж-2; 2ж-4), одамнинг 23 жуфт (ж-23; 2ж-46) хромосомаси бор.

**ДИСПЛАЗИЯ** — дисплазия (юнонча *dys* — қўшимча ва *plōsis* шакл), гавда қисмларининг ёки органларнинг нотўғри ривожланиши; плазия, гипоплазия сингари.

**ДИССИМУЛЯЦИЯ** (лат. — *dissimulatio* — бекитиш, яшириш) касалликнинг ёки уларнинг айрим белгиларини бекитиш. Диссимуляция — симуляциянинг зиддияти. Агар симулянт бўлмаган касалликни ифода этса, диссимулянт бор касалликни яширади, ўзини соғлом деб кўрсатади (масалан, ҳарбий ўқишга, ишга кириш вақтида ўз ҳаётини сугурта қилганда ва ҳоказолар).

**ДИСТАНЦИЯ** — дистанция (лотинча), масофа оралиғи; бирор нарса орасидаги, сафланган ҳарбий хизматчилар, машиналар ва шу каби оралиқдаги масофа; суд тиббиёти экспертизаси амалий ишларида ушбу сўз кўпинча отилган ўқ масофасини аниқлаш учун қўлланилади.

**ДИСТАНЦИЯ ВЫСТРЕЛА** — отиш масофаси. Ўқотар қурол найининг учидан (огзидан) мўлжалланган (жароҳатланган) жойгача бўлган масофа оралиғи. Мазкур масофанинг аниқланиши суд тиббиётида муҳим аҳамиятга эга. Ҳозирги шароитда қуйидаги отиш масофаларини аниқлаш мумкин, тираб (тақаб) отиш масофаси (қисман тақаб отиш ва тўлиқ тақаб отиш тафовут қилинади); жуда ҳам яқиндан отиш; яқиндан отиш; яқин бўлмаган масофадан отиш.

**ДИСЦИПЛИНА** — интизом, кишилар хулқ-атвор ва муайян ташкилот талабларига жавоб берувчи аниқ хатти-ҳаракат тартиби. Меҳнат интизomi — Ўзбекистон фуқароларининг конституцион бурчидир; ушбу интизомни бузувчиларга интизомли жазо қўлланилади, унинг шакллари: огоҳлантириш, ҳайфсан, қаттиқ ҳайфсан бериш, қисқа муддат билан иш ҳақи тўланадиган ишга ўтказиш ёки иш муддатга паст лавозимга тушириб қўйиш, ишдан бўшатилдири. Меҳнат интизomi ишонтиришгагина эмас, балки интизом бузувчилар — дангасалар, прогулчилар ва бошқа виждонсиз кишиларни мажбур қилишга ҳам асосланади.

**ДИФФУЗИЯ ТРУПНАЯ** — мурда диффузияси; мурда доғларининг иккинчи босқичи. Юрак ҳаракатдан қолган заҳоти қон ва лимфа ўзларининг оғирликлари туфайли томирчалари орқали пастга қараб тушадилар. Натижада йиғилган сари вена кон томирчалари кенгайиб, тери остидан тўқ қизил рангли доғлар кўрина бошлайди ва



Ушбу мурда доғлари деб аталади. Ушбу доғлар мурда қайси ҳолатда ётган бўлса, ушанга қараб жойлашган бўлади. Масалан, агар мурда қорин билан ётган бўлса, доғлар мурданинг юзиди, қориннинг олдинги томонида пайдо бўлади. Улгандан кейин, вақт ўтган сари мурда доғлари ўзгаради. Бу ўзгаришлар уч босқичдан иборат; биринчи босқичи гипостаз, иккинчи босқичи диффузия (стаз) ва учинчиси имбибиция. Гипостаз (қ.) босқичида мурда ҳолатини ўзгартирсак, мурда доғлари ҳам тез вақт ичида ўзгаради. Иккинчи диффузия босқичи 10 соат (ўтгандан кейин)дан сўнг вужудга келади. Бу давр ичида лимфа ва туқима суюқликлари диффузия орқали кон томирлари деворидан ўтиб, қон зардобини суюлтиради, эритроцитларни эритади, гемолизлаштиради. Суюқ қонлар (гемолизлашган) қон томирлари орқали туқималарга диффузия билан ўтади. Натижада мурда доғларини бармоқ билан босиб, рангини ўзгартирини учун кўпроқ куч керак бўлади, аммо доғ тубдан йўқ бўлмайди, фақат жадалланилади. Агар мурдани угриб қўйилса, биринчи ҳосил бўлган мурда доғлари, қисман пастга қараб ўзгаради, яъни янги доғлар ҳосил бўлмайди. Стаз (диффузия босқичи) кўзга яққол ташланади.

**ДОВЕРЕННОСТЬ** — ваколатнома, ишонч қоғози, ишонч хати; бир шахс иккинчи бир шахсга муайян бир ишни бажариш учун топширадиган ҳужжат; ушбу ҳужжатлар автомашинадан фойдаланиш, иш ҳақини олиш, уй сотиб олиш, уй-жойни бошқариш ва ҳоказолар бўлиши мумкин. Ваколатнома тўғри ёзма шаклда ёки қонуний равишда нотариал тасдиқлаш ҳолида бўлиши мумкин.

**ДОГМА** — догма (юнонча) ақида, ўзгаришсиз далил-исботи бўлмаган, ҳар қандай ҳолатда қабул қилинадиган, шак келтирмай эътироф этиладиган таълимот, қоида, фикр.

**ДОГМАТИЗМ** — догматизм, ақидапарастлик — қотиб қолган, доғмаларга таянган ҳолда бир томонлама метафизикларча фикрлаш. У диний тафаккурга хос шахсларнинг обрў-эътиборига эътиқод қилади.

**ДОКАЗАТЕЛЬСТВО** — далил, исботлар асоси. Ушбу асослар таркибига кирадиган далиллар ишончли омиллар ҳақидаги қоидаларга, асосий тушунчалар таърифига, илгари исботланган қоидаларга бўлинади. Ҳақиқат экани исботланган, бошқа мулоҳазанинг ҳақиқатлиги ёки ёлгонлигини исботлаш учун қўлланиладиган мулоҳаза. Исботлаш бевосита (далиллар асосида) ва исбатан (тахминлар асосида) бўлиши мумкин. Суд жараёнида жиноят ва фуқаролик ишларини кўришда далиллардан фойдаланилади. Экспертиза суд текширувларини негизи ҳисобланади, ҳужжатлар, жиноят қуроллари, экспертиза шунингдек суд тиббиёт маълумотлари далил бўлиши мумкин. Ўзбекистон республикаси жиноят процессуал кодексининг «далиллар» деб номланган махсус моддасида қўйидагилар келтирилган. «Жамоат учун хавfli ҳаракатнинг юз берган-бермаганлигини шу ҳаракатни қилган шахснинг айбдорлигини ва ишни тўғри ҳал қилиш учун аҳамияти бўлган бошқа ҳолатларни сурштириш органларининг терговчининг ва суднинг қонунда белгиланган тартибда аниқлашларига асос бўлган ҳар қандай фактик маълумотлар жиноят иши бўйича далил бўлади-лар. Бу маълумотлар гувоҳнинг кўрсатувлари, жабрланувчининг кўрсатувлари, айбланувчининг кўрсатувлари, гумондорнинг кўрсатувлари, экспертнинг фикри, далилий ашёлари, тергов ва суд ҳаракатларининг протоколлари ва бошқа ҳужжатлар билан аниқланади».

**ДОКУМЕНТАЦИЯ СУДЕБНО-МЕДИЦИНСКОЙ ЭКСПЕРТИЗЫ** — Суд. тиббиёт экспертизасининг ҳужжатлаштирилиши. Ўзбе-

жистон жиноий процессуал кодексининг 180-моддасида суд тиббиёт экспертизасини ўтказиш мажбурий деб кўрсатилган. Ҳар бир ўтказилган экспертиза ҳужжатлаштирилади. Ушбу ҳужжатлар қўйилган мақсад ва объектларга асосланиб қўйидагиларга бўлинади: тирик шахслар экспертизаси; бирламчи, такрорий комиссия тирик шахслар экспертизаси (экспертнинг фикри, баённомаси); далилий ашёларни текшириш, мурдани текшириш; тиббиёт ҳужжатлари ва тергов материаллари бўйича экспертиза ўтказиш (фикрнома бериш) ва бошқалар. Эксперт ўз фикрини текширишга асосланиб тузади. Экспертнинг фикри (фикрнома) 3 қисмдан иборат: кириш, текшириш ва хулоса қисмларидир. Ҳар бир суд тиббиёт текширилиши тергов органларининг қарорига (суд ажримига) асосланиб, экспертнинг фикри деб номланган ҳужжат билан тугатилади. Агар қарор бўлмаса, далолатнома ҳужжати тузилади. «Собиқ ССЖИ суд тиббиёт экспертизасини ўтказиш йўриқномаси» нинг 3.10 бандига (1978) мувофиқ экспертнинг фикри ёки суд тиббиёт текшириш далолатномасини турли, қисқа мазмунли маълумотнома, кўчирмалар билан алмаштириш ман этилган, шунингдек юқорида кўрсатилган суд тиббиёти ҳужжатларини бошқа расмийлаштирилмаган намуналар, босма иш қоғозлари билан алмаштириш мумкин эмас. Собиқ ССЖИ соғлиқни сақлаш вазирлигининг 877 рақамли (10 сентябрь, 1976) буйруғи билан 20 тадан ортиқ намунавий ҳужжатлар тасдиқланган (расмийлаштирилган) ва улар суд тиббиёт экспертиза бюроларининг таркибий бўлинмаларига мажбурий киритилган.

**ДОЛЖНОСТНЫЕ ПРЕСТУПЛЕНИЯ** — мансабдорлик жиноятлари; мансабдор шахсларнинг ғайри қонуний хатти-ҳаракатлари; ҳокимият ёки хизмат мансабини суистеъмол қилиш; ҳокимият ёки хизмат ваколатини бузиш; совуққонлик билан ўз хизмат вазифасига қараш; сохта ҳужжатларни тузиш; мансабдан фойдаланиб давлат ёки жамият манфаатларига, фуқаролик манфаатларига жиддий зарар етказиш.

**ДОНОШЕННОСТЬ** — вақти-соатида туғмоқ. Ҳомиланинг она қорни ичидаги вақтини аниқлаш. Ҳомиладорлик вақти ёки ҳомиладорлик даври 280 кун ёки 10 доялар (акушерлар) оғи — 40 ҳафта давом этади. Тўққизинчи ой охирида ҳомила тулиқ етилади. Ҳомиланинг боши унинг ҳамма узунлигининг 4/1 қисмини ташкил қилади. Бу муддатда ҳомиланинг бўйи 50 см, оғирлиги 3200—3500 гр. га етади. Бурун ва қулоқ тоғайлари таранглашади. Бошидаги соч узунлиги 2—3 см ва ундан ошиқ бўлиши, тирноқларининг бармоқ учига етиши, ўғил болалар мойянининг мойя халтасига тушиши, қизларнинг кичик жинсий лаблари ва клитори катта жинсий лаблар билан ёпилган бўлиши каби белгилар ҳомиланинг етилиб тутилганлигини кўрсатади. Ҳомила бўйинининг нормал бўлиши, унинг етилганлигини кўрсатувчи асосий белгилардан бири. Етилган ҳомилда кичик ҳиқилдоқ учбурчак шаклда бўлади. Етилган бола боши туғри, кўндаланг ва айланма ўлчовлар билан ўлчанади.

**ДОПОЛНИТЕЛЬНЫЕ ФАКТОРЫ ВЫСТРЕЛА** — ўқ отишнинг қўшимча омиллари: Отилганда ўқдан ташқари миктиқнинг навидан қўшимча омиллар чиқади. Уларнинг таркибига алапка, газ, қурум ва порох заррачалари киради. Булар ўқнинг кириш тешиги атрофида жойлашган бўлади. Қўшимча омиллар катта суд тиббиёти аҳамиятига эгадир. Биринчидан уларнинг бўлиши ҳақиқатдан ўқ отилганининг далили; иккинчидан қайси масофадан отилганини; учинчидан, ўқнинг йўналишини аниқлаб беришга ёрдам беради ва бошқалар. Қўшимча омиллар фақат яқин масофадан отилганда

(1 мартагача) пайдо бўлади. Бир метрдан кўп бўлган масофада улар бўлмайди. Ҳар бир омилнинг ўзига хос масофаси бор. Масалан аланганинг пайдо бўлиш масофаси 3—5 см га тенг, газники 10—15, қурумники 35—50 ва порохники 100 см га тенгдир. Демак, агар отилган ўқнинг масофаси 3—5 см га тенг бўлса унда ўқ кирган тешигнинг атрофида юқорида кўрсатилган ҳамма омилларни кўриш мумкин, агар масофа 50 см дан кўп бўлса (1 м дан кўп бўлмаса), унда фақат порох заррачаларини топиш мумкин. Масофа қанча узоқлашса, омиллар сони шунча камаяди.

**ДОПРОС** — сўроқ. Бу процессуал ҳолат (ҳаракатдир). Қонунга асосланиб гувоҳ, жабрдийда, айбланувчи, гумондор, судланувчилардан, уларга аниқ бўлган омилларни билиб олиш учун сўроқ ўтказилади. Мазкур маълумотлар ишни ҳужжатлаштириш учун зарурдир. Эксперт ўз фикрини тасдиқлаш, қўшимча маълумотларни бериш ёки берилган маълумотларни шарҳлаш учун сўроқ бериши мумкин. Сўроқ, терговчи (жиноят ишлари юзасидан дастлабки тергов ўтказувчи лавозимли шахс) прокурор, суд мажлисларида — судлар, қораловчи, сқловчи ва бошқа шахслар томонидан ўтказилиши мумкин. Ўш олти ёшга етмаган шахс гувоҳ сифатида, қонда тариқасида, ота-оналари ёки бошқа қонуний вакиллари орқали чаққрилади. Қонун нормасида вояга етмаган гувоҳнинг қайси ёшдалигига қараб, қандай қонуний ҳаракатлар қўллаш аниқ кўрсатилмасда, бироқ қонун мазмунининг талабига кўра терговчи вояга етмаган гувоҳни сўроқ қилишдан олдин унинг ёшини, психологиясини қайси шароитда ва муҳитда ўсишини, умумий савиясини билиши, фаҳм-фаросатини ўрганиши лозим ва шу йўсинда уни сўроқ қилишга тайёргарлик кўриши керак. Вояга етмаган болани сўроқ қилишда албатта, унинг ёшига қараб тегишли мутахасислар: жумладан психолог, ҳаким (табиб), муаллим иштирок этгани маъқул. Сўроқ тунда ўтказилмайди (агар кечиктириш зивёнсиз бўлса). Шу қонуннинг моддаларига асосланиб тергов баёноти тузилади ва мазкур баёнот гувоҳ, жумладан суд тиб эксперти, терговчи томонидан имзоланади. Агар сўроқ баёни бир неча санифадан иборат бўлса, гувоҳ (эксперт) ҳар бир санифага алоҳида қўл қўяди.

**ДРОБЬ** — дробь — питра, сочма, ўқ отадиган снаряднинг бир тури, кичик кўргошин думалоқчалари, ов мистинини ўқдан усули ишлатилади. Питра фабрикада ёки қўлда ясама тайёрлашиши мумкин. У кўргошин ёки кўргошин ва бошқа металл қўшимчалари билан тайёрланган бўлиши мумкин. Фабрикали питра номерланган бўлади. (0—10 гача). Агар питра диаметри 5,9 дан кўп бўлса, унда бу йирик питрани (сочмани) картеч деб (ичига йирик питра тўлдирилган артиллерия снаряди) аталади.

## Е

**ЕСТЕСТВЕННЫЙ ИММУНИТЕТ** — табиий иммунитет, туғма иммунитет; биологик хусусият, юқумли инфекцияга организмнинг қаршилиқ кўрсата олиш қобилияти; организмнинг касалликка осонликча берилмасдан, қаршилиқ кўрсатиши.

## Ж

**ЖЕЛЕЗА ПРЕДДВЕРИЯ БОЛЬШАЯ** — қин даҳлизга катта без; қин даҳлизда жойлашган катта без. Даввиялик анатом К. Берталино биринчи бўлиб очгани учун унинг номи билан ҳам айтилади; яъни Берталино бези.



**ЖЕЛЕЗНОДОРОЖНАЯ ТРАВМА** — темир йўл травмаси; темир йўл майиблиги; Ушбу жароҳатлар бошқа транспорт жароҳатларида фарқланади. Ҳаракатда бўлган темир йўл состави (паровоз ва унга тиркалган бир неча вагон) ва темир қисмларидан жароҳатланган шахс ўзига хос ўзгаришлари, шунингдек жароҳатларнинг қўплиги, турлилиги, катталиги ва ниҳоят оғирлиги билан тасвирланади. Темир йўл жароҳатлари қуйидаги таснифлашга эгадир. 1) поезд гилдиракларининг босиб ўтиши натижасидаги жароҳатлар; 2) ҳаракатда бўлган поезд қисмларининг жароҳатланувчи шахс билан туқнашпш натижасида олинган зарбалар; 3) поезддан йиқилиш натижасида; 4) тананинг транспорт қисмлари оралиғида сиқилиш натижасида; 5) вагонлар ичидagi травмалар, 6) комбинациялаштирилган, мураккаблаштирилган яъни, турли қисмлардан жароҳатланиш. Темир йўл жароҳатларининг белгилари: 1. Специфик белгилар, улар ёрдамида осонлик билан темир йўл травмаси аниқланади (белбоғсимон ва лентасимон босилиш, сиқилиш, артилиш излари; бош, қўл, оёқларининг танадан ажралиши, тананинг қисмларига бўлиниши, темир йўл транспорт тамгалари; узоқ вақт давомида гилдиракларнинг босиб айланиш натижасида суякларда «синиқлар» пайдо бўлиши ва ҳоказолар). 2. Темир йўл жароҳати учун тавсифли, лекин бошқа омиллардан ҳам бўлиши мумкин бўлган белгилар: қўп ва кенг шикастланиш, деформациялар, тананинг ва унинг қисмлари эзилиши, янчилиши, сирпаниш жароҳатлари, терининг дарз кетиш жойлари, бегона чагларининг танада, жароҳатланган жойларга ёпишиши, судралш излари, мазутсимон нарсаларнинг ёпишиши ва бошқалар. 3. Умумий темир йўл травмасига хос бўлмаган суяк синиқлари, мўматалоқлар, шилинмалар, яралар, судраллиш излари ва бошқа жароҳатлар. 4. Уткир буюмлар, ўқотар қуроллар таъсирини эслатувчи жароҳатлар, яъни бошқа жароҳатларни симуляция этувчи белгилар. Темир йўл травмасини экспертиза қилиш жараёнида суд тиббиёт эксперти жароҳатларнинг механизмини, келиб чиқиш асосларини, улар жонли ёки жонсизлигини, яъни жароҳатлар шахснинг тириклигида ёки улар шахс ўлгандан кейин пайдо бўлганлигини аниқлаш лозим.

**ЖЕЛУДОЧНО-КИШЕЧНАЯ ПЛАВАТЕЛЬНАЯ ПРОБА** — меъда-ичак сузиш синамаси (Бреслау синамаси). Мазкур синама янги туғилган боланинг ҳавони ютиши натижасида унинг меъда-ичак йўлларида топилишига асосланган. Синама ўтказиш учун меъданинг кириш ва чиқиш тешиклари ва ичакларнинг ҳаво мавжудлигига тахминланган жойлари боғланади. Шундан кейин меъда-ичаклар ёрилган мурда ичидан олиниб, тоза сув билан тўлдирилган идишга солинади. Агар меъда-ичак йўлларига ҳаво кирган бўлса — ўша жойлари сув юзида сузиб юради. Меъда-ичакларни сув остида тешилганда ўша жойлардан ҳаво пуфакчалари чиқади. Меъда-ичак йўлларида ҳавонинг мавжудлиги чақалоқ тирик туғилганлигининг рамзи (синама ижобий) деб ҳисобланади. Бу синама 1865 йили немис табиб-дояси. Б. Бреслау томонидан кашф этилган туфайли, унинг номи билан — Бреслау синамаси деб аталади.

**ЖЕСТОКОСТЬ ОСОБАЯ** — ўтакетган раҳмсизлик; ўтакетган золимлик; бу айбни, гуноҳни оғирлатувчи ҳолатлардан бири, деб ҳисобланади, масалан қасддан тажовузлик, қотиллик, босқинчилик билан одам ўлдириш ва бошқалар. Ўтакетган золимлик одамни қийнаб, кўзларини ўйиб олиб, тилларини кесиб, электр тоқлари билан жароҳат етказиб ва бошқа азоб бериш усулларини ишлатиб, кейин жабрдийданинг жонини суғуриб олиш, яъни ўлдириш билан тавсифланади. Ўтакетган золимликни, ўтакетган раҳмсизликни аниқлаш суд тиббиёт экспертизасининг вазифасига кирмайди, чунки зо-

лимлик тиббиёт тушунчаси эмас. Золимлик, ўтакетган раҳмсизлик саволаарининг ечилиши тергов ва суд аъзоларининг зиммасига киради. Суд тиббиёт эксперти фақат жабрдийданинг жароҳатларини ҳақиқатан оғритадиган хусусиятларга эга эканлигини таъкидлайди.

**ЖИВОРОЖДЕННОСТЬ, ПРИЗНАКИ** — тирик туғилганлик белгилари. Тирик туғилган бола, туғилгандан кейин бир оз яшаса, унда бундай бола тирик туғилган гўдак деб аталади. Тирик туғилганлик махсус усуллар билан аниқланади. Уларнинг ҳаммаси янги туғилган боланинг тўқима, аъзоларида ҳаво бор-йўқлигини аниқлашга асосланган. Ҳомила, янги туғилган болалар мурдаларини текширишганда уларнинг ўлик ёки тирик туғилганликлари аниқланади. Бунинг учун турли тажрибалар, шунингдек Галена — Шрейера, Бреслау, Дилона, Бушу—Хаберди, Таранухина, Вента—Вредена ва бошқа тажрибалар ўтказилади. Бундан ташқари тирик туғилганликни аниқлаш мақсадида туғруқ шишлари, киндик, ўпқалар гистологик йўл билан текширилади. Яна қўшимча лаборатория усулларидан хроматография, электрофорез, эмиссион спектрал усуллари ҳам қўлланилади. Энг асосий усуллардан бири Галена—Шреера тажрибаси ҳисобланади. Мазкур тажриба ўпка сузиш тажрибаси деб ҳам аталади. Туғилгандан кейин биринчи нафас олиш билан янги туғилган боланинг ўпкаси кенгайди ва унинг вазни сувнинг вазиндан енгиллашади. Ўпка сузиш тажрибасини ўтказиш учун бўйини ҳудудда кекирдак ва диафрагма ости қизилўнғач ичаги ип билан маҳкам боғланади, тугунлар усти иплари кесилади ва кекирдак, ўпка, юрак, панишахасимон безлар яхлитлигича олиниб сув билан тўлдирилган идишга туширилади. Шу кўйи ўпканинг сузиши кузатилади. Агар аъзо яхлитлари сув остида чўкса, унда ҳар бир ўпкани, ундан кейин ўпка бўлимлари ва ниҳоят ўпка бўлакчаларини алоҳида сувда тушириб, уларнинг сув юзасида сузиш-сузмаслиги кузатилади. Агар ўпка ёки унинг бўлимлари ёхуд бўлакчалари сув юзасида сузиб юрса, унда чақалоқ нафас олган, яъни тирик туғилган, деб ҳисобланади (ижобий тажриба). Ўпка сузиш тажрибаси Гален томонидан кашф этилган ва суд тиббиётида қўлланиш учун биринчи марта 1683 йил Шрейер тавсия этган. Шунинг учун Гален—Шрейер тажрибаси деб аталади.

Бушу—Хаберди тажрибасини ўтказиш учун ўпка юзини заррабин билан текширадилар. Агар чақалоқ тирик туғилган бўлса, ўпка юзида альвеолаларининг ҳаво билан кенгайиши натижасида оқ марваридсимон пуффакчалар кўринади. Демак, тажриба ижобий.

Таранухина тажрибасини ўтказиш учун тоза сув билан тўлдирилган идишга ўпка бўлакчаларини тушириб, идишни маҳкам ёпиб, унинг ҳавосини тортиб оладилар. Натижада сув юзида манфий босим ҳосил бўлади. Кесилган ўпка бўлакчаларида ҳаво бўлса, сув юзасига чиқади. Мазкур тажриба сезувчан тажрибалардан бири ҳисобланади.

**ЖИЗНЕСПОСОБНОСТЬ** — яшашга қобил; яшовчанлик; яшашга лаёқатли. Янги туғилган боланинг яшашга лаёқатлилигини (она қорнидан чиққандан кейин) аниқлаш учун уни бўйи, вазни, айрим анатомик ўлчамлари аниқланади. Амалий суд тиббиётида бўйи 40 см дан кам бўлмаган; 1500 кг дан ортиқ вазнли, бош айланаси 28 см дан кўп бўлган чақалоқ ҳаётга лаёқатли бола ҳисобланади. Яшашга лаёқатли чақалоқ тирик ҳам, ўлик ҳам туғилиши мумкин. Яшаш учун лаёқатлиликни аниқлашда боланинг нуқсонли ва нуқсонсиз туғилганлиги эътиборга олинади.

**ЖИЗНЬ** — ҳаёт — шахс ҳаётини ҳар қандай тажовузлардан Ўзбекистон жиноят қонуни қўриқлайди, ҳимоя қилади. Агар киши

ҳаётнига гажовуз қилинса, одам ўлдирилса, унда Ўзбекистон жиноий кодекслари билан жавобгар қилиб, отиб ўлдиришга қадар жазо чораси белгиланган.

**ЖИРОВОСК** — ёгли мум — ўликнинг кейинги белгиларидан бири, мурда узоқ вақт давомида ботқоқлик ёхуд намлик жойларда қолиб кетганда, ундаги ўзгариш жараёнида вужудга келадиган ҳолат. Тери остидаги ёғ, гўшт ва ички аъзолар гумус кислоталар тазисидан глицерин ва ёғ кислоталарида парчаланиб, сарғиш кул рангли дона-дона массалар юзага келади. Кейинчалик бу массалар совуиларга айланади. Жировоск — ёгли мум, мурдани табиий консервациялаш хилга киради. У ҳаво бўлмаган жойларда вужудга келади, чириш жараёни кузатилмайдди. Ёгдан парчаланган глицерин ва олеин кислоталари сув билан юзилади; палмитин ва стеарин кислоталари ишқор ва ер ости ишқор металлари (кальций, магний, калий, натрий ва бошқалар) ҳамда оқсиз моддалардан парчаланган аммиак билан бирикиб, шуларнинг тузини ташкил этади, қаттиқ деярли сувда эримайдиган ёгли мум вужудга келади. Мурда қаттиқ ҳолатни олади, ранги оқаради ёки кулранг сарғиш рангга киради. Ёгли мум ўзига хос пишлоқ ҳидини беради, пичоқ билан яхши кесилади, сувдан енгил, иссиқликда эрийди, қоғозда ёгли доғларни қолдиради, агар қурса, енгиллик билан парчалабди. Гудакларнинг ёгли мумга айланиш (4—5 ой) муддати катталарнинг мурдалари ёгли мумга айланишидан (8—10 ой муддати) кўра тезроқ ва унумлироқ бўлади. Ёғ-мумли мурдаларнинг териси, юмшоқ тўқималари, аъзолари ўз тузилмасини яхши сақлайди, шунинг учун мазкур ҳолат муҳим суд тиббиёти аҳамиятига эга. Бир неча вақт ўтгандан кейин (ҳатто йиллар) мурдани текширганда ундаги жароҳатлар сақланиб қолишини кўришимиз мумкин. Бинобарин, ўлим сабабини ҳам аниқлаш мумкин бўлади. Мурда шахсини аниқлашга ҳам ёрдам беради. Биринчи бўлиб, 1786 йили Фуркруа ва Турэ томонидан мурданинг ёгли мумга айланиши аниқланган.

**ЖУЛЬНИЧЕСТВО** — товламачилик, жабрланувчининг, унга яқин шахсларни шарманда қиладиган маълумотларни ошкоралик билан юритиб, қўрқитиб мол-мулкларини талаб қилиш.

### 3

**ЗАДАЧИ ВРАЧА НА МЕСТЕ ПРОИСШЕСТВИЯ** — воқеа содир бўлган жойда табиб (ҳаким)нинг мақсади (вазифаси). Воқеа содир бўлган жойни кўздан кечириб жараёнида бир қанча масалаларни ҳал қилишга тўғри келади: 1) топилган шахснинг тирик ёки ўлганини аниқлаш. Агар ҳақиқий мурда белгилари топилмаса, ҳаёлий ўлим, мавҳумли ўлим мавжудлигига шубҳа пайдо бўлса, ҳаким албатта ўз ёрдамини кўрсатиши лозим; 2) агар шахс ўлган бўлса, ўлим вақтинини аниқлаш; 3) мурданинг ҳолатини аниқлаш, мазкур ҳолатнинг ўлгандан кейин ўзгарганлигини аниқлаш; 4) воқеа содир бўлган жойда, мурданинг танасидан мудофаа ёки қаршилик кўрсатиш белгиларининг бор-йўқлигини аниқлаш; 5) мурданинг танасида қандай ташқи жароҳатлар борлигини, уларнинг қайси буюм билан етказилганлигини, мурданинг ташқи кўринишини, унинг кийимлари қайси ҳолатда эканлигини аниқлаш; 6) мурда ва унинг атрофида қон излари, сочларнинг мавжудлиги, сперма, сўлак ва бошқа ажратилувчи доғлар ҳамда бошқа шунга ўхшаш далилий ашёларни топиш, терговчига йиғиш ва ўраб беришда ёрдамлашиш.

**ЗАДАЧИ ОСМОТРА МЕСТА ПРОИСШЕСТВИЯ** — воқеа содир бўлган жойнинг масалалари (вазифалари). Воқеа содир бўлган



жойини кўздан кечириш жараёнида турли саволларни ечишга тўғри келади. 1) ҳақиқатан жиноят содир бўлганми ёки бўлмаганлигини аниқлаш, воқеа содир бўлган жойини таърифлаб бериш; 2) жиноят воқеа содир бўлган жойда рўй берганми ёки бошқа жойда; 3) қандай қилиб жиноятчилар воқеа содир бўлган жойга кирганлар ва қандай қилиб у ердан чиққанлар; 4) воқеа содир бўлган жойда қанча киши ва ким бўлганлигини аниқлаш; 5) жиноятчиларнинг аъзолари нимани кўзлаган; 6) воқеа содир бўлган жойда жиноятчиларнинг аъзолари ва айниқса жабрдийда, жиноятчи неча вақт давомида бўлганлигини аниқлаш; 7) текширилаётган воқеа қачон рўй берган; 8) жиноятчи воқеа содир бўлган жойда қайси буюмларни қолдириб кетган; 9) жиноятчининг танасида воқеа содир бўлган жойдан қандай белги ва излар қолган; 10) ким, қасрдан воқеа содир бўлган жойини кўрган, у ерда бўлган ҳодисаларни эшитган бўлиши мумкин.

**ЗАДУШЕНИЕ** — бўғилиш; турли хил механик асфиксияларнинг умумий номи (нафас йўлларининг бекилиши, чўкиши, осилиш, бо-силлиш, кўкрак ва қориннинг қисилиб қолиши ва бошқалар).

**ЗАДУШЕНИЕ ИНОРОДНЫМИ ТЕЛАМИ** — бегона жисмлар орқали бўғилиш, механик асфиксияларнинг бир тури бўлиб ҳисобланади. Бу асфиксия бегона жисмларнинг нафас йўллариغا тушиб, уни тўсиб ҳаво ўтмаслигига сабаб бўлади. Кўпинча бу бахтсиз ҳодисалар натижасида ҳосил бўлади. Одамлар айрим вақтларда протез, яъни ясама йиғма тишларин ютиб юборишлари мумкин. Баъзан айниқса маст ҳолатда уйқуда ёки ҳушдан кетган вақтларда киши қайт қилиш натижасида овқат билан бўғилиб ўлиши мумкин. Нафас йўллари тўкилувчан жисмлар (қум, ун, маңний ёрмаси, шарбат ёрмаси ва бошқ.) суяқлик билан (масалан сув билан) ҳам ёпилиши мумкин.

**ЗАКЛЮЧЕНИЕ ЭКСПЕРТА**—экспертнинг фикри—суд тиббиёти ҳужжати. Ушбу ҳужжатда суд тиббиёт экспертизасининг (текширувнинг) натижалари баён этилади. Эксперт фикрининг мазмуни Ўзбекистон жиноят процессуал кодексининг 184-моддасида кўрсатилган. Эксперт зарур текширувлар ўтказилгандан кейин ўз фикрини ёзади. Бу фикрида экспертизани қасрда, қачон ва ким ўтказганлиги, қандай усулларда бажарилганлиги, эксперт қандай хом ашёлардан фойдаланганлиги, экспертиза ўтказиш чоғида кимлар ҳозир бўлганлиги кўрсатилиши лозим. Шундан сўнг экспертиза олдинга қўйилган саволларга жавоблар ва қандай асосларга кўра шу хулосаларга келишганлиги баён қилинади. Терговчи экспертнинг фикри билан танишиб олгач эксперти сўроқ қилишга, унга қўшимча саволлар беришга ҳақлидир. Эксперт шу саволларга жавоб бериши лозим». Экспертнинг фикри уч қисмдан иборат: биринчи кириш қисми, иккинчиси йиғин баён ва учинчи хулосавий қисмидир. Кириш қисмида экспертизанинг қайси кун, ой ва йилда, қасрда, қайси муассасада ўтказилганлиги, объектнинг ким томонидан келтирилганлиги, қайси терговчи (ким) томонидан қарор чиқарилганлиги, қандай саволлар қўйилганлиги, текшириш материаллари қай ҳолатда юборилганлиги, қайси суд тиббиёти эксперти томонидан экспертизанинг ўтказилганлиги, унинг иш стажы, илмий даражаси, ихтисоси, шу қатори экспертиза ўтказиш жараёнида иштирок этувчиларнинг фамилияси, исми-шарифи ёзилади: иккинчи қисмида текшириш усулларининг мазмуни, текширилиши лозим бўлган объектларнинг тўлиқ номини ифодалаш, текширишда қўлланадиган илмий восита ва усулларни кўрсатиш кабилар баён қилинади; учинчи яъни хулосавий қисмида экспертнинг текшириш олиб бориш натижасида келган қатъий фикри ифодаланади. Терговчи саволларига қатъий ва асосли жавоблар ёзилади. Экспертнинг берган фикри тахминий бўл-

маслиги керак. Айрим вақтларда эксперт ўз фикрини ва текшириш усулларини тасдиқлаш учун расм жадваллар ва бошқа қўшимча маълумотлар билан тўлдирилади. Эксперт ўз фикрини фақат ёзма равишда ифодалайди. Эксперт фикрининг иккинчи қисми, яъни йиғин баёни охирида ўз фикрини ҳужжатлаш учун ўзи ва экспертиза пайтида қатнашган кишилар қўл қўядилар. Хулоса қисмидан кейин эса фақат экспертнинг ўзи қўл қўяди.

**ЗАКРЫТИЕ ОТВЕРСТИЙ НОСА И РТА** — оғиз, бурун тешикларининг ёпилиши. Бу механик асфиксиянинг бир тури. Ушбу асфиксия турп юмшоқ буюмлар билан оғиз ва бурун тешикларининг (бўшлиқларининг) ёпилишини натижасида пайдо бўлади. Ҳаво ўртага киролмай қолади. Бу ҳолатни одам ўлдириш ёки бахтсиз ҳодисалар натижасида кўриш мумкин.

**ЗАМЕРЗАНИЕ ТРУПА** — мурданинг музлаши. Мурда кўп вақт совуқда (0°С дан паст бўлган ҳароратда) қолса, унинг баданида музлаш белгилари пайдо бўлади, улар юзаки ва чуқур жойлашиши мумкин. Музлаш натижасида миянинг ҳажми кенгайиб калла суяклари ёрилади, суяк чоклари ажралади; калла суякларининг ёрилиши натижасида калла териси жароҳатланади, ёрилади ва улар атрофида тўқима гемолизланган қон билан суркалаиб, потўғри хулоса чиқиши, эксперт уни калтаклавиш натижасида пайдо бўлган деб ўйлаши мумкин. Музлаган мурда эриганда қонда гемолиз (қ.) жараёни юз беради. Органлар микроскоп орқали текширилганда, унда бўшлиқларни кўриш мумкин, бу бўшлиқлар тўқималарининг музчалар туфайли механик кенгайиши ва эриши натижасида пайдо бўлади. Шуни ҳам таъкидлаб ўтиш керакки, мурданинг музлаши унинг ўлиши сабабларига боғлиқ эмас.

**ЗАПАЛ** — запал, алашгалантирувчи капсюль, капсюль—детонатор. Қўл гранаталари ва илженерлик миналари портлашини қўзғатиш учун қўлланиладиган алашгалантирувчи ва детонацияловчи буюмлар. Ушбу ўт портавувчи қурооллардан одам танасида вужудга келган жароҳатлар ўзига хос белгиларга эгадир.

**ЗАРАЖЕНИЕ ВЕНЕРИЧЕСКОЙ БОЛЕЗНЬЮ ИЛИ СПИДОМ** тавосил ёки ОИТС касалликларини тарқатиш (юқтириш) жинсий иш деб ҳисобланади. Ушбу жиноят тавосил касаллигига учраган шахс томонидан касаллик вақтида, уни даволаш чоғида содир этилиши мумкин. Киши ўзининг тавосил касаллигига учраганини била туриб, бирон киши билан жинсий алоқа қилса, ёхуд бошқа йўллар билан уни бундай касалликка дучор этса, жинсий жавобгарликка тортилади. Ушбу моддада кўрсатилган жиноят шахсининг ҳаётига ва соғлиғига қарши қаратилган. Ушбу жиноят тавосил касаллигига учраган шахс томонидан уни даволаш чоғида ёки даволаш муассасаларининг қузатуви остида бўлган даврда содир этилиши мумкин. Тавосил касаллигини юқтириш ҳақида, ушбу жиний иш туғрисида жавобгарлик Ўзбекистон Республикаси жиний кодексининг 113-моддасига киритилган. «Била туриб, бошқа шахсни тавосил касаллигини юқтириш хавфи остида қолдириш— энг кам ойлик иш ҳақининг йилгирма беш бараваригача миқдорда жарима ёки бир йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд уч ойгача қамоқ билан жазоланади.

Ўзида тавосил касаллиги борлигини била туриб, бу касалли бошқа шахсга юқтириш — уч ойдан олти ойгача қамоқ ёки уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ушбу модданинг биринчи ёки иккинчи қисмида назарда тутилган ҳаракатлар: а) икки ёки ундан ортиқ шахсга нисбатан; б) вояга етмаган шахсга нисбатан содир этилган бўлса, — беш йилдан саккиз йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Била туриб, бошқа шахсни ОИТС касаллигини юқтириш хавфи остила қолдириши ёки унга ОИТС касаллигини юқтириш — саккиз йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади».

Суд тиббиёти экспертнинг вазифасига, таносил ёки ОИТС касалликларини юқтириш тўғрисида ўтказиладиган экспертизаларга қуйидагилар кириши мумкин: жабрдийда ва гумондор баданида таносил касаллигининг бор-йўқлигини аниқлаш; ҳақиқатдан ҳам гумондор билан жинсий алоқа қилгандан кейин жабрланувчида таносил ёки ОИТС касаллиги пайдо бўлганми ёки йўқми. Шунингдек кўрсатилаган воқеалар тўғрисида комиссия тариқасида экспертиза ўтказишни ва унинг таркибида тери-таносил касаллигини даволловчи ҳаким ва уролог мутахассислари иштирок этиши лозим.

**ЗАРЯД** — заряд, ўқ (патронда, снарядда портловчи модданинг аниқ миқдори жойлашши).

**ЗАХЛЕБНУТЬСЯ** — бугзига сув тикинмоқ, нафас тикилиб қолмоқ.

**ЗАХОРОНЕНИЕ ТРУПОВ** — мурдаларни кўмдириш.

**ЗАЧАТИЕ** — бўғоз бўлиш, уруғланиш, ҳомиладор бўлиш; туҳум ҳужайранинг сперматозонд билан уруғланиши ва бачадон деворига ёпишиши (имплантицияланиши).

**ЗАЩИТНИК** — ҳимоячи, ҳимоя қилувчи, оқловчи, адвокат.

**ЗРЕЛОСТЬ ПЛОДА** — ҳомиланинг тўлиқ етилиши, етилганлик, ўсми даражасини кўрсатадиган бир қанча белгилар мажмуаси. Уларнинг мавжудлиги туфайли бола туғилиши учун ва туғилгандан кейин ҳаётини давом эттириш учун тайёр бўлади. Ҳомиланинг бўйи 47 см дан ошган, вазни 2500 гр. дан ортиқ, бош айланаси 32—34 см, пешона-энса ўлчами 10—11 см, энгак-энса ўлчами 12—13 см, чаккалар оралиғи 8—9 см, елка кенлиги 11—12 см, кўкрак айланаси 32—34 см бўлса, етилган ҳомила, деб айтилади. Етилган ҳомила сочларининг узунлиги 1—2 см, тери ости клетчаткаси яхши ривожланган; қулоқ, бурун тоғайлари эгилувчан қайишсмон; тирноқлари бармоқ фалангаларининг қатлам учидан чиққан; аммо оёқ бармоқларининг тирноқлари фалангадан чиқмаган, киндик ҳалқаси қорин ўртасида қовлар битими билан қилинсмон ўсимтанинг оралиғида жойлашган; ўғил болаларининг мойкалари мойк халтачасига тушган; қизларининг катта жинсий уят лаблари кичик жинсий лабларининг ёлган, суякланиш ўзаги сон суягининг энфиз қисмида жойлашган (Бехляр ўзаги) диаметри 0,5—1 см бўлиши лозим.

**ЗРЕЛОСТЬ ПОВОЯЯ У ЛИЦ ЖЕНСКОГО ПОЛА** — қизларнинг жинсий вояга (балоғатга) етиши; Жинсий вояга етилиш қуйидаги белгилар билан тавсифланади: организмнинг умумий ривожланиши, жинсий алоқага лаёқатлилиги, бўйида бўлиш, ҳомилаи кўтариб юриш, нормал ҳолда туғиш, чақалоқни эмизиш ва уни тарбия қилишдир. Мазкур тушунча ўз энимасига оналик вазифасини ижро этиш хусусиятини ҳам олади. Қиз боланинг вояга етиш белгилари қуйидагича: бўйи тикка турган ҳолда 150 см, ўтирган ҳолда 80 см, ҳажми 45—50 кг, кўкрак айланаси тинч ҳолатда 78—80 см, елка айланаси 30—31 см, болдир айланаси 40—41 см, елка кенлиги 40—42 см, оғзида 28 та тишлар мавжудлиги, сут безларининг яхши ривожланиши; тосининг ўлчамлари: ёнбош суякларининг қилтиқлари оралиғи — 23 см, ёнбош суякларининг ёнбош қирралиги оралиғи — 26 см, сон суякларининг ён кўстлари оралиғи — 29 см, қов-думғаза оралиғи — 18 см; ташқи жинсий органлари, қўлтиқ остининг жулланиши яхши ривожланиши; ҳайз мавжудлиги. Жинсий вояга (балоғатга) етганлигини аниқлаш зарурияти балоғатга етмаган шахслар билан жинсий алоқа бўлган вақтларда лозим бўлади, шунингдек 18 ёшга тўлмаган шахс билан алоқа қилиш.



**ЗРЕЛОСТЬ ПОЛОВАЯ У ЛИЦ МУЖСКОГО ПОЛА** — эркекларнинг жинсий вояга етиши; эркекларнинг умумий физиологик ривожланиши, жинсий ҳужайраларнинг (сперматозоидлар) ҳамда жинсий гормонларни ҳосил қилувчи органларнинг (уруғдонларнинг) нормал ўсиши, қўшимча тузилмаларнинг (ҳар хил безлар) аномалсизлиги ва эркеклар учун жинсий алоқа физиологик нормал вазифа ва организмларнинг келажакда ўсиб ривожланиши учун тўққонлик бермаслик ҳолатлари вояга етганлик аниқлаш саволлари учун. Эркекларнинг жинсий вояга етганлиги аниқлаш саволлари жинсий жиноят ишларида зарур бўлади. Ушбу саволларни ечиш учун суд тиббиёти экспертизаси ўтказилганда, шахснинг умумий жисмоний ҳолатига эътибор берилади. Унинг жинсий алоқага ва ҳомиладор этишига қобилиятлиги ҳам эътиборга олинади. Эркеклар жинсий алоқа экспертизаси, аёлларга нисбатан жуда кам учрайди.

## И

**ИДЕАЛ** — (юнонча — идея, образ, тушунча), намуна, мукамаллик, олий мақсад, кишилар тенглашадиган норма; энг умумий маънода айрим одам, гуруҳ, синф ёки бутун жамият томонидан намуна, камолатга етган ҳаётнинг ва инсон онгида унинг табиат ва жамият фаол муносабати натижаси сифатида, кишилар ижтимоий меҳнат амалиётининг (ҳаракатларга эга, улар прогрессив) мақсади сифатида пайдо бўлади. Идеаллар тарихий характерларга эга, улар прогрессив ёки реакцион бўлиши мумкин. Идеал келиб чиқишига кўра воқелик билан мустаҳкам боғланган.

**ИДЕНТИФИКАЦИЯ** — идентификация (лотинча) — ўхшатиш, тенглаштириш. Буюмлар, айрим ҳолатларни, ҳаттоки одамларни бир-бирига ўхшатиш. Жиноят қилган шахсни ёки кийим-кечакларини, отиш қуролларини, ўқ-дорилар ва бошқа турли буюмларнинг ўхшашлигини текшириш билан ҳақиқий ҳолатни аниқлаш. Амалий суд тиббиёт экспертизасида кўпинча жароҳат етказган қурол-асбобларнинг ва шахснинг ўхшашлиги (идентификация) экспертизаси ўтказилади. Шикаст етказган қуролларнинг (асбобларни) ўхшашлигини ўтказиш учун албатта ўша буюмлар, қуроллар ёки асбоблар бўлиши керак. Жароҳат буюмлари асбобларини (ўткир, ўтмас, кесувчи, сангичуви буюмлар) танада бўлган жароҳатлар билан айван ўхшашлигини (идентификация) ўтказиш учун шу буюмларни тасвирловчи излар, махсус белгилар (терида, суякда, тоғайда, кийим-кечакларда) бўлиши керак. Бу экспертизани ўтказиш учун эксперимент ҳам ўтказадилар ва шу экспериментал олинган излар тана ва кийим-кечакларда топилган излар билан солиштирилади. Асбобларнинг ўхшашлигини фақат танадаги белгилар, излар билан айнанлиги аниқланса, ўшанда ўхшашлик хулосаси берилади. Мазкур экспертизалар махсус физико-техник бюро суд тиб-экспертиза бўлимларида ўтказилади. Ўхшатиш экспертизаси суд тиббиёт муассасаларидан ташқари, криминалистика муассасаларида ҳам ўтказилади. Криминалистикада умумий ва хусусий белгиларга қараб объект ёки шахснинг айнанлиги аниқланади. Травма, буюм асбоблари идентификациясидан ташқари, шахснинг идентификацияси ҳам ўтказилади.

**ИДЕНТИФИКАЦИЯ ЛИЧНОСТИ** — шахснинг идентификацияси: аниқ кишига тегишли шахснинг аниқланиши; шахсият бу идентификация объекти бўлиб, аниқ бир одамнинг хусусиятлари, тинчсоли, андозалари мажмун ва бошқа кишилардан фарқ қилишидир.

**Шахсини аниқлаш** имконияти индивидумнинг морфологик, биологик, кимёвий, биохимик таркиблари ва физиологик хусусиятлари, шунингдек унинг оғли тасаввурياتига боғлиқдир. Суд тиббиёти амалий ишларида дараксиз йўқолган кишилар шахсини аниқлаш учун унинг белгилари, хусусиятлари мурданинг белгилари билан таққосланади; айрим вақтларда экспертiza усули билан таққосланади, дактилоскопия усули билан боғлиқ бармоқ изларини олиб, уни йўқолган шахс бармоқ излари билан солиштирилади.

**ИДЕНТИЧНОСТЬ** — бирдайлик, тенглик (лотинча) бир хиллик, объектининг фақат ўзгинаси шунга хос, шунга тенг. Тенгликни, бир хилликни ўхшашликдан фарқ қила билиш керак. Ўхшашлик демак бир нечта белгилар турли объектларга хос, ўхшашни мумкин.

**ИДИОСИНКРАЗΙΑ** — идиосинкразия (يونонча *idios* — мутлақо бошқа, *synkrasis* — сўлжиш) аллергия (қ.) муайян моддалар, шу жумладан оқсил (тухум ва бошқалар) нооқсил (йод ва бошқалар) моддалар ёки ташқи омиллардан ўта таъсирланувчанлик; кўпинча кўзгатувчи бўлган биринчи контактдан сўнг вужудга келади, тери шишади, эшакеми тошади ва ҳоказолар. Айрим вақтларда идиосинкразия натижасида киши тасодифан ўлиши мумкин. Бу ҳол суд тиббиёти амалий экспертizasи орқали текширилади.

**ИДИОТИЯ** — идиотия (يونонча), туғма тентаклик, олигофрениянинг оғир шакли, психик жиҳатдан буткул ривожланмай қолиш. Идиотияда сўзлаш қобилияти ривожланмайди.

**ИЗВИЛИНА** — эгри-бугрилик; бурма-чурмалик. Бош мия катта ярим шарлар пўстлогининг эгатчалар билан чегараланган бурма жойлари.

**ИЗМЕНЧИВОСТЬ ГЕНЕТИЧЕСКАЯ** — генетик ўзгарувчанлик, ирсий ўзгарувчанлик; мутациянинг турли хиллари ва улар комбинацияларининг кейинги чагишмаларида пайдо бўлади, яъни генотиплар ўзгариши билан юзага келадиган ўзгарувчанлик.

**ИЗНАСИЛОВАНИЕ** — номусга тегиш — хотин-қизларни жисмоний куч билан қўрқитиб ёки жабрланувчининг ожизлигидан фойдаланиб жинсий алоқа қилишдир. Хотин-қизларнинг номусига тегиш билан уларни бадном қилинади. Номусга тегиш энг оғир жиноят ҳисобланади, шунинг учун ҳам айрим жиноятни оғирлаштирадиган ҳолатлар учун ҳатто ўлим жазоси белгиланади. Номусга тегиш Ўзбекистон Республикаси жиноят кодексининг 118-моддасида кўрсатилган.

**ИЗОБРЕТЕНИЕ** — ихтиро, бирон-бир нарсани, масалан қишлоқ хўжалигида ижтимоий-маданий қурилиш ёки мудофаа соҳасида ижобий самара берадиган қилиб, ўзига хос ҳал этиш;

**ИМБИБИЦИЯ ТРУПНАЯ** — мурда имбибицияси, мурда тўқимасининг эриган эритмаларни шимлиши. Имбибиция (лотинча *imbibitio* — шимилиш). Имбибиция мурда доғларининг учинчи босқичи деб аталади. Имбибиция шимилиш, шимдириш, эриган моддаларнинг тўқималар томонидан сўриб олинишига айтилади. Лимфа, зардоб тўқималараро суюқлик, гемолизлашган қон томирлардан чиқиб, тери тўқималари томон сўрилади. Одатда, мазкур ҳолат 20—22 соат ўтгандан кейин рўй беради. Мурда доғлари энди бармоқ билан босганда оқармайди ва мурдани ўгирилганда пастга қараб оқмайди, ўзгармайди. Имбибиция узлуксиз, мурда доғи эса тургун бўлиб боради. Бундай ҳолатда тўқима кесилганда серсув, тери эса тўтиё-қизғиш рангда бўлади, тери ости клетчаткаси оч-қизғиш рангда бўлади. Кенгайган вена томирлари деярли бўлмайди. Мурда доғларининг пайдо бўлиши, ривожланиши ва уч босқичга бўли-

риши муҳим суд тиббиёти аҳамиятига эга. Биринчидан, мурда доғи ўлим содир бўлганлигини аниқлайди. Иккинчидан, мурда доғини босганда унинг ўзгаришлари (одатда босиш учун махсус асбоб — динамометрдан фойдаланилади) тахминан ўлим муддатини билдиради. Учинчидан, мурда доғларининг кўп ёки сийраклиги ва жадаллигидан ўлимнинг тез ёки аста-секинлик билан вужудга келганлиги маълум бўлади. Тўртинчидан, унинг дастлабки ҳолати ўзгаририлган ёки ўзгартирилмагани аниқ бўлади. Ниҳоят, ички органлар ва тўқималарда ўлимдан кейинги гипостазининг бўлиши (мурданн ёрғанда) ундаги ўзгаришларга тўғри баҳо беришда катта ёрдам беради.

**ИМПОТЕНЦИЯ** — (лотинча *impotentia* — кучсизланиш) импотенция, эркекларнинг пуштсизланиши; шундай ҳолатки, эркек жинсий алоқага лаёқатсиз бўлиб қолади. Номусга тегиш, баҳсли жинсий ҳолатлар волида ва волидияликни аниқлаш, тан жароҳатларининг оғриқ даражасини аниқлаш, бесоқолбозлик, ёшига етмаган, балоғатга етмаган шахслар билан алоқа қилиш экспертизаларида эркекларнинг жинсий алоқага лаёқатлилигини аниқлаш эҳтиёжи пайдо бўлади. Мазкур экспертиза, яъни жинсий алоқага лаёқатлигининг аниқланиши лаборатория текширишлари, шахснинг гувоҳлантирилиши ва бошқа текширишлар мажмуасига асосланган. Экспертиза ўтказилишида тиббиёт ҳам тергов ҳужжатларига эътибор бериши лозим. Шахсни гувоҳлантириш жараёнида унинг руҳий ҳолати, асаб касалликлари, марказий нерв системасининг ҳолати, жинсий органларининг яллиғланиши, эндокрин системасининг ўзгариши, жинсий органларнинг нуқсони, ундаги механик жароҳат излари, чандиқ ва бошқа ўзгаришларни эътиборга олиш даркор. Агар гувоҳланувчи мен—импотент, деб айтса, яъни ўзини жинсий алоқа қила олмаслигини изҳор этса ва эксперт шунга лойиқ объектив ўзгаришларни топмаса, унда хулоса чиқариш гувоҳланувчининг ҳамма тиббиёт ҳужжатларини, даволатган жойларини, суроқ баённомаларини, хотинидан олинган маълумотларини олиб (йиғиб) эндокринолог, невропатолог мутахассислар консултациялари билан бирга комиссиян экспертизаси ўтказилади.

**ИНКРИМИНИРОВАТЬ** (лотинча *in* — га + *crimīnari* — айблаш) айбламоқ, айб қўймоқ. Масалан, бирор кишига кимса томонидан айб қўйилиши.

**ИНКУБАЦИОННЫЙ ПЕРИОД** — инкубацион давр (лотинча *incubati* — ётиш, оромланиш), латент давр, инфекция организмга кирган пайдан то касаллик пайдо бўлгунча яширин ўтадиган давр.

**ИНОРОДНОЕ ТЕЛО** — ёт танача, ташқаридан организмга тушадиган буюмча, у турли хил ўзгаришлар келтиради.

**ИНОРОДНОЕ ТЕЛО ПРИ АСФИКСИИ** — бўғилишга сабаб бўлган ёт таначалар: механик асфиксия (қ.) турларидан бири. Юмшоқ буюмлар (мато, пахта, қоғоз) ва бошқаларнинг оғиз бўлиши ҳамда нафас йўлларида қолиб, механик равишда нафас олишни тўхтатади ва асфиксия юзага келишига сабаб бўлади.

**ИНСЕКТИЦИДЫ** — инсектицидлар (лотинча — *insectum* — ҳашарот *caedo* — ўлдирман) зарарли ҳашаротларни қириш учун ишлатиладиган моддалар; ушбу кимёвий моддалар тупроққа солинади, улар билан ўсимликлар чангланади ва пуркаланади. Ҳозир дунё бўйича саноат миқёсида 200 га яқин инсектицид ишлаб чиқарилмоқда. Улар асосан, хлор ва фосфорорганик бирикмалар ҳамда карбамин кислота ҳосиласидир. Инсектицидлар инсон ва иссиқ қонли ҳайвонларга заҳарлилиги жиҳатидан, 4 гуруҳга бўлинади. Бу моддалар ичида энг кам заҳарлиси карбофосдир. Бироқ,



у ҳам юқори дозада заҳарлидир. Шунинг учун барча инсектицидлар шилатишганда, шунингдек уларни сақлаш ва ташишда хавфсизлик механикаси қондаларига қатъий риоя қилиш даркор. Одам организмга таъсири кескин ва сурункали бўлиши мумкин. Фосфорорганик бирикмалар кескин заҳарланишга олиб келтиради, хлорорганик бирикмалар эса сурункали, хроник касалликларга олиб келади. Суд тиббиёти амалий ишларида мазкур иккала гуруҳнинг таъсиротлари учраб туради.

**ИНСТИНКТ** — инстинкт (лотинча *instinctus* — ундамоқ, мажбур этмоқ, қизиқтирмоқ) туғма ҳаракатлар, организмнинг ташқи ёхуд ички ўзгаришларига қараб вужудга келади. Уларнинг турли хиллари учраб туради, шунингдек овқатланиш инстинкти; ўлжа топиш, ҳимояланиш инстинкти; яшаш учун кураш инстинкти; жинсий инстинкт ва бошқалар.

**ИНСТРУКЦИЯ О ПРОИЗВОДСТВЕ СУДЕБНО-МЕДИЦИНСКОЙ ЭКСПЕРТИЗЫ** — Ўзбекистон республикасида суд тиббиёт экспертизаси ўтказиш турғисидаги қўлланма. Ушбу қўлланма УР соғлиқни сақлаш вазирлиги билан тасдиқланган ҳамда УР прокуратураси ва УР адлия вазирлиги, УР давлат хавфсизлигини сақлаш қўмитаси билан мувофиқлаштирилган; қўлланма жинсий процессуал кодекси, суд тиббиёти экспертизасининг ўтказилиши тартиби билан регламентга киритилган ва УР да экспертнинг экспертиза ўтказиш вазифалари ва ҳуқуқлари билан мослаштирилган.

**ИНСУЛЬТ** — инсульт (лотинча — *insultus* — уришмоқ, ҳужум қилмоқ, хуруж қилмоқ) миёга қон қуюлиши, миёда қон айланишининг кескин бузилиши натижасида миёга қон қуюлиши; ушбу ҳолат гипертония касаллигида, атеросклерозда ва бошқа ҳоллар натижасида вужудга келади; инсульт одатда бирдан бошланади қаттиқ бош оғриғи пайдо бўлиб, одамнинг боши айланади, қусади, ўзидан кетиб қолиши ҳам мумкин; тасодифан инсультдан ўлганда, унда тажовузкорликка гумон қилиш мумкин, шунинг учун ҳам шима сабабдан ўлганлигини билиш учун марҳум суд тиббиёти муассасаларида текширилади.

**ИНТЕЛЛЕКТ** — интеллект (лотинча), фикр юритиш усули.

**ИНТЕЛЛЕКТУАЛЬНОЕ ИМУЩЕСТВО** — интеллектуал мулк, юридик тушунча, ишлаб чиқариш, фан, адабиёт, ва санъат соҳасидаги интеллектуал фаолиятга тааллуқли бошқа муаллифлик ҳуқуқларини ўз ичига олади.

**ИНТЕРНАТУРА** — интернатура, битирувчи ҳақимларнинг тиббиёт муассасалари бўлиши клиника ва касалхоналар ҳамда суд тиббиёти экспертизаси қошида давлат имтиҳонларидан сўнг иктисоос бўйича иш ўрганиш шакли; ушбу шакл бир йил давом этади.

**ИНТЕРСЕКС** — интересе, гермафродитизм (қ.) га ҳос иккилама жинс (эркак ва аёл) ораллигидаги организм; ушбу организмга кўра қандай жинсга тааллуқли эканлигини аниқлаш мумкин, шунинг учун ҳам комиссия экспертиза ўтказилади.

**ИНТИМНЫЙ** — интим (французча) гўяда шахсий, диндаги, ҳуфиёна.

**ИНТОКСИКАЦИЯ** — интоксикация (лотинча — *in* — га, да ва ювонча *toxikon* — заҳар, организмни заҳар билан жароҳатлантириш, ташқаридан кирган моддалардан заҳарланиш экзоген интоксикация, организмнинг ички моддалар билан заҳарланиши эса эндоген интоксикация деб аталади. Экзоген интоксикацияси: саноат интоксикацияси (уч кресилфосфат анилин бўямалари, симоб ва бошқалар); бактериал интоксикация (ботулизм, стафилококк, озиқ-овқат токсокози); маъший интоксикация (ис газли, метал спирти,

заҳарли ўсимликлар); тиббиёт интоксикацияси (рецепт ёзилишида, дори-дармон берилишида тиббий хатолик рўй бериши) ва ҳарбий интоксикация (атом қуроллари, заҳарли моддалар) ларга бўлинади. Эндоген интоксикацияси эса моддалар алмашинувининг бузилиши натижасида вужудга келади, шунингдек эндокрин безларининг бузилиши, инфекциян касалликлардан токсинларнинг пайдо бўлиши, қўйилган орган ва тўқималардан чиққан моддалар ва бошқалардир. Заҳарланиш (қ.) интоксикациядан фарқланади. Заҳарланиш минерал, фармакологик, сунъий тайёрланган кимёвий моддалар таъсири натижасида рўй беради. Клиник оқимига кўра интоксикация кескин, сурункали (хроник) бўлиши мумкин.

**ИНТУИЦИЯ** — интуиция (лотинча) ҳақиқатни бевосита фаҳм-фаросат билан англаб олиш қобилияти.

**ИНФАНТИЛИЗМ** — инфантилизм — (лотинча — *infantilis* — боланики), катта ёшдаги кишиларда, болаларга хос бўлган жисмоний ва руҳий хусусиятларнинг сақланиб қолиши; организм ёки унинг орган ва системаларининг ривожланиб, етила олмаганлигини ифодаловчи патологик ҳолат. Инфантилизмнинг сабаблари турлича бўлиши мумкин, (она қорнида ҳомила ўсиш хусусиятининг бузилиши, ички секрециянинг бузилиши, касалликлар ва бошқалар), Руҳий инфантилизмда ёшига номуносиб бўлган хусусиятларни кузатишимиз мумкин, масалан калтабинлик, инжиқлик, итоткорлик, эмоционал беқарорлик ва бошқа катталарга хос бўлмаган феъл-атворлар.

**ИНФАРКТ** — инфаркт (лотинча — *infarctus* — ўлдириб) тўқиманинг қонсиз қолиб ўлган жойи. Мазкур ўзгаришлар сабаби, эмболия, (қ.) тромбоз ва артериал қон томирларининг танқислиги бўлиши мумкин. Тўқима ўзгаришларининг келиб чиқишида гипоксия (кислород етиشمаслиги) асосий ўрни тутаети.

**ИНФАРКТ МИОКАРДА** — миокард инфаркти; юрак мушагининг бирон қисми қон ивиши натижасида маҳсулотсиз қолиб ўлиши; ушбу ҳолат юрак артериялари, тромбоз, спазм, атеросклероз, бошқа юрак-томир касалликлари туфайли қон айланишининг бузилиши натижасида пайдо бўлади; миокард инфарктнинг ривожланишига гипертония касаллиги, семириб кетиш, кашандалик, камҳаракатлилиқ, руҳий зўриқиш ва бошқалар сабаб бўлади. Миокард инфаркти кўпинча тасодифан ўлимга олиб келиши туфайли, уни гайритабиий, яъни ташқи муҳит таъсиридан содир бўлган ўлим (ўлдирмаган) деб гумонсирати мумкин. Шунинг учун бундай ўлим суд тиббиёти муассасаларида текширилади.

**ИНФРАКРАСНАЯ СПЕКТРОСКОПИЯ** — инфрақизил спектроскопия. Инфрақизил спектроскопия моддаларининг кимёвий тузилишини текширишнинг физик усули бўлиб, кимёвий моддаларнинг энергия спектрининг инфрақизил соҳасида электромагнит нурланиши билан таъсирланишига асосланади; ушбу спектроскопия маъълум модданинг кимёвий таркиби ва тузилишини белгилашга, улардаги маъълум функционал гурuhlарни аниқлашга имкон беради; ўзининг олдиёвлиги, аниқлиги ва тежамлиги билан бу усул фақат кимёгарларни эмас, балки биолог ва тиббиётчилар эътиборини ҳам қозонди. Таҳлил учун қўлланиладиган асбобнинг номи ИК спектрофотометрдир. Ушбу асбоб суд тиббиёт лабораторияларида кенг равишда қўлланилади.

**ИОНООБМЕН** — ион алмашинувиши, қайтар кимёвий реакция; эритмалардаги ион алмашинувиши — гомоген ион алмашинувиши; эритмадаги ионлар ва қаттиқ фаза сатҳида жойлашган ионлар орасидаги ион алмашинувиш-гетероген ион алмашинувишидан иборат. Ион алмашинувиш хроматографияда қўлланилади; атомлар ва молекула-

ларининг номларга айланиши — ионизация дейилади; ионизация даражаси ҳам бирлигидаги номлар сонининг нейтрал молекулалар сонига инебатидир.

**ИСК** — даъво, юридик шахсининг низолашилаётган, бузилган ҳуқуқни ёки қонун билан қўриқланадиган манфаатни ҳимоя қилишини сўраб ҳакамлар судига, арбитражга мурожаат қилиши.

**ИСПРАЖНЕНИЯ** — ахлат, ҳазм бўлмаган овқат, ҳазм қилиш секретлари, шиллиқлар, сув, озиқ моддалар ва микроорганизмларнинг парчаланиш маҳсулотларидан иборат нажас. Маъкур ҳосилот йўғон ичакнинг қуйи бўлими ичида жойлашган бўлиб, вақти-вақти билан ажралиб тушади.

**ИССЛЕДОВАНИЕ ТРУПА, СУДЕБНО-МЕДИЦИНСКОЕ** — мурданинги суд тиббиётига оид текширилиши. Мурдани суд тиббиётига оид текшириш айниқса киши ҳаёти учун хавфли бўлган жиний ишларни счишда катта аҳамиятга эга. Дастлабки тергов органлари, терговчи, прокурор қарорлари ва суд ажримига асосланиб мурдалар текширилади. Айрим вақтларда эса мурдалар тергов органларининг ёзма таклифларига асосланиб текширилиши ҳам мумкин.

Мурдани суд тиббиётига оид текширилиши (экспертisasi) суд тиббиёт ўликхонаси (морги) да, ёки касалхона муассасаларининг моргида ўтказилади.

Одатда, мурда бюро штатида кўрсатилган суд тиббиёти эксперти томонидан текширилади. Айрим вақтларда, уни текшириш учун суд тиббиёти илмий текшириш билимгоҳининг ходимлари, тиббиёт олийгоҳи, суд тиббиёти шўбасининг профессор-ўқитувчилари ҳам, терговчи талабига асосланиб, жалб этилиши мумкин.

Мурдани текшириш учун қарор чиқарилган шахс эксперти танилаб, исми-шарифини кўрсатиши мумкин. Уни кўрсатилмаган тақдирда, мурдани текшириш учун экспертиза бўлим бошлигининг ўзи эксперти танилайди.

Қарор билан бирга моргга (ўликхонага) воқеа содир бўлган баённомасининг нусхаси ҳам юборилади. Агар мурда соғлиқни сақлаш касалхоналаридан юборилса, унда мажбурий равишда, унинг касаллик тарихи асл нусхасини ҳам юбориш лозим. Воқеа содир бўлган жойда мурдани тез ёрдам ходимлари кўриб, уни тўғри касалхонага олиб бориб, ундан кейин суд тиббиёт моргига юборсалар, унда бу низом бундан истисно. Мурда моргга милиция ходимларининг йўлланмаси билан тушса, кейинчалик улардан қарор талаб қилинади. Мурдалар бузиламайдиган жойларда, музлатгич камераларида сақланиши лозим. Мурдани кеча-кундуз сурункасига морг санитарии, тергов органларининг йўлланмаси билан қабул қилиб, уни ва у билан тушган нарса-буюмларни рўйхатга олади.

Мурдани моргда тўлиқ равишда текшириш учун мумкин ҳа-дар, уни воқеа содир бўлган жойда кўрган эксперт кўздан кечириб, кейин ёриши лозим. Ҳужжатлаштириш учун, Ўзбекистон Республикаси жиноят процессуал кодексининг моддасига биноан, экспертининг фикри (фикрнома) тузилади. Эксперт ўзи берган фикрига шахсан ўзи жавобгар. Шунинг учун у ўзининг махсус бўлимларига мувофиқ ўтказилган объектни ва ҳар томонлама текширилганига асосланиб, ўз фикрини баён этиши лозим. Унинг олдига қўйилган саволлар ва унинг жавоблари экспертининг ихтисоси, билимлари савиясидан ташқари чиқмаслиги даркор.

Агар дастлабки тергов органлари томонидан мурда қарор билан юборилса, унга асосланиб фикрнома (экспертни фикри) ҳужжати тузилади; агарда мурда йўлланма билан тушса, унда экс-



перт далолатнома ҳужжатини тузади (мурдани суд тиббиёти текшириш далолатномаси).

**Фикрнома** (далолатнома) оддий, тушунадиган сўзлар билан ёзилиши керак. Тушунилмайдиган махсус тиббиёт сўзларини эксперт, мумкин қадар кам ишлатиши лозим.

Мурдаларни экспертиза қилиш учун иш қўзғатган терговчи, уларни текшириш жараёнида қатнашиш ҳуқуқига эгадир, аммо мурданинг текширилишига даҳли бўлмаган шахслар (унинг қариндошлари, унга яқин кишилар ва бошқалар) экспертиза қилиш жараёнида қатнашишлари ман этилади. Мурда текширилиши (экспертизаси), умуман айтганда, бир ой давомида тугаши зарур, бу муддатдан ошмаслиги лозим. Агарда бу вақт давомида экспертизани эксперт туза олмаса, унда у, экспертизани белгиллаган шахсга ва бюронинг бошлиғига мазкур муддатнинг чўзилиш сабабини ва қачон битириб юборилиши тўғрисида, ёзма равишда маълумотнома юборади.

**ИССЛЕДОВАНИЕ ТРУПА НОВОРОЖДЕННОГО** — чақалоқ мурдасини текшириш; гўдак мурдасининг экспертизаси; янги туғилган бола мурдасини текшириш. Янги туғилган бола, ҳомила мурдаларини турли жойларда (ахлатхона, чордоқ, ҳожатхона ва бошқаларда) топилиши ушбу экспертизанинг ўтказилишига асос бўлади. Мазкур мурдачаларнинг топилиши гўдак ўлдириш жиноий ишига гумонсирашга олиб келади ва шу туфайли тергов суд аъзолари томонидан экспертизага юборилади. Шунинг ҳам таъкидлаб ўтиш керакки, гўдак ўлдириш экспертизаси ҳамма вақт янги туғилган бола ўлдириш ҳоллари билан боғлиқ эмас. Бу текширишлар, ҳомиладорнинг туғруқхонага бораётганида, йўлда бола тугилиб ўлгандан кейин (қисқа вақт давомида), туғруқхонада тугилиш жараёнида ўлганда ёки туғилгандан кейин, қисқа даврда ўлиб қолганда, ўлик туғилганда ҳам ўтказилади. Мазкур ҳолларда яъни гўдак ўлик туғилганда ёки янги туғилган бола 6 кун давомида ўлиб қолганда, ўлиш тўғрисидаги табиб гувоҳномаси суд тиббиёт экспертизасида тузилади. Ундан ташқари, агар тўғри даволашга гумон пайдо бўлса ёки тиббиёт ходимлари, туғруқхонада бепарволик, эҳтиётсизликка йўл қўйган бўлсалар, унда ҳам гўдак мурдасини суд тиббиёти муассасаларида текширилади.

Гўдак ўлдириш билан боғлиқ бўлган ишларда ёки шунга гумон қилинган ҳолларда, суд тиббиёти экспертлари шу воқеа содир бўлган жойларини ҳамда мурда топилган ерларни кўриқдан ўтказишга дастлабки тергов жараёнида иштирок этадилар. Улар терговчига, мурдани кўриқдан ўтказишга, баённомани тузишга, далилий ашёларни топиб беришга, гумон қилинган аёлларни кўриқдан ўтказишга ҳамда ўликни суд тиббиёти экспертизасига юборишга ёрдам берадилар.

Гўдак мурдасини текшириш, янги туғилган боланинг зўрлик билан ўлдирилганлиги ва айниқса, бола ўлдириш ҳақидаги мулоҳазаларнинг тасдиқланишига ёки рад этилишига ёрдам беради.

Гўдак мурдасини текширилиши катталар мурдасини текширишдан фарқ қилади. Янги туғилган бола организмнинг тузилиши ва унинг ҳаёт фаолияти, катталар организмга нисбатан бошқа анатомик, физиологик ва патанатомик хусусиятларга эгадир.

Гўдак мурдаларининг текширилиши ва шу мақсад туфайли қўйилган саволларнинг ечилиши ўзига хос моҳиятларга эгадир. Шунинг учун гўдак мурдасини текширишда қўйидаги саволларни, шартли равишда ҳал этиш лозим бўлади:

— бола янги туғилганми, йўқми?

— ҳомиланинг она ичида ўтказган ҳаётини (вақтини) аниқлаш;

— етилиб ўз вақтида туғилганми ёки чала туғилган?

— яшашга қобилиятлими ёки қобилиятсизми?

— тирик туғилганми ёки ўлик туғилганми?

— туғилгандан кейин қанча яшаган?

— бола туғилгандан сўнг унга қарашли белгиларни аниқлаш;

— ўлим сабабини аниқлаш;

— қон гуруҳини, реэус омилларини аниқлаш.

**ИСТЯЗАНИЕ**— қийнаш, махсус танга шикаст етказиш усули, одамни азоблаш, азоб бериш, руҳий жиҳатдан қийнашни кўзлаган (доимий равишда, такроран тан жароҳатларини етказиш, энг оғрийдиган жойларига шикаст етказиш). Мазкур ҳолат узоқ вақт, такроран бир неча мартаба, махсус оғриққа эга бўлган жароҳатлар етказиш билан таърифланади. Масалан, чимчилаб олиш, ёниб турган паниросни босиш, ишани тирноқ остига санчиш ва бошқалар. Қийнаб жароҳат етказиш оғир, унча оғир бўлмаган тан шикастларини вужудга келтириши мумкин ва ўзи махсус жиноийлик бўлиб, Ўзбекистон Республикаси жиноий кодексининг 110-моддаси билан жиноий жавобгарликка тортилади. Мазкур жиноий кодекста бимоан, жиноятчи оғирроқ жазо билан жазоланади. Суд тиббиёти эксперти қийнаш жароҳатини мавжуд, мавжуд эмаслигини ёзмайди, чунки бу унинг вазифасига кирмайди. Қийнаш билан жароҳат етказишни аниқлаш тергов, суд, прокурор аъзоларининг вазифасидир. Аммо, эксперт жароҳатларни тавсифлаши керак, уларнинг бир вақтда етказилмаганини, қайси асбоб, буюмлар қўлланилганини ва тан жароҳатлари қайси даражага мансублигини таърифлаб бериши даркор.

## К

**КАЛЕКА** — майиб-мажруҳлик, организмнинг нормал вазифаси (функциясининг) бузилиши ёки унинг тузлиши аномаллиги. Майиб-мажруҳлик туғма (ирсий) ва ноирсий шикастланиш натижасида бўлиши мумкин. Майиб-мажруҳлик текшириладиган фан травматология, деб аталади.

**КАЛИБР**— калибр (французча) ўқотар қурол жўякли най каналининг жўяклараро масофаси ва силлиқ най каналининг диаметри ва ўқнинг (снаряднинг) дюмлар, миллиметрларда ифодаланган диаметри; ушбу ўнчов ўқотар қуролнинг қувватини ҳам билдиради. Ов милтигининг калибри бир фунт (409,5 г) қўрғошиндан тайёрланган бир хил вазнга эга бўлган думалоқ шаклли ўқлар сонига тенг. Агар 16 калибрли милтиқ бўлса, унда бир фунт қўрғошиндан мазкур ўқлардан 16 таси қўйилган булар эди. 16 калибрли милтиқ найи каналининг диаметри 16,8 мм га тенг. Агар 12 стволли милтиқ бўлса, ўқнинг сони 12 тага ва най каналининг диаметри эса 18,2 мм га тенг бўлади.

**КАНАЛ РАНЕВОЙ** — яра йўли; яранинг найсимон йўли; одам танасига ўқ, пичоқ ва шунга ўхшаш қурол, асбоб буюм кириши натижасида ҳосил бўлган йўл; агар ўқдан бўлса, унда кириш тешигининг давоми бўлади. Яранинг йўли, ўқнинг кинетик энергияси ва тўқимани кўрсатадиган қаршиликка боғлиқ. Яра йўлида — соф яра йўли, некроз ва молекуляр чайқалиш зоналари тафовут қилинади. Ундан ташқари, тешиб ўтган, тўғри, нотўғри, битта ёки узлуксиз, узилган, боғланган, боғланмаган, ёпиқ ва очиқ (масалан, тентгенционал, тегиб ўтиш жараёнида) яра йўллари тафовут қилинади.

Яра йўлининг йўналишини (ўқнинг йўналиш ҳаракатидан қолдирган изи) одам танасида аниқлаш учун аввал ўқнинг кириш ва чиқиш тешиқларини топиш ёки кириш тешиги билан ўқнинг боғлиқ тақалган жойини аниқлаш лозим. Одамнинг тана текислигига теббаган биттали, иккитали, учтали ва бир нечтали яра йўллари йўналиши тафовут қилинади. Биттали яра йўли йўналишининг ўқи икки текислик сатҳини эгаллаб, учинчисига тақалади. Яра найининг йўналишида қўйидаги ҳолатлар кузатилади (олдидан—орқага, орқадан—олдинга, ўнгдан—чапга, чандан—ўнга, юқоридан—пастга, пастдан—юқорига). Агар бир текисликда жойлашган яра йўлининг йўналиши иккинчи текисликка қараб эгилса ва унинг йўналиши перпендикуляр ҳолатидан учинчига ўтса, унда иккита яра найи йўналиши деб аталади (кўплик ҳолатлар, масалан, олдиндан—орқага ва юқоридан—пастга, чандан—ўнгга ва орқадан—олдинга ва бошқалар кузатилади). Агар яра йўли йўналишининг ўқи ҳеч қайси бир текисликка жойлашмасдан, ўрта кесилган марказдан ўтса учтали яра найи йўналиши деб аталади. Бу ҳолда: олдиндан—орқага, ўнгдан—чапга ва озгина юқоридан—пастга ва ҳоказо мураккаб ҳолатлар кузатилади.

**КАННИБАЛИЗМ** — канныбализм (французча), одам гўштини одам ейиши; очарчилик пайтларида содир бўлган, ammo канныбализм илгари тош даврининг ибтидоий халқларига хос бўлган. Кейинчалик диний жиҳатдан ҳам канныбализм сақланиб қолган. Унда одамлар ўлдирилган душманлар, ўлган қариндошлар жасадларининг айрим қисмларини ейишган; бунда кишилар ўликнинг кучқуввати ва бошқа хусусиятлари ейилган гўшт орқали ўтади, деган тушунчага эга бўлганлар.

**КАПЛИ ҚРОВИ** — қон томчилари; қон доғлари; қон томчиларининг текис горизонтал буюм сатҳида кичик баландликдан тушиб, доғ ҳосил қилиши. Агар қон томчиси 50—80 см баландликдан текис сатҳда тўғри перпендикуляр тушса, унда даврасимон, атрофлари текис қон доғини ҳосил қилади; баландлиги — 1—1,5 м бўлса, унда даврасимон қон доғининг атрофлари кертикланган шаклда бўлади. Агар 2—3 метр баландликдан тушса, унда тушган қон доғининг атрофлари қўшимча нуқтасимон чизиксимо, ёйсимон шакллари ҳосил қилади. Қон томчиси тушаётган баландлик ундан ҳам кўп бўлса, унда қон доғи даврасимон шаклни йўқотади. Қон томчилари юраётган пайтда ўткир бурчак остида тушса, унда улар чизикли, ундов шаклига эга булиши мумкин. Ундовнинг ўткир учи қон тушаётган йўналишига кўрсатади. Қон томчиларидан ҳосил бўлган доғларни таҳлил қилиш муҳим суд тиббиёти аҳамиятига эга. Уларнинг шаклларига қараб, қандай ҳолатда пайдо бўлганлигини фараз қилиш мумкин.

**КАПСЮЛЬ** — капсуль (лотинча capsula — қутича) пистон, отар ўқнинг бир қисми, порохнинг аланга олиши учун ишлатилади; капсуль жездан қилинган, стаканчасимон бўлиб, гильзанинг тағида жойлашган; ушбу стаканчага капсуль таркиби (портланувчи сымоб, қўргошин азиди) жойлашган. Ўқни отаётганда, теқкининг ўткир учи пистон чиқадиган жойга урилганда капсулдаги бирикма алангаланиб, порохнинг портлашига олиб келади, натижада ўқ отилиб чиқади.

**ҚАРАБИН** — карабин, жанговар қуролнинг бир тури, у узун стволди миттиқ, 1500 метргача мулжаллаб отиш хусусиятига эга.

**ҚАРБОКСИГЕМОГЛОБИН** — карбоксигемоглобин, бу қон гемоглобинининг ие гази билан мустаҳкам бирикмаси бўлиб (СОНЬ), одамнинг ие газидан нафас олиб заҳарланиши натижасида вужудга келади; ушбу бирикшдан ҳосил бўлган маҳсулотнинг миқдори



60% гача етса, унда организмда оғир захарланиш белгилари пайдо булиб, киши ўлиши мумкин, чунки карбоксигемоглобин кислороднинг тўқималарга нормал етиб келишига тўсқинлик қилади. Карбоксигемоглобин қоннинг таркибида сифатли спектроскопия усули ёки кимёвий реакциялар орқали аниқланади. Спектрофотометрик усуллар билан эса карбоксигемоглобиннинг миқдори аниқланади.

**КАРМИНОВЫЙ ОТЕК ЛЕГКИХ** — ўпканинг кармин (қирмиз ранг) шиши, компрессион асфиксиядан ўлган кишиларнинг ўпкаси шишади, уни кесиб кўрганда мазкур асфиксияга хос тўқима қипчирил рангда бўлади. Мазкур ранг қон кўп миқдорда кислород билан таъминланиши натижасида келиб чиқади, чунки тана (кўкрак ва қорин)ни қисилганда ҳам нафас олиш ҳаракати давом этади ва шу тўфайли ҳаво ўпкага кириб, қонни кислород билан таъминлайди ва ўпка тўқимаси кислород танқислигига нисбатан озод бўлади.

**КАРТЕЧЬ** — умуман айтганда Европада душманининг жонли кучларига талафот бериш учун мўлжалланган артиллерия снарядининг бир тури, тош, металл парчаларидан тайёрланган, аммо ҳозир ов милтигининг йириқ литраси, думалоқ қўргошнинг диаметри 5,5 мм дан зиёд.

**КАСТЕТ** — кастет (французча — casser — шикастламоқ + tête — бош) сөвүқ қуролнинг бир тури; тешикларидан бармоқларни ўтказиб ушланадиган темир қурол: муштлашиш учун қўлланилади. Ураётган муштни кучлантиради.

**КАТАЛЕПТИЧЕСКОЕ ТРУПНОЕ ОКОЧЕНЕНИЕ** — мурданинг каталептик қотиши; Одатда мурда қотиши 2—4 соатдан кейин юз берса, каталептик мурда қотишида ўлган захоти қотиш пайдо бўлади. Каталептик мурда қотиши жуда кам учрайди. Бундай ҳолларда мускуллар тирикларда баъзи бир ҳаракатларни бажараётиб, ҳали бўшашмасдан туриб, бевосита, ўша замон қотиб қолади ва тирик пайтидаги ҳолатни сақлаб қолиши мумкин. Каталептик қотиб қолиш кўпинча бош мия, узунчоқ мия ва орқа мия жароҳатланганда, тутқаноқлар пайтида (аденазин уч фосфат кислотаси тежамлари ўлмасдан бурун сарф этилганда) тутқаноқ келтирувчи захарли моддалар билан захарланганда, эпилепсияда ва бошқаларда кузатилади. Мазкур ҳолларда тирикларда кузатилган тутқаноқлар бевосита мурда қотиб қолишига ўтади.

**КАТЕГОРИЯ СМЕРТИ** — ўлим категорияси; ўлим тоифаси, ўлим икки тоифага бўлинади: табиий ва ғайритабиий ўлим. Табиий ўлим деганда ҳеч қандай зўрликсиз, турли касалликлар натижасида ўлиш; ғайритабиий ўлим деганда эса ташқи муҳит: механик, кимёвий, физик ва бошқалар таъсиридан ўлиш тушунилади.

Касалликнинг яширин ўтиши натижасида ўзини соғлом деб ҳис қилган кишининг тўсатдан ўлиб қолиши атрофдагиларда шубҳа туғдиради. Шунинг учун ҳам суд тиббиёти томонидан мурдани батафсил текшириб, ҳақиқий ўлим сабабини аниқлаш лозим бўлади.

**КЕССОННАЯ БОЛЕЗНЬ** — кессон касаллиги, кессон (ғаввос) пчида туриб ишлайдиган ишчилар ёки сув остида (юқори атмосфера остида) ғаввослик кийимида ишлайдиган кишиларда учрайди. Нормал атмосфера босимидан юқори атмосфера босимига ўтганда қуйидаги ўзгаришлар рўй беради: қулоқ пардаси ичкарига қараб тортилади, жароҳатланади, йиртилади. Мурдани ёрганда газ билан қисилиши натижасида юрак ўнг қоринчасининг кенгайиши кузатилади, вена артерияларида эмболлар пайдо бўлади; ўпкада шиш ва эмфизема рўй беради; орқа мияда қон қуюлиши ва маҳаллий юмшоқлик кузатилади ва бошқалар.

**КЕФАЛОГЕМАТОМА** — кефалогематома (юнонча — kephale —

бош + hairn қон, ота — шиш), туғруқ шишининг бир тури, «қонли шиш» деб аталади, қоннинг бош суяк қобиғи билан унинг апо-невроз орасига қуйилиши. Ушбу кефалогематома янги туғилган боланинг бошида туғилаётган пайтда ёки туғилгандан кейин кўп вақт ўтмай пайдо бўлади. Кефалогематома кам учрайди, аммо у боланинг янги туғилганлигини билдирувчи омиллардан ҳисобланади. Кефалогематома мўматалоққа ўхшаш қонга секинлик билан сўрилади, ўрта ҳисоб билан 10—12 кундан кейин, айрим вақтлар-ларда 3—4 ҳафтадан кейин йўқолади.

**КИБЕРНЕТИКА** — кибернетика (юнонча — kibernetika — санъат билан бошқариш), информацияни олиш, сақлаш, узатиш ва қайта ишлашнинг умумий қонунлари ҳақидаги фан. Кибернетика масалаларини ечадиган асосий техник восита — ЭҲМ (электрон ҳисоблаш машинаси).

**КИНЕТИЧЕСКАЯ ЭНЕРГИЯ** — кинетик энергия, механик системанинг ташкил қилувчи қисмлари ҳаракати тезлигига бўлган энергияси. Суд тиббиёти амалий ишларида учраб турадиган механик жароҳатлар жадаллиги энг биринчи кинетик энергияга боғлиқдир. Классик механикада  $V$  тезлик билан таърифланадиган  $m$

массани  $p$  (жисмнинг) кинетик энергияси  $\frac{mv^2}{2}$  га тенг.

**КИНЖАЛ** — ханжар, икки тигли пичоқ, уни олиб юриш ман этилган, Ўзбекистон Республикаси жиний кодекси махсус моддасининг учинчи қисмида қонунсиз равишда ханжар, фин пичоғи, кас-тет ёки бошқа совуқ қуроолларни олиб юриш шу кишининг касби, хизмати ёки ҳаёт кечиршига боғлиқ бўлмаса, жиний жавобгар қилинади, деб кўрсатилган.

**КЛЕВЕТА** — туҳмат; бошқа бир шахсни шарманда қилиш учун ёлгон ва уйдирма хабарлар тарқатиш.

**КЛЕТКА** — протоплазма, ядро ва пардадан иборат бўлган тир-рик организмнинг энг оддий тузилиши.

**КЛЕТЧАТКА ЖИРОВАЯ ПОДКОЖНАЯ** — тери ости ёғ клет-чаткаси, терини тери ости тўқималардан ажратиб турадиган клет-чатка.

**КЛИМАКС** — климакс, климактерий (юнонча — klimas, лотин-ча — climacter — ёш улғайганда ўзгариш даври), жинсий безлар фаолиятининг сўниши; ёш улғайганда одам организмда пайдо бўладиган жинсий система инволюцияси, функцияси сўниш билан ифодаланадиган давр. Ушбу давр одам ҳаётида намоён бўладиган бошқа умумий ўзгаришлар билан бирга вужудга келади.

**КЛИТОР** — тиллиг, аёллар ташқи жинсий қисмининг аъзоси, жинсий тешикнинг юқори қисмида жойлашган бўлиб, унинг икки-та оёқчаси, танаси ва учи (каллеси) тафовут қилинади. Мазкур органнинг мавжудлиги, унинг ўзгаришлари баҳсли жинсий ҳолат ва жиний жинсий экспертиза пайтларида махсус суд тиббиёти аҳамиятига эгадир.

**КЛИНИЧЕСКАЯ СМЕРТЬ** — клиник ўлим, терминал ҳолат-нинг охириги даври, ташқи томондан ҳаёт белгилари йўқдай туюлади (юрак уриши, нафас олиш, рефлексларининг йўқлиги), аммо марказий нерв системаси сўниши билан биргаликда тўқима-ларда моддалар алмашинув жараёни сақланади, бир неча минут давом этади ва кейинчалик биологик ўлимга ўтади. Клиник ўлим даврида организм ҳаёт функцияларини тиклаш имкони бўлиши мумкин, лекин биологик ўлимдан кейин, бу имконият мутлақо бўл-май қолади. Шунинг учун тўқима, органни кўчириб ўтказиш билан шуғулланадиган шахслар, суд тиббиёти экспертлари иштирокида, биологик ўлимдан аввал мурданинг тўқима органларини трансплан-тация мақсадида олиш учун ҳаракат қиладилар.

**КОДЕКС** — кодекс — қонулар тўплами, Ўзбекистон Республикаси Олий кенгашининг тегишли сессияларида тасдиқлангандан кейин тўплам қилиб чиқарилади. Кодексларнинг хили: Ўзбекистон Республикасининг жиноят кодекси; жиноят процессуал кодекси; фуқаролик кодекси ва бошқалар.

**КОДЕКС ЗАКОНОВ О ТРУДЕ (КЗОТ)** — меҳнат тўғрисидаги қонулар кодекси (меҳнат қонулари кодекси, ишчилар ва хизматчилар меҳнатини тартибга солиб турувчи ҳужжат далолатномаси). Ушбу кодекс ҳар бир Республикада қабул қилинган. Ўзбекистон давлатининг асосий гамхўрлиги меҳнаткашлар соғлигини муҳофаза қилиш, меҳнатнинг хавфсиз шароитларини таъминлаш, касб касалликлари ва иштаб чиқаришда шикастланишга барҳам беришдир. Буларнинг ҳаммаси меҳнат қонуларининг кодексиде акс эттирилган. Ушбу кодекснинг умумий қоидалари қандай норматив далолатномалардан иборат эканлиги кўрсатилган.

**КОЛЮЩИЕ ОРУДИЯ** — санчувчи асбоблар; ушбу асбоблар узун пона шаклига эга бўлиб, уларнинг учлари тигсимондир. Санчувчи асбоблар кўндалаги кесим шаклига асосланиб қуйидагиларга бўлинади: чуққайган (конуссимон), цилиндрик ва пирамида-симонлардир. Санчувчи асбобларнинг таъсириот механизми қуйидагича ўтади: асбобнинг учи босиши туфайли тўқима, аъзони кесади ёки ёради, унинг понаси эса чуқурроқ тўқима, аъзонинг ичига кириши билан тўқималарни суриб қўяди. Санчувчи асбобларнинг таъсири остида тўқимада санчилган яралар пайдо бўлади. Уларнинг ўзига хос белгиларни бор (қ. «раны от колющих орудий»).

**КОЛЮЩИЕ-РЕЖУЩИЕ ОРУДИЯ** — санчувчи-кесувчи асбоблар — учи ўткир тигли; узунасига бир томонлама (бир дамли ўткир) икки томонлама (икки дамли ўткир) ёки бир неча дамли ўткир тигли асбоблар тафовут қилинади. Мазкур асбоблар таъсиридан келиб чиққан жараҳатлар (яралар) ҳам санчиш, ҳам кесиш белгиларига эга бўладилар. Шунинг учун санчувчи-кесувчи асбоблар таъсиридан санчув-кесув яралари вужудга келади (қ. «раны от действия колюще-режущих орудий»).

**КОЛЬЦО ДЕМАРКАЦИОННОЕ** — демаркацион халқа; чақалоқ киндигининг бойланган жойида терининг реактив яллиғланиши. У атрофдаги чегараланган теридан кескин ажралиб туради. Қипқизил рангда бўлиб, жўяксимон шаклга эгадир. Яллиғланиш натижасида жўякнинг атрофи силлиқланган, таранг ва киндик диаметрининг ошиши билан таърифланади.

Кесилмаган киндикнинг қоринга яқин жойида оч жигарранг халқача мавжуд бўлиб, у демаркацион халқадан фарқланади. Мазкур демаркацион халқа, одатда 6—12 соат ўтгач (туғилгандан кейин) пайдо бўлади ва бир суткадан кейин яққол кўрина бошлайди. Агар киндикнинг бойланган жойида (халқанинг атрофида) яллиғланиш белгилари, яъни демаркацион халқаси кўринмаса, бу чақалоқнинг янги туғилганлигини кўрсатади. Демаркацион халқанинг мавжудлиги — бола шубҳасиз тирнк туғилганлигининг рамзидир. Бир ҳафтадан кейин киндикнинг халқадан ташқаридаги қисми тушади. Демак, киндикнинг тавсифланиши туғилган вақтини аниқлашга ёрдам беради. Юқорида кўрсатилган саволларнинг ечилиши, гўдак ўлдириш экспертизасини ўтказишда муҳим аҳамиятга эга.

**КОМПРЕССИЯ** — компрессия (лотинча — compressio — сиқилиш, қисилиш), Бош мия компрессияси — тез вужудга келадиган миянинг сиқилиши. У бош мия ичидаги босимни кўтаради. Мазкур ўзгаришлар кўпинча мияга қон қўйилиши натижасида пайдо бўлади, масалан бош мия травмасида, мия шишларининг мавжудлигида, яллиғланиш жараёнида ва бошқалар. Агар бош мия ичига 50—



100 см<sup>3</sup> қон қуйилса, унда тез вужудга келган мия сиқилиши ўлимга олиб келади. Мия қисилиш ҳолати ўлимнинг генезини, яъни келиб чиқиш механизмни аниқлашга ёрдам беради. Суд тиббиёти амалиётида кўкрак қафаси ва қорин сиқилиши натижасида келиб чиққан, ўлим билан тугаган тан жароҳатлари ҳам учраб туради (қ. асфиксия компрессионная).

**КОНВОЙ** — конвой, асирларни ва бошқаларни қўриқлашга мўлжалланган ҳарбий бўлинма. Айрим вақтларда суд тиббиёти экспертизасини ўтказиш учун конвой орқали жиноятчи суд тиббиёти экспертизасига олиб борилади.

**КОНДИЦИОНАЛИЗМ** — кондиционализм — (лотинча), тиббиёт, физиологиядаги позитивистик, идеалистик оқим; унинг тарафдорлари сабаб-оқибат боғланишларининг объективлигини инкор этиб, унинг тушунчасини, шартлар комплекси тушунчаси билан алмаштиради; жиноятчилик, касаллик негизларини, турли шароитларнинг гасолифан бирга содир бўлиши деб ҳисобланади.

**КОНКРЕТНОСТЬ** — конкретлик (лотинча) абстрактликка қарама-қарши философик категория, диалектик материализмда икки маънода юритилади: — бевосита мавжуд бўлган, ҳис билан идрок этиладиган бутунлик маъносиде ва муҳим алоқа муносабатларини очиб берувчи илмий таъриф системаси сифатида ишлатилади. Конкретлик объектнинг турли-туман алоқа ва муносабатларидаги яхлитлигини, бирлигини кўрсатади.

**КОНСЕРВИРОВАНИЕ** — консервланиш; маҳсулот, буюм, органларни узоқ сақлаганда уларнинг бузилишига олиб келадиган микроблар ёки органдаги баъзи бир ферментларни пўқотиш, уларнинг таъсирчанлигини тўхтатиш ёки таъсир этишига йўл қўймаслик учун шароит яратишга асосланган. Шу нуқтан назардан суд тиббиёт мусассасаларида мурданан олинган органларга спирт, формалин ва бошқа консервантлар қўйилиб, идиш оғзи герметик ёпиб қўйилади.

**КОНСИЛИУМ** — консилиум (лотинча — consilium — муҳокама қилиш, кенгашиш), ҳакимлар кенгаши, зудликда беморга ташхис қўйиш ва даволаш масалаларини ҳал этиш учун чиқариладиган кенгаш.

**КОНСИСТЕНЦИЯ** — консистенция (лотинча) жисмларнинг қуюқлигини, қаттиқ, юмшоқлигини ифодаловчи меъёр. Консистенция шартли бирликларда ифодаланади (масалан, мурдани ёриб текширганда мия консистенцияси хамирсимон ёки атеросклеротик тугунчалар консистенцияси тоғайсимон ва бошқалар), шунингдек ҳаммага маълум бўлган маҳсулотлар ўзаро қиёслаб аниқланади. Демак, консистенция қовушқоқ сууюқликлар ва ярим қаттиқ жисмлар, паста, мазь, хамир ва бошқаларнинг қуюқлигини ифодаловчи тушунчадир.

**КОНСТИТУЦИЯ** — 1 — конституция — 1 (лотинча — constitutio — тузум, ҳолат), ваколатли ҳокимият органларини тузиш тартиби ва принциплари; давлатнинг асосий қонунини, ушбу қонун давлатнинг барча қонунлари асоси бўлиб, граждандарнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилаб беради. Ўзбекистон Республика конституцияси меҳнаткашларга тенг ҳуқуқ ва эркинликлар беради ва уларнинг амалга оширилишини таъминловчи ваколатларни эътиборга олади.

**КОНСТИТУЦИЯ** — 2 — конституция — 2 (анатомияда), гавданнинг маълум бир белгилари билан унинг шакл тузилишларини ифодалайди, масалан, кўкрак қафасининг цилиндрик тузилиши, астендик, гиперастенник ва бошқа тузилишлар, умуман айтганда, одам организмнинг ирсий омиллар ва ҳаёт фаолияти асосида шаклланган морфологик ва функционал хусусиятлари.

**КОНСУЛЬТАЦИЯ** — консултация (лотинча — *consultare* — маслаҳат бериш, гамхўрлик қилиш), мутахассис томонидан бериладиган маслаҳат; ушбу маслаҳатлар махсус ажратилган муассасалар (ёки юридик, ёки ҳақимлик) ва бошқа корхоналарда ўтказилиши мумкин; консултация олийгоҳ, мактаб муаллим ва ўқитувчилари орқали талабалар ва ўқувчиларга фанни ўзлаштиришларида берадиган қўшимча ёрдам бўлиши мумкин.

**КОНТИНГЕНТ** — контингент (лотинча), муайян бир хил муносабатда бўлган гуруҳ, категорияни ташкил қилувчи кишилар мажмуи, масалан суд тиббиёти экспертлар контингенти; аниқ бир нарсанинг махсус мақсадлар учун белгиланган норма мезонлари, масалан тиббиёт олийгоҳларига қабул қилиш контингенти.

**КОНТРАКТУРА** — контрактурa (лотинча — *contrahere* — қисқариш, тортилиш), мушаклар, бўғим касалликлари, рефлексларнинг бузилишлари, тери чандиқлари, пайлар тортиши ва бошқа сабаблар туфайли бўғимнинг букилмай қолиши; масалан, чап тирсак бўғимининг букилмаслиги, чап қўлнинг вазифасини йўқотади. Тирсак терисининг чандиқлари жароҳат натижасида келиб чиққан бўлса, унда тана жароҳати оғир шикастланиш тоифасига киради.

**КОНТУЗИЯ** — контузия (лотинча — *contusio* — лат еган жой), тананинг кўп қисми ёки ҳамма аъзоси лат ейиши натижасида организмнинг умумий шикастланиши; ушбу ҳолат айниқса ҳаво тўлқинининг зарби таъсирида вужудга келади, ундан кейин шундай ҳолат юзага келадик, киши маълум даврнинг воқеа ва кечинмаларини эслай олмайди (амнезия), бош айланиши, бош оғриш пайдо бўлади, эшитиш пасайиб, гапидан адашади.

**КОНЦЕНТРАЦИОННЫЕ ЛАГЕРЯ** — концентрацион лагерлар; немис-фашистлар томонидан, фашист ҳукмронлиги ўрнатилгандан кейин ўз режимларини юзага чиқариб, махбусларини қийнаш, уларни бошқалардан ажратиш учун тузилган лагерлар. Фашистлар Германияси босиб олинган мамлакатларга 1938—45 йиллари ҳам концентрацион лагерлар ўрнатиб, у мамлакатларнинг халқларига нисбатан қатагон геноцидчилик зулмини ўтказган. Освенцим, Майданек, Бухенвальд, Требинка, Заксенхаузен ва бошқа концентрацион лагерлар одамларни қийнаб, уларда ваҳшийларча тажрибалар ўтказганлар: турли қийнаш усуллари билан собиқ ССЖИ, Польша, Франция, Бельгия, Нидерландия, Чехословакия, Югославия, Венгрия ва бошқа мамлакатларнинг 11 млн. дан ортиқ фуқаролари йўқ қилинган, тириклайин кўмилган, куйдирилган ва бошқалар. Тирик организмда ўтказилган даҳшатли тажрибалар экспертиза усуллари орқали илмий асосда тасдиқланган ва турли далилий ашёлар йиғилиб, музейлар (Освенцим, Майданек, Бухенвальд, ва бошқалар) ташкил этилган.

**КОПОТЬ** — қурум, дуд, қоракуя, отилган ўқ, ўқотар қурооллар стволидан чиқиб жароҳатланган пайтда объект атрофида ёки яра ичида пайдо бўладиган қора рангли толқоқсимон заррачалар, ушбу заррачалар тўлиқ куймаган заряд капсуль таркибидаги моддалар чанги, ствол ичидаги ва ўқ устидаги металллар гардидир. Қурумнинг борлиги ўқнинг яқин масофадан отилганлигини билдиради. Агар ўқотар қуроолнинг ствол ичи кесилган бўлиб, ўқланган иншоотлари дудсиз порохдан бўлса, қурум излари пайдо бўлиши учун отилган масофа 30—50 см дан кам бўлмаслиги лозим; агарда ўқ отиладиган иншоотлар дудли порохдан бўлиб, силлиқ стволли ўқотар қуроолдан отилса, унда қурум излари 50—100 см масофагача пайдо бўлиши мумкин.

**КОРЕНЬ ВОЛОСА** — соч (қил) илдизи, тери остига кириб турган ва мўй қопчаси билан ўралган қилнинг бир қисми.

**КОРКОВЫЙ СЛОЙ** — пўстлоқ қатлами, кортекс; ушбу пўстлоқ сочи ва айрим паренхиматоз органларнинг қатламидан иборат. Пўстлоқ қатлами одам сочининг асосий қисмини ташкил этади; у энг бақувват қатлам ҳисобланади, сочининг эгилувчанлиги, чўзилувчанлиги ва бошқа физик-механик хоссалари шу қатламнинг тузилишига боғлиқ. Пўстлоқ қисм ҳужайраларида соч рангини белгиловчи пигмент — меланин дончалари бўлиб, улар кўпинча қатламнинг четки қисмларида жойлашган.

**КОПЬЕ** — найза, бир учида металл, суяк ёки тош тиг ўрнатилган ёғочдан иборат санчувчи ов ва жанг қуроли. Қадимги дунё ва ўрта асрларда пиёда ва отлиқ лашкарларнинг асосий қуроли. 17 асрдан бошлаб милтиқ учида ҳам найза ўрнатила бошланган. Бундай найза санчиш ва кесишга мўлжалланган, улар қиррали, игнасимон, пичоқсимон тиглар милтигидан ажратиладиган ва ажратилмайдиган турларга бўлинади. Милтиқ учидаги найза, штик (қ.) деб аталади.

**КОРРОЗИЯ** — коррозия (лотинча *corrosia* ейилиш); металлларнинг кимёвий моддалар таъсиридан емирилиши, шунингдек организм аъзоларининг улар таъсиридан яраланиши, бузилишига айтилади. Суд тиббиёти тушунчаси бўйича кимёвий моддаларнинг жойли (маҳаллий) таъсири натижасида тўқималарнинг емирилишига коррозияли таъсирот деб аталади. Мазкур ўзгаришлар ишқор, жавҳар ва айрим тузлар бирикмалари таъсиридан вужудга келади.

**КОФЕИН** — кофеин, алкалоид, қачва дарахти уруғлари, қола ёнғоғи, чой бутаси барглари ва бошқалар таркибида учрайди; ушбу алкалоид организмга айниқса юрак-томир ва марказий нерв системаларига қўзғатувчи сифатида таъсир этади; кофеин ҳақимлик амалий ишларида заҳарланганда, қувватлантирувчи дори сифатида ишлатилади.

**КРАЖА И ЗАМЕНА ДЕТЕЙ** — бировнинг боласини ўғирлаш ёки алмаштириш, ғараз, ўч олиш мақсадида ёки бошқа шахсий ниятда бировнинг боласини ўғирлаш ёхуд алмаштириш.

**КРАНИОЛОГИЯ** — краниология (юнонча *kranion* — калла, *logos* — текшириш), антропологиянинг бир қисми: калла суяги бутунлай ёхуд унинг алоҳида қисмларининг шакли ва ўлганларни текшириш, уларни синчиклаб ўрганиш; краниология орқали унинг маълумотлари туфайли фақат ирқшунослик ва антропологияда қўлланишгина эмас, балки суд тиббиёти амалий ишларида, масалан йўқолган шахснинг бош суяги орқали унинг суратини тиклаш ва бошқалар.

**КРЕАТИН** — креатин одам ва ҳайвон тўқималарида, айниқса кўндаланг-таргил мушак тўқималарида учрайдиган органик модда.

**КРЕМАТОРИЙ** — крематорий (лотинча), жасадни куйдириш усули билан дафн этувчи бино, ушбу бинолар махсус куйдирадиган печлар билан жиҳозланган; жасадни куйдириш, яъни кримация этиш илгаридан, қадим замонлардан бери мавжуд, масалан қадимги славянлар, буддистлар, ҳиндуслар кримацияга эътиқод этувчи халқлар жасадаларни куйдириш йўли билан дафн этардилар: ҳозирги вақтда XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб кримация кўпчилик мамлакатларда кенг тарқалган.

**КРИМИНАЛИСТ** — криминалист (лотинча — *criminalis* — жиноятли); адлия мутахассиси, жиноят ҳуқуқига тегишли ишлар юзасидан иш олиб борувчи ва жиноят ҳуқуқи жиноят процессуал ҳуқуқи, никоҳ ва оила ҳуқуқи ва шулар каби бошқа ҳуқуқнинг соҳалари юзасидан жиноятни тергаш, очиш, унинг олдини олиш борасида жиддий иш қилади, у жиноят ҳуқуқига тегишли, яъни жи-



жоятти тергаш, очиш, далиллар туллаб жиноятни исботлаш, текширишлар олиб боради.

**КРИМИНАЛИСТИКА** — криминалистика — жиноят ҳукуқи фанининг бир қисми, у жиноятни келгириб чиқарадиган сабабларни, жиноятнинг изларини техника ёрдами билан турли усуллар орқали аниқлайди. Бу фан жиноятчиларни аниқлашда уларнинг бармоқларини, қўл-оёқ изларини текшириш билан ҳам шугулланади.

**КРИМИНОЛОГИЯ** — криминология — жиноятларнинг ижтимоий хавfli ҳолатини, сабабларини, шароитларини олдини олиш усулларини ўрганадиган фан.

**КРИОСКОПИЯ** — криоскопия (юнонча — kryos — совуқ, skopein — кузатмоқ), қўшма сувлар ҳароратга, музга оидликни билдиради; криоскопия — бу эритманинг музлаш нуқтасини аниқлайдиган усул, ушбу усул сувга тушган жасаднинг чап ва ўнг юрак қоринчаларидаги қоннинг музлаш ҳароратини аниқлашда ишлатилади. Бу усул одамнинг тириклик пайтида сувга тушганими ёки ўлдирилганидан кейин сувга тушганлигини аниқлашга ёрдам беради. Фақат, усулнинг шубҳасиз аниқлиги вақт муддатига боғлиқ. Мурдани ўша замон текширилганда, яъни сувга тушишидан текширилишигача кўп вақт ўтмаганда, усул шубҳасиз туғри аниқланади.

**КРИПТОРХИЗМ** — крипторхизм (юнонча — kryptos — яширин, stehis — тухум), эмбрионлик давридаги ривожланиш жараёнида структуралар ўзгариш рўй бериб, натижада ҳомила бузилиши вақтида бир ёки иккала мойк қорин парда орқасидаги бўшлиқда қолиб, мойк халтасига тушмаган бўлади.

**КРИСТАЛЛЫ ФЛОРАНСА** — Флоранс кристаллари; доғларда сперма мавжудлигини аниқлаш учун Флоранс томонидан тавсия этилган холин кристаллари. Мазкур суд тиббиёти профессори, 1895 йили тажрибалар ўтказиш натижасида шунини аниқладикки, агар сперма доғларига йод эритмаси (2,54 гр йод кристаллари + 1,6 гр калий йодит + 30 дистилланган сув) таъсир этилса, унда ўша замон, кўпгина қийшиқ шаклли, жигар рангли кристаллар ҳосил бўлади. Уларни микроскоп орқали кўриш мумкин. Флоранснинг айтишича, ушбу кристалларнинг мавжудлиги, шубҳасиз доғларнинг спермадан келиб чиқишини кўрсатади. Аммо, кўп вақт ўтмай (1898) кейинги текширишлар шунини кўрсатдики, мазкур кристалларни бошқа сперма бўлмаган доғлардан масалан, турли таркибида холин бўлган доғлардан ҳам топиш мумкин. Шунинг учун Флоранс реакцияси тахминий реакция деб ҳисобланади.

**КРИТЕРИЙ** — критерий (юнонча), мезон, ўлчов, андоза; бирор нарсага аниқ тушунча бериш учун уни андозалаш, баҳолаш ёки айрим гуруҳларга ажратиш, таснифланишга асос бўладиган белгидир. Мазкур белгиларга асосланиб бирор ҳолатнинг мазмуни, хусусияти аниқланади. Масалан, аъзони йўқотиш ёки унинг вазифасидан маҳрум бўлиш, ҳаёт учун хавfli, сғир тана шикастлигининг мезонларидан бири деб ҳисобланади; чизиксимон, атрофлари текис, бурчаклари ўткир жароҳат, ҳесилган яра мезони деб ҳисобланади.

**КРОВОПОДТЕК** — қонталаш, мўматаласқ; қон томирларининг ёрилиши натижасида унинг атрофида, тери остида ёки унинг чуқур қатламларида (дерма) ёхуд ундан ҳам чуқурроқ тўқималар орасига қон қуйилиб, ивиб қолиш, қонталаш пайдо бўлиши; қонталашлар вужудга келишининг сабаби, механик жароҳатланиш, терининг қаттиқ босилиши ёки унинг остки тўқималарига нисбатан силжишига боғлиқдир. Қонталашлик юзаки ва чуқур турларга бў-

линади: биринчи турида у тери ораси ёки тери остида жойлашган бўлса, чуқур қонталашлар мушак ораларида ёки мушак тўқималарининг ичида, суяк пардаси остида, ички органларда ва бошқа тўқималарда жойлашган бўлади, қонталашлар суд тиббиёти жиҳатидан текширилиши катта аҳамиятга эга, масалан унинг борлиги ҳақиқатдан ҳам механик жароҳатлар (кўпинча ўтмас асбоблар, буюмлар таъсиридан) бўлганлигини билдиради; унинг шакли, ҳолати, қайси асбоб, буюм билан урилганлигини кўрсатади; унинг рангини, тусини текшириш натижасида қачон урилганини ва қанча вақт ўтганлигини (қонталашларнинг рангига асосланиб) аниқлаш мумкин.

**КРОВОТЕЧЕНИЕ** — қон оқиши, қон кетиши; шикастланган қон томирдан қон оқиши (кетиши). Икки хил, сурункали ва кескин қон оқиши тафовут қилинади. Биринчи қон кетиши, масалан 50%—70% яъни 2,5—3,5 л билан тугаса (бир неча соат давомида), унда улган кишининг танасида кўпгина унга хос белгилар пайдо бўлади. Улар қаторида терининг қуриши, унинг ранги ўчиши, мурда доғларининг сийраклашиши, мурда қотишлининг кескинлашиши, ички органларнинг қонсизланиши ва уларнинг ранги ўчиши, талоқнинг қисқариши ва унинг қонсизланиши кабилар киради. Қон кетишининг иккинчи хили, тез вақт ичида, кўп қон оқиши билан таърифланади. Бунда катта қон томирларининг шикастланиши ва тез қон кетиши натижасида юракдаги қон босимининг кескин пасайиши, ички органларнинг нисбатан қонга тулиши юз бериб, чап қоринчанинڭ эндокард қатламида кўп миқдорли кичик, узунчоқ шакли, қизил-қорамтир ранга эга бўлган қонталашлар қузатилади. Мазкур қонталашлар, М. А. Минаков томонидан аниқлангани учун «Минаков доғлари» деб юрнтилади. «Минаков доғлари»нинг келиб чиқиш сабаби, биринчидан, юракнинг чап қоринчаси кескин қонсизланиши, яъни шиддат билан бўшашиб, салбий босим ҳосил қилиши; иккинчидан, юрак тож томири босимининг кўтарилиши ва учинчидан, чап қоринчанинڭ диастола жараёнида сўрилиш хусусиятининг пайдо бўлишига боғлиқ.

**КРОВЬ ВЗРОСЛОГО И МЛАДЕНЦА** — чақалоқ ва катта ёшли шахс қони; гўдак ўлдириш экспертизаси жараёнида айрим ҳолларда, далилий ашёларнинг текширилишига тўғри келади. Масалан, чақалоқ қонининг турли буюмларда, ўлдириш жараёнида тушиши ва уларнинг мавжудлигини аниқлаш ёки воқеа содир бўлган жойда гўдак қони тушганини билиш учун доғлар текширилганда, улар чақалоқ ёки катта ёшли киши қонига тегишлилиги аниқланади. Ушбу саволни ечиш учун қондаги гемоглобин моддаси текширилади. Чақалоқ қони асосан, Feta<sup>1</sup> (чақалоқ) гемоглобинидан (HbF) ва катталар қони асосан, катталар гемоглобинидан (HbA) иборат бўлиб, улар бир-биридан кескин фарқланадилар; чақалоқ гемоглобини оғишмас гемоглобин, кислота-ишқорлар таъсиридан денатурацияга учрамайди; катталар гемоглобини эса оғишадиган гемоглобин, мазкур таъсиротлардан денатурацияга учрайди.

**КРОВЬ, ВОПРОСЫ РАЗРЕШАЕМЫЕ ПРИ ИССЛЕДОВАНИИ СЛЕДОВ** — қон изларини текшириш учун ечиладиган саволлар. Далилий ашёлар сифатида тушган буюмлар қон доғлари (излари) бўлиши мумкин. Эксперт уларни текширганда қуйидаги саволларни ечиши лозим. 1. Далилий ашёларда топилган излар (доғлар) қонникими? 2. Агар мазкур доғлар ҳақиқатдан қон излари бўлса, унда кимнинг қонига мансуб, одамникими ёки ҳайвонники? Ҳайвон қони бўлса, қайси ҳайвоннинг қонига тегишли? 3. Топилган қон доғлари одамга тегишли бўлса, унда қайси гуруҳга (ABO систе-

маси бўйича) мансуб? 4. Топилган қон аёл қонигами ёки эркек қонига мансуб? 5. Далилий ашёларда топилган қон чақалоқ қоними ёки катта киши қоними? 6. Топилган одам қони, унинг қайси зъясига тегишли, масалан, ҳайз қоними (бачадондан чиққан) ёки болдирдаги ярадан тушган қонми? 7. Қон доғлари пайдо бўлганидан қанча вақт ўтган? 8. Танадан (ярадан) сққан қоннинг миқдори қанча? (ва бошқалар).

**КРОВЬ, ВЫЯВЛЕНИЕ СЛЕДОВ** — қон доғларини (изларини) топиш; қон доғлари ўз рангини вақт ўтган сари ўзгартиради (жигарранг, қорамтир жигарранг, қорамтир, кўк ва бошқалар). Бинобарин, қон доғларининг мавжудлигини аниқлаш осон эмас; кийим-кечак ранглари ҳам қон доғларини топишга тўсқинлик туғдириши мумкин. (агар уларнинг ранги қончикига ўхшаса); жиноятчи кийимга тушган қон доғларини йўқотиш учун уни кислота, ишқор, атир ва бошқа шунга ўхшаш нарсалар билан ювиши мумкин. Қон доғларини топиш учун воқеа содир бўлган жойни, кийим-кечакларни, топилган буюмларни синчиклаб текшириш зарур. Кийимларнинг астарларини, ундаги чокларини, чўптакларини, эшик, шкаф тутқичларини стол-стулларни, сув ҳувор кранларини ва бошқаларни эҳтиётлик билан кўздан кечириш лозим. Айрим буюмларни кўздан кечириш пайтида, айниқса ундаги чуқурлик, эгри-бугри жойларни яхшилаб қараш керак. Мазкур жойларга қон оқиб тушиши мумкин, масалан пичоқни кўздан кечириётганда унинг тиги билан тутқич ораллигидаги жойларга эътибор билан қараш лозим. Жиноят содир бўлган жойлар ўрмон, тўқайзор бўлса, ундаги илдиз, ўт, барг, дарахт буталар, тупроқлар синчиклаб текширилади. Айрим пайтларда жиноятчи қон доғларини йўқотиш мақсадида уни барг, қум ва бошқа нарсалар, масалан тупроқ билан кўмиши мумкин. Шунинг учун жиноят содир бўлган жойларни эҳтиётлик билан текшириш керак. Қон доғлари топилган жойларни суратга тўшириш лозим. Агар сурат олиш икконияти бўлмаса, унда протоколда (баённомада) топилган қон доғларининг шакли, миқдори, ранги, ўлчами ва бошқа белгиларини батафсил ёзиш лозим.

**КРОВЬ ЖИДКАЯ, СУДЕБНО-МЕДИЦИНСКОЕ ИССЛЕДОВАНИЕ** — суюқ қоннинг суд тиббиётига оид текширилиши. Суд тиббиёти лабораторияларида қон суюқ ва доғ ҳолатларида текширилади. Суюқ ҳолатида қон оталик ва оналик баҳсли экспертизаларида, болаларни алмашиш экспертизаларида, ҳамда доғларда топилган қонларнинг кимга мансублигини аниқлаш учун гумонсиралган шахслардан суюқ қонни олиб текширилади. Ундан ташқари экспертизада суюқ қон мурдадан олиб текширилиши мумкин (ғайритабиий, яъни зўрлик билан ўлдирилган шахс мурдалари). Суюқ қон энг биринчи қайси гуруҳга (АВС системаси бўйича) тегишлилиги аниқланади. Гуруҳни аниқлаш учун кўпинча эритроцитлар системасига мансуб бўлган АВ0 системаси аниқланади. Иккинчи ўринда мазкур системага мансуб MNSS системаси текширилади. Қон зардобида ферментлар ва лейкоцитлар системасига мансуб қон гуруҳлари камдан-кам текширилади.

АВ0 классик системасига мансуб қон гуруҳини аниқлаш суд тиббиёти лабораторияларида фақат пробиркаларда ўтказилади. Бунинг учун шу системага мансуб агглютинин ва агглютиногенлар мавжудлиги аниқланади. Аниқлаш теҳниқаси қуйидагилардан иборат: 4 та агглютинацион пробиркаларни олиб, улардан иккитасининг деворига (шиша учун белгиланган қалам билан)  $\alpha$  ва  $\beta$  белгилари ёзилади. Иккита қолган пробиркалар деворига катта А ва В ҳарфлари ёзилади. 4 та пробирка штативга қўйилади  $\alpha$  ва  $\beta$  белгиланган пробиркаларга 2 томчидан изонормал зардоблари



(алоҳида  $\alpha$  пробиркага  $\alpha$ ,  $\beta$  пробиркага  $\beta$  зардоблари) қўйилади (томизилади). А ва В белгиланган пробиркаларга эса, алоҳида 4 томчидан 1% ли А ва В гуруҳга мансуб стандарт эритроцитлари томизилади. Текшириладиган қон центрифугалаштирилгандан кейин 2 қисмга ажралади. Юқори зардоб қисмидан 2 томчидан олиб, А ва В ҳарфлари билан белгиланган пробиркаларга томизилади. Пастки қисмидан олиб 1% ли эритроцитлар қўйқаси тайёрланади (физ. эритмада тайёрланади). Мазкур тайёрланган эритроцитлар қўйқасини 4 томчидан алоҳида 2 та қолган  $\alpha$  ва  $\beta$  ҳарфлари билан белгиланган пробиркаларга томизилади. 4 та пробирканинг ҳаммаси центрифугага қўйилиб, 4 дақиқа давомида айлан-тирилади. Ундан кейин центрифугадан олиб, аста-секин 4 та пробирка ўнг қўл билан силкитилади. Сўнгра пробиркаларини ёруғликка қаратиб, кўз билан текширилади. Агар кўз орқали агглютинациялар кўринмаса, унда пробиркалардаги суюқликлар буюм ойначаларига томизилиб, ёпланғич ойначалар билан ёпиб, микроскоп орқали текширилади. Таҳлиллар натижаси махсус жадвалда ўтказилади.

**КРОВЬ, ОБНАРУЖЕНИЕ В СЛЕДАХ** — қон, доғларини аниқлаш; доғлар ҳақиқатдан қондан пайдо бўлганини аниқлаш учун олимлар томонидан жуда ҳам кўп усуллар яратилган. Қон доғларини аниқлаш учун ишлатиладиган усулларни икки гуруҳга бўлиш мумкин. Биринчи дастлабки текшириш (тажрибалар) ва иккинчи — шубҳасиз, ишончли текшириш (тажрибалар) деб аталади. Дастлабки тажрибалар қаторига пероксид реакцияси, ультра қисқа нурларда текшириш ва бошқалар кириди. Бу усуллар билан доғларни ҳақиқатдан қондан пайдо бўлганини аниқлаб бўлмайди, фақат қон доғига ўхшайди, деб гумонсираш мумкин. Шунинг учун ҳам мазкур тажрибалар тахминий усуллар деб аталади. Иккинчи усуллар гуруҳига хроматографик, спектрографик ва микрокристаллик реакциялари кириди. Агар ушбу усуллар орқали қон доғларини текширганимизда ижобий натижалар олсак, унда доғлар ҳақиқатдан қондан пайдо бўлганини, қон борлигини исботлайди. Ушбу гуруҳ усуллари ҳақиқий усуллар ёки исботловчи усуллар деб аталади.

**КРОВЬ, ОПРЕДЕЛЕНИЕ ВИДОВОЙ ПРИНАДЛЕЖНОСТИ В ПЯТНАХ** — доғда қон турларини, прсиятни аниқлаш; топилган қон қайси турга тегишли — одам қонини ёки ҳайвонникими? агар ҳайвон қони бўлса, унда у қайси ҳайвонга тегишли? Мазкур саволларни ечиш учун турли усуллар қўлланилади. Уларнинг ичида энг тарқалгани преципитация усулидир. Ушбу усул 1900 йил Ф. Я. Чистович томонидан яратилган бўлиб, уни ўтказиш учун махсус зардоблар тайёрланади. Мазкур зардоблар иммунизация қилингандан кейин ҳайвонлар қонидан олинади ва уни ишлатиш учун қон доғларидан олинган эритмалар билан тажриба ўтказилади. Агар доғ одам қонига тегишли бўлса, унда қон эритмаси ва одам оқсил моддаси учун тайёрланган зардоб оралигида ҳалқасимон оқ рангли чўкма (преципитация) пайдо бўлади. Текшириладиган доғ эритмаси ва бошқа оқсил моддалар учун (эчки, қўй, қора мол, от, чўчқа, товуқ ва ҳоказо) тайёрланган зардоблар орасида ушбу преципитат (чўкма) пайдо бўлмайди.

**КРОВЬ, ОПРЕДЕЛЕНИЕ ГРУППЫ (СИСТЕМЫ АВО) В СЛЕДАХ** — қон гуруҳи (АВО системаси) ни доғларда аниқлаш; қон изларида АВО системасига тегишли гуруҳларни аниқлаш. АВО системасидаги қон гуруҳларини аниқлаш учун қон доғи агглютинин (қ.) ва агглютиноген (қ.) лари текширилади. Агглютининларни аниқлаш Лятесс усули бўйича амалга оширилади (қоплагич

ойнача билан ишлаш усули). Бунинг учун тоза буюм ойначанинг устидан қалам билан тенг иккига бўлиб чизамиз. Четларининг бир томониغا А иккинчи томониغا В ҳарфларини ёзамиз. Қон доғи бор нарсалардан (матолардан)  $0,3 \times 0,3$  см ҳажмидаги бўлакча кесиб оламиз. Агар текшириш объекти пўстлоқ шаклида (кўринишида) бўлса, унда  $0,2 \times 0,2$  см ҳажмидаги бўлакчалардан олиш керак. Бу бўлакчаларнинг ҳар бирини алоҳида-алоҳида қилиб буюм ойнасининг иккала бўлаги ўртасига жойлаштирамиз ва устидан қоплагич ойнача билан қоплаймиз, тегишли ёзуви бор қоплагич ойначалардан бирининг тагига (Пастер томизгичи ёрдамида) А гуруҳ стандарт эритроцитларнинг 0,25% ли суюқлигини, иккинчисининг тагига эса В гуруҳнинг суюқлигини юборамиз. Эритроцитлар суюқлиги фақат ишлатилишдан олдин тайёрланади. Буюм ойначаларини текширадиган объектлар билан Петри косачасига қўйиб устини ёпамиз. 30—40 минут ўтгандан кейин объектларни микроскоп орқали текширамиз. Агар қон биринчи гуруҳга тегишли бўлса, унда иккала қоплагич ойначалар остида А ва В эритроцитларнинг агглютинациясини, яъни бир-бирига биришиб (ёпишиб) қолган эритроцитларни кўрамиз. Агар агглютинация ҳодисаси фақат А эритроцитлари билан рўй берса, унда учинчи гуруҳ қони деб ўйлаш мумкин. В гуруҳли эритроцитлар агглютинацияга учраса, унда иккинчи қон гуруҳи борлигини кўрсатади. Биз эслатиб ўтганимиздек, қон изларида АВО системаси гуруҳини аниқлаш фақат агглютиниинларни топишга асосланиб қолмасдан, балки агглютиногенларни ҳам топишга асослангандир. Уларни аниқлаш учун агглютиниинлар абсорбцияси, абсорбция — элюция ва аралаш агглютинация усуллари қўлланилади.

**КРОВЬ, ЭРИТРОЦИТАРНЫЕ СИСТЕМЫ** — қон эритроцитлар системаси; қон доғларида бошқа системаларни ҳам аниқлаш мумкин. АВО системасидан ташқари, қон доғларига бошқа эритроцитлар, шунингдек MNSs, P, резус (Rh), люис (Le), Ласерн (Lu), кел (K), дафи (Fu), днего (D) ва бошқа система гуруҳларини аниқлаш мумкин.

**КУМУЛЯЦИЯ** — кумуляция (лотинча — *kumulatio* — йиғилиш, тўпланиш); одам организми айрим доривор моддаларни қабул қилаётганда ҳаммаси парчаланмай, айрим органларга йиғилиши ва организмда кўпайиб дармонлик дозасидан ошиб кетиб, заҳарлатувчи доза ташкил қилиши; айрим касаба ишчиларининг организмга заҳарли моддалар иш жараёнида бир неча йиллар давомида тўпланиб, унинг таъсир этиш кучининг ортиши заҳарланишга олиб келади.

**КУРЕНИЕ АНАШИ** — бағиллик, нашани истеъмол қилиш, унинг озу дозаси кайф берувчи, кўп дозаси эса қарахтликка олиб келади; бағиллик наркоманиянинг (қ.) бир турн, нашани мунтазам равишда истеъмол қилиш, унинг дозасини ошира боришга эҳтиёж тугдиреди; бағиллик — беморлик демакдир; бемор наркотик моддадан маҳрум бўлса, абстиненция (қ.) синдром вужудга келади, бу шундай касаллик ҳолатки, бемор моддани топиш учун ўзини турли жинсий ишларга уради, ижтимоий инсоний фазилятлар йўқ бўлиб, неврологик ва руҳий касалликларга учрайди.

**КУРЕНИЕ ТАБАКА** — тамаки чекиш. Тамаки чекиш бутун дунёда кенг тарқалган бўлиб, у инсон соғлиғига катта зарар етказди. Тамаки чекиш тарихи қадим замонларга бориб тақалади. Қипр оролидаги қазилмалар вақтида тамаки чекиладиган трубка топилган, у уч минг йиллик муддатга эга экан. 1977 йил француз мутахассслари эрамиздан 1200 йил илгари мумиёланган жасадни қайта тиклаётганларида мумиё таркибида бошқа ўсимликлар би-

лан бир қаторда, анча кўп миқдорда тамаки борлигини аниқлади-лар. Тамакининг Европада тарқалиш тарихи Христофор Колумб-нинг Американи кашф этишига боғлиқ. 1492 йил 12 октябрда номаълум орол қиргогида қандайдир ўсимлик баргларидан узун пайча қилиб олиб, оғиз ва бурунларидан тугун чиқараётган одам-лар (индеецлар)ни кўрадилар. Индеецлар ўралган қуруқ барглари-ни «табако», ўсимликнинг ўзини эса «петум» дейишар экан. Орол-ликлар Колумб ҳамроҳларини «табако» билан сўйлашди ва шун-дан қилиб испаниялик денгизчилар чекишга ўрганиб қолдилар. Бундан деярли беш юз йил муқаддам Христофор Колумб ва унинг ҳамроҳлари дунёга «тамаки жини» ни кўйиб юборганларидан бери осмонга учаётган тамаки тутунининг охири кўринмайди. Тамакини ҳидлайдилар, чайнайдилар, трубка, папирес ва сигарета лекади-лар, ammo буларнинг ичида сигарета чекиш энг кўп тарқалган бўлиб, дунёда у тамаки истеъмол қилишнинг энг хавфли тури, деб ҳисобланади. Бугунги кунда чекиш га унинг организмга таъсири ижтимоий, тиббий ва иқтисодий муаммо бўлиб қолди. Айниқса, ўсмирларнинг тамаки чекиши хавфлидир. Одам келажакда ўзини хавфли касалликларга гирифтор қалмаслиги, соғлом одамдан су-рункали касалликларга чалинган беморга айланиб қолмаслиги, ўз-рунрига завоп бўлмаслиги, ишчан бўлиб юриши учун чекмаслиги керак.

## Л

**ЛАБОРАТОРИЯ СУДЕБНО-МЕДИЦИНСКАЯ** — суд тиббиёти лабораторияси; лаборатория (лотинча — *laborate* — ишламоқ, ишлаб бермоқ), суд тиббиёти экспертизасининг бир бўлими; мазкур бў-лимда далилий ашёлар текширилади, яъни экспертиза ўтказилади. Суд тиббиёти лаборатория таркибига суд-биологик, физико-техник, суд-химик бўлимлари киради. Мазкур бўлимлар ҳамма вилоят ва бош бюро суд тиббиёти экспертизаларида мавжуддир. Уларни ходимлар билан таъминлаш, ижро этиш вазифалари Ўзбекистон республикаси соғлиқни сақлаш вазирлигининг махсус буйруғига асосланиб чиқарилган низомда кўрсатилган.

**ЛАКМУС** — лакмус (голландча); айрим лишайниклардан олин-ган бўёқ модда; ушбу модда эритмалари кислота ишқорларни тек-ширишда индикатор сифатида жуда кенг ишлатилади. Суд тиб-биёти лабораторияларида рН — ни аниқлашда қўлланилади, агар объект жавҳар муҳитига эга бўлса, индикатор қизилга айланади, агарда объект ишқор муҳитига эга бўлса, унда кўк ранга бўя-лади.

**ЛАКТАЦИЯ** — лактация (лотинча — *lacto* — сутим бор, сут билан боқаман); аёлларга хос нарса сут безларида сут ҳосил бў-лиши билан таърифланади. Ушбу ҳолат гормонлар таъсирида (ту-гагандан кейин) бошланади; Лактация даврида организм кучи, айрим захарли моддаларга қарши курашни қобилияти пасаяди.

**ЛАМПА УЛЬТРАФИОЛЕТОВОГО ИЗЛУЧЕНИЯ** — ультраби-нафша нурли лампа; симоб кварцли лампа, турли касалликларни даволаш ва олдини олишда ишлатиладиган физиотерапевтик ап-парат. Суд тиббиёти амалий ишларида қон, сперма доғларини мато, кийим-кечак ва бошқа буюмларда излаб топишда қўлланилади.

**ЛАТЕКС** — латекс (лотинча); ўсимликларда учрайдиган шира-ли сут, дисперсланган юқори молекулали углеводлар, эфир мой-лар, оқсиллар, тузлар ва ҳоказолар таркиби билан таърифланади. Латекслар фақат саноатда (табiiий каучук ажратиб олиш) фойда-ланмасдан, балки лаборатория ишларида ҳам кенг қўлланилади



**ЛЕТАЛЬНЫЙ** — леталли (лотинча — letalis — ўлдирилган); ўлимга олиб борадиган, ўлдирадиган даражадаги ҳолат. Масалан, касалликнинг оқибати летал ёки леталли жароҳат — касалликнинг (жароҳатнинг) оқибати ўлимга олиб борадиган даражага эга.

**ЛЕТАРГИЯ** — летаргия (юнонча — lethe — касаллик + orgia ҳаракатсизлик, қимирламаслик); одам организмнинг шундай патологик, касаллик ҳолатики, у чуқур уйқун эслатади. Тананинг қимирламаслиги, турли таъсиротларга умуман жавоб бермаслиги, ҳаёт фаолиятининг ниҳоят сусайиши билан тавсифланади. Одам организмнинг мазкур ҳолати руҳий травма, бош миyanинг органик касалликлари, истерия (истерик ёки невротик уйқу) натижасида рўй бериши мумкин. Летаргик уйқуда бўлган шахсни уйғотиб бўлмайди. Агар синчиклаб эҳтиётлик билан ҳаракат қилинса, унда нафас олиш, қовоқ пириллаш, суст ва сийрак ритмик пульс ва зорак уриш белгиларини сезиш мумкин; қоп босими паст бўлади. Терининг ранги ўзгармаган ёки оқарган ҳолатда бўлиши мумкин. Кескин ёруғликда, орпқда кўз қорачигининг реакцияси сақланади. Юрак ва мия биотоклари электрокардиограмма ва электрэнцефалограмма орқали қайд қилиш (ёзиш) хусусиятига эга. Летаргия ниҳоят кам учрайди. Асосан у ёш, истерик невроз билан касалланган аёллар ичида кўпроқ кузатилади. Кўпинча асабий ҳаяжонланиш летаргик ҳолатга олиб келади. Летаргик уйқу бир неча соатдан 3—4 кунгача давом этиши мумкин. Умуман айтганда бу ҳолат ҳаёт учун хавфли эмас, асоратсиз тугайди. Летаргия ҳолати мавҳумли ўлимга ўхшайди.

**ЛИВОРОМЕТРИЯ** — ливорометрия (лотинча livor — яшил доғ + юнонча metron ўлчам); мурда доғлари махсус асбоб ливорометр (динамометр) билан текширилади. Текшириш учун мурда доғи устига асбобнинг тиниқ пластигласдан ясалган каллачасини қўйиб, аниқ босимга эга бўлган 2 кг куч билан босилади. Натижада мурда доғининг ранги ўзгаради, ҳатто бутунлай йўқ бўлади. Босим кучини аниқлашдан ташқари, мурда доғи рангининг қайта тикланиш вақти ҳам текширилади. Мазкур объектив ўзгаришлар шахснинг ўлган вақтини аниқлайди.

**ЛОЖНЫЕ ПОКАЗАНИЯ** — ногўри маълумот бериш; била туриб ёлгон кўрсатма бериш; тергов ёки суд вақтида гувоҳнинг, жабрланувчининг экспертнинг била туриб ёлгон кўрсатма бериши ва шу билан одил судловни чалғатиши. Нотўри маълумот бериш ҳақиқатни аниқлашни кечиктиради, натижада одил судлов органларининг нормал иш фаолиятига ҳамда айрим фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига зиён келтиради. Мазкур ҳаракат одил судловга қарши қаратилган жиноятлардан бири ҳисобланади, у Ўзбекистон Республикаси жинoий кодексининг 237-моддасида қайд этилган.

**ЛОМБРИЗИАНСТВО** — ломбризионлик; Ломбразо назарияси; Чозаре Ломбразо (1835—1909) италиялик психиатр-криминалист жомондан яратилган назария бўлиб, у жиноятчилик тўғрисида фикр юргизади; ушбу назария бўйича жиноят содир бўлиши фақат жиноятчининг ўзига бoғлиқ, жиноят қилган шахснинг биологик тузилишига асосланган. Ломбразонинг айтишича, жиноятчи она қорнидан жиноятчилик белгилари билан туғилади; унинг анатомик, физиологик, психологик тавсиялари жиноятчи эканлигини туғилган заҳоти ифодалайди; жиноятчи шахсларнинг ўзларига хос антропологик белгилари бўлганлиги туфайли, уларни келажакда жиноятчиликнинг олдини олиш учун жамиятдан умрбод ажратиб қўйиш ёки уларни жисмонан йўқатиш керак, деб фикр юргизилган. Фақат жисмоний ишлар қилгандагина эмас, балки уша топилган

белгиларга асосланиб, бу жазони ўша заҳоти амалга ошириш керак, деб айтади Чозаре Ломброзо. Чет эллик жамиятшунослар, криминологлар ушбу назарияни қўллаб қувватлайдилар, чунки бу назария туфайли асосий жиноятчилик сабабларини ёритмай, чет элдаги жиноятларнинг табора кўпайиб боришининг асосий сабабларини пинҳон этадилар. Бундай назарияни бошқа давлатлар (Германия ва Италия) паст ирсиятли халқларни йўқотиш чоратадбирларини ишлаб ҳам маъқуллашган.

**ЛОХИЙ** — лохиялар; туққан аёл жинсий аъзосидан келадиган ажратмалар, чиқиндилар. Мазкур бачадон безлари ишлаб чиқарган секретлар, эпителийнинг емирилган маҳсулотлари ва кўп миқдордаги лейкоцитлардан иборат; ушбу ажратмалар туққандан кейин пайдо бўлиб, бир ҳафтагача давом этади; 1—2 ҳафтадан кўп давом этадиган ажратмалар патологик ўзгаришларнинг белгиси деб ҳисобланади. Лохийнинг мавжудлиги суд тиббиётининг амалий ишларида, бўлиб ўтган туғруқлар экспертизасини ўтказишга ёрдам беради.

**ЛУЖА КРОВИ**— қон кўлмаги; қон ҳалқоби; қоннинг ниҳоят кўп миқдорда оқиб тушиб, горизонтал сатҳда турли шаклдаги доғларни ҳосил қилиши. Ерга тўкилган қон тупроқда сўрилиши мумкин. Қон буюмлар, кийим-кечак ва бошқа нарсалар сатҳига тушиб сўрилади. Қон кўлмагига асосланиб воқеа содир бўлган жойни, қанча қон кетганлигини аниқлаш мумкин. Айрим вақтларда яраланган шахснинг ҳолатини ҳам қон кўлмагига қараб аниқласа бўлади. Бир литр қондан ўрта ҳисоб билан, 211 гр қуруқ қолдиқ чиқади, яъни улчаш билан (айрим вақтларда) оққан қоннинг миқдори аниқланади.

**ЛУКОВИЦА ВОЛОС** — соч пиёзчаси; сочнинг илдизи; соч (жун) пиёзчаси соч илдизининг энг пастки қисмида жойлашган бўлиб, тирик эпителий ҳужайраларидан ташкил топган. Суд тиббиёти лабораторияларида сочларнинг экспертизасини ўтказиш жараёнида соч пиёзчаларининг морфологик тузилишига асосланиб, уларнинг юлиб олингани ёки ўзи (тараганда, текганда) тушганлиги аниқлаб берилади. Ўзи тушган сочнинг илдизи ноксимон, қолбасимон, атрофияга учраган ҳужайралари билан таъсифланади. Юлиб олинган сочларнинг пиёзчаси эса илмоқсимон ва ҳужайрали, ширали, серсув бўлади.

**ЛУЧЕВАЯ БОЛЕЗНЬ** — нур касаллиги; нур таъсиридан касалланиш; нурнинг дозасига, унинг миқдори ва таъсир этган муддатига қараб ўткир ва сурункали нур касалликлари тафовут қилинади. Ўткир нур касаллиги қисқа муддат ичидаги нурланиш натижасида ёки радиофал изотоплар таъсирида пайдо бўлади. Биринчи бўлиб ўткир нур касаллиги Японияда, Хиросима, Нагасаки шаҳарларида атом бомбаларининг портлаши ва радиофаол таъсиротларининг Яман балиқ овлаш кемаларида тушиши натижасида пайдо бўлган эди. Ушбу касалликнинг кўпайиши гамма ва рентген нурларни даволаш амалиётида қўлланишига ҳам боғлиқдир. Касалликнинг дастлабки белгилари бўлиши: қусиш, кўнгил айиши, бош айланиш, иштаҳа йўқолиши, ҳолсизланиш биринчи дақиқаларда пайдо бўлади. Ушбу касалликдан ўлган кишида кескин оғриш, тери ости қон ивишлари ва атрофиялар кўзатилади. Сурункали касаллик кўп вақт давомида кам миқдорли нур таъсирлари натижасида вужудга келади. Касаллик аста-секинлик билан рўёбга чиқади. Клиник белгилари кўп бўлмай, айниқса маҳаллий ўзгаришлари билан таърифланади. Нур таъсиридан ўлган кишиларнинг мурдалари текширилганда махсус хавфсизликларни кўзлатувчи чора-тадбирларни инobatга олиш зарурдир.

**ЛЯРШЕ ПЯТНА** — Лярше доғлари; ўлгандан кейин кўз қовоғи атрофида қоладиган доғлар; кўзнинг қовоқлардан ёпилмаган қисмида қуриш натижасида пайдо бўладиган доғ. Склерада (кўзнинг оқи) қўнғир тусли доғ ҳосил бўлади. Улар учбурчак шаклида бўлиб, склеранинг қовоқ билан ёпилмаган қисмини аниқ нусхасини беради. У иссиқ ҳарорат ва нисбатан паст намликда тез пайдо бўлади. (1—2 соат ўтгач). Мазкур шаклли склеранинг қуришида пайдо бўлган қўнғир доғ (қовоқни бармоқ билан кўтаришда кўрилади) ни Лярше биринчи бўлиб очгани туфайли, «Лярше доғи» деб аталади.

## М

**МАЗКИ** — суртмалар; текшириляётган объектдан бир текисликда буюм ойначасига юпқа суртиб тайёрланган препаратлар. Суртмаларни буюм ойначасидан ташқари, юмшоқ буюмларда олиш мумкин, масалан жинсий жинсий экспертиза жараёнида аёллар қани ичидан пахта ва дика юзасида суртмалар олинади. Уларни пахта ва дока тўқими деб ҳам аталади.

**МАРАЗМ** — маразм (يونونча — marasmus — сусайиш, кучсизланиб қолиш, сўлиш); одамнинг психик, жисмоний жиҳатдан тўлиқ кучсизланиши, сўлиши; одам организми фаолиятининг тубдан сусайиши, озиши ва руҳий кучсизланиши. Мазкур ҳолатлар сурункали касалликлар, фалажланишнинг охирига босқичи, аммо, асосан қариллик (қариллик маразми) натижасида вужудга келади.

**МАРИХУАНА** — марихуана, наша ўсимлигидан олинган маҳсулот, наркотик модда (қ. курение анаши).

**МАФИЯ** — мафия, товламачилик, қотиллик, зўравонлик, мутахамлик каби усулларни ишлатиб кун кўрадиган ташкилот, биринчи бўлиб Италияда Сицилия оролида ташкил этилган, ҳозирги замон — 20 асда эса катта шаҳарларда наркотиклар, контрабандалар, қиморхоналар, фоҳишахоналар ва бошқа яширин жинсий муасасалар очиб ишлаш билан шуғулланмоқда. Айрим мамлакатларда мазкур ташкилотлар бошқа жинсий ташкилотлар билан алоқадор.

**МАСКА ЭКХИМАТИЧЕСКАЯ** — экхиматик ниқоб; мурда хилнинг белгиси; кўкрак қафаси, қорин сиқилиши натижасида кельб ичқдан механик асфиксия белгиси. Кўкрак қафасининг юқори қисми гардиш юз терисининг инанозланиш, кўқариши, шишиши, кўб ичқдорни нунқасимов, кўкитир, жигар рангли муматалоқлар мавжудлиги билан тавсифланади. Мазкур ҳолатлар бутун тананинг сиқилиши натижасида артерия қон томирлари, шунингдек вена қон томирлари босимининг кўтарилиши, капиллярлар ёрилиши ва қонгалаш юзата келиши билан боғлиқ.

**МАЦЕРАЦИЯ ТРУПНАЯ** — мурда мацерацияси; мацерация (лотинча macerare — намламоқ, ҳўлламоқ, ивитмоқ, юмшатмоқ) — суюқликнинг таъсири натижасида мулоим тўқималарнинг юмшаши. Тирик шахслар бадавни қўл, оёқларини узоқ муддат сув ичида ушлаб турса, унда мацерация пайдо бўлиши мумкин, масалан ҳаммомда киши узоқроқ чўмилса, унда унинг оёқ-қўлларида ҳаммом териси, «кирич териси» деб айтилидиган ҳолат пайдо бўлади. Мурда кўн вақт давомида сув ичида турганда ҳам унинг териси шишади, рангивалади, кейинчалик буришади. Мацерациянинг тез пайдо бўлиши, сувнинг иссиқ-совуқлигига боғлиқ. Урта Осиё шароитида бир ҳафтадан кейин вужудга келиши мумкин, чунки иссиқ сувда мацерация тез пайдо бўлади. Шунинг ҳам таъкидлаш керакки, мацерация ҳолатлари ҳомила она қоринида ўлганлиги ва унинг



қороноқ сувида муайян вақт давомида турганда ушбу белги жуда ҳам аниқ ва равшан бўлади. Асосан мацерация тери қалин бўлган жойларда рўй беради. Масалан, қўлнинг қафти, оёқнинг ости ва товон терисида жадалроқ бўлади. 2—3 соат ўтгач сув остида панжаларнинг эпидермиси шишади, бужмаяди, озгина оқаради, 1—2 кун ўтгандан кейин бутун қафт бўйлаб мацерация ёйилади. Мазкур ҳолат оёқ ости ва товонда ҳам рўй беради. 3—5 кун дан сўнг эпидермис сут рангига киради, ҳақиқий теридан ажрала бошлайди ва ниҳоят 1—2 ҳафта ўтгандан кейин тери тирноқлар билан қўлқопсимон тушади («мурда қўлиқони»). 30—40 кундан сўнг сув остида мурданинг бутун териси қатто, тиниб турган сувида ҳам туша бошлайди. Агар сув оқадиган бўлса мацерация жараёни тезлашади. Қийим-кечак, пойафзал, қўлқоплар мацерация жараёнини секинлаштиради.

**МЕКОНИЙ** — меконий (юнонча — мекон — кўкнор, кўкнор шираси); биринчи тугруқ ахлати; гўдак нажаси. Ушбу нажас (меконий) йўгон ичакда қорамтир яшил, ингичка саргиш-яшил рангли гомоген массага ўхшаган бўлади. Унинг таркибига ўт, шиллиқ модда, холестерин кристаллари, тери ва ичак эпителий ҳужайралари, меконий таначалари, ёғ томчилари ва соч туклари киради. Одатда бола туғилгандан 2—3 кун ўтгач меконий ичакларда қолмайди (чиқиб кетади). Бинобарин меконийнинг мавжудлиги, бола-нинг янги туғилганлигини билдиради. Она ичидаги 5 ойлик ҳомиланинг меконийси рангсиз бўлади, чунки унинг таркибида ўт бўлмайди. Мазкур модда фақат 5—6 ойдан кейин (жигар ишга тушгандан кейин) пайдо бўлади. Меконийнинг ичида соч туклари фақат ҳомиланинг 8—9 ойлигида пайдо бўлади, чунки бола 8 ойдан кейин ютиш қобилиятига эга бўлади. Зеро, қороноқ сувида терининг эпителийси, соч туклари тушса ва бу суви ҳомила ютса, унинг ичакларига эпителий ҳамда тук тушиб, меконий таркибини ҳосил қилади. Гўдак ўлдириш экспертизасини ўтказиш жараёнида (текшириш натижасида) меконий таркибида соч туклари топилса, гўдак 8 ой ўтгандан кейин туғилган (гўдак етук) ҳисобланади. Мазкур тажрибани биринчи бўлиб, 1936 йили Шибков ва Марковин ўтказганлари туғайли уларнинг номлари Шибков — Марковин белгиси деб аталади.

**МЕРТВОРОЖДЕННЫЙ, ПРИЗНАКИ** — ўлик туғилган бола-нинг белгилари; Суд тиббиёти амалий ишларида боланинг тирик ёки ўлик туғилганини аниқлаш катта аҳамиятга эгадир. Ўлик туғилган боланинг белгилари икки хил бўлади: макроскопик ва микроскопик. Макроскопик белгилардан бири, бу ўлик туғилган бола-нинг ўпқаси, унинг ҳолатидир, (у қаттиқ, жигарсимон, тирик туғилган боланинг ўпқасига нисбатан кичкина бўлади). Ўпқанинг ичида ҳаво бўлмайди. Ҳаво меъда-ичак йўлларида ҳам учрамайди. Ўлик туғилган боланинг ўпқаси альвеолалар пуфакчалари ёпишган (ателектаз), нотўғри шаклли ва уларнинг деворлари қалинлашган бўлади; ўпка бўлақлари ораллигидаги артериал қон томирларининг нитимаси қалинлашган бўлиб, бу белги «томир буйракчалари» деб аталади. Ўпқанинг ўзи қаттиқ бўлиб, унинг ичида ҳаво бўлмайди; меъда-ичаклар ҳам ёпишган ҳолатда ҳавосиз бўлади. Ўпка альвеоласининг қопловчи ҳужайралар кубик шаклли бўлади. Адрим вақтларда бронхлар ичида қороноқ сувларнинг қурвимиз мумкин.

**МЕСТО ПРЕСТУПЛЕНИЯ** — жиноят содир бўлган жой, воқеа содир бўлган жой дегандан кўра аниқроқ тушунча, деб ҳисобланади, чунки воқеа содир бўлган жойда қотилликдан ташқари, ўз жонига суиқасдлик ва бахтензлик ҳодисалари ҳам рўй беради. Демак, ўз жонига суиқасдлик ва бахтензлик бўлган жой «жиноят

содир бўлган жой» тоифасига кирмайди. Аммо, айрим вақтларда қотиллик мавжудлигини аниқлаш қийин бўлади, воқеа содир бўлган жойда бахтсизлик рўй берганми ёки суиқасдлик бўлганми, ёхуд суиқасдлик, бахтсизлик, бахтсизлик ҳолати, шунчаки қотилликни яшириш учун саҳналаштирилганми? Ҳодиса мураккаблашиб кетади. Зероки «жиноят» тушунчаси юқорда кўрсатилган омилларнинг ҳаммасини ўз ичига олар экан, мазкур жой «жиноят» содир бўлган жой эмас, воқеа содир бўлган жой деб айтилади.

**МЕСТО ПРОИСШЕСТВИЯ** — воқеа содир бўлган жой. Мазкур тергов олиб бориш учун асос бўлган, воқеа рўй берган ҳудуд, бино, хона, уй-жой — воқеа содир бўлган жой деб аталади. Қотилликнинг мурда топилган жойда эмас, бошқа жойда содир бўлиши бундан истиснодир.

**МЕТАЛЛИЗАЦИЯ** — металланиш, электр токи билан жароҳатланганда ўзига хос адоҳида аҳамиятга эга бўлган белгилардан бири. Мазкур белги электрланган симни тери билан зич тегизиб туриш натижасида пайдо бўлади. Металлдан иборат бўлган симнинг турига қараб терида турли ўзгаришлар рўй беради; мисдан бўлган сим терида сўз кўк рангли из қолдиради; қўرғошин-қулранг, қулранг-сарғиш, қулранг-қорамтир доғлар қолдиради. Металланиш ўқ кирган тешик атрофида ҳам бўлиши мумкин; ушбу металл изларини топиш ва улар қайси металл таъсиридан пайдо бўлганини аниқлаш учун амалий ишлар қўлланилади, контактли диффузион усуллардан фойдаланилади.

**МЕТГЕМОГЛОБИН** — метгемоглобин (юнонча meta — алмашир + haemo қон + globus шар) гемоглобиннинг деравати, унинг таркибида темир уч валентли ҳолатда учрайди ва кислород гидроксил гуруҳининг таркибига кириб, қон пигментнинг хусусиятини йўқотади, натижада гемоглобинга хос бўлган вазифа, яъни кислородни ўзига осонлик билан бириктириб, уни қон орқали тўқималарга тарқатиш йўқ бўлади. Суд гиббети амалиётида метгемоглобин доғда қон ёки қонда заҳарланиш мавжудлигини аниқлаш учун текширилади. Метгемоглобин турли заҳарли моддалар (бертоллет тузи, нитратлар, водород мишьяги, анилин ва бошқалар) таъсири натижасида қонда пайдо бўлади. Шунинг учун ҳам ушбу заҳарли моддалар, қонни заҳарловчи моддалар деб аталади. Бу моддалар кескин ёки сурункали касалликларга, яъни заҳарланишга сабаб бўлиши мумкин. Метгемоглобинни спектроскопик усуллар билан қонда аниқласа бўлади. Спектрнинг қизил қисмида махсус метгемоглобинга хос югиш чизиғи кўринади.

**МЕТОД КОНТАКТНО-ДИФфуЗИОННЫЙ** — контакт-диффузион усули, бириктириш диффузион усули. Суд тиббиёти текшириш усулларида бири бўлиб, жароҳатланган жойда, кийим-кечакда, одам танасида металлларни топиш билан шуғулланади. Усулнинг мазмуни шундан иборатки, объектда металлни электролитда эритиб, нонлар диффузияси орқали расм туширадиган қоғозга ўтказилган ва сифатли сезгир кимёвий реактивлар (проявители) билан металллар мавжудлиги аниқланади. Мазкур усул ўзининг соддалиги билан таърифланади. Текшириш жараёнида далилий ашёлар бузилмайди ва йўқолмайди. Уни лабораторияда, мўрғда, ҳатто воқеа содир бўлган жойда ишлатиш мумкин. Металл изларининг объектда топилиши, шу жойда металл буюмлар таъсирланганининг (текканлигини) исботи ҳисобланади. Масалан, ўқнинг кирган тешиги, электр токининг таъсирланган ўрн ва бошқалар. Металларнинг мавжудлиги ток ўтказувчиларнинг турини (электротравма вақтида), отилган ўқнинг турини, масофасини аниқлашга ёрдам беради. Дастлабки ушбу усул «электрография» деб (С. И. Бала-

гин, 1958) номланган эди. Ҳозир бу усулнинг бир неча хил номлари мавжуд. Уни хроматография усули деб ҳам айтилади.

**МИКРОСКОПИЯ НЕПОСРЕДСТВЕННАЯ** — бевосита заррабинлик; бевосита микроскоплаш. Қўзга кўринмайдиган заррачаларни, кирларни, айрим деталларни ва бошқа шунга ўхшаш нарсаларнинг турли объектларда (масалан таталама, мўматалоқ, яра, синиқ, қурол-аслаҳалар, кийим-кечак ва бошқа далилий ашёларда) микроскоп орқали текширилиши. Одатда текшириш ёндан тўшаётган ёруғлик орқали ўтказилади, лекин айрим нарсаларнинг (кийим-кечак ва бошқа) ичидан ўтаётган ёруғлик орқали ҳам кўриш мумкин. Бевосита микроскоплаш МБС-1, МБС-2, МБС-9 микроскоплари, аперацион микроскоп, люминесцентли фотодиагностик, бинокуляр микроскоп (БМ-51-2)лар орқали ўтказилиши мумкин.

**МИЛИЦИЯ** — милиция (лотинча), жиноятчиликка қарши курашиш учун давлат органи; жамоат тартибини, давлат мулкани, фуқаролар, корхоналар, ташкилотлар ва муассасаларнинг ҳуқуқлари ва қонуни манфаатларини жиний тажовузлардан муҳофаза қилишни таъминлайди.

**МИМИКА** — мимика (юнонча); киши ўз ҳиссиётини намойиш этиш учун юз мускуллари шакллари ўзгартириб, ифодали ҳаракатга келтириши. Ушбу ҳолатни аксарият актёрлар ўз санъатининг муҳим элементи сифатида келтирадilar.

**МИНАКОВА ПЯТНА** — Минаков доғлари; юракнинг чап қоринчасига, эндокард остига ингичка, узунчоқ, ясси шаклли қон қуйилиши; ушбу ҳолат кескин қон кетиши натижасида вужудга келади.

**МИНУС ТКАНИ** — тўқима йўқлиги; ўтотар қуролдан отилганда ўқ катта тезлик (230 метр сек. кўпроқ) билан учиб тўсиққа учраб (масалан, терини) ўша жойдан, ўзининг диаметридан кичикроқ тўқимани узиб кетиши; ўқ теккан жойда тўқима нуқсон (йўқлиги) пайдо бўлади, ушбу ҳолат, жароҳат, ўқнинг (милтиқ, тўппонча ўқи) кириш тешиги белгиси деб ҳисобланади.

**МОДЕЛИРОВАНИЕ** — моделлаш (французча modele — намуна), моделларда, конструкцияларда тажриба ўтказилиши. Табиий ҳолларда бундай тажрибаларни ўтказиб бўлмайди ёки ўтказиш қийин бўлгани туфайли, моделлаб ўтказилади. Суд тиббиёти амалиётида бош суягини синдириш, умуртқаларни жароҳатлантириш, оёқ, қўл суяқларини синдириш, кўкрак қафасини, юмшоқ тўқималарни, динамометрик, статик оғирликларини аниқлаш учун жароҳатлантириш моделлаштиришлари ўтказилади. Мазкур тажрибалар ўтмас буюмлар билан етказилган жароҳатларни, баландликдан йиқилган, турли транспорт травмалари (автомобиллардан йиқилиш, уни ичидан, уни босиб ўтишида ва бошқа) ни ўхшатмасини (солиштирмасини) моделлаш учун ўтказилади. Бу моделлар жароҳатларнинг келиб чиқиш механизмини чуқурроқ ўрганишга ёрдам беради ва келажакда улардан ҳимоя этиш учун керакли чора-тадбирлар профилактикасини ишлаб чиқишига асос бўлади. Одатда жароҳат моделлари мурда тўқималарида, мурданинг ўзида (биоманикенда) ўтказилади. Айрим тажрибаларни, масалан, тананинг марказий оғирлигини ва бўйи, ҳажми, ҳолатига кўра инерция вақтини аниқлаш учун тирик шахсларда ўтказилиши мумкин.

**МОЛОЗИВО** — оғиз сути; аёлларнинг сут бези секретини; ҳимилдорликнинг охирида ва туғруқдан кейин 5—10 кун мобайнида сут безлар ишлаб чиқарадиган оғиз суюқлиги. Суд тиббиёти амалий ишларида ушбу суюқлик доғларининг далилий ашё буюмларида аниқланиши катта аҳамиятга эгадир.



**МОЛОКО** — сут; лактация (сут келиши ва эмизиш) даврида эмизикли аёлларнинг сут безлари ишлаб чиқарадиган секрет. Далилий ашёлар сифатида унинг доғлари турли буюмларда ҳосил бўлиши ва текширилиши мумкин. Сут секретининг таркиби оқсил, ферментлар, витаминлар, сув, ёғ, сут шакари (лактаза) гормонлар, иммун таначалар, минерал моддалар, антигенлар, пигментлар, микроорганизмлардан иборат. Суд тиббиёти амалий ишларида далилий ашёларда аёл сутларининг мавжудлиги ва кимга мансублиги текширилади. Доғнинг ҳақиқатдан аёл сутига тегишли эканлигини аниқлаш учун унинг таркибини билиш зарур ва унга хос бўлган моддаларни аниқлаш даркор. Сут мавжудлигини аниқлангандан кейин, унинг гуруҳи, яъни антигенлари аниқланади.

**МОРГ** — морг (французча), ўликхона; ўлган кишилар сақланадиган жой; ушбу бинода мурдаларни ёриб текширилади ва кумиш учун ҳужжат берилади. Ўзбекистонда морглар асосан суд тиббиёти муассасалари қошида жойлашган; касалхоналарда ҳам мурдахоналар бор, уларда патологик анатом мутахассислари иш олиб борадилар.

**МОРФИН** — морфин; алколоидлар гуруҳига кирадиган модда бўлиб, кўкпир ширасидан олинади. Тиббиёт амалиётида морфин оғриқсизлантирувчи дори сифатида ишлатилади, ammo бу дорини доимий равишда истеъмол қилинса, унда киши ўрганиб ушбу моддасиз туролмай қолади, натижада морфинизм пайдо бўлади; морфинизм — наркомания тури ва унда келиб чиққан иллатлар, касофатлар наркомания, токсикомания қиёфасига ўхшашдир; суд тиббиёти амалиётида тириклар ва мурдалар организмиде ушбу алколоиднинг мавжудлиги ва унинг миқдори аниқланади. Опиий таркибиде 20 тача алколоид топилган, уларнинг ичиде энг асосийси морфин оқ порошоксимон, кристалл модда бўлиб, унинг ўлим даражаси 02—05 г га тенг. Болалар организми морфинга жуда сезгир. Морфин таъсиридан организмде эйфория вужудга келади; оғриқлар йўқолади. Кескин заҳарланишда одам ўз-ўзини ўлдириши мумкин. Заҳарланишнинг биринчи босқичиде рефлекслар йўқолади, киши бутунлай ҳушидан кетади ва коматоз ҳолатининг оғир даражаси — асфиксия (қ.) дан ўлади. Мурдани ёрганда, махсус унга хос ўзгаришлар топилмайди. Асфиксия белгилари ҳам, ҳамма вақт учрамайди. Айрим вақтда мия, ўпка шисини кўриш мумкин. Морфин узоқ муддат давомида мурдалинг ички органларида сақланади. Унинг мавжудлиги ва қандай миқдордалиги ўлим сабабини аниқлашга асос бўлади.

**МОТОТРАВМА** — мототравма; мотоциклдан жароҳатланиш; мототранспорт ҳаракатидан олинган тан жароҳатининг мажмуаси. Мототравма транспорт травмасининг бир тури бўлиб, мотоцикллар, мотороллерлар ва мопедлар жароҳатларини ўз зиммасига олади. Қуйидаги мототравмалар тафовут қилинади: 1) мототранспортнинг бошқа хил транспорт билан тўқнашиши. Бу ялли оғир тан жароҳатлари — бош суягининг синиши, мия, кўкрак қафаси, қорин оёқ-қўллар жароҳатлари билан тавсифланади; 2) ҳаракатда бўлган мототранспортдан йиқилиб тушиш. Бу алоҳида ажралиб турган бош миянинг калла суяги жароҳатлари билан таърифланади; 3) мототранспортнинг бориб қимирламайдиган нарсага урилиши (мазкур ҳолатда бош миянинг травмаси билан оёқ-қўл синиқлари кузатилади); 4) мототранспортнинг пиёда юрган шахсга бориб урилиши (пиёда юрган шахснинг боши, оёғи жароҳатланиши билан тавсифланади).

**МОЧА** — сийдик; буйракларда ишлаб чиқиладиган суюқлик бўлиб, унинг таркибига организм чиқиндиларидан иборат бўлган

моддалар — мочевина, сийдик жавҳари, бўёвчи ва органик моддалар, минерал тузлар ва бошқалар киради. Сийдикнинг суд тиббиёти амалиётида текширилиши, унга ўхшаш доғларнинг турли далилий ашёларда топилишига асос бўлади. Доғда сийдик мавжудлигини аниқлаш учун кимёвий усуллар қўлланилади. Мазкур усуллар айниқса, доғда креатин миқдорини аниқлашга асосланган, чунки сийдикда унинг миқдори бошқа организмдан чиқадиган суюқликларга нисбатан жуда ҳам кўп. Сийдик таркибига қонга мансуб антигенлар гуруҳи топилган ва уларнинг сийдик доғларида аниқланиши муҳим суд тиббиёти аҳамиятига эга. Фақат текширилганда «ажратувчилик» хусусиятига эътибор бериш керак.

**МУЖЕЛОЖСТВО** — бесоқолбозлик; эркак киши билан эркак кишининг жинсий алоқа қилиши бесоқолбозлик деб аталади; ушбу жинсий иш Ўзбекистон Жинсий Кодексининг 120-моддаси билан жазоланади. Бесоқолбозлик билан шугулланган иккала шахс жинсий иш қилганлари учун жазога тортилади. Уларнинг бири фаол шерик, иккинчиси эса бўшанг, ҳаракатсиз шерик. Биринчи шерик ўз олатини иккинчи шерикнинг орқа тешигига киритгани учун улардан ҳар бирининг алоҳида ўзига хос белгилари бўлади. Фаол шерик жинсий алоқа қилган замон кўрикдан ўтказилса, унинг жинсий олати учидан ахлат излари топилиши мумкин; ҳаракатсиз шерикнинг танасида қуйидаги белгилар тафовут қилинади: орқа тешик атрофлари қизаради (гиперемиялашади), тирналиш, ёрилиш, воронкасимон чуқурлик бурмаларининг силлиқланиши ва бошқалар. Мазкур белгилар жинсий алоқа бўлганлигига унча далил бўла олмайди, аммо орқа тешик атрофида ёки туғри ичакнинг пастки қисмида сперматозоидлар топилса, унда белгилар ҳақиқатдан жинсий алоқа бўлганлигига далил бўла олади.

**МУЛЯЖ** — муляж (французча — *moalage* — тузмоқ, шакллантирмоқ, бир формага келтирмоқ), шахс, мум, парафин, гипсдан ясалган буюмларнинг табиий нусхаси, шакли; суд тиббиёти дарсларида кўргазмали қурол вазифасини ижро этади (масалан жароҳатли органлар, гавданинг бирор қисми ва бошқалар).

**МУМИФИКАЦИЯ** — мумиёлаш (арабча — *mumia* — форсча — ташт воск ва лотинча — *facte* — қилмоқ); мурдани чиритмаслик учун уни мумиёлаш йўли билан қуритиш, яъни мумиёга айлантириш, журуқ тупроққа кўмиш ёки бальзамлаш. Мумиёлаб кўмиш Перу, Мексика, Канада ороллари, айниқса Мисрда кенг тарқалган эди. Мумиёлаш икки турга бўлинади: табиий (мурдани йиринглатмай қуритиш) ва сунъий (консервалатувчи моддаларни ишлатиб кейинчалик мурдани қуритиш). Мумиёланиш ўлгандан кейин пайдо бўладиган кечки мурда ўзгаришларидир; мурда бутунлай ёки унинг айрим қисмлари қуриб қолади; мурданинг қотиш — табиий мумиёланиши ўлгандан кейин айниқса, қисқа вақт ичида пайдо бўлиши мумкин, фақат бунинг учун муҳит яхши бўлиши лозим, чиришга асос бўлмаслиги керак; мумиёланиш жараёни ўтиши учун мурда очиқ ҳавода, шамолли жойда, қуруқ, қумли ерда бўлиши лозим; мумиёланиш жадаллиги мурданинг массасига, озгинлигига боғлиқ. Мумиёланиш жараёнида мурда қуриydi, унинг вазни аввалги ҳолатининг 10/1 қисмини ташкил қилади.

**МУЧЕНИЕ** — қийнаш; Киши ўз ҳаракати билан узоқ вақт давомида жабрдийдани озодликдан, овқатдан, сувдан, иссиқликдан махрум этиш туфайли унга азоб, уқубат, жафо келтиришига қийнаш, деб айтилади. Демак, қийнаш бу махсус йўл билан киши соғлиғига зиён етказишдир. Қийнаш, азоблаш каби махсус жароҳат етказиш хилини кўзламайди, унинг тиббиёт мезонлари бўлмайди. Шунинг учун суд тиббиёт эксперти мазкур жароҳатни

қийнаш деб таснифлай олмайди. Қийнаш мавжудлигини аниқлаш тергов ва суд органлари вазифаларига киради. Ўзбекистон жиноят кодексининг 104-моддасининг «д» қисмига биноан қасддан баланга оғир шикаст етказиш жабрланувчининг ўлимига сабаб бўлса ёки унга азоб бериш ёхуд қийнаш усуллари билан қилинса, жазолаш даражаси кўтарилади (оғирлашади).

**МЫШЦЫ, ВЫПРЯМЛЯЮЩИЕ ВОЛОСЫ** — соч (жун) ларни тўғриловчи мускул; дермадаги тортма силлиқ мускул соч илдизидан бурчак остида эпидермис томон йўналган. Киши бирдан қўрққанда, масалан биров киши унинг ёқасидан ушлаб пичоқни курсатиб ўлдираман, деб айтса, унинг бошидаги сочлар ялли (тўғриловчи мускуллар қисқариши натижасида) туради, ростланади.

**МИШЬЯК** — мишьяк, маргимуш; металл ҳолатида сувда эримай, намликка ҳўлланиб заҳарли оқситлар ҳосил қилади; мишьяк кислород билан бирлашиб, заҳарли мишьяк ангидридини ҳосил қилади; мишьяк бирикмалари оғиз бўшлиғи орқали тушиб, оғизда металл таъмини ва ҳалқумда куйини сезгиларининг пайдо бўлишига сабаб бўлади; меъда-ичак йўллари структурасини ўзгартиради; қоринда кескин оғриқлар, кўнгил айнаш, қусиш пайдо бўлади; муҳим белгилардан фалажлик вужудга келади. Икки хил мишьяқдан заҳарланиш тафовут қилинади. Биринчиси меъда-ичак тури. Унинг мезонларидан бири холерасиммон ич кетишдир; суюқ ахлат ичида шиллиқ ҳужайралар учрайди; айрим вақтда қонли ич кетиш кузатилади. Иккинчиси паралитик (марказий умуртқа) таъсири, шакли, кескин заҳарланиш натижасида одам тезда, бир сутка ичида ўлади; мишьяк ангидридининг ўлим дозаси 0,1—0,2 граммга тенг. Мурдани ёрганда, биринчи заҳарлангнш шаклида гастрозентерит токсикланиш ўзгаришлари кузатилади, ичакларда «гуруч шўрва»-сига ўхшаш суюқликлар мавжуд бўлади. Мишьяк узоқ вақт давомида мурданинг ички органларида, айниқса жигар, суякда, сурункали заҳарланшда — сочларда кўп учрайди.

## Н

**НАБОР СЕКЦИОННЫЙ** — секцион асбоблар (лотинча — sec-tio — кесиш, ажратиш); мурдани ёриш, кесиш учун мўлжалланган асбоб-ускуналар; секцион асбобларга анатомик пичоқ, тўш-қовурға пичоғи, катта қайчи, ичак қайчиси, учи ўткир қайчи, анатомик пинцет, йапалоқ арра, болга, метрли лента, ўлчовли қошиқ, лупа (заррабин), резина пешбанд, резина қўлқонлар, ниналар, мурдани тикувчи ниналар, иплар, пружинали тарози ва бошқа буюмлар киради. Ҳар бир асбоб ўз вазифасига га.

**НАГАН** — наган, айланадиган барабанли револьвернинг бир тури (калибри 7,62 мм, 7 зарядли, 1895 йилдаги намуна).

**НАДЗОР** — назорат (қуруқда), қонунчилиكنи таъминлашга оид турли давлат органларининг фаолияти. Назорат прокурор, суд маъмурият назоратларига бўлинади: уларнинг ҳар бири ўзига хос назоратчилиكنи ўз эътиборига олаёт, масалан прокурор назорати барча вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралари, муассасалар ва ташкилотлар маҳаллий қўмиталарнинг ижро ва бошқарув органлари, колхозлар, кооперативлар ва бошқа жамоалар ташкилотлари, мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан қонунларнинг аниқ бир тарзда ижро этилиши устидан прокуратура қиладиган олий назоратлардир; суд назорати судларнинг ҳукмлари ва ажримлари қонунийлиги ва асосийлигини текширишдан иборат; маъмурий назорат давлат бошқарув органларининг айрим бошқарув



гоҳаларида давлат томонидан белгиланган қондаларга мансабдор шахслар ва фуқаролар рўя этишини кузатиб, назорат қилишдан иборат.

**НАДРЕЗ** — кесув учи; кесилган яра бурчаги четларининг устки кўриниши; кесилган яра бурчагининг деталли. Бу чизиқсимон тери юзининг нафис жароҳати бўлиб, охириги учи аста-секинлик билан кўзга кўринмай йўқолади. Ярада кесув учининг мавжудлиги, уни ҳақиқатдан ҳам кесувчи асбоб билан жароҳат етказганлигини билдиради.

**НАЕЗД** — тўқнашиш, қоқилиш; бориб уриш; транспорт травмасининг бир тури; ҳаракатда бўлган транспортни бориб уриш натижасида унинг чиқиб турган қисмлари билан одам танасида механик жароҳатлар комплексининг пайдо бўлиши. Тўқнашиш одамнинг транспортга бориб урилиши билан бошланади. Ундан кейин одам транспорт устига йиқилади, транспортдан ерга йиқилиб, уни сатҳи билан сирланади. Айрим вақтларда секин қоқилгандан кейин босиш рўй беради. Шунинг учун тўқнашиш бориб уриш ёки босиш билан туғаниш мумкин. Тўқнашиш белгиларидан одам танасида машинаниннг чиқиб турган қисмларининг тамгаси (радиатор панжараси, фаралари, илмоқлари ва бошқалар) бўлса, энг тазсифли белгилари деб бампер жароҳатлар ҳисобланади. Яъни, машинаниннг чиқиб турган қисми бампер билан урганда синиқ, шилинма, мўматалоқ, яра ва синиқлар кузатилади.

**НАКАЗАНИЕ** — жазо — суд ҳукми билан тайин этиладиган чора, жиноят содир қиладиган шахсларга, уларни туғри йўлга солиш учун уларни қайта тарбиялаш мақсадида қўлланлади. Жиноят содир қилишда айбдор бўлган шахсларни фақат содир қилган жинояти учунгина жазоламадан, шу билан бирга уларни тарбиялаш, меҳнатга ҳалол муносабатда бўлиш амалдаги қонунларга рўя этиш учун жазоланади.

**НАРКОМАНИЯ** — наркомания (юнонча — нарке — карахт қилмоқ + мапия — завқ, ишқибозлик) наркотиклар қабул қилиб туришга тийиб бўлмайдиган даражада ишқибозлик; наркотик моддаларга ружулик; Наркотик моддалар табийи ва сунъий бўлиши мумкин. Ўзбекистон Республикаси жиний кодексининг 216-моддасига биноан наркотик моддаларни тайёрлаш, сотиб олиш, сақлаш, тарқатиш ёки сотиш, ўғирлаш, истеъмол қилиш, такяхоналар очиш жавобгарликка тортилади. Наркотик моддаларга ружу қўйишда организмнинг ҳаёт фаолияти наркотик моддани мунтазам истеъмол қилиш йўли билангина муайян даражада тикланиб туради ва оқибатда инсон бора-бора ҳолдан тояди, руҳий ҳолати ёмонлашади; наркотик моддадан кескин тийилганда организмнинг кўп функциялари бузилади. Наркоманиянинг яққол белгиларидан бири, наркотик моддага хуморликдир. Наркоманлар табий (алкоголь, морфин, кокаин) ва синтетик (ухлатадиган психотроп воситалар) моддалардан фойдаланадилар. Наркотикни олгандан кейин одам ўзини кўнгли яйрагандек сезиб, кайфи кўтарилади (эйфория), жуда ғаройиб хаёллар суриб кетади (кўкнори хаёл). Вақт кетган сайин одам наркотикларга ўганиб, доимо уларни қабул қилиб туришга эҳтиёж сезадиган бўлиб қолади, чунки наркотик моддалар таъсири ўтиб бўлгандан сўнг беморларда ниҳоят даражада азоб берадиган бир ҳолат (абстиненция) пайдо бўладики, бемор бундай ҳолатни барҳам этиш учун, яъни наркотикни тониш учун турли тажовузкорлик, ноҳўя ишлар қилиши, ҳатто одам ўлдириши ҳам мумкин.

**НАРОДНЫЙ СУД** — халқ суди — Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг махсус моддаларида халқ суди системаси ва унинг вазифалари яққол кўрсатилга.

**НАРУЖНЫЙ ОСМОТР ТРУПА** — мурданинг ташқи кўринишини кўриқдан ўтказиш. Мурда экспертisasi ташқи ва ички текширишлардан иборат. Ташқи текширишда мурданинг ташқи кўриниши кўриқдан ўтказилади. Ташқи кўриниш жараёнида ҳеч қандай ташхис, хулоса ёзмасдан фақат бор нарса ёзилади: мурданинг кийим-кечаги, унинг бўйи, ташқи кўриниши, мурда ўзгаришлари ва бошқалар. Жароҳат мавжудлиги ҳам тасвирланади. Уларни туғридан-туғри ташхиси ёзилмайди. Масалан, «кесилган яра» оор деб ёзмасдан, яранинг шакли, ўлчамлари, унинг атрофлари, чекка ва бурчакларини таърифлаб бериш лозим. Ташқи текширишнинг охири ҳамма вақт, юқорида кўрсатилганлардан ташқари, бошқа жароҳат излари топилади, деган сўзлар билан тугатилади.

**НАСЕЧКА** — кесик; кертик; бирор-бир объектининг сатҳида из қолдириш. Суд тиббиёти амалиётида ушбу кесиклар ўткир жароҳатларнинг шубҳасиз белгиларидан бири, деб ҳисобланади (кесувчи, санчиб-кесувчи, чонувчи асбоблар билан етказилади). Мазкур излар яра тагида қатим туқималар (масалан, пай, тоғай, суяк, суяк пардаси) устида пайдо бўлади. Қесикни кесувчи учи билан тенглаштириш тўғри келмайди. Улар ўзаро фарқланадилар.

**НАСИЛИЕ** — зўрлаш, зўрламоқ; Куч ишлаб кимгадир зўрлик билан таъсир этмоқ. Қуйидаги зўрликлар тафовут қилинади: жисмоний зўрлаш (тан жароҳатлари етказиш, уриш, овқатдан, озодликдан, иссиқликдан, сувдан маҳрум этиш ва бошқалар); руҳий зўрлаш — маънавий, иқтисодий, жисмоний зиён етказмадан деб (жабрланувчини ўзига ва уни яқинларига) қўрқитиш. Суд тиббиёти экспертнинг вазифасига жароҳатларнинг мавжудлиги, уларнинг тури, етказилган вақти, қайси асбоб, буюмлар қўлланганини ва жароҳатларнинг оғирлик даражасини аниқлаш киради.

**НАСЛЕДСТВЕННОСТЬ** — ирс, ирсият; индивидуал ривожланиш борасидаги белги ва хусусиятларнинг наслдан-наслга ўтиб такрорланиши, яъни моддий бирликнинг ҳужайра ядроси элементларида жойлашган генларнинг ўз-ўзидан тикланиши билан амалга ошади. XX асрда Т. Х. Морган ўз ходимлари, маслакдошлари билан биринчи бўлиб, организмдаги белги ва хусусиятларнинг наслдан-наслга ўтиши таркибида генлар бўлган хромосомалар орқали бўлишини ўз тажрибалари билан тасдиқлаган. Ушбу Морган яратган назария суд тиббиёти амалий ишларида кенг қўлланади ва унга катта аҳамият берилади, айниқса волида, волидиялик экспертизалари, қон, сўлак, тери ва бошқа биологик объектларнинг индивидуал мансублигини аниқлаш учун текширилиши шу принципга асосланган. Генлардаги мутация туфайли ирсий касалликлар келиб чиқади (гемофилия, дальтонизм ва бошқалар). Ирсий касалликларга кўра шартли равишда хромосома ва ген касалликлари фарқ қилинади, махсус антигенлар пайдо бўлади, масалан австралия антигени. Бундай антигенларнинг қон доғларида аниқланиши, суд тиббиёти экспертиза исботини кучайтиради.

**НАТИВ** — натив, тирик ҳужайрадаги туғма табиий ҳолатдаги ўзгармаган ўзига хос структура, масалан натив оқсил ва ҳоказо.

**НЕБРЕЖНОСТЬ** — эътиборсизлик, бепарволик, совуққонлик билан ҳужжат ёки бошқа нарсаларни текширмай имзо чекиш. Ҳар бир нарсага ишониб, ишга нари-бери қараш эътиборсизликни пайдо қилади.

**НЕВМЕНЯМОСТЬ** — идроксизлик, ақли норасолик; психик ҳолат, жамоат учун хавфли ҳаракатларни содир қилган пайтида руҳий касаллик туфайли ўз ҳаракатларининг оқибатини била олмаган ёки ўз ҳаракатини идора қила олмаган шахс жинойий жавобгарликка тортилмаслиги назарга олинади, айбдорни жинойий маъсу-

лиятдан ҳалос қиладиган психик ҳолат. Ўзбекистон Республикаси жиноят кодексининг 11-моддасида руҳий касаллик, яъни ақл порасолик вақтида содир қилган жиноят туфайли шахсни суд психиатр экспертининг фикрига асосланиб, мажбурий даволаш учун руҳий касалликлар шифохонасига юборилади.

**НЕДЕЕСПОСОБНОСТЬ** — ҳуқуқий муомалага лаёқатсизлик — фуқаролик муомалага қобилияти етмаганлик; вояга етмаганлик, даъвогар ёки жавобгар бўла олмаслик. Вояга етиш 18 ёшдан белгиланган. 18 ёшгача бўлганлар вояга етмаган деб ҳисобланади.

**НЕДОСТИГШАЯ ПОЛОВОЙ ЗРЕЛОСТИ** — балогатга етмаган; жинсий муносабат қобилиятига етмаганлик назарда тутилади. Балогатга етмаганлик 12, 13, 14, 15, 16 ёш ҳам баъзан ундан юқори бўлиши мумкин. Ўзбекистон Республикасининг қонунарига асосан, турмушга чиқиш ҳуқуқи 18 ёшдан бошланади.

**НЕЗАКОННОЕ ВРАЧЕВАНИЕ** — қонунсиз ҳақимлик қилиш — тегишли тиббиёт маълумотига эга бўлмаган шахсларнинг касб сифатида шифокорлик қилиб, даволаш билан шугулланиши, шунингдек ҳуқуқи бўлмаган тиббий ходимларнинг тиббиёт амалиёти билан шугулланиши.

**НЕЙТРАЛИЗАЦИЯ** — нейтраллаш, реакцияни нейтраллаш; ушбу реакция биологик ва кимёвий жараёнда рўй бериши мумкин; биологик жараёнда антиген ва антитаначаларга ўзаро таъсир этгандан кейин феномен бўйича (иммунологик) биологик иммунологик спецификлигини аниқлаш усули; ушбу усуллар суд тиббиёти далилий ашёлар лабораториясида кенг қўлланилади. Кимёвий реакцияда кислота ёрдамида эритманинг ишқор хоссаси, ишқор ёрдамида эритманинг кислота хоссаси нейтралланади.

**НЕКРОЛОГИЯ** — некрология (يونونча — песго ўлик, logos — таълимот), одам руҳининг нариги дунёдаги қисмати, уларнинг тирликларга таъсири, дафн маросимлари мурдалар ҳақидаги тасаввурларни ўз ичига олади; некрология — черковнинг ўлган кишилар, биринчи навбатда диний ибодатлар вақтида номлари айтиладиган олий табақадаги руҳонийлар, монахлар, садақа берувчилар рўяхати китоби; уларнинг ўлганлиги ҳақидаги хабарлар одатда мадҳия мазмунида бўлиб, некрологлар (таъзияномалар) дейилади.

**НЕОБХОДИМАЯ ОБОРОНА** — зарурий мудофаа — ҳимоя хавфининг таърифига мувофиқ тажовуздан қонун йўл қўйган даражада ўзини мудофаа қилиш; зарурий мудофаа ҳолатида қилинган ва шикаст етказган ҳолатлар Ўзбекистон қонунига биноан жиноят ҳисобланмайди. Ўзбекистон Республикаси жиноий кодексининг 37-моддасида бу ҳақда керакли тушунча берилган: Ўзбекистон давлати манфаатларини, мудофааланувчининг ёки бошқа кишининг шахсини ёки ҳуқуқларини жамоат учун хавфли ҳаракатлардан тажовуз қилувчига зарар келтириш йўли билан ҳимоя қилинса, агарда шу билан бирга зарурий мудофаа чегарасидан четга чиқилмаган бўлса, бундай ҳаракатлар жиноят ҳисобланмайди.

**НЕОКАЗАНИЕ ПОМОЩИ БОЛЬНОМУ** — касалга ёрдам кўрсатмаслик — касалга била туриб, сабабсиз тиббиёт ходимлари томонидан ёрдам кўрсатмаслик. Тиббиёт ходимлари белгиланган қоидага мувофиқ касалга ёрдам беришга мажбур. Шунинг билан туриб касалга ёрдам кўрсатмаслик Ўзбекистон Республикасининг 116-моддаси билан жиноий жавобгар қилишга сабаб бўлади.

**НЕОСТОРОЖНОСТЬ** — эҳтиётсизлик — қасдсиз содир қилинган жиноятлар. Ўзбекистон жиноят ҳуқуқида қасддан қилинган жиноятлар каби қасдсиз қилинган жиноятлар учун ҳам жиноий жавобгарлик кўрсатилган. Демак, эҳтиётсизлик жиноий айблардан



бири, деб ҳисобланади. Жиний кодексга биноан икки хил эҳтётсизлик тафовут қилинади: ўзбилармонлик (ортиқ даражада ўзига ишониб) ва парвосизлик. Эҳтётсизликнинг фақат оғир даражали оқибати жиноятчилик деб билинади, масалаи касалнинг ўлими.

**НЕПРИКОСНОВЕННОСТЬ** — шахс даҳлсизлиги — Бирор кишини қонунсиз ушлаб туриш ёки қамаш одил судловга қарши қилинган жиноят деб ҳисобланад. Ўзбекистон Республикаси жиний кодексининг 234-моддаси билан жиний жавобгарликка тортилади. Мазкур қонун Ўзбекистон конституциясида ҳам келтирилган бўлиб, фуқароларнинг шахсий даҳлсизлиги кафиллантирилган. Прокурорнинг рухсатсиз ёки суднинг ажримсиз ҳеч ким қамоққа олиниши мумкин эмас.

**НЕСОВЕРШЕННОЛЕТИЕ** — ёши етмаслик; вояга етмаслик. Ўзбекистон жиний кодексининг 17-моддасига бинсан мазкур моддада қуйидагилар келтирилган:

«...Жиноят содир этгунга қадар ун уч ёшга тулган шахслар жавобгарлигини оғирлаштирадиган ҳолатларда—қасдан одам улдирганликлари (97-модданинг иккинчи қисми) учунгина жавобгарликка тортиладилар.

Жиноят содир этгунга қадар ун тўрт ёшга тулган шахслар ушбу Кодекс 97-моддасининг биринчи қисми, 98, 104—106, 118, 119, 137, 164—166, 169-моддалари, 173-моддасининг иккинчи ва учинчи қисмлари, 220, 222, 247, 252, 263, 267, 271-моддалари, 277-моддасининг иккинчи ва учинчи қисмларида назарда тутилган жиноятлар учун жавобгарликка тортиладилар.

Ушбу Кодекснинг 122, 123, 127, 144, 146, 193—196, 205—210, 225, 226, 230—232, 234, 235, 279—302-моддаларида назарда тутилган жиноятлар учун жиноят содир этилгунга қадар ун саккиз ёшга тулган шахслар жавобгарликка тортиладилар.

Ун саккиз ёшга тулгунга қадар жиноят содир этган шахслар умумий қондаларига мувофиқ ва ушбу Кодекснинг Умумий қисми олтинчи бўлимида назарда тутилган хусусиятлар ҳисобга олинган ҳолда жавобгарликка тортиладилар.

**НЕСПОСОБНОСТЬ К ОПОДОТВОРЕНИЮ** — уруғланишга лаёқатсизлик; шундай патологик ҳолатки, эркак организми, жинсий органлари ёки туқималари уруғланишга лаёқатсиз бўлади. Травма, иккиёқлама мояк қўшимчаларининг таносил касаллиги билан яллиғланиши оқибатида ва бошқа сабаблар туфайли уруғланишга лаёқатсизлик содир бўлиши мумкин. Уруғланишга лаёқатсизликнинг аниқланиши жинсий жиний, никоҳни бузиш, алимент, тан жароҳати оғирлигини аниқлаш ва бошқа-экспертиза бўйича олиб борилади. Мазкур экспертизанинг мураккаблиги шундаки, уруғланишга лаёқатсизлик диагностикаси, айрим вақтларда, қийинчилик туғдиради. Сперман текшириш муҳим аҳамиятга эга. Текшириш учун сперма экспертнинг қўзи олдида ўлиниши даркор. Буни ижро этиш учун туғри ичак орқали простата бези уқаланади. Агар сперма бўлмаса (аспермия) ёки ўлик сперматозоидлар (некроспермия) бўлса унда, такрорий текширишлардан кейин шахсни уруғланишга лаёқатсиз деб эксперт ўз фикрини ифода этиши мумкин. Шунинг ҳам таъкидлаш керакки, қўшилишга, алоқа қилишга лаёқатсизлик — уруғланишга лаёқатсизлик деб ҳисобланмайди.

**НЕСЧАСТНЫЕ СЛУЧАИ В МЕДИЦИНСКОЙ ПРАКТИКЕ** — тиббиёт амалиётидаги бахтсиз воқеалар; даволаш, ташхис қўйиш, операция ёки бошқа ҳақимлик аралашиларнинг ноўнғайлиги, ёмон оқибати. Мазкур ҳолатлар тасодифий бўлиб, унинг олдини олишга ҳақим улгурмайди. Бахтсиз воқеалар кимнингдир хатоси ва ушбу воқсаннинг мураккаблиги туфайли; касалликнинг одатдагидан таш-

қари ўтиши, бемор организмнинг ўзига ҳослиги, масалан, айрим дори-дармонларга ўта сезувчанлиги, аллергия мавжудлиги, наркоз беришдан ўлиш оғибати, анафилактик шок ва бошқалар сабабли содир бўлади. Тиббиёт амалиётидаги бахтсиз воқеаларни аниқлаш учун ўта моҳирлик ва билимдонлик талаб этилади.

**НИКОТИН** — никотин; алкалоид гуруҳига кирувчи модда, тамакидан олинган бўлиб, қуйидаги хусусиятларга эга: у марказий нерв системасини биринчи гал қўзғатади, кейинчалик фалажлантиради; никотиндан заҳарланганда кўз қорачиғининг тешиги қисқаради, бадани тер босади, тупук чиқариш авжланади, юрак уриш, нафас олиш жараёнлари сусаяди. Никотиндан камдан-кам киши заҳарланиш натижасида ўлиши мумкин.

## О

**ОБВИНЕНИЕ** — айблаш, бошқа бир шахсни бирор ҳожўя ҳаракат қилганида айблаш. Кишини фақат суд ҳукми билангина айблаш мумкин. Бошқа ҳеч ким, ҳеч қандай ташкилот ва мансабдор шахслар бирор кишини айбдор деб ҳисоблай олмайди.

**ОБВИНЯЕМЫЙ** — айбланувчи — жиноят содир қилган шахс, унга айби учун тегишли жазо қарор билан эълон қилинади. Бу шахс суд ҳукмидан сўнг айбдор ҳисобланади. Судга берилган айбдор — судланувчи деб айтилади. Айблаш ҳукмидан сўнг жазоланувчи айбдор ҳисобланади.

**ОБЕЗОБРАЖЕНИЕ ЛИЦА НЕИЗГЛАДИМОЕ** — тиклаб бўлмайдиган бадбашаралик. Жароҳатланиш натижасида жабрланувчидан юзида чуқур жойлашган чандиқ пайдо бўлиши ва уни хунуклантириши — бадбашаралик деб айтилади. Эксперт фақат юзнинг хунуклашувига сабаб бўлган жароҳатни даволаб бўладими ёки тузатиб бўладими, ёхуд умрбод шу ҳолатича қоладими, деган саволларга жавоб беради. Аммо, мана шу шахсда жароҳат юзни қай даража хунуклаштириши эксперт эмас, балки суд томонидан ҳал қилиниши лозим. Демак, унинг вазифасига хунукрўйликни эмас, тиклаб бўлмайдиган чандиқ бор-йўқлигини аниқлаш киради. Хунукрўйлик мавжудлигини аниқлаш вазифаси суд зиммасига юклатилган. Юзни хунуклаштирувчи жароҳатларни қайта тиклаб бўлмайдиган хилларига юзнинг бирор қисми, масалан жағ ёки ёноқ суюяги, бурун ёки лаб шаклини бузадиган жароҳатлар, катта тери чандиқлари киради. Аммо, амалий ишда унча катта бўлмаган тери чандиқлари ҳам аҳамиятга эга бўлади, масалан, чандиқ камайиб ва буришиб бориб маҳаллий тўқималарни тортиши, улар ҳаракатчанлигини камайитириши мумкин. Кўз қовоғидаги чандиқни олайлик, у қовоқнинг қайрилишига олиб келади; жағдаги чандиқ — оғизнинг очилишини ва чайнашни қийинлаштиради. Экспертнинг вазифаси — чандиқнинг жойлашган ўрнини ва қандайлигини ҳисобга олиш ва белгиланган ўзгаришлар имкониятини судда тўшунтириб беришдан иборат.

**ОБЛУЧЕНИЕ ОРГАНИЗМА** — организмни нурлантириш, организмга нур энергиясини таъсир эттириш. Нурлантириш икки хил: маҳаллий ва умумий нурланишларга бўлинади. Суд тиббиёти амалий ишларида нурлардан маҳаллий жароҳатланиш тез-тез учраб туради. Маҳаллий таъсир дегани бу шартли сўз, чунки ҳар бир нурлантириш маҳаллий таъсирдан ташқари, умумий таъсирга эгадир, организмда тўлиқ ўзгаришлар рўй беради. Нурлантириш натижасида жойларда ялғинланиш, некроз, жонсизланган тўқималарнинг ажралиб тушиши кузатилади; ташқи жиҳатдан улар куйишга мансуб, шунинг учун маҳаллий нур жароҳатини нурдан куйиш деб ҳам айтилади. Суд тиббиёти амалиётида жароҳат дара-

жасини аниқлашда, нурлантириш майдони, унинг чуқурлиги ва нурнинг дозасига эътибор берилади. Нур энергияси таъсиридан вужудга келган маҳаллий ва умумий ўзгаришлар суд тиббиёти жиҳатидан қуйидаги саволларни ечишни талаб қилади: жабрдийданинг соғлиғига зиён етказилганми ёки йўқми, агар зиён етказилган бўлса, мазкур жароҳатлар ионланиш нури таъсиридан бўлганми ёки йўқми; таъсир этган нур қайси физик хусусиятларга эга; организмга таъсир этилган нур энергияси дозасини, уларни айрим органларга ёки умумий организмдаги ютилган дозасини аниқлаш; қачон нурлантириш вужудга келгани, соғлиққа таъсир этган даражасини аниқлаш; келажакда қанақа ўзгаришлар пайдо бўлиши мумкин ва бошқалар.

**ОБОДОК (ПОЯСОК) ВЫСЫХАНИЯ** — қуриш ҳошияси (жўяги); терида жойлашган ўқотар ярасининг кириш тешиги объектив белгиларидан бири. Бу кириш тешиги атрофида жойлашган, кенглиги 2—5 мм, қаттиқ, қорамтир ўқ изи. Қуриш ҳошияси фақат ўлгандан кейин мурдада 12—24 соат ўтгач пайдо бўлади. У тирналма зонасидан кенгроқ бўлади, чунки қуришда фақат тирналган жой эмас, балки унга яқин бўлган молекуляр чайқалиш зонаси ҳам қурибди.

**ОБОДОК (ПОЯСОК) МЕТАЛЛИЗАЦИИ** — металланиш ҳошияси (жўяги); кийимда ёки терида жойлашган бўлиб, ўқнинг кириш тешиги белгиларидан бири ҳисобланади. Милтиқ, тўппонча найининг ичидаги металл заррачалари, ўқнинг пўстлоғи, капсулдаги металл заррачалари ва най ичидаги занг заррачалари отилгандан сўнг чиқади ва кириш тешиги атрофида жойлашади. Металл рентген (Букк нури), химик, электрографик, спектрографик усуллар билан аниқланади.

**ОБОДОК (ПОЯСОК) ОБТИРАНИЯ ИЛИ ЗАГРЯЗНЕНИЯ** — артиниш ҳошияси (жўяги); кирланиш ҳошияси (жўяги). Терида ёки кийимда қоладиган ўқ кириш тешигининг белгиси. Мазкур белги ўқотар яра кириш тешигининг атрофида 0,5—5 мм ҳалқасимон ёки камонсимон, қора ёки кулранг бўлган, ўқдан қоладиган издир. Ўқ милтиқ найининг ичидан чиқаётганда порох қолдиқлари, қурум, ёғ, занг заррачаларини ўз устига олиб, баданга кираётган пайтида кириш тешиги атрофида ўзи артиниб кир қолдиради. Шунинг учун артиниш ёки кирланиш жўяги деб аталади. Оқ матолардан тикланган кийимларда артиниш ҳошияси (жўяги) яхши кўринади. Артиниш излари ўқ узоқ масофадан отилганда рўй беради.

**ОБОДОК (ПОЯСОК) ОСАДНЕНИЯ** — шилиниш ҳошияси (жўяги); терида ўқ ярасининг кириш тешиги белгиларидан бири. Бу кириш тешигининг атрофида торғина жўяк (1—3 мм), тери устки (эпидермис) пўстлоғининг шилиниши. Ўқнинг кириш бурчагига қараб мазкур ҳошия ҳалқасимон ёки камонсимон шаклга эга бўлади. Ўқ кираётган пайтида четлари билан терини шилиш натижасида бу жўяк (ҳошия) рўй беради. Биринчи бўлиб, 1865 йили рус олими Н. И. Пирогов мазкур шилиниш ҳошиясини таъсирлаган.

**ОБОЛОЧКА ПУЛИ** — ўқ қобиғи, ўқ пўстлоғи; ушбу пўстлоқ (қобиқ) ўқнинг қаттиқлигини ташкил қилади ва уни мўлжалланган жойга бориб тегишига ёрдам беради. Ҳарбий қурооллар (милтиқ, тўппонча) фақат қобиқли ўқлар билан жиҳозланган.

**ОБРЕЗ** — қирқма, қирқма милтиқ; стволи (найи) қирқилган милтиқ; стандарт қуроолнинг (милтиқ, карабин, автомат) стволи (олиб юриш ўнғай бўлиши учун) қирқилади. Мазкур қуроолдан отилган ўқнинг жароҳати кенг ва катта бўлади.

**ОБУГЛИВАНИЕ** — кўмирга аъланиш; тўртинчи даражали қуйиш оқибати; ушбу куйиш даражасида тери, унинг остидаги тўқи-



малар, шунингдек мушак, суяклар куйиб кўмирга айланиши мумкин.

**ОБЪЕКТ** — объект (лотинча *objectum* — буюм), ташқи муҳит буюми; текшириш, билиш буюми; одам ўз фаолиятини, маърифатини билиш учун сарф этган буюм.

**ОБЯЗАТЕЛЬНОСТЬ** — мажбурият ҳуқуқи, фуқаролараро ҳуқуқий муносабат, бунда биринчи шахс, масалан, қарздор бўлса, иккинчи шахс кредитор сифатида аниқ миқдорда ҳаракат қилишга мажбур (иш бажариш ва бошқалар). Кредитор эса қарздордан ўз бурчини талаб қилишга эгадир; фуқаролар ҳуқуқий нормалар мажмуи — мажбурият ҳуқуқи деб аталади.

**ОГНЕСТРЕЛЬНЫЙ РАНЕВОЙ КАНАЛ** — ўқ отилган яра ўраси; ушбу ўра ўқ кирган тешикнинг давоми ҳисобланади; улар тўғри, қайрилма, узилғич, айланма ўралар хлига бўлинади; ўқ отилган яра ўраси кириш ва чиқиш яра тешикларига эга бўлиши ёки чиқмасдан ёпиқ яра ўраси ҳосил қилиши мумкин.

**ОДЕЖДА, ЭКСПЕРТНОЕ ЗНАЧЕНИЕ** — кийим, либос; либосларнинг суд тиббиётидаги аҳамияти; ташқи муҳитдан баданни ҳимоя қилиш учун ясалган сунъий қоплама. Кийим биринчи бўлиб жароҳатлар таъсирини (ўткир, ўтмас буюмлар, транспортлар, ўқотар қуроллар, ҳарорат ва бошқа таъсирлар) қабул қилиб танада бўладиган шикастликни ўзгартириб, ўзида ўзгаришлар, излар қолдиради. Шунинг учун суд тиббиёти амалиётида кийимнинг текширилиши муҳим аҳамиятга эга. Уларнинг текширилиши, аниқса транспорт травмаларида, ўқотар жароҳатларида муҳим роль ўйнайди. Масалан, машина протекторининг тамғаси гилдиракни босиб ўтганлигининг асосий далили деб ҳисобланадиган белги фақат кийимда қолади (терида эса камдан-кам қолади); ўқ отилганда, унинг қўшимча белгилари бўлиши — аланга, газ, қурум, порох заррачаларини кийим ўзида қолдириб, суд тиббиётида муҳим аҳамиятга эга бўлган қатор саволларни ечади, жумладан ўқ кирган тешикни, отилган масофани, қайси ўқотар қуролдан отилганлигини аниқлаш ва бошқалар. Ундан ташқари кийим ўз устида қон, сперма, сўлак, тер, соч ва бошқа турли одам ҳамда ҳайвонлар организмларининг тўқима, ҳужайраларини сақлаб, кейинчалик текшириш жараёнида далилий ашё сифатида муҳим саволларни ечиши мумкин; у «гунг гувоҳ» сифатида воқеа қандай содир бўлган ва жиноятларни ечиш учун асосий далил бўла олади. Кийимлар маҳсул суд тиббиёти лабораторияларида, шахсан далилий ашёлар текшириш физика-техника ва биологик бўлимларда текширилади.

**ОЖОГ** — куйиш, юқори ҳарорат ёхуд айрим кимёвий моддалар (оғир металлларнинг тузлари, ишқор кислоталар ва бошқалар) таъсирида вужудга келадиган тан жароҳати, организм тўқималарининг заҳарланиши. Жароҳатланишнинг чуқурлигига кўра куйиш 4 хил бўлади: 1—терининг қизариши; 2—терн юзида пуфакчалар пайдо бўлиши; 3—терн қатламининг бутунлай ўлиши, жонсизланиши; 4—тўқиманинг кўмирга айланиши. Куйишни текшириш жараёнида, суд тиббиёти амалий ишларида, кўпгина саволларни ечишга тўғри келади, улардан: куйиш натижасидаги тан шикастлари даражасини аниқлаш; куйган сатҳни баданга нисбатан фозини аниқлаш ва бошқалар. Агар куйиш белгилари тирик шахсдан ташқари, мурда танасида топилса, унда саволлар сови ундан ҳам кўпаяди. Чунки юқорида кўрсатилгандардан ташқари, бошқа саволлар пайдо бўлади, масалан, куйишдан пайдо бўлган ўзгаришлар шахснинг тирикчилигида юзага келганини ёхуд уни бошқа усул билан ўлдириб кейин куйдиришганими ва бошқалар. Шунинг ҳам таъкидлаб ўтиш керакки, куйиш излари бошқа нарсалар таъсиридан ҳам вужудга

келиши мумкин. Масалан, нур таъсиридан, офтобдан, рентген нуридан, лазер нуридан куйиш ва бошқалар.

**ОКИСЬ УГЛЕРОДА** — углерод оксиди (СО), ис газ. СО рангсиз ва ҳидсиз газ, кўмирнинг туниқ ёнмаслигидан, углерод ёки унинг бирикмалари чала ёнганида, масалан, ички ёнув двигателларида ва печларда, ўт тушганда, одам кийимлари ёнганда (узунини куйдириш ва тасодифий ёнгишлар) ҳосил бўлади ва ҳаво орқали нафас йўллариغا, ўпка орқали капиллярлардан қонга ўтади. Қондаги гемоглобин билан углерод оксиди қўшилиб, карбоксигемоглобинни ҳосил қилади; қон кескин заҳарланади, кислород ташвиш хусусияти йўқолади, чунки қондаги кислород ташувчи гемоглобинлар карбоксигемоглобинга айланади (карбоксигемоглобин тўқималарга кислород ташвиш хусусиятига эга эмас), натижада киши кескин кислород етишмаслигидан ўлади.

**ОКОЛОПЛОДНЫЕ ВОДЫ** — қоғоноқ суви, ҳомила суви; амнион секретияси натижасида пайдо бўлган суюқлик. Бу суюқлик қоғоноқ бўшлигини тўлдириб туради. Унинг таркибида оксиллар, ёғлар, ферментлар, ҳужайралар, соч тодалари ва бошқалар учраб туради. Суд тиббиёти амалий ишларида қоғоноқ сувиининг текширилиши гўдак ўлдириш экспертизасида катта аҳамиятга эга, масалан ҳомила вояга етиши билан (8 ойлигида) унинг ютиш қобилияти пайдо бўлади ва ҳомила уни ўраб олган қоғоноқ сувини юта бошлайди; сув билан бирга соч туқларни, меъда-ичаклар йўлидан йўғон тўғри ичакка кириб, бирламчи нажас таркибини ташкил этади. Ушбу соч туқлари ўлган гўдакнинг ахлатидан (нажасидан), яъни меконияда топилса, гўдакнинг вояга етганлиги, унинг она қорнида 8 ойдан кўп вақт яшагани маълум бўлади.

**ОКОЧЕНЕНИЕ ТРУПНОЕ** — мурда қотиши; киши ўлгандан кейин ўлим белгилари пайдо бўлади, бу белгиларнинг дастлабкиларидан бири, мурда қотиши ҳисобланади. Мазкур ҳолат 2—4 соат ўтгандан кейин вужудга келади; скелет мушаклари аста-секинлик билан қаттиқлашади ва шу туфайли қисқаради; мушакларнинг қисқариши бўғимлар (жағ, қўл-оёқ ва бошқалар) ҳаракатига тўсқинлик қилади. Мушкулларнинг қисқаришида оқсиз модда активизация катта аҳамиятга эга. Мушкуллар қисқариши бу физиологик мураккаб жараён бўлиб, асосан аденозин уч фосфор (АУФ) кислотасининг ҳолатига боғлиқдир. Ушбу кислота миофибриллаларни қисқартиради. Агарда АУФ парчаланиб кетса, унда мушаклар бўшашиб, шаллашиб қолади. Мушаклар таркибидаги миозин фермент аденозин учфосфатаза хусусиятига эга бўлиб АУФ ни парчалайди, бу эса кўп миқдорда энергия ажратишга асос бўлади. Мурда қотиши айрим суд тиббиёти хулосаларининг тузилишига ёрдам беради. Энг биринчи, унинг борлиги ҳақиқатдан киши ўлганлигини тасдиқлайди; ўлган вақтини аниқлайди, яъни киши ўлгандан то уни текширишгунингача қанча вақт ўтганини аниқлайди; айрим вақтларда одамнинг ўлган вақтдаги ҳолатини сақлайди ва ўлим сабабини ечишга ёрдам беради.

**ОПЛОДОТВОРЕНИЕ** — уруғланиш, зигота ҳосил бўлиши жараёни; эркек ва аёл жинсий ҳужайра (гамета)ларнинг қўшилиши натижасида янги организм ривожланишини таъминлаган зигота ҳосил бўлиши. Эркеклар сперматозонларининг уруғланиши ва аёллар ҳомиладор бўлиши (тухум ҳужайранинг сперматозон билан уруғланиши, тухумининг имплантацияланиши — бачадон деворига ёпишиши) қобилиятини аниқлаш учун экспертиза ўтказилади; ушбу экспертиза одатда комиссия тартибда ўтказилади.

**ОПРЕДЕЛЕНИЕ ВОЗРАСТА** — ёшни аниқлаш. Еш бу одам, ҳайвон, ўсимликлар ўсиш босқичидир (даври). Суд тиббиёти ама-

**лиётида** ёш туғрисида хужжати йўқ шахсни ёки хужжатни олиш имконияти бўлмаган шахсларнинг ёши аниқланади. **Мазкур экспертиза** шахсни жинойий жавобгарликка тортганда, **ўз ёши**ни била туриб яширганда; ёши шубҳа туғдирганда; ноаниқ шахснинг мурдаси топилганда; майдаланган бўғимлардан ажратилиб бўлакланган мурдаларни текширганда ва бошқаларда ўтказилади. Ҳақиқий ёш (ташқи қиёфасига асосланиб) ва **суяклар** ёши (суякларни текширишга асосланиб) тафовут қилинади. **Антропометрик ўзгаришлар**нинг чиқиши, тушиб бошқаларнинг чиқишига, ажнларнинг пайдо бўлиши, уларни чуқурлигига, сочларнинг оқаришига, суяклар ҳолатига (суякларни нуқталарининг мажбудлиги, синастозларни, яъни уларни суяк туқималари билан боғланиши ва бошқалар) асосланиб одам ёши аниқланади. Ёш аниқлаш жараёнида суяклар (товон, панжа ва бошқа суяклар) албатта рентгенографиядан ўтказилади. Рентгенография белгилари ўсиш, ривожланиш, қариш ва сўлишларга бўлинади.

**ОПРЕДЕЛЕНИЕ СУДА** — суд ажрими, у жиноят ёки фуқаролик ишлари юзасидан халқ суди томонидан чиқарилади. Жиноят ёки фуқаролик ишларини судда кўриш вақтида суд мажлисини бошлаш тартиби келмаган гувоҳларни чақириш, экспертиза тайин этиш, қўшимча гувоҳлардан сўроқ олиш, суд мажлиси давомида жиноят ишини қўшимча терговга юбориш ҳақида халқ суди, юқори судлар ажрим чиқаради.

**ОПУХОЛЬ РОДОВАЯ** — туғруқ шиши, болани янги туғилганлик белгиларидан бири. Туғруқ шиши ҳомиланинг чиқаётган қисмида жойлашади, шунинг учун у кўпинча, унинг каллачасида жойлашган бўлади. Туғруқ шиши ярим шарсимон, эластик ҳолатида, 6—8 см ҳажмга эга бўлади ва уни кесганда ичидан яхнасимон қон аралаш сариқ-қизғиш модда чиқади. Асосан, мазкур модда тери ва тери остига жойлашган бўлади. Бола туғилгандан кейин, уч кун ўтгач туғруқ шиши қонга сўрилади.

**ОПЬЯНЕНИЕ** — мастлик; спиртлик ичимлик, алкоголь ёки унинг сурагатларини истеъмол қилиш натижасида рўй берадиган ҳолат. Мазкур ҳолат марказий нерв системасининг турн ва спиртлик ичимликнинг қондаги миқдорига боғлиқ. Одатда уч даражали яъни енгил, ўрта ва оғир даражали мастлик тафовут қилинади. Енгил даражали мастлик қисқа вақтли кайф, серганлик, ирғиб тушиш, ўз кучини муболага этиш, пульснинг тез уриши, терининг қизариши (чет капиллярларнинг кенгайиши натижасида) билан тавсифланади. Иккинчи, ўрта мастлик даражасида энг биринчи кайф (эйфория) кузатилади, кўзғатиш бошланади, айрим вақтларда сўз мантиқсизлиги, одобсизликлар кузатилади; шахснинг юзи қизаради, тана мувозанати йўқолади, сезирлиги пасаяди, бош айланиш, кўз қорачиғининг қисқариши, пульснинг тезлашиши ва баъзан қусиш кузатилади; кўзғатиш давридан кейин сўниш, бош оғриши, уйқуга тортилиши кузатилади; эртасига иштаҳа йўқолади, чанқаш пайдо бўлади. Алкоголни кўп миқдорда истеъмол қилиш оғир даражали мастликни келтиради: қон босими пасаяди, нафас юваки ва сийрак бўлади, киши ҳушини йўқотади, юзи кўкаради, намланади, совийди, юрак фаолияти заифлашади, оғриқ сезмайди, бепхтиёр сийиш ва нажас чиқариш кузатилади. Оғир даражали мастлик ҳаёт учун хавфли томир тортилиши, талваса, ўпка шишиши ва ўлим билан тавсифланади. Қон таркибида 0,1—1,0 г/л этил спирти топилса, енгил даражали; 1,1—2,0 г/л бўлса, ўрта даражали ва 2,1—3 г/л спирт бўлса, оғир даражали мастлик ҳисобланади.



**ОРУДИЕ** — асбоб; маҳсус маиниш, турмуш, тирикчилик учун тайёрланган буюм. Масалан, ошхона пичоғи, болга, теша, болта, курак, қайчи, дазмол шулар жумласидандир.

**ОРУЖИЕ** — қурол; ҳужум қилиш учун ёки ҳужумдан ҳимоя қилиш учун тайёрланган буюмлар қурол деб аталади; ханжар, фин пичоқлари, бошқа совуқ қуролларни тақиб юриш, айниқса ўқотар қуролларни тайёр қонуний равишда тайёрлаш, сотиш, сотиб олиш, олиб юриш ҳаракатлари учун Ўзбекистон Республикаси Жиноий кодексининг 248-моддаси билан жиноий жавобгарликка тортилади.

**ОРУЖИЕ ОГНЕСТРЕЛЬНОЕ** — ўқотар қуроли; портлатувчи модданинг алампаланиши натижасида пайдо бўлган энергиянинг снарядни ҳаракатга келтириши ўқотар қурол деб аталади. Ўқ (милтик, туппонача ўқи, осколка) тегишидан ҳосил бўлган жароҳатлар алоҳида ўрини эгаллайди, уларда ўзига хос бўлган хусусият шундан иборатки, ўқ жуда ҳам катта, яъни секундида бир неча юз, ҳатто минг метр кинетик энергияга эга бўлган тезлик билан ушиб танага жароҳат етказиши; портловчи моддани ёпиши натижасида танада пайдо бўлган таъсироғлар қуйидаги ҳолларда учрайди: портлаш тўққизи, газ ва юқори ҳароратнинг таъсири; портлаган граната, артиллерия снаряд, мина, авиабомба, детонатор ва бошқалар осколкаларининг танага жароҳат етказиши; ўқдан сочмадан ёки газ таъсиридан портлаш натижасида вужудга келган жароҳатлар. Ўқ тешигидан пайдо бўлган жароҳатларнинг шакли, тузилиши, ҳолати, жадалиги ўқотар қуролининг хили ва ўқининг тузилишига боғлиқ.

**ОРУЖИЕ ХОЛОДНОЕ** — совуқ қуроллар; қўл билан уришганда қўлланиладиган қуроллар (маҳсус ҳужум ёки ҳимоя қилиш учун тайёрланган). Ўзбекистон жиноий кодексининг маҳсус моддасида «...қонунсиз равишда ханжар, фин пичоқлари, кастет ёки бошқа қуролларни тақиб юриш, тайёрлаш, сақлаш ёки сотиш, агар совуқ қурол тақиб юриш шу кишининг касби, хизмати ёки ҳаёт кечиришига боғлиқ бўлмаса — қўрсатилган нарсаларни мусодара қилиб, бир йилгача озодликдан маҳрум этиш ёки шу муддатгача ахлоқ тузатиш иши ёхуд жарима солиш билан жазоланди» деб таъкидланган.

**ОСВИДЕТЕЛЬСТВОВАНИЕ** — кўрикдан ўтказиш; мазкур ҳолат айбланувчи, айбдор, гумондор, гувоҳ ёки жабрдийданинг (агар суд тиббиёти экспертиза ўтказилиши кузатилмаса) танасида жиноят излари ёки маҳсус белгилар мавжудлигини аниқлаш учун уни кўрикдан ўтказилади. Айрим вақтларда, терговчининг қарори билан кўрикдан ўтказиш ҳақим иштирокида ижро этилади. Кўрикдан ўтказиш туғрисида баённома тузилади. Суд тиббиёти кўрикдан ўтказиши ҳақим ёки суд тиббиёт эксперти томонидан терговчи ёки суд аъзоларининг ёзма тариқасида ўтказилган талабномасига асосланиб ижро этилади. Бунинг учун маҳсус саволлар сўралиши лозим. жумладан, шахсининг тан жароҳатларни тавсифи, уларнинг оғриқ даражаси, ёшини аниқлаш, соғлигининг ҳолати, балогатга етган-етмагани, ифбатлиги (зўрлаганда, номусга тегиш пайтларида) ва бошқалар. Кўрикдан ўтказилиш далолатнома тузилиши билан туғайди.

**ОСКОРБЛЕНИЕ** — ҳақорат қилиш — кишининг ҳурмати ва қадр-қиммати қасдан сўра уриш, яъни бировни ҳаракат билан, сўз билан ёки ҳар бирини ҳақорат қилиш. Ўзбекистон республикаси жиноий кодексининг 140-моддасига кўра ҳақорат қилиш жиноий жавобгарликка тортилади. Бу шахсининг қадр-қиммати, обрўсига қарши қаратилган жиноят деб ҳисобланади.

**ОСЛОЖНЕНИЕ ПОВРЕЖДЕНИЯ** — жароҳатнинг таъсири; жароҳатнинг қолдирган таъсири; асосий жароҳатга қўшилган патологик жараёни; травмадан сўнг пайдо бўлган янги касаллик. Масалан, сон суягининг синиги натижасида пайдо бўлган остеомиелит касаллиги (иликнинг яллиғланиши) ёки сохта (қалбаки) бўғим; мумталоқ қолдигдан вужудга келган хўпоз. Жароҳат таъсири узлуксиз бўлиши мумкин: Бунга сабаб: 1) жабрланувчининг индивидуал хусусияти, масалан, гемофилия (туғма қон ивиш хусусиятининг заифланиши) касалликка дучор бўлган шахснинг панжа соҳасида юзаки жойлашган ярадан кескин қон йўқотиш туфайли шикастланиши ҳаёт учун хавфли ҳисобланади. 2) инфекциянинг қўшилиши, масалан хўпоз, остеомиелит, сепсис ва бошқалар; 3) тўлиқсиз, нотўғри тиббий ёрдам бериш, масалан, суяк синиги учларининг нотўғри битиши, қалбаки бўғим пайдо бўлиши. Агар ҳаёт учун хавфли жароҳат мавжуд бўлса, ундан қолган асорат жароҳат даражасини баҳолаш учун таъсир қилмайди. Жароҳат ҳаёт учун хавфли бўлмаса, унда шикастланиш даражасини аниқлаш, ундан қолган асорат натижасига боғлиқ. Ҳар бир аниқ воқеани эксперт чуқур таъсислаб, жароҳатнинг оқибати ва унинг натижасини тиббий жиҳатдан инobatга олиб баҳолаши зарур; жароҳатнинг даражасини аниқлаши, узлукли-узлуксиз ва унинг келиб чиқиш сабабини тушунтириши лозим.

**ОСМОТР** — кўрик; кўрик тергов олиб борувчи шахс (терговчи), суд томонидан ташкил этилган ҳаракат жараёнидир. Мазкур жараён иш учун даҳли бўлган ҳаракат, масалан, воқеа содир бўлган жой, мурда, бино, ашёлар, ҳужжатлар ва бошқаларни кўздан кечириш демакдир. Кўрик жараёнида жинойи нишга тегишли объектлар ўрганилади. Дастлабки тергаш вақтида кўрик гувоҳлар иштирокида ўтказилади. Кўрик фотография, ўлчаш, схема, карта-режалар тузиш ва бошқа тадбирлар билан тугатилади. Кўрик жараёнида баённома тузилади (кўрик баёни).

**ОСМОТР МЕСТА ПРОИСШЕСТВИЯ** — воқеа содир бўлган жойни кўриқдан ўтказиш; терговга тегишли жараён; воқеа содир бўлган жойни ўрганиш, синчиклаб текшириш, далилий ашёларни топиш, уларни йиғиш, жинойи ишларга тегишли бошқа нарсаларни излаш, жиноятчининг шахсини аниқлаш ва жиноятчининг бўлиб ўтган таъсиротларини аниқлаш каби саволларни ечиш лозим. Воқеа содир бўлган жойни кўриқдан ўтказиш оператив-тергаш омилларидан бири ҳисобланади. У жиноят қандай содир бўлганини аниқлайди. Шунинг учун воқеа содир бўлган жойни кўриқдан ўтказиш сифати жиноятни аниқлашга ёрдам беради. Қанча тез, яхши, тўлиқ, сифатли кўриқдан ўтказилса, унинг натижаси шунча унумли бўлади. Воқеа содир бўлган жойнинг кетма-кетлиги бўйича икки—қўчи субъектив ва объектив усуллари тафовут қилинади. Субъектив кўриқдан ўтказиш фақат дастлабки излар бўйича, яъни жиноят содир қилган шахс қолдирган излардан бошланади. Мазкур излар кетидан бориб, ҳатто жиноятчининг топиш мумкин. Субъектив кўриқдан ўтказиш тўлиқсиз (изнинг мавжудлигига қараб) бўлиб, изларнинг адо бўлиши билан тугайди. Субъектив усулнинг объектив усул билан тугаши, яъни объектни тўлиқ, батафсил, чуқур ёзиш лозим. Объектив усул объектларни ағдариб атрофлича ёзиш билан таърифланади. «Негатив (салбий) воқеаларга ҳам эътибор берилади. Бир объектдан иккинчи объектга фақат биринчисини тўлиқ ёзгандан кейин ўтилади. Воқеа содир бўлган жойни ёзиш жараёни статик ва динамик ёзишларга бўлинади. Статик ёзиш жараёнида буюмларни ағдармай, қандай ҳолатда кўрилса, шундай ҳолатда ёзилади. Демак, бу ёзиш умумий ҳолатни тасвирлайди, уни шундай ҳо-

латда схемага, фоторасмга туширилади. Динамик ёзиш жараёнида топилаган буюмлар ҳолатини ўзгартириб, ағдариб уларнинг ҳар бири батафсил ёзилади. Демак, воқеа содир бўлган жойнинг динамик ёзилиши статик ёзилишдан сунг тузилади.

**ОСМОТР ТРУПА НА МЕСТЕ ПРОИСШЕСТВИЯ** — воқеа содир бўлган жойда мурдани кўриқдан ўтказиш. Мазкур жараён Ўзбекистон Республикаси жиноий процессуал кодексининг 158-моддасида келтирилган. Терговчи ўлиқни кўздан кечиришни суд медицина эксперти иштироки билан ва ҳолислар ҳозир бўлган ҳолда ўтказди. Қон излари, далилий ашёлар, жиноят воситасининг айрим қисмлари жасадда бўлиши мумкинлиги сабабли, бу ҳаракат воқеа содир бўлган жойни кўздан кечириш билан биргаёқда олиб борилади. Воқеа содир бўлган жойда мурда топила, суд тиббиёти экспертининг бўлиши шарт, аммо мазкур вазиятда процессуал қонуний жиҳатдан у эксперт бўлиб ҳисобланмайди. Агар мурда топилаган жойда эксперти чакирлиш имконияти бўлмаса, унда бирорта етук шифокор чакирлиши мумкин. Мурдани воқеа содир бўлган жойда кўриқдан ўтказиш қуйидаги мақсадларни кўзлайди: 1) ўлим сабабини, унинг келиб чиқиш вазияти, тоифаси, тури, хилини аниқлаш; 2) жиноятчиликнинг келиб чиқиши, уни яшириш, беркитиш, ҳасиўшлик қилиш усулларини аниқлаш; 3) рўй берган ҳодисани, ўлиқнинг шахсини аниқлаш; 4) ким, нима учун қайси важ ва бонс учун кимсани ўлдирishi ёки уни ўз-ўзини ўлдирishi нима мажбур қилганлигини аниқлаш. Воқеа содир бўлган жойда мурдани кўриқдан ўтказиш учун ҳақимни чакирлиш сабаби шундан иборатки, у ўз мутахассислиги, билими орқали жиноятчиликни санишга йўмаклашади. Масалан, мурданинг ҳолати, ундаги жароҳатлар, қон доғлари, ўлик белгилари, ўзгариш хусусиятлари ва бошқалар жиноятчиликнинг қандай рўй берганлигини аниқлашга ёрдам беради. Мурдани воқеа содир бўлган жойда кўриқдан ўтказиш қуйидаги тартибда ўтказилади: 1) мурда топилаган жойни кўздан кечириш; 2) ўлик кўрилишини атрофдаги буюмларга, уй жиҳози, асбоб-ағжомларига нисбатан ёзиш; 3) мурдани умумий кўрилишини, унинг аҳволи, туриш ҳолатини ёзиш; 4) қийимларни кўздан кечириш (умумий ҳолати, жароҳат мавжудлиги, уларнинг экирганли, қарлиги ва б. (жумладан киссалардан топилаган нарсаларни ёзиш); 5) мурдани бевосита кўздан кечириш (умумий маълумотлар, мурда ўзгаришларини, шунингдек мурда доғлари, қотиши, совлиши, қуриши, чириши ва бошқаларни батафсил ёзиш); 6) жароҳатларни кўриқдан ўтказиш, уларни батафсил ёзиш (уларнинг жойлашиши, шакли, ўлчами, яранинг атрофи, бурчакларнинг ҳолати, таги, қўшимча белгилари ва ҳоказолар); 7) далилий ашёларни топиш, ёзиш ва уларни олиш (масалан соч, қон ва скарма доғлари).

**ОСОБО ОПАСНЫЕ ИНФЕКЦИИ** — ўта хавфли инфекциялар; вабо, тоун, туляремия, чинчечак ўткир инфекциялар касалликларни қўзғатувчи ўта хавфли инфекциялар тоифасига кирди; ушбу касалликлар тасодифий (тўғатдан) ўлимга жорий этишга мансуб. Суд тиббиёти амалий ишларида, айниқса хавфли касалликлардан ўлган шахсларнинг мурдаларини текшириш алоҳида ўринга эга. Агар мурдани ёрғанда (текширганда) ўта хавфли инфекция касалликка гумон пайдо бўлса, суд тиббиёти эксперти ўша замон санитария-эпидемиология муассасаларига хабар бериши лозим. Таъхис аниқ, шубҳасиз бўлиши учун морфологик ўзгаришлар билан қаноатланмай, кенг равишда бактериологик, биокимёвий, вирусологик, текширувлар ўтказилиши керак. Бактериологик текширув учун мурда материалларидан олишда махсус тиббиёт хизматчиси бўлиши бактериолог қатнашиши керак. Айниқса, ўта хавфли инфекция касал-



ликлардан ўлган мурдаларни транспорт билан ташиш ва уларни кўмиш махсус чиқарилган методик кўргазмага асослашиб олиб борилади.

**ОСТАВЛЕНИЕ В ОПАСНОСТИ** — хавф остида қолдириши, ўзини ҳимоя қилиш имкониятидан маҳрум бўлган, ҳаёт учун қўрқинчли ҳолатда турган шахсни била туриб ёрдамсиз қолдириш.

**ОТВЕТСТВЕННОСТЬ** — жавобгарлик; қунидаги жавобгарликлар тафовут қилинади; интизомий жавобгарлик, моддий жавобгарлик ва жинсий жавобгарликлар. Жавобгарликни енгиллаштирадиган ва жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатлар бўлиши мумкин. Жиноят ҳуқуқига кўра шахсни ёки оловани оғир ҳолатларни босқиндан кечиртиш оқибатида, дўқ-нуқиса, мажбурлаш, кучли руҳий ҳаяжон ва шунга ўхшашлар таъсирида жиноят қилиш, жиноятни енгиллаштирадиган ҳолат дейилади; айбдорнинг жиноят очилишига фаол ёрдам бериши, шунингдек астойдил айбига иқдор бўлиб келиши, пушаймон бўлиши, зарарли оқибатларнинг олдини олиши ҳам, жавобгарликни енгиллаштирадиган ҳолатга киради. Ўзбекистон Республикаси жинсий ҳуқуқига кўра рецидивистнинг (такрор жиноят қилувчи киши) жиноят қилиши, қасддан ёки ёвуз ният билан гуруҳ бўлиб, кичик ёшдагиларга ёки қарияларга нисбатан, ўта шафқатсизлик билан жиноят қилиши жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатлар ҳисобланади.

**ОТМОРОЖЕНИЕ** — совуқ олиш, совуқ уриши; ҳавонинг жуда паст ҳарорати; совуқ одам аъзоларига умумий ва маҳаллий таъсир этади; намлик ва шамол совуқ таъсирини кучайтиради; совуқ уришнинг маҳаллий таъсири 4 даражадан иборат. Биринчи даражаси терининг тўқ қизил рангда ёки мармар тусда ўтиши ва унинг шишиши билан таърифланади; мазкур совуқ уриш 3—7 кундан кейин йўқолади. Совуқ уришнинг иккинчи даражасида (1—2 кундан кейин) қавариқлар пайдо бўлади, уларнинг ичи тиниқ суюқлик билан тўлган бўлиб, 2—3 ҳафтадан кейин йўқолади, қавариқлар уриш чандиқсиз текис теридан иборат; учинчи даражали совуқ уриш тери геморрагик суюқлик билан тўлган қавариқлардан иборат бўлиб, улар ҳамма тери қаватлари, айрим вақтларда ўта ундан ҳам пастда жойлашган бўлади, юмшоқ тўқималар некрозга ҳам учраши мумкин; 5—10 кундан кейин жонсизланган, яъни ҳалок бўлган (ўлган) тўқималар сўрилиб туша бошлайди; яра бўлиб қолган жойларда чандиқлар пайдо бўлади. Ҳамма тўқималар некрозга учрайди; пайдо бўлган қавариқлар ичи ихароз суюқлиги билан тўлган бўлади; қуруқ ёки нам гангрена пайдо бўлади. Тўртинчи даражали совуқ уриши натижасида суюқ жонсизланган некрози вужудга келиб, ҳалок бўлган тўқималар, жумладан суяклар (оёқ, кўл бармоқлари) кўчиб чиқади.

**ОТПЕЧАТОК** — тамга; бирор буюм устида бирор нарсани босилганда, унинг изини қолдириш. Масалан, қонли бирор нарсани босиб, қон изини қолдириш. Қўнинча бу излар буюм шаклини такрорлайди; агар у бармоқ бўлса, бармоқ изи, товон бўлса — товон изини қолдиради. Булар айрим вақтларда жиноятчининг шахсини аниқлашга ёрдам беради. Агар машина паррагининг протектори лой билан қирланган бўлса, унда лой изи паррак босилган буюмда қолиб, протектор шаклини эслатади ва шу билан паррак бу объектнинг (одам танаси, аъзолари, кийимлари ва бошқалар) босиб ўтганлигининг далили бўлади. Протектордан жароҳатлар ҳам қолиши мумкин. Улардан мўматалоқ, тилинмалар кўпроқ учрайди. Икки хил протектор тамгалари тафовут қилинади; негатив ва позитив тамгалари. Протекторнинг чиқиб турган қисмларидан қолган жароҳатни (изни) позитив тамга ва унинг чуқурлик қисмла-

ридан қолган сурати негатив тамғаси деб аталади. Тиниқ ва муайян протектор тамғалари туфайли автомашиналарнинг маркасини, айрим вақтларда эса конкрет машинанинг тамғаси деб айтиш мумкин.

**ОТРАВЛЕНИЕ** — заҳарланиш, кишига заҳар бериш, организмнинг заҳарли моддалар таъсиридан заҳарланиши. Заҳар бериб одам ўлдирish Ўзбекистон Республикаси жиноий кодексларининг махсус моддалари билан жиноий жавобгарликка тортилади. Суд тиббиёти тушунчаси бўйича заҳарланиш, бу ташқаридан жуда ҳам кам миқдорда организмга тушган заҳарли модда бўлиб, организм соғлигини бузади ёки кишини ўлдиради; заҳарланиш турли моддалардан бўлиши мумкин, жумладан ўсимликлар, айниган озиқ-овқат маҳсулотлари, рўзгор, ишлаб чиқаришда турли кимёвий моддалар, дори-дармонлар ва бошқалардан бўлиши мумкин. Заҳарлар организмга маҳаллий ва умумий таъсир кўрсатади; умумий таъсири заҳарнинг хусусиятига, унинг юборилган йўлига, ташқи муҳитга, унинг дозасига, одам организмга, унинг ёшига ва бошқаларга боғлиқ. Қуйидаги заҳарланишлар тафовут қилинади: овқатдан заҳарланиш; турмушда ишлаб чиқариладиган маҳсулотлардан заҳарланиш; дори-дармонлардан заҳарланиш; касабани ишлари туфайли заҳарланиш ва бошқалар. Заҳарланишнинг келиб чиқиши, ҳолати, дастлабки тергов вақтида терговчилар томонидан аниқланади. Юқорида айтганимиздек, ташқаридан организмга тушган заҳарли модданинг заҳарлаш хусусияти айрим шароитларга боғлиқ; ушбу шароитларни билиш муҳим суд тиббиёти аҳамиятга эга; мазкур шароитларга асосланиб шахснинг заҳарланиш хусусиятини аниқлаш мумкин, шунингдек клиник ҳолати, бошидан охиригача бўлиб ўтган ўзгаришларни эътиборга олиб, у ёки бу заҳарли моддага хос эканлигини айтиш мумкин. Фақат текшириш комплекси ва улар мажмуаси туфайли, қайси заҳар билан заҳарланганини аниқласа бўлади. Текшириш жараёнида организмга кирган моддани физик-химик хусусияти, қайси йўл билан организмга юборилганлиги, организмнинг ҳолати, заҳарнинг миқдори, ташқи муҳит таъсири ва бошқаларга алоҳида аҳамият берилади, чунки улар заҳарли модданинг организмга таъсирини яхши билишга кўмаклашади.

**ОТРАВЛЕНИЕ БЫТОВОЕ** — турмушдаги заҳарланишлар; турмушда учрайдиган заҳарланиш ҳоллари; мазкур заҳарланиш алкоголь, углерод оксид, сирка эссенцияси, фосфорорганик бирикмалар ва бошқалардан бўлиши мумкин. Заҳарланиш натижасида улиш, кўпинча тасодифий ёки ўз-ўзига суиқасд қилганларда учрайди. Ичкиликни суинестемол қилиш турмушда заҳарланиш ҳодисаларининг энг кўп учрайдиган сабабларидир. Спиртлар наркотик заҳарли моддалар қаторига киради. Суд тиббиёти учун айниқса этил, метил спиртлари ва этиленгликоген кўп аҳамиятга эга, ушбу спиртлардан айниқса этанол, яъни этил спиртидан заҳарланиш кўп учрайди: ундан заҳарланган одамнинг эс-хуши ҳар хил даражада ўзгариб, ҳатто комага тушиб қолади; заҳарланган киши қусади ва бу қусиш массаларидан (бўтқаларидан) ўзига хос характерли ароқ ҳиди келиб туради; кўз қорачиқлари аввалига тор бўлади, уларнинг ёруғликка кўрсатилган реакцияси ва шох парда рефлексини сақланиб туради; агарда қаттиқ заҳарланилса, кўз қорачиқлари кенгайди, ёруғликка кўрсатилган реакцияси ва шох парда рефлексини йўқолиб кетади; нафас олиш чуқур-чуқур бўлади, пульс тезлашади ва оғир интоксикация натижасида артериал босим пасайиб кетади. Углерод оксиди, ис газидан заҳарланганда марказий нерв системаси шикастланишига хос ўзгаришлар рўй беради, бош оғрийди, қулоқ шанғиллайди, кўнгил айнаб одам қусади, жуда бў-

шашиб қолади, э-ҳуни айнайти, сўнгра қаттиқ кома ҳолатига тушиб, кислород етисмаслигидан гипоксия натижасида ўлади. Фосфорорганик бирикмалардан (хлорофос, тиофос ва бошқалар) турмуш шаронтида заҳарланиш кеи учраб туради, бу эи ҳу наф-батида ишлаб чиқаришида ва турмушида бу моддаларнинг кеи қўлланишига боғлиқ; заҳарланиши даялабки соат давомида судан оқиш, қайт қилиш, ич сурши ва кўз қорачиқларининг кеиғайиб кетиши билан таърифланади (кейинчалик бронхит беллар секрецияси кескин кучайиши, нафас қисилиши кузатилади); одам буғилади, сўнгра мускуллар жумладан нафас мускуллари фалжланиб одам ўлади. Сирка эсенциясидан заҳарланиш натижасида оғиз бўшлиғи, ҳалқум, ҳиқилдоқ, қизилўшач, меъда ишлалқ пардаси, лаблар, оғиз атрофидаги тери куйди ва сирка эсенцияси қонга ўтиб умумий заҳарланишнинг пайдо бўлишига сабаб бўлади, ушбу кислотанинг қонга сўрилиб ўтиши натижасида гемодиализни пайдо бўлиши; эритроцитларнинг парчаланиши, сийдикнинг қизғиш рангга кириши кузатилади. Терининг куйиши коогуляцияни ок-розни вужудга келтиради; сирка кислотасидан заҳарланиб ўлган шахснинг қони, меъда бўшлиғидаги массаси текшириш учун суд тиббиёт лабораториясининг суд-кимё бўлимига юбори-лади.

**ОТРАВЛЕНИЕ ЛЕКАРСТВЕННЫМИ ВЕЩЕСТВАМИ** — дорилардан заҳарланиш; Ўзбекистон Республикаси ҳамда соғлиқни сақ-лаш вазирлиғи асосий қонунчилигида тиббиёт амалий ишларида дориларни қабул қилиш рухсатномаи белгиланган. Маскур рух-сатномада дориларни эҳтиётлик билан дозасига қараб бериш кўрсатилган. Наркотик ва бошқа ўта заҳарли моддалар турри-сида маҳус талаблар қўйилган: уларни тайёрлаш, сақлаш, тар-қатиш, ҳисоб-китобни бузиш қатъиян ман этилган; улар турри-сида Ўзбекистон ЖК (жиқон кодексининг) ўзига хос вадаси бор. Дори-лардан заҳарланиш (айниқса, барбитурат гуруҳига кирадиган уқлатдиган дорилардан) тез-тез учраб туради; катта дозада уқла-тадиган дори ичилгандан кейин (30—60 минут) одамни уйқу босиб бўшадади, гандираклайди, нутқи бузилади, кўз қорачиқлари то-раийиб кетади; аста-секин у қаттиқ ухлаб, кома ҳолатига тушиб ўлиб қолиши мумкин. Барбитурат гуруҳидан ташқари одам атро-пини, нейролептик, антигистамин препаратлари, транквилизаторлар-дан заҳарланиши мумкин. Атропин (белладонна, беллоид, белсе-нен ва бошқалар) ва ўсимликлар минглевона (эшак мия) интоксе-кациясидан кўз қорачиқлари кеиғайиб, кўз хиралашади, оғиз жуда ҳам қурийди, юрак ўйнаб юз қизаради, овоз бузилади, бесарам-жонлик пайдо бўлади, кўзига йўқ нарсалар кўринади; одам қат-тиқ заҳарланиш ҳолатига тушади, у нафаси билан қои айланниш тздан чиқиб ўлиб қолиши мумкин. Нейротропиклар (трифтазин, ами-назин, левомепромазин ва бошқалар), антигистамин препаратлар (димедрол, динрозин, супрастин ва бошқалар), транквилизаторлар (эленним, седуксен, тазепам) дориларидан заҳарланганда ҳар бирининг ўзига хос ўзгаришлари пайдо бўлади ва суд тиббиети экспертизаси томонидан кузатилган ўзгаришлардан ташқари, қў-шимча суд кимёвий токсикологик текширишлар ўтказилади.

**ОТРАВЛЕНИЕ ПИЩЕВОЕ** — овқатдан заҳарланиш; овқатдан заҳарланиш тушунчаси бу турли этнологияга боғлиқ бўлган соғ-лиқни йўқотиш ҳолатидир. Умуман айтганда овқатни истеъмол қилиш натижасида киши соғлиғини йўқотса ва бу заҳарланиш за-ҳарли модда билан боғлиқ бўлмаса, унда заҳарланиш деб айтиб бўлмайди, чунки суд тиббиети тушунчаси бўйича заҳар деб шу



моддан айтиладигани, у ташқаридан жуда ҳам кам миқдорда организмга кириб, физик-химик ўзгаришлар келтиради; шунинг учун овқат узидан-ўзи заҳар бўла олмайди, ammo овқатга заҳарли модда сенилган бўлиши мумкин, унда заҳарланиш овқатдан деб бўлмайди, чунки овқат заҳарни организмга киргизишга ёрдам беради. Овқатланиш натижасида ундаги патогенетик микроблар ёки бактериялар токсинлар киши соғлигининг йўқолишига сабабчи бўлса, уш ҳақиқий овқатдан заҳарланиш деб бўлмайди, чунки улар овқат токсиконфекция ва бактериялар интоксикациясида. Айниган озиқ-овқат истеъмол қилиш натижасида бир неча соат ўтгандан кейин, одамнинг кўнгли айнибди, жуда бўшашади, қориннинг юқори қисми симллаб оғрибди, беҳузур бўлади, варақ-варақ қусади; мазкур ўзгаришлар билан бир қаторда тез-тез ич суриб, бир талай суюқ ахлат келади, ахлатга баъзан шилпимшиқ аралашган бўлади, тана ҳарорати кўтарилиши мумкин, зирқираб бош оғрибди, қорин тутиб-тутиб оғриқ беради. Одам сувсизланиб, организмдаги электролитлар каманиб қолиб, интоксикация симптомлари қоллап (қ.) белгилари билан бирга қушниб давом этиши мумкин. Овқатдан заҳарланиб ўлган кишилар одатда суд тиббиёти экпертлари томонидан текширилади; экпертиза ўтказиладиганда экпертлар биология, гигиена, микробиология, инфекция касалликлар, токсикология маълумотларидан фойдаланадилар.

**ОШИБКА**—хато, шахнинг ўз ижтимоий ҳафли ҳаракати ёки ҳаракатсизлигининг ва унинг оқибатларини юридик ҳамда фактик ҳаракатларини нотўғри тасаввур этишдир. Бу тушунча Ўзбекистон жиноят ҳуқуқи назариясида келиб чиққан.

**ОХЛАЖДЕНИЕ ТРУПА**—мурда совниши; ўлик совниши; мурда ҳароратининг пасайиб тушиш жараёни; ўлгандан кейин, ўша замон, моддалар алмашишуви жараёнини, физикавий иссиқ бериш хусусиятини йўқотиш туфайли, ҳароратнинг тушиши. Ҳарорат тушиши, мурда ҳароратининг ташқи муҳит ҳарорати билан тенглашишигача давом этади ёки намлиги учини туфайли ташқи ҳароратдан 0,5—2°С гача паст бўлиши мумкин. Мазкур ҳарорат тенглашиш мувозанати, ташқи муҳит ҳарорати 18—20°С бўлган бинода 16—20 соат вақт муддатга тўғри келади. 18—20°С ҳароратда ҳар бир соатда, тахминан 1°С тушади. Мурда ҳароратининг тушиш тезлиги кўнгина омилларга боғлиқ. Улардан: ўлим сабаби, кийимлар, мурданинг тўлалиги (сезимлиги) намлик, ҳавонинг ҳаракати ва бошқалар. Агар бу омилларни инобатга олиш даркор бўлса, унда мурда ҳароратини ҳар 1—2 соатда текшириб туриш лозим (айниқса, мурданн воқеа содир бўлган жойда текшириш жараёнида). Ҳароратни ўлчаш учун термометрни тўғри ичакка қўйиш лозим. 20°С ҳарорат киши ўлганлигининг қатъий далили деб ҳисобланади.

## П

**ПАДЕНИЕ С ВЫСОТЫ**—баландликдан йиқилиш. Икки хил йиқилиш тафовут қилинади, баландликдан йиқилиш ва текисликдан йиқилиш. 20—25 метр баландликдан йиқилиш ҳамма вақт ўлим билан тугайди. Жароҳатлар мавжудлиги уларнинг даражалари, таърифи, яъни тавсифи баландликка, шахс тўлалигига, ер юзига, йиқиладиган буюм сатҳига, тананинг йиқилиб уриладиган қисмлари ва бошқа омилларга боғлиқ. Баландликдан йиқилиш қўйидаги асосий белгилардан иборат: ташқи жароҳатлар билан ички жароҳатларнинг тенгсизлиги, ички жароҳатлар мураккаб, кўплиги

ва ташқи жароҳатларнинг сийрак ва сирқибни, оёқ қўлларда симметрияк синиқларнинг жойланиши, бош суяк лезияда ҳаётимизнинг синиқ мавжудлиги, панжа, оёқ ва қовурғаларда симметрияк синиқлар (қовурғаларнинг умуртқалар ва тўш билан қўбиндан жойлаширида), жароҳатларнинг бир томонлама жойланиши, табиқ чаққалиши туфайли чарвиларда, аъзо боғламларида қонгалинларнинг пайдо бўлиши, уларнинг дарз кетиши, ички аъзоларнинг ёрилиши, айрим вақтларда уларнинг узилиши ва бошқалар. Иккинчи бичқилиш бу пийда шахсининг йиқилиши оёқ-қўлларнинг синиши, бош чаққалиши, энса, чакка суякларининг дарз кетиши кузатилади. Умумий тана чаққалишидан пайдо бўладиган жароҳатлар кузатилмади.

**ПАТРОН** — патрон, гильза ва унга жойлашган порох заряди, патронлар фабрикада ёки қўлда ясалган бўлиши мумкин. Улар таркибда гильза, капсюль, порох заряди, картондан қилинган тўшиқ — пыж ва пистон (сочма) ёки ўқ киради.

**ПЕРЕГРЕВАНИЕ ТЕЛА** — танани иссиқ уриши; одам организми моддалар алмашинуви жараёнида ички иссиқлик чиқариш қобилиятига эгадир. Ундан ташқари юқори ҳарорат ва ҳаво намлигининг кўтарилиши организмга салбий таъсир этади ва уни иссиқ уришига сабаб бўлади. Хаттоки ҳаво ҳарорати 28—30°C бўлганда ҳам унинг намлиги 100% бўлса, унда ҳароратнинг паст бўлишига қарамай, танани иссиқ уриши мумкин. Танани иссиқ уриш омилларига организмнинг индивидуал ҳолати, нафас йўллари, юрак-томир ва бошқа органларнинг касалликлари киради. 1 ёшгача бўлган болалар танасининг терморегуляцияси ривожланмагани туфайли, иссиқ тез уради. Кекса ёшли кишилар организми иссиқликка сезгир бўлгани учун, уларни ҳам иссиқ тезроқ уради. Гипертериоз, акромегалия ва бошқа эндокрин (ички безлар) касалликлар ҳам иссиқ уриш омилларига киради.

**ПЕРЕЕЗД** — босиб ўтиш; транспорт травмаларидан бири бўлиб, одам танасидан парракнинг (автомобиль, мотоцикл, темир йўл транспорти, трактор, арава парраклари) гилдираб ўтиши ва жароҳат қолдириши билан таърифланади. Босиб ўтиш механизми бир неча босқичлардан иборат: паррак бориб уриши, уз ичида ерга қисниши, парракнинг силжиши, сиқилиши ва бошқалар. Машина, трактор, мотоцикл паррагининг, арава чархнинг босиб ўтиш босқичларидан энг асосийси, паррак (гилдирак, чарх) қолдирадиган тамга ҳисобланади. темир йўл транспорти гилдирагидан босиб тасмалари, сиртиш жойлари, танадан айрим қисмларнинг ажралиши ва бошқалар: ерда ўрмалаб юрадиган трактор гилдирагидан тиллар (шпор) тамгаси, арава чархидан, чарх тамгаси ва бошқа жароҳатлар қолади.

**ПЕРЕЛОМЫ** — синиқлар, суяклар анатомик тузилишининг бузилиши; суяк шикастланиши албатта унинг атрофидаги юмшоқ тўқималарни маҳаллий жароҳатлантиради. Суякдаги синиқларни текшириб уни қайси қурол-аслаҳа билан ва қайси томондан жароҳат етказилганлигини аниқлаш суд тиббиётида муҳим аҳамиятга эга. Оёқ-қўл, чаноқ, умуртқа, қовурға ва бош суяклари (бош суяк гүмбази ва асоси) очик ва ёпиқ шикастланиши (синиши) мумкин. Суяк тузилишининг бузилиши жадаллиги қаттиқ ўтмас буюмларнинг шакли, ҳаракат тезлиги ва бошқа омилларга боғлиқ. Агар суяк букланиши натижасида шикастланса, унда суяк синиқларининг шаклига қараб, қайси томондан букилганлигини аниқлаш мумкин; суяк букланиши натижасида энг кенгайган нуқтасидан бошлаб синади. Шикастланган суяк синиғи, бўйи, унинг атрофида суяк тўқимасининг дарз кетганини кўриш мумкин. Бу дарз кетиш суякка

жароҳат отказган томондан бошланади; демак дарз кетишга асосланиб, қайси томондан урганлигини аниқлаш мумкин; синиқлар шаклига қараб тешикли, погонали, понали, уч бурчакли ва бошқа хил синиқларга бўлинади. Тўғри ва нотўғри синиқлар тафовут қилинади. Ургандан пайдо бўлган синиқлар маҳаллий, жойли (туғри) синиқлар деб аталади. Урган, теккан жойдан узоқроқда пайдо бўлган синиқлар нотўғри (узоқли) синиқлар деб аталади. Унда ташқари туниқ, туниқсиз, ягона ва кўп, очиқ ва ёпиқ синиқлар тафовут қилинади. Суд тиббиёти амалиётида кўпинча узун қўл, оёқ синиқлари ва бош суяк синиқлари учрайди. Узун қувурли оёқ, кўп суяклари букилиш натижасида биринчи бўлиб энг чўзилган (ёзилган) нуқтаида; яъни урган жойнинг қарама-қаршисида синида. Бу нуқтада суяк ёрилади, ёрилиш кўндаланг ёки кўндаланг-қийшик бўналишига эга бўлиб, унинг ёпларидан кўндаланг ёрилиш учидан дарахтсимон (елингичсимон) дарз кетиш кузатилади, урган жойга қараб бурчаклар ҳосил қилади. Айрим вақтларда синиқ парчалари пайдо бўлади ва унинг асоси урган жойга қаратилган бўлади. (Мессерера бурчаги). Урилган жойда суяк сатҳида синиқ чизиги катта қиррали бўлади чунки бу ерда суяк сиқилишига учрайди. Каттиқ турган оёқ-қўл суяклари атрофида гана ротацион айланнишга учраса, суякларда винтсимон (бурчаксимон) синиқлар пайдо бўлади. Айлантирган тарафда спиралсимон дарз кетишлар кузатилади. Кўкрак қафасига урганда (қаттиқ буюм билан) уша жойга қовурға ичкарига қараб букилади, ички пластинка чўзилади, ташқи пластинка эса сиқилади. Одатда чўзилган жойдан пластинкага синиқ пайдо бўлиб, қарама-қаршисидаги пластинка синиги билан тугайди. Ички пластинкада (айрим вақтда) синиқ осилиб туради, ташқи пластинкада синиқ чизиги эгри-бугрилиги бўлади. Ташқаридан урилган жойдан узоқ жойлашган синиқ (кўкракни сиқитганда), яъни урилган жойнинг узоқроғида қовурға букалиб ташқи пластинкаси биланчи бўлиб (чўзилишдан) синида, ички пластинкаси эса қисилди. Қовурға ёнидан дарз кетиб, синиқ йўли билан бурчак ҳосил қилиб, унинг очиқ томони ички пластинкага қаратилган бўлади.

**ПЕРЕОХЛАЖДЕНИЕ** — совуқ қотиш, совуқ олиш (отморожение, қ.) умумий таъсирот натижасида вужудга келади. Одам организмнинг ҳарорати  $36-37^{\circ}$  бўлиб,  $1^{\circ}\text{C}$  фарқланиб турса ҳам, депо бир хил бўлиб туради. Агар узоқ вақт давомида организм ҳарорати пасайиб турса, унда одам совуқ олишдан ўлиши мумкин. Ушбу ҳолат ҳаёт фаолиятининг бузилиши, қон юришининг сусайиши ва ҳаракатсизланиш билан таърифланади. Энг биринчи бош миё қон айланнишининг бузилиши, кислород таъқислигига олиб келади. Ушбу ҳолат организм ҳароратининг барқарор пасайиши натижасида пайдо бўлади, организм ҳарорати «биологик нольга тенглашади, яъни физик эмас «биологик ноль»дан совуқ травмаси пайдо бўлади. Унинг диапазони 30 дан  $22^{\circ}$  гача. Бу ҳолат чўзилиб гипотермияга келтириб, шахннинг ўлишига сабаб бўлади. Совуқ қотишдан ўлган шахсларнинг меъдасида қонталашлар бўлиши мумкин. Улар ўлим сабаби белгиларидан бири ҳисобланади (пята Вишневецкого—қ.).

**ПЕТЛИ, ВИДЫ** — ҳалқа турлари; тузоқ турлари; асосан осииш пайтида, механик асфиксия жараёнида (киши ўзини-ўзи ҳалқага осииши) ишлатиладиган ҳалқа. Ушбу ҳалқа кўпинча турли арқондан ясалади; улар қўйидаги тартибда таснифланади: 1) ёпиқ сирғанивчи (ушбу ҳалқага осилган шахс гавдасининг оғирлиги билан тугун орқали сирғаниб бўйинни, унинг тўқима ва аъзоларини қисади); 2) ёпиқ сирғанмас (ҳалқа тугуни шундай тўсилганки, гавда осилганда тугун сирғанмайди); 3) очиқ тугунсиз ҳалқа. Ҳалқалар бир қаватли, икки қаватли ва кўп қаватли бўлиши мумкин. Ҳалқа тур-



лари ашёлардан тайёрланади, улар юмшоқ (галстук, сочиқ, шарф юмшоқ мато), чала (ярим) юмшоқ (арқонлар, қаншоғар), ва қаттиқ (сим, занжир) хилларга бўлинади.

**ПИСТОЛЕТЫ** — пистолетлар (французча) тушунча; яқиндаги нишонга ўқ узиш учун белгиланган, ёнда ёки чунтақда отиб юриладиган ўқоғар қурол. Пистолетлар ҳарбий, фуқароли (миришабди) ва атипик (талабга хоссиз) бўлиши мумкин, масалан қуролнинг монтаж пистолети. Пистолетлар калта стволли ўқотар қуроллари бўлиб, яқин масофадан мўлжаллаб отилади. Отилган снаряд газнинг энергияси туфайли, янги патрон берилади (отини учун).

**ПЛАМЯ ВЫСТРЕЛА** — ўқ алангаси; отилган ўқнинг алангаси; отилган ўқнинг омилларида бири. Аланга бу газ мейери бўлиб, у ёниш жараёнида рўй беради. Тутунли порохдан ясалган снаряд отилганда ствол канали учидан куяётган порохлар чиқарилади, уни «машъал алангаси» деб аталади. Мазкур аланга қаттиқ жисмларнинг эриган суюқликларидан иборат. Тутунсиз порох билан отилганда ствол оғзи алангаси ва ствол учи ўти тафовут қилинади. Ствол оғзидан яқин масофада тўлиқ ёнмаган порох таркибинини портлаши—ствол оғзи алангаси деб аталади. Ствол каналининг ва унинг оғзигача бўлган масофасининг газ ва қизиган қаттиқ жисмлар заррачаларининг ёруғлигини (нур сочилишини) ствол учидан ўт деб аталади. Тутунли порохдан аланга ва қаттиқ қизиган жисмлар заррачалари массасининг чўғи чиқади. Улар кийимни алангалатади, тўқима тукини ва сочи куйдиради, терини куюклатади (жароҳатлантиради). Тутунсиз порох отилганда аланга кийим тўқимасини, тери тукини куйдиради, чунки у жуда қисқа вақт давом этади. Ўқ алангаси ҳарбий қурол стволининг учидан 10 см гача ва тутунли порох билан ов милтиғидан отилганда ствол учидан—100 см гача бўлган масофада ўз таъсирини кўрсатади.

**ПЛАНКТОН** — планктон (юнонча — plantas — дайди, адашган) сувда эркин сузиб юривчи ҳайвон, ўсимлик организми; улар денгиз, дарё, кўл ва бошқа сувларда учрайди. Ҳар бир ҳовуз, кўл, денгиз, маҳаллий сув омборининг ўзига хос планктонлари бўлади. Чўкиб ўлган шахсларнинг организмида, айниқса илликларида планктоннинг топиллиши чўкиб ўлган, деб ташхис қўйишда катта аҳамиятга эга. Улардан ўсимлик планктони (фитопланктон) диатомлар кўпроқ учрайди. Диатом йўсинларининг совутлари бор (тошбақа косасига ўхшаш). Улар анорганик кремнийдан иборат бўлиб, юқори даражали температурага, ишқор ва кислоталарга чидамли, уларнинг таъсиридан бузилмайди. Диатом фитопланктонлар турли шаклда учрайди (таёқча, юлдузча, қайиқсимон ва бошқалар).

**ПЛОДОВИТОСТЬ** — одам серпуштлиги. Фуқаролик ишларида айрим вақтда эркакнинг жинсий алоқага қобилиятлилиги, ундан бола бўлиш-бўлмаглигини аниқлаш учун суд ажримига асосланиб экспертиза ўтказилади. Ушбу саволларга жавоб бериш учун бошқа омиллар қатори киши серпуштлигини, яъни уруғланиш қобилиятини аниқлаш даркор. Серпуштлик бу эркакни бола қилиш қобилияти. Бунинг учун эркак эякуляти (қ.) яъни шахвати текширилади. Унинг миқдори, сперматозоидларнинг мавжудлиги, уларнинг сови, ҳаракатчанлиги ва бошқалари эътиборга олинади. Буларнинг ҳаммаси (мажмуаси) га асосланиб серпуштлик аниқланади.

**ПНЕВМОТОРАКС** — пневмоторакс (юнонча—pneuma—ҳаво ва thorax—кўкрак) кўкрак қафаси бўшлиғида жароҳатланиш натижасида ҳавонинг тупланиши; ҳаво плевра ораллиғига йиғилади; ҳаво жароҳатланган плевра пардаларини бир-биридан силжитиб, кенгайтириб катта бўшлиқ ҳосил қилади, натижада ўпка бўшашади, қисқаради; бу бўшлиқдаги ҳавони плевра ҳавоси ва у кирган жой-

ни плевра тешиги деб аталади. Пневмоторакс травма асорати ҳисобланади. Унинг мавжудлигини мурдада аниқлаш учун кукрак териси кесилгандан сўнг кўкрак қафасининг ички ёнидан юшкоқ туқималарни кесиб, кармошимон (чунтаксимон) халталар ясалати ва улар сув билан тулдирилади. Ундан кейин сув ичидан қовургалараро пичоқ билан кукрак қафасини санчиб тешилади. Агар пневмоторакс мавжуд бўлса, унда сув ичидан нуфак шаклида қандаш бошлайди.

**ПОБОН** — уриш; соғлиққа зарар етказмай дўппослаш ёки бошқача зўрлик ишлатиш билан баданда ҳеч қандай из (жароҳат) қолдирмай уни огритиш. Уриш—жароҳат етказиш турига кирмайди. Собий СССР соғлиқни сақлаш вазирлигининг «суд тиббиёти тан жароҳати огирлик даражасини аниқлаш қонлиги» да қуйидагилар келтирилган: «Агар уриш натижасида жабрдийда танасида жароҳатлар қолдирилса, уларнинг огирлик даражаси аниқланади. Уришдан кейин объектив излар, яъни жароҳатлар пайдо бўлмаса, унда суд тиббиёти бекети ва фикриомасида жабрдийданинг шикоятини ёзиб, объектив жароҳатлар изи қолмаганлигини таъкидлаб, тан жароҳатининг огирлик даражасини аниқламайди. Бундай ҳолатни аниқлаш дастлабки тафтиш, тергов, сўроқ, прокуратура, суд органлари зиммасига киради.

**ПОВЕШЕНИЕ** — осиш — бирор шахс ўзини-ўзи осиб ўлдирса, у ҳолда уни ўзини-ўзи ўлдирish деб аталади. Бу адлия тушунчаси. Агар ўзини-ўзи ўлдирish даражасига етказган шахслар аниқланса, унда айбдор Ўзбекистон Республикаси жинсий кодексининг 103-моддасига асосланиб жинсий жавобгарликка тортилади. Агарда жиноятчи шахслар кишини осно ўлдирishга ҳаракат қилса, унда шу кодекснинг 97—98-моддалари билан улар жинсий жавобгарликка тортилади. Осиш қисиндан, бугишдан ҳосил бўлган механик асфиксия. Осилган шахснинг ўз огирлиги туфайли, ҳалқа билан бўйни органлари сиқилишига осиш деб айтилади. Айрим вақтларда осиш ҳалқа орқали бўлмай, дарахт бутасари оралигида бўлиши ҳам мумкин. Мазкур ҳолат стол оёқлари орасидаги яккачуп (гуеиқ) да ҳам бўлиши мумкин. Осиш шахснинг турган, утирган, ҳатто ётган ҳолатларида бўлиши мумкин. Осиш белгилари: 1) странгуляцион жўяк; 2) Амюсса белгиси (уйқу артерияларининг ички томондан кўндалангансмон ёрилиши. 2—4 дан 16—18% учраб, ҳалқа тугунининг қарама-қаршида жойлашган бўлиб, Амюсса томонидан, 1829 й. ёрилган; 3) Вальхер белгиси (3—8% учрайди, семиз кишиларнинг эркин осилиши туфайли тўш-ўмров мушакларнинг ёрилган жойида қон томирчалари ёрилиши натижасида вужудга келган қонталашлар, қон қуйилишлар; 4) тилнинг чиқиб тишлар орасида сиқилиши; 5) оёқ, болдир, панжа товонларда (узунлигида, вертикал ҳолатда осилганда) мурда доғларининг тарқалиши. Странгуляцион жўякнинг ўзининг белгиларига наstdан, қийиқ шаклда, юқорида, олдиндан, орқанда туташган томон жойлашиши; странгуляцион жўяк олдиндан чуқурроқ бўлиб ҳалқа туташган томон пасайиб, аста-секин йўқ бўлиши; юқори жойлашиши; одатда жўякни бекитмаслиги, очиқ қолиши, пайваста бўлмаслиги.

**ПОВРЕЖДЕНИЕ БИОЛОГИЧЕСКОЕ** — биологик жароҳатлар; биологик омиллар таъсирида одам организми тузилиш таркибини ёки вазифаларини гайри табийй бузиш; биологик жароҳатлар деб биологик омиллар таъсиридан келиб чиққан жароҳатларга айтилади. Улар тонфасига турли заҳарланиш, масалан ҳайвонлар, ўсимликлар, микроорганизмлар киради.

**ПОВРЕЖДЕНИЕ, КЛАССИФИКАЦИЯ** — жароҳат таснифлари; жароҳат туркумлари. Жароҳат етказувчи ташқи муҳит омил-

ларига қараб, ҳамма жароҳатлар тўрт тоифага бўлинади. 1) Физик омилли жароҳатлар (механик жароҳатлар — утқор, ушмак, ўқотар, портлатувчи моддалар) таъсиридан пайдо бўлган жароҳатлар; утқорат жароҳатлари — паст ва баланд даражали жароҳат таъсиридан пайдо бўлган жароҳатлар; барометр жароҳатлари юқори ёки паст босимлардан пайдо бўлган жароҳатлар); 2) химик омилли жароҳатлар (ишлатиш мақсадида кўзлатилган саноат моллари, органик эритмалар, ёқилмалар, бўёқлар ва бошқалар; заҳарли химикатлар, дори-дармонлар, маиший химикатлар; жанговар шайлардан моддалар); 3) биологик омилли жароҳатлар (заҳарловчи ҳайвонлар, ўсимликлар, микроорганизмлар заҳарлари); 4) рухий омилли жароҳатлар. Улардан макронжтимоий (масалан, урушлар, қуролдан можаролар, умумий тартибсизликлар ва бошқалар) ва микроинжтимоий (одамлар муносабатига салбий таъсир этувчи, кўпинча маиший муносабатда бўлган пайтда учрайди) омиллар тафовут этилади.

**ПОВРЕЖДЕНИЕ ПОСМЕРТНОЕ** — жонсиз жароҳатлар, ҳаётдан сўнгги жароҳатлар; ўлгандан кейинги жароҳатлар. Тирик шахслардан ташқари, мурдаларга ҳам жароҳат етказилиши мумкин. Ташқи муҳит таъсиридан мурданинг туқима, аъзолар бутунлиги бузылади. Агар тирикларга нисбатан жароҳат деб туқима, аъзолар бутунлиklarини ва улар физиологик вазифаларини бузилишига айтилса, мурдага нисбатан бу тушунча ўзгаради. Мазкур омиллар мурданинг туқима, аъзолар физиологик вазифаларини бузмайди, чунки у ўлим жараёнида аллақачон бузилган бўлади. Демак, ўлгандан кейин жароҳат фақат анатомик бузилиш билан тавсифланади, ўлган кишининг организми ҳеч қандай вазифани ижро этмайди. Мурдага қасддан, эҳтиётсизлик натижасида ёки тасодифан жароҳат етказишлар тафовут қилинади. Қасддан жароҳат етказиш турли сабаблар билан боғлиқ бўлиши мумкин, масалан қонил ўлдириб бўлгандан кейин ҳам марҳумга жароҳат етказишнинг давом эттирилиши, кўзини ўйиб олиниши, жинсий органларини кесиб олиниши мумкин; айрим вақтларда, тажовузнан ишларини вўютуши учун заҳар бериб, бўғиб ёки бошига уриб ўлдирилган шахснинг жасадини темир пул устига қўйиб, уни поезд босиб ўлдиргандек қўрилади. Мазкур ҳоллар мурдага криминал мақсадида қасддан жароҳат етказиш ҳисобланади. Жароҳат етказиш криминалсиз бўлиши ҳам мумкин. Масалан, суд тиббиёти ёки патанатомик амалий ишларда, консервациялаш жараёнида мурдадан қон, тери ва бошқа туқималар ёки трансплантация учун аъзолар олинishiда жароҳат етказилади. Бундай вақтларда мурдадан олинган нарсалар тўғрисида махфус ҳужжат тузилади.

**ПОВРЕЖДЕНИЕ ПРИЖИЗНЕННОЕ** — жонли жароҳат; тириклик жароҳати; тириклик пайтида етказилган жароҳат. Жароҳатнинг ҳаёт даврида етказилиши ўзига хос белгиларга эга. Организм, шунингдек туқима, органлар жароҳатга нисбатан жавоб бериш реакцияларига эгадирлар, масалан яллиғланиши ва бошқалар. Агар жароҳат шилинма шаклида ривож топса, унда шилиннингдан кейин вўстлоқ пайдо бўлади, қўшни тери сатҳидан кўтарилади, шани билан инфильтрат пайдо бўлади. Вақт ўтган сари вўстлоқ учури бошлайди. Ҳар бир жароҳат (агар юзак шилинма бўлмаса) қон томир, томирчаларнинг шикастланиши туфайли, қон кетиши, қон қуюлиши, қонтолашлар билан таърифланади. Уларнинг жамланishлари қон томирлари катта-кичиклиги, юракнинг уриши, қоннинг ивиши, жароҳатдан кейинги ҳаёт вақтининг муддати ва бошқа тирик шахсга хос белгиларга боғлиқ. Шунинг учун қон қуюлиши, ивиши, одам тириклигидаги жароҳат белгиси деб ҳисобланади. Қоннинг ярадан узоқ масофага сачраши, қон доғларининг ҳосил қи-



лиши ҳам тирик шахс жароҳатига хос ҳисобланади. Микроскоп орқали кўрилганда лейкоцитларнинг томирлар четида жойлашиши, инфилтрат мавжудлиги, иши, тромбларнинг артерия томирларида топилиши ҳам, тирикликда олинган жароҳат белгиларидир. Кичик доира қон айланиш томирлари ичидagi ёғ эмболияларининг мавжудлиги (туш, узун қувурли қўл суякларининг жонли синиқларида бўлаган ўзгаришлар) ёғ тўқималарининг эзлиши натижасида катта доира қон айланиш томирлари ичидa тромбларнинг пайдо бўлиши тирик, яъни жонли жароҳат белгилари деб ҳисобланади. Жароҳатланган тўқиманинг таркибида гемин микдорининг текширилиши мазкур саволлар ечилишида муҳим роль ўйнайди.

**ПОВРЕЖДЕНИЕ ПУЛЕЙ ПЛОСКИХ КОСТЕЙ.**— Ясси суякларнинг ўқдан жароҳатланиши; ўқнинг япалоқ суякларни жароҳатлаши. Ўқ япалоқ суякларни тешиб ўтиб, унда тешикли суяк синигини қолдиради. Мазкур тешик ўқнинг йўналиши томон қараб, кесилган конус шаклига эга бўлади. Унинг асосий қисми чиқиш тешигини ва тор қисми кириш тешигини ташкил этади. Агар бош суягининг ташқи пластинкасида (ёки тушининг олдинги сатҳида) конуснинг кенгайган қисми жойлашган бўлса, унда бу жароҳат ўқнинг чиқиш тешигини кўрсатади.

**ПОВРЕЖДЕНИЕ ПУЛЕЙ ТРУБЧАТЫХ КОСТЕЙ** — қувурли суякларнинг ўқдан жароҳатланиши; ўқнинг қувурли суякларни жароҳатлаши; одатда кўп парчали (кўп бўлакли) суяк синиқларидир. Мурдани ёриш жараёнида синиқларни йиғиб, уларни тозалаб, парчаларни солиштириб, бир-бирига таққослаб қўйиб текшириш керак. Агар тешик доира ёки овалсимон, атрофлари кичик тишли шаклга эга бўлиб, ундan радиал дарз кетишлар кузатилса — бу кириш тешиги деб ҳисобланади. Чиқиш тешиги кириш тешигига нисбатан катта бўлиб, овал ёки нотўғри шаклга эга бўлади, атрофлари катта тишли ва дарз кетишлар кўпинча суякнинг узунлигига қараб кетган бўлади.

**ПОВРЕЖДЕНИЕ ТЕЛЕСНОЕ** — тан жароҳати. Жиний қонуншунослик бўйича қасддан ёки эҳтиётсизлик натижасида ҳуқуқсизлик хатти-ҳаракатлари туфайли киши бошқа бир кишининг организми, аъзо ва тўқима бутунлигини бузиб ёки аъзо ва тўқима физиологик вазифаларини ишдан чиқариб, соғлиққа зиён етказса — тан жароҳати деб айғилади. Демак, суд тиббиёти ва умумий биологик тушунчалардан ташқари, жароҳатланишнинг умумий тушунчаси ҳам мавжуд. Суд тиббиёти эксперти жабрдийда ва бошқа шахсларни кўрикдан ўтказиш (гувоҳ сифатида) жараёнида ният ёки қасд тўғрисидаги саволни ечмайди, чунки мазкур саволлар юридик тушунчага кирadi. Суд тиббиёти эксперти жароҳат мавжудлигини аниқлайди, унинг таърифини беради ҳамда жароҳатларнинг соғлиққа зиён етказганлигини, яъни уларнинг оғирлик даражасини аниқлайди, лекин у жароҳатларни эҳтиётсизлик ёки қасддан етказилганини аниқламайди. Шунинг учун ҳам жароҳат тўғрисидаги юридик ва тиббиёт тушунчалари бир-биридан фарқланади. Тан жароҳатларнинг оғирлик даражасини аниқлаш учун суд тиббиёти экспертилари маъус қондан фойдаланадилар (Тан жароҳатининг оғирлик даражасини аниқлаш қондаги). Бу қонда Ўзбекистон Республикаси жиний кодексига асосланиб тузилган. Оғир, ўртача оғир ва енгил даражали тан жароҳатлари тафовут қилинади. Ҳар бир даража узининг мезонларига асосланган. Масалан: оғир тан жароҳат мезонларига қўйидаги жароҳатлар кирadi: ўша замон, етказиш жараёнида ҳаёт учун хавфли бўлган жароҳатлар, кўриш, эшигиш ва бошқа органларни йўқотиш ёки ушбу органларнинг вазифаларидан маҳрум бўлиш, руҳий касалликлар, 33 фойздan кўпроқ умрбод

(доимий) иш қобилиятини йўқотини, ҳомил ташвиш ва тинчлаб бўлмайдиغان юз жароҳатлари.

**ПОВРЕЖДЕНИЯ** — жароҳатлар, жароҳат деб тусири ва ортиқларнинг бирор омил таъсиридан анатомик бутунлиги сиз ушунга физиологик вазифалари бузиллишига айтилади. Жароҳатларни ушганадиган фани травматология (қ.) деб аталади. Жароҳатларни уч омиллар уч тоифага бўлинади. Биринчилари, асосан маҳаллий таъсирга эга (механик омиллар); иккинчилари, айниқса умумий таъсирга (барометрик, биологик омиллар) эга; учинчилари — ҳам маҳаллий, ҳам умумий таъсирларга эгадир (ҳарорат, электрик, химик, радиацион омиллар). Жароҳатланувчи омиллари қараб механик, электрик, ҳароратан, биологик, химик ва бошқа жароҳатлар тафовут қилинади. Энг кўп учрайдиган жароҳатлар бу механик жароҳатлардир. Улар кинетик энергия таъсиридан вужудга келади. Механик жароҳатлар уч гуруҳга бўлинади — ўткир, ўтмас ва ўқотар жароҳатлар. Механик жароҳатлардан турли морфологик ушаринлар рўй беради. Улардан: тирналма, шилинма, қонталаш (мумталоқ), яра, ёриқ, синиқ, чиқиб ва эзлишлар тафовут қилинади. Тирналма, шилинма деб эпидермис (терича) ёки шилиқ парда юза қатламларининг шикастланишига айтилади; Қонталаш (қ.) деб кичик қон томирчаларининг (капиллярларнинг) тери ичида ёки унинг остида ёрилиши ва қон чиқиб унинг атрофидаги туқимага сингишига айтилади; яра (қ.) деб тери ва тери ости юмшоқ туқималарининг анатомик бутунлиги бузиллишига айтилади. Қандай буюмлардан шикаст етказилганлигига қараб кесилган, чопилган, санчилган, лат еган, йиртилган, эзилган, тишланган жароҳатлар тафовут қилинади (ўқ тегишидан ҳосил бўлган яралар алоҳида ўринни эгаллайди); санчиқ яралар учи берк ҳам тешиб чиққан бўлиши мумкин. Калла, кўкрак, қорин, бўгин бўшлиги сингари бўшлиқларга нисбатан яралар тешиб ўтган ва тешиб ўтмаган яраларга бўлинади. Механик яралар суд тиббиёти жиҳатидан алоҳида ўринда туради; улар тоза яралар (чети очилган, қонаган, атрофи сийлиқ учлари ўткир) ва ифлосланган яралар, уларнинг атрофи шишган, қонталаш, учлари ўтмас бўлади. Ёрилган (узилган) жароҳатлар ички органларининг механик таъсири натижасида вужудга келади, уларнинг ёрилиши, узилиши қаттиқ буюмлар зарбига боғлиқ. Синиқлар (қ.) деб суяк бутунлигининг бузиллишига айтилади. Чиққан деб бўгим ичида бирлашиб турадиган суяклар учларининг физиологик ҳаракатчанлик доирасидан ташқарига чиқишига айтилади. Эзилган деб тана ёки унинг қисмлари қаттиқ босиб эзлишига айтилади.

**ПОДЛОГ** — фирибгарлик — алдаш ёки ўзига бўлган ишончини сунистермол қилиш йўли билан фуқароларнинг шахсий мулкани ёки мулкый характердаги бошқа шахсий манфаатларини эгаллаш.

**ПОДОЗРЕВАЕМЫЙ** — гумондор — гумон қилинган шахс: Ўзбекистон Республикаси жиноий жараён кодексининг маҳсус моддаларида кўрсатилган қонун талабларига қатъий риоя қилишни талаб этади. Гумондор бўлган шахсни ушлаб туриш учун асослар бўлиши керак. Масалан, бу асосларни жиноят кодексининг 405-моддасида кўриш мумкин. Қонун гумондор шахсга нисбатан аниқ ҳуқуқларин белгилаб қўйган. Агар гумондор эксертвизидан ўтини керак бўлиб қолса, у эксертвиза жараёнида эксертга раъйи бериб, уни хоҳлаган эксертвиза талаб қилишни мумкин.

**ПОЗА** — турши, вазият; ҳолат; гавдасинг ҳолати; гавданинг бирор вазиятда туриши; шахс танаси қисмларининг бир-бирига нис-

Батаи ҳолати. Воқеа содир бўлган жойда мурда турли ҳолатда ва вазиятда бўлиши мумкин. Мазкур ҳолатлар аниқ ва муайян баёнонда тасвир топиши лозим, суратга тушириш даркор. Айрим ҳолатларда мурданинг ҳолати диагностика аҳамиятга эгадир («боксеёр ҳолати», «калачик ҳолати», номусга тегиш пайтида бўладиган ҳолат). Мурда ағдарилганда унинг ҳолати ўзгариши мумкин. Катавентик мурда қотиш пайтида мурда қандай қилиб ағдарилмасин, барибир, унинг бирламчи ҳолати ўзгармайди.

**«ПОЗА БОКСЕРА»** — «боксеёр ҳолати», юқори ҳарорат таъсиридан масалан алапгаланиб турган нарсалар таъсиридан мурда танаасидан сув буғланиб чиқади, оқсил моддалар ивийди, мушаклар қисқаради, қаттиқлашади, натижада «несиқлик қотиши» рўй беради. Ушбу ўзгариш жараёни эгилувчи мушакларга ёзилувчи (туғриланувчи) мушакларига нисбатан кўпроқ ва яққол бўлгани туфайли, мурда шундай ҳолатда айланадики, у «боксеёр ҳолатини» эслатади. Ушбу ҳолат фақат ўлгандан кейин пайдо бўлади, аммо шахснинг тирикликда куйганининг мезони бўла олмайди.

**«ПОЗА КАЛАЧИКОМ»** — «калачикли ҳолат», «букланиш ҳолати» ёки совуқ қотаётган шахснинг ҳолати. Бу ҳолат киши совуқдан ўлганилик белгиларидан бири деб ҳисобланади. Шахс ҳароратининг еاستлигидан, несикни сақлаб қолиш учун букчаяди, қўлларини тирсақ бўғимларига эгиб, кўкрак қафасида жинслаштиради (қисади) ва оёқларини қорни томон тўртиб тиззаларига буклиб, мазкур «калачикли ҳолатни» олади. «Калачикли ҳолат» «боксеёр ҳолати»дан тафовутланади, тириклик ҳолати деб ҳисобланади, чунки мазкур ҳолатни шахс тириклик пайтида олади, аммо бу ҳолат, совуқдан ўлганда ҳамма вақт бўлмайди.

**ПОЗДНИЕ ИЗМЕНЕНИЯ ТРУПА**—мурданинг кечки ўзгаришлари, мурдада рўй берадиган кечки ўзгаришлар жараёни бир ои, ҳаттоки бир йил давом этади. Мазкур жараёни натижасида мурда ёхуд бузилиб парчаланиб йўқ бўлиб кетади, ёхуд консерваланиб сақланиб қолади. Мурданинг консерваланиб сақланиши учун махсус ташқи муҳит таъсири бўлиши шарт. Улардан бири ҳавонинг қуруқлиги. Мазкур муҳит мурдани бутунлай қуритади, яъни табиий мумиёланишга олиб келади. Агар мурда шамолсиз, ҳаво сгмайланган, нам жойда узоқ вақт давомида турса, унда ёғли мум жараёни вужудга келади, яъни мурда мумга айланади; айрим торфли жойларда ҳам мурда консерваланиши мумкин, ушбу ҳолат мурданинг торфни ошланиши деб аталади; ҳаво ҳарорати 0° дан паст бўлган жойларда мурда музлаб қолади.

Мумиёланиш бурун ва қўл-оёқ бармоқларининг учидан бошланади. Бутунлай мумиёланган мурда орқаси билан чалқанчасига ётган, қўллари кўкрагида қовиштирилган ҳолатда бўлади. Бўғимлар қотиб қолади ва сақланиб қолган тўқималар ҳаммаси қурийди. Ёғли мум ҳосил бўлиши учун албатта наздик бўлиши, ҳаво оқими бўлмагани керак. Шунинг учун мурда ёғ-мумини мурданинг узоқ муддат сувда қолиб кетганда учрайди. Торфлик ошланиш ўзига хос ёғсизланиш ҳолатидир. Мазкур ҳолат ҳарорат таъсиридан, қорамтир-қўнғир ранги билан таърифланади.

**ПОЛ** — жинс: икки тирик туркумга жонлар (эркак ва ёллар, ургочи ва эркаклар). Генетик (хромосомади), гонади (эркак ва ёл жинсий гормонлар мавжудлигига боғлиқ), соматик (организмнинг умумий шакли) ва пенчик (тавсифлари хусусиятига ва эг бариачи жинсий ингилиши, қизиқишига қараб) жинслар тафовут қилинади. Суд тиббиёти амалий експертизасида шахснинг жинсий аниқлаш жуда ҳам кам учрайди ва фақат жинси аниқ бўлмаган шахснинг (яъни гермафродитизм пайтида) жинси аниқланади.



**ПОЛИМОРФИЗМ** — полиморфизм (латинча polymorfizm кўп шаклли); бир-биридан кескин фарқ қилувчи ҳужайралар, организмлар ва улар бир тур ичида мавжуддир.

**ПОЛОВАЯ ЗРЕЛОСТЬ** — жинсий етишлик, балогатга етиш жинсий етишлик даражасини аниқлаш. Маъкур ҳолатни, маъдан қизларнинг балогатга етганлигини аниқлаш учун суд тиббиёти муассасаларида суд тиббиёти экспертлари томонидан ўтатилади. Балогатга етишлик ўғил болаларга нисбатан уларнинг уруғланishiга лабқатлигини аниқлаш демакдир. Қизларга нисбатан ушбу болаларнинг балогатга етиши олдинроқ бўлади. Қизларнинг балогатга етиши уларни жинсий ҳаётга кира олиши, она бўлиши ва бошқаларни тарбия эта олиши билан таърифланади.

**ПОЛОВЫЕ ПРЕСТУПЛЕНИЯ** — жинсий жиноятлар; жинсий даҳслезликка жинояткорона таъжовуз қилиш. Зурлаб номусга тегиш, аёлларни жинсий алоқа қилишга мажбурлаш, жинсий жиҳатдан етилмаган шахс билан жинсий алоқа қилиш, вояга етмаганларга нисбатан қилинадиган фаҳш ишлар, икки ва кўп хотинли бўлиш, бесоқолбозлик кабилар жинсий жиноятлар жумласига кирди. Шахснинг қадр-қиммати, ҳаёти, соғлиғи ва обрўсини қўриқлаш учун ушбу ҳурматлаш, ҳар бир фуқароннинг муқаддас бурчидир. Жинсий жиноятлар учун жинсий жавобгарлик Ўзбекистон Республикаси жинсий кодексининг 118—121-моддаларида кўрсатилган. Агар шахс жинсий жинсий куч ишлатиб ёки жабрланувчининг ожизлигидан фойдаланиб жинсий муносабатда бўлса, унда 118-модда билан жазоланади. Бу жиноят номусга тегиш жиноятидир. Унинг турли хиллари бор, масалан; 1) вояга етган хотин-қизларнинг номусига тегиш; 2) вояга етмаганлар билан жинсий муносабатда бўлиш; 3) бесоқолбозлик жиноятидан иборат. Қиши қадр-қимматини ва номусини қўриқлаш муҳим аҳамиятга эгадир. Жамиятимизнинг асосларидан бири, бу ҳуқ-ахлоқни ҳурматлаш, кишиларнинг бир-бирига дўст, биролар бўлиб яшашидир. Лекин, юқорида айтиб ўтгандек жамият аъзолари орасида хотин-қизларнинг ҳуқуқларини поймол қилишга, ор-номусга тегишга қаратилган жиноятлар ҳам бўлиб туради. Хотин-қизларнинг номусига таъжовуз қилиш жинояти бундай ҳавfli ва қабиҳ жиноятлардан биридир.

**ПОЛОВЫЕ ПРИЗНАКИ** — жинсий белгилар, инсоннинг қабил жинсига тегишан эканлигини аниқлаб берувчи морфологик ва физиологик белгилар.

**ПОЛОВЫЕ ХРОМОСОМЫ** — жинсий хромосомалар, жинсий белгилаб берувчи жуфт хромосомалар; шакли жиҳатдан жинсий хромосомалар қолган хромосомалардан фарқланади. Элар X ва Y хромосомалар билан белгиланади.

**ПОМАРКИ КРОВИ** — шаклсиз қон доғлари; аниқ шаклига эга бўлмаган қон доғлари; қонга бўялган бўйман бошда бўйман қолдирган доғлари, масалан қонга бўялган қўлининг соғин ёки қўлига (сўтиш натижасида) қолдирган доғлари. Маъкур қон доғларини қонни тиббиёти (мурғатан) келиб чиққанини аниқлаб бўлмайди бенишдан айниш бўлади. Аммо, айрим вақтларда, уларнинг нисбатан пайдо бўлганлигини доғларга қараб айтиш мумкин. (масалан, қонга бўялган ичюқни артиш натижасида пайдо бўлган доғ ва бошқалар).

**ПОНЯТОЙ** — гувоҳ, холис, шохид; қамоққа олиш, тинтури ўтказиш, каби ишларида гувоҳ бўлишга чақирилган одам; терговчи ёки тафтиш ўтказувчи органлар томонидан, қўриқлаш ўтказиш учун гувоҳликка чақирилган шахс. Гувоҳ бўлиш (чақирилганда) ҳар бир фуқароннинг бурчи деб ҳисобланади. Гувоҳликка ишга даҳин бўл-

маган камда икки киши чақирилади. Гувоҳ бўлган шахс далиллардан, ҳаракатлар мазмунини тасдиқлаши лозим.

**ПОРОХ** — порох, ўқотар қуроқлар зарядини тайёрлаш учун ишлатиладиган портловчи модда; ўқ дори, қаттиқ порошок шакли, қора рангли моддачалар; тутунли, тутунсиз (қолондли) ва кам тутунли порохлар тафовут қилинади. Тутунли порох калий селитра (75%), олтингугурт (10%) ва кўмирдан (15%) иборат. Агар унинг 1 граммининг ёнинидан 300 см<sup>3</sup> газсимон маҳсулотлар чиқса, 1 грамм тутунсиз порохнинг ёнинидан эса ўша зумда (секунд улуши) 900 см<sup>3</sup> маҳсулотлар (карбонат ангидриди, водород, метан, ис гази ва бошқалар) пайдо бўлади. Тутунли порохнинг куйишидан 50% карбонат ангидриди, 10% ис гази, 35% азот, 3% сероводород, 2% водород ҳосил бўлади. Тутунсиз порох бу азот кислотаси билан ишлатилиб қолондга ўтказилган клетчаткадир. Пироксенлини ва нитроглицеринли тутунсиз порохлар тафовут қилинади. Тутунсиз порохни куйишидан 39,5% ис гази, 17,7% сув буғлари, 16,8% водород, 11,6% карбонат кислотаси, 10,4% азот, 0,5% кислот ва бошқалар ҳосил бўлади. Тутунсиз порох, тутунли порохга иккибатан яқин баллистик хусусиятга эга. Кам тутунли порох — 20—40% нитроксалини, 60—80% тутунли порохдан иборат. Кам тутунли порох кам (кичик калибрли миқтиқ учун) ишлатилади.

**ПОРУЧИТЕЛЬСТВО** — қафолат, гражданилик ҳуқуқида кафилик. Ўзбекистон Республикаси жиноят процессуал ҳуқуқидаги эҳтиёт чораларидан бири. Қафолат шахси ва ҳамда жамоат ташкилот қафолати бўлиши мумкин.

**ПОРЯДОК ИЗЪЯТИЯ И НАПРАВЛЕНИЯ ТРУПНОГО МАТЕРИАЛА НА СУДЕБНО-ХИМИЧЕСКОЕ ИССЛЕДОВАНИЕ** — мурда тўқима органларини олиш ва суд-химик текширишга юбориш тартиблари; мурдани суд тиббиёти томонидан ёриш пайтида унинг ички органлари, тўқима, ажратмаларини, суд-химик текширишга юбориш тартиб-қондаларига риоя қилиш ва уни ижро этиш чораталбирлари. Мазкур тартиб махсус қондада келтирилган (166-рақамли 19 IV 1962 й. собиқ СССР соғлиқни сақлаш вазирлиги буйруғининг 6-чизи). Агар заҳарланишга шубҳа пайдо бўлса, унда қағза ёшдаги шахслар мурдасидан 2 кг гача ички органлар олиниб (сув билан ювилмай) лабораторияга юборилади. Ноаниқ заҳар билан заҳарланганда ички органлар қуйидаги банкаларга солинади: 1-банкага ошқозон, 1 метрдан жуда ўзгарган илгичка, йўғон ичаклар (ичидаги бор нарсаси билан); 2-банкага — энг қонга тўйинган жигарнинг 1/3 қисми ва ўт пуфағи уни ичидаги нарсаси билан; 3-банкага битта буйрак ва барча сийдик; 4-банкага бош миёнининг 1/3 қисми; 5-банкага юрак, уни ичидаги қони билан, талоқ ва энг қонга тўлган ўпканиннг 1/4 қисми. Қўшимча банкаларга қуйидагилар солинади: бачадон қин билан, агар заҳар қин орқали юборилган деб гумонсиралса; тўғри ичак ичидаги нарсаси билан; агар заҳар ичак орқали юборилса тери ва мушак тўқималарининг қисми, агар томир ичи, тери остига юборилган деб гумонсиралса (юборилган жойдан). Консервланаш учун бирор моддани ишлатиш мумкин эмас. Фақат юбориш учун кўп вақт талаб қилганда (5 суткадан ортиқ), ҳазо иссиқ пайтларда, этил спирти билан консервланашга руҳсат берилган (нитрит бирикмалари ва спирт билан заҳарланишдан гумонсирашлар, бундан мустасно). Мазкур ҳолларда, лабораторияга 310 мл гача, текшириш учун ишлатилган спиртдан юборилади. Органлар суд тиббиёти экспертизининг йўллама хати ёки терговчининг қарори билан юборилади, бундан ташқари, мурдани текширилган далолатномаси, касаллик тарихининг нусхаси (агар улган шахс касалхонада ётган бўлса). Эксгумация қилинган мурда

булса, тўқима органлари бузилмаган ҳолда, юқорига кўрсатилган орган тўқималари олинади. Агар мурда бузилган бўлса, унда 1 кг дан 3 кг гача ички органлар шигиндиси (контрамерати) олинади. Биргаликда тобутни юқори, настки, чан, ўнг, қалди олдидан, оққ олдидан қисмларидан таҳлил учун 500 гр. га яқин тўпироқ олинилади. Шунингдек кийим ва бошқа тобут ўралган матолар қисмидан олинади.

**ПОРЯДОК ОСМОТРА И ВСКРЫТИЯ ТРУПА** — Улиқни кўздан кечиршиш ва ёриб кўриши тартиби; Ўзбекистон Республикаси Жоноят; процессуал кодексининг махусе моддаларида кўрсатилган; «Улиқнинг сиртини кўздан кечиршишни терговчи Улиқ томонидан жойда холислар ҳозир бўлган ва суд медицинаси соҳасидаги мутахассис-врач иштирок этган ҳолда ўтказилади. Бундай мутахассисе врач иштирок эта олмаса, бошқа врач чақирилади. Улиқни кўздан кечиршиш учун зарур ҳолларда бошқа мутахассис ҳам қатнашади. Улиқни ёриб кўриши иши суд медицина эксперти томонидан иложи борича терговчи ҳозир бўлган ҳолда ўтказилади. Улиқни кўмидан жойдан қовлаб олиши зарур бўлиб қолган ҳолларда терговчи бу тўғрида қарор чиқаради. Улиқни қовлаб олиши иши терговчи ҳолислар ва суд медицинаси соҳасидаги мутахассис врач, зарур ҳолларда эса бошқа мутахассис ҳозир бўлганда бажарилади.

**ПОСЛЕД** — йўлдош; плацента; ҳомила пардаси ва кичиклиди иборат бўлган орган; мазкур орган она организми билан ҳомилани боғлаб туради. Унинг катта-кичиклиги, вазнига қараб айрим вақтларда ҳомила муддати аниқланади (гўлак ўлдириши экспертизаси — қ.).

**ПОСЛЕДОВАТЕЛЬНОСТЬ НАНЕСЕНИЯ ПОВРЕЖДЕНИЙ** — жароҳатларнинг кетма-кет этиказилганлиги; этиказилган жароҳатларнинг кетма-кетлиги. Бир нечта этиказилган жароҳатларнинг кетма-кетлигини, яъни қайси биринчи, қайси иккинчи, учинчи ва ҳоказоларлигини аниқлаш, айрим вақтларда муайян қийинчиликларга учрайди. Агар айрим жароҳатларнинг яққолиги, тириклик натижада вужудга келганлиги белгилари билан таърифлашиб, иккинчилари улгандан кейинги жароҳатлар бўлса, унда, табиийки тириклик белгиларига эга бўлган жароҳатлар биринчи ва ҳаётдан сўнгги жароҳатлар иккинчи бўлиб қолишига шубҳа туғдирмайди. Ҳаёт белгиларига эга бўлган жароҳатлар тоифасига ҳаётга эндилик туғрадиган жароҳатлар ҳам кирди. Жароҳатлар кетма-кетлигини аниқлаш белгиларини келтирмоқчи бўлсақ, жароҳатнинг жойлашганига эътибор берини лозим. Масалан, яналоқ бош суягида жойлашган иккинчи жароҳатдан ёйилган дарзлар биринчи жароҳат дарзларини кесиб ўтмайди. Икки, биринчи кесиб ўтувчи яралар четларини яқинлаштирилганда: биринчи яра нотўғри шаклини, иккинчи яра эни зинали шаклини олади (яра четларининг қисқариши навижаири). Металланш биринчи жароҳатда, кейинги жароҳатларга иебатан жадалроқ бўлади (агар ўткир, ўтмас металл буюмлардан яралар ҳосил булса). Болга билан биринчи чопилган синиқлар четидан кетган дарзлар иккинчи чопилган синиқларда бўлмайди (агар иккинчиси биринчи урган жойда жойлашган бўлса). Уқтар жароҳатларнинг кетма-кетлиги қуйидагилар билан тафовузлилади. Уқ чопилган стьол ичидан чиқса, биринчи яра атрофида кўрел суртиш ёғ изалари бўлиши, қолганларида бўлмаглиги ики биринчи яра атрофидаги ёғ суртмасен иккинчисига иебатан жадалроқ бўлади. Агар автоматдан отилса, отилган тешикларнинг четлари бир-бирига яқин жойлашганлари биринчи бўлиб, булардан узоқ жойлашганлари — кейингилари деб ҳисобланади. Бош суягида иккила кетма-кет ўқ узилса, иккинчи тешикдан ёйилган радиал чизилган дарзлар биринчи тешикдан чиққан дарзларни кесиб ўтөлмайди (Ша-



више бестисн). Кукрак қафасида биринчи отилган ўқдан ўлка яра-лашиб сижиганда, яра ўраси поғўри, бузилган бўлади, қолган яра ўралари — туғри бир текисда бўлади ёки умуман ўлкада яра бўлмайди Қорвида, биринчи ўқ жароҳати ичакда катта бўлади; иккинчи, учинчиларидан, ичаклар бўшашгани туфайли жароҳатлар кичик бўлади.

**ПОСЛЕРОДОВОЙ ПЕРИОД** — чилла даври, пуэрперал даври; чилла (тоғилма) дарқ кун маъносини билдиради: пуэрперал даври ҳомиладанинг тугилишидан то ҳомиладорлик ва туғиш пайтида жинсий системани руи берган ўзгаришларининг қайта тикланиб бўлишигача даври; одатда бу даври муддати туққан аёлнинг умумий аҳволига ва ташқи муҳитга боғлиқ.

**ПОСТАНОВЛЕНИЕ** — қарор — бирор иш, масала юзасидан расмий орган, ташкилот, мажлис ва шу қабиляларнинг бамаслаҳат қабул қилган ҳукми, тўхтами.

**ПОТ** — тер, боқлар вишлаб чиқарилган маҳсулот (секретар). Тер таркибиди АВО системани аниқлеқлари борлиғи уни доғларда (зақимий аниқларга) маркази, бош ва ички қимматлар, вапирое қолдириши бошланғичла маъжурлашгани аниқлаб, кейин тер группаси (АВО) системаси бўйича аниқланади.

**ПОТЕКИ КРОВИ** — қон оққан из; қон оққан доғлар; оқётган қондан пайдо бўлган доғ, яъни настига қараб вертикал ёки ёнбош турган бўқимда қоннинг оқиб доғ найдо қилиши. Маъкур из йўли қорвидаги настига қараб тораяди ва (одатда) шу ерда томчи найдо қилиб турийди. Бу эса қоннинг қайси томондан бошлаб оққанлиғини кўрсатади. Қон оққан изларига қараб, одамни жароҳат олган настидаги ҳолатини, оққан қон микродорини аниқлаш мумкин.

**ПОТЕРПЕВШИЙ** — жабрдийда, жабрланувчи, маънавий, жисмоний ёки муъвий зарар кўрган шахс. Бу шахсни жабрдийда деб айтиш учун сурштириб борувчининг ёхуд терговчининг қарор ёки суднинг ажрими бўлиши керак. Чунки ҳар қандай киши ҳам сурштирув, тергов органларига ёки судга келиб, ўзини жабрдийда деб таъиниш ҳуқуқига эга эмас. Бирор солир бўлган жиноят натижасида зарар кўрган шахс, яъни жабрдийда ҳақида Ўзбекистон Республикаси жиноят процессуал кодексининг махусе моддасида тушунича берилган. Бу моддага биноан жабрдийда кеан процессуал ҳуқуқлардан фойдаланади.

**ПОТЕРЯ ЗРЕНИЯ** — кўриш қобилиятини йўқотиши; кўзни йўқотиши. Агар кўриш қобилиятининг йўқотиши жароҳат билан боғлиқ бўлса, унда бу ҳолат оғир тан жароҳати деб ҳисобланади. Иккала куз билан, мутлақо ҳеч нарсаи кўрмаслик ёки жабрланувчи яқин массефадан (2 метрдан) тугилган бармоқларни кўролмаслиғи кўриш қобилиятини йўқотиши дебилади. Жароҳат натижасида бир кўзни йўқотиши ҳам оғир тан жароҳати даражасига кирати, чунки бир томонлама кўрмаслик 35% қатъияи, қайта тиклаб бўлмайдиган иш қобилиятини йўқотишга тенг. Агар жароҳат оқибати касал, ясама (протез) кўзни олиб ташлаш билан яқуланса, унда бу таи ишкестанлиг соғлиқни йўқотиш вақт давомига (муддатига) қараб баҳоланади.

**ПОТЕРЯ ОРГАНА ИЛИ УТРАТА ЕГО ФУНКЦИИ** — аъзони йўқотиши ёки униг вазифасидан маҳрум бўлиши; оғир тан жароҳати бестисн (агар ишкестанлиш оқибати билан боғлиқ бўлса). Аъзо йўқотиши деб аъзони анатомик жиҳатдан йўқотишга ва умуман уни ивлмасдан қолишига айтилади. Жароҳат натижасида ҳомиладор фарзанди бўлиш қобилиятини йўқотиши ҳам мумкин. Тил йўқотиши деб фақат уни анатомик жиҳатдан кесиб ташлашигига айтилмайди, балки уни даволаб бўлмайдиган, вазифасини йўқо-

тилишига ҳам айтилади, яъни шахсни атрофдашларга тушиқ, тушунарли овоз билан гапирини қобилиятини нуқотини ташкил қилганда кескин, оғир тугилиш). Ишлаб чиқарини қобилиятини йўқотиш деб жинсий алоқага ласқатензлик, урувлантирини ҳосил қилдор бўлиш, туғиш қобилиятларидан маҳрум бўлишга айтилади.

**ПОТЕРЯ СЛУХА** — эшитиш қобилиятини нуқотини, оғир таи жароҳати белгиси (агар мазкур ҳолат жароҳат натижаси бўлса). Эшитиш қобилиятини йўқотиш деб, шахсини бутунлай қаршии ёки унинг қулоққа яқин (3—5 см) бўлган масофани (билан овозни) эшитмаслигига айтилади. Жабрланувчинини фақат битта қулоғи заиф бўлса унинг иш қобилияти фақат 15% нуқолади, шунинг учун бундай жароҳат ўртача оғир таи жароҳатини киради.

**ПОЩЕЧИНА** — тарсаки; тарсаки уриш натижасида кини бади мига шикаст етказилган бўлса, етказилган жароҳат даражаси а қараб айбланиши лозим. Сабабсиз ёки сабабли бўлса-да одамни тарсакилаб уриш ва бу ҳаракат кўпчилик ўртасида ҳақоратлаш бўли билан содир қилинса, айбдор безориликда жинсий жавобгарлишка тортлади.

**ПРАВА И ОБЯЗАННОСТИ ЭКСПЕРТА** — экспертнинг ҳуқуқ ва бурчлари; экспертнинг бурчи ва ҳуқуқлари Ўзбекистон Республикаси жиноят процессуал кодексининг 68-моддасида ёритилган. Эксперт ўз олдига қўйилган саволлар бўйича фикрнома беришга мажбурдир. Эксперт жиноят ишининг экспертиза ишига тааллуқли ҳамма материаллар билан танишиб чиқишга ва ўз фикрини баён қилиш учун зарур бўлган материалларни суд, прокурор, терговчи ёки суриштирувчи шахсини талаб қилиб олиши тўғрисида натижа киритишга ҳамда суддан, прокурордан, терговчидан ва суриштирувчи шахсдан ижозат олиб, айбланувчи ва гувоҳларни сўроқ қилаётган вақтида ҳамда бошқа тергов ҳаракатлари ўтказилаётган вақтда ҳозир бўлишга, шунингдек, айбланувчига ва гувоҳга экспертга предметига тааллуқли саволлар беришга ҳақлидир. Агар эксперт ўзига берилган материалларни фикрнома учун етарли эмас, деб ҳисобласа, у ўз олдига қўйилган саволларга жавоб бериши мумкин эмаслиги тўғрисида терговчига ёки судга ёзма ахборот тоиширади. Эксперт ўз олдига қўйилган саволлар юзасидан фикрнома бериши ўз бурчи эмас деб ҳисоблаган тақдирда ҳам худди шундай қилади.

**ПРАВО** — ҳуқуқ; давлат томонидан мавжуд бўлган жамиятдаги иқтисодий, сиёсий ва бошқа тартиб-интизомларни сақлаш ва мустаҳкамлаш учун ўрнатилган қоида, низомлар системаси. Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқи, давлатни мустаҳкамлаш учун халқ хоҳишини юқори даражада кўтариб қонулаштириш учун муҳим аҳамиятга эга.

**ПРАВОНАРУШЕНИЯ МЕДИЦИНСКИХ РАБОТНИКОВ** — тиббиёт ходимларининг ҳуқуқбузарликлари. Ўзбекистон Республикаси жиноят кодексига биноан тиббиёт ходимларининг қуйидаги ҳуқуқбузарликлари тафовут қилинади: 1) шахсини ҳаётига ва соғлиғига қарши жиноятлар (жиноят аборт, касалга ёрдам кўрсатмаслик, қасддан ва эҳтиётсизлик натижасида танга шикаст етказиш, қасддан ва эҳтиётсизлик орқасида одам ўлдирини); 2) аҳоли соғлиғига қарши жиноятлар (эпидемияга қарши кураш мақсадида ўрнатилган қондани бузиш, кучли таъсир қиладиган ва захарли моддаларни сотиш мақсадида гайри қонуний тайёрлаш, сотиб олиш, сақлаш, ташиш ёки жўнатиш ёхуд сотиш); 3) мансабдорлик жиноятлари (хизмат мансабини суиистеъмол қилиш, хизмат ваколатидан ташқари чиқиш, хизматга совуққонлик билан қараш, иора олиш).

**ПРАВО О ТРУДЕ** — меҳнат ҳуқуқи; Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқининг бир тармоғи; ишчи ва хизматчиларнинг меҳнат муносабатларини ва улар билан боғлиқ айрим бошқа муносабатларни тартибга солади. Ишчи ва хизматчиларни ишга қабул қилиш, бошқа ишга ўтказиш ва шундан бўшагиш тартибини, улар меҳнатининг асосий мезъини иш вақти муддати ва шу қабиларни, меҳнатга тўлаватдиган ҳақини, ишда эришилган муваффақиятлар учун рағбатлантиришнинг миқдор ва шакллари меҳнат интизомчи бузилганлиги учун жазо чораларини, меҳнат муҳофазаси бўйича мажбурий қоидаларни, меҳнат интизомларини қараб чиқиш тартибини белгилаб беради.

**ПРАВОСУДИЕ** — одил судлов, адолатли суд. Одил судлов мақсадлари Ўзбекистон Республикаси суд тuzилиши қонунининг махсус моддаларида аниқ кўрсатилган. Шахсни айбдор деб тониш ва унга қонунида белгиланган жазо чорасини қўлланиш ҳуқуқи фақат судга берилган. Ўзбекистон Республикаси одил судлов қонунларини барча муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва граждaнлар томонидан оғинмай бажаришларини ўз олдига мақсад қилиб қўяди.

**ПРЕБЫВАНИЕ ТРУПА В ВОДЕ** — мурданинг сувда бўлиши: мурданинг сувдан тоғиниши, киши чўкиб ўлганига далолат бўла олмайди, чунки аввал ўлдирilib, кейин сувга ташланган бўлиши мумкин. Бундай воқеалар тажовузлик изларини йўқотиш учун уюштирилган бўлиши мумкин. Мурдани сувда тушгандаги белгилар билан таърифланади: Эпидермис (терининг устки қатлами) шишиб, қўлларнинг кафти ва оёқларнинг товошдан тушади, бундай ҳолатни мацерация деб аталади. Оёқ ва қўл кафтларининг ўзгаришига қараб мурдани сувга тушганидан бошлаб, то уни тошлугунигача қанча вақт ўтганлигини айтиш мумкин; 2—6 соат ўтгандан кейин эпидермис шишади ва унинг ранги оқ-қулранг бўлади; 3—4 кун ўтгандан кейин эпидермиснинг шиши терининг ҳамма ёғига тарқалиб яхши кўринадиган бўлади, айниқса қўллар ва оёқлар кафтида яққол кўринади («кирчи қўллари»). 8—15 кун ўтгандан кейин эпидермис аста-секинлик билан теридан ажралади ва оғининг охирида қўл панжаларининг териси тирноқлар билан бутунлай тушади, уларнинг жараёни совуқ сувда секин ва иссиқ сувда тезроқ вужудга келади; оқар сувда тезроқ пайдо бўлади; кийим қўлқоп, пойабзаллар мацерация жараёнини сустлаштиради. Тери юмшоқлашиши туфайли сочлар 2 ҳафтадан кейин тўкила бошлайди ва оғининг охирида, айниқса пилқ сувда сочлар бутунлай тўкилиб тоза бўлиб қолади; тўкилган сочлар ўрнида катакчалар қолади; агар одам тириклигида тўкилган бўлса, унда сочлар ўрнида чуқурчалар, яъни катакчалар қолмайди.

**ПРЕДВАРИТЕЛЬНОЕ ЗАКЛЮЧЕНИЕ** — дастлабки қамоқ, эҳтиёт чорасини кўзлаб ҳибсада сақлаш; дастлабки қамоқ (ҳибса) муддати қонунга қўра суд жазони берган вақтидан ҳисобга олинади.

**ПРЕДВАРИТЕЛЬНОЕ СЛЕДСТВИЕ** — дастлабки тергов, жиноят жараёнининг босқичи. Қонунларда кўпчилик жиноий ишлар учун назарда тутилган дастлабки тергов давомида терговчи ишни тўғри ҳал этиш учун аҳамиятли бўлган ҳама ҳолатлар бўйича далиллар йиғади ва уларни текширади.

**ПРЕДМЕТ** — буюм; буюм-суд тиббиётида ишлатиладиган йиғма сўз. Буюм — бу физик жисм бўлиб, аниқ вазифани ижро этмайди, қурол ва асбобдан фарқ қилади (масалан тош, таёқ, мушт ва бошқалар), аммо у тасодифан, мақсад билан ҳимоя ёки ҳамла қилиш учун ишлатилиб жароҳат етказилади. Буюмлар ўз хусусиятлари жароҳат механизми ва тавсифига қараб икки, яъни ўткир ва ўт-



мас (тўмтоқ) хилларига бўлинади. Утмас буюмлар гуруҳига, умумий белгиларига, шаклларига, сатҳига ва жаридат соҳасини ўз ўзини билдирувчи белгиларига қараб қуйидагича таснифланади: 1) ишлов сатҳини буюмлар (арра, қўл кафти, ёғоч, тахташнинг кенг томони, юзининг юзи ва бошқалар); 2) чегараланган кенг сатҳини буюмлар (бозорнинг урадиган томони, болтанинг ўтмас томони, каллар ҳаққон ва бошқалар); 3) думалоқ сатҳли буюмлар (гантел, тарозини соҳни ва бошқалар); 4) цилиндрик юзали буюмлар (тасқ, қувур ва бошқалар); 5) уч қиррали буюмлар (ёғоч, стол бурчли, болта, болта орқа томонининг бурчаги, ёғиш қирраси ва бошқалар); 6) қовурга юзли ёки икки қиррали буюмлар (стол, тахта, доғла, лангдалар четлари ва бошқалар). Қовурга юзли буюмлар тўғри чиққан, яра ва ёйли бўлиши мумкин. Уткир буюмлар ҳам турли бўлади. Уткир маиший асбоблар билан аралашиб фарқ қилмай қоладилар, яъни улар орасидаги (буюм ва асбоблар) чегаралар нуқолани. Уткир буюмлар чопувчи (карднош, теша, болта, қилпич, чочқич, ошинчоқ ва бошқалар), санчувчи (нипа, бигиз, миҳ, ханжар, найза ва бошқалар), арраловчи (турли арралар) ва бурувчи (парма)ларга бўлинади. Санчувчи буюмларининг бадаида яра пайдо қилинишига қараб уч гуруҳга бўлиш мумкин: 1) қиррасиз санчувчи буюмлар (нипалар, бигизлар, миҳлар ва бошқалар); 2) санчувчи-кесувчи буюмлар (тигли, дамли, санчувчи ханжар, пичоқ ва бошқалар). Таънага кираётган ёки танадан чиқаётган пичоқ — бадаида санчувчи-кесувчи яралар қолдиради.

**ПРЕДМЕТ-НОСИТЕЛЬ** — буюм ташувчи; жиноят содир бўлган жойда буюмлар, кийимлар, пойабзал ва бошқа жисмлар ҳусулда одам организмидан ажралган (қон, сперма, туфук, тер, кўз ёши ва б.) объектлар тушгандан кейин доғлар (излар) пайдо бўлади. Буларни юқорида кўрсатилган буюмлар олиб юриши туфайли (яъни, уша изларни татиб юриши туфайли) далилий ашёлар сифатида текширилади. Бу буюмлар далилий ашё ташувчи буюмлар, яъни қисқача ташувчи буюмлар деб аталади.

**ПРЕЗИДИУМ СУДА** — суд президиуми; суд раёсати; иттифоқдош, автоном жумҳурият, мухтор ва вилоят судлари қошида илорат истанцияси тариқасида ташкил этилган. Бунинг асосий мақсади фуқароларнинг шикоят, аризаларини қисқа муддат ичида ва ўз вақтида кўриб тегишли хулоса билан жавоб қайтаришидир.

**ПРЕЗУМЦИЯ** — презумция, факт, омил, асос (ҳақиқатдан бўлган иш) нинг акси топилмагунча шу фактни юридик тўғри деб топиш.

**ПРЕЗУМЦИЯ НЕВИНОВНОСТИ** — айбсизлик презумцияси — айбланувчи айбсиз деб қаралиб, унинг айбини тасдиқ қиладиган далиллар туплангунга қадар, у айбсиз деб ҳисобланади. Жиноят иши суд мажлисида кўрилиб, унинг айби тегишли далиллар билан тасдиқ этилган ҳоллардагина, уни айблаш ҳақида ҳукм чиқарилади.

**ПРЕСТУПЛЕНИЕ** — жиноят — қасддан қилинган ва жамият учун хавф тугдирувчи хатти-ҳаракатлар, Ўзбекистон ижтимоий давлат тузумига, шахсга, давлат мулки, шахсий мулкий ва бошқа ҳуқуқларга қарши қаратилган жиноят қонунда кўрсатилган жамоат учун хавфли ҳаракатлар. Ўзбекистон Республикаси жиноят кодексининг махсус моддасида ёки давлат тузумига, хўжалик системасига, фуқароларнинг сиёсий, меҳнат, мулкий ва бошқа ҳуқуқларига қарши қаратилган жамоат учун хавфли ҳаракатлар (ёки ҳаракатсизлик) шунингдек давлат ҳуқуқий тартибига қарши қаратилган, жамоат учун хавфли бўлган жиноят қонунда кўрсатилган бошқа ҳаракатлар жиноят деб топилади.

**ПРЕСТУПЛЕНИЯ ДОЛЖНОСТНЫЕ** — мансабдорлик жинойтлари. Мансабдор шахс деб давлат ва жамоат муассасаларида, корхоналарда давлат ҳокимият далолатларининг амалга оширини билан боғлиқ вазифаларини бажарувчи шахсларга айтилади. Мазкур шахслар ўз вазифаси бўйича белгиланган мажбуриятларни бузиб, фуқароларнинг қонуний ҳуқуқ ва маъфаатларига зарар етказишига — мансабдорлик жинойти деб айтилади. Соф касаба фаолиятларини ижро этувчи ҳақимлар мансабдор шахсга кирмайдилар (масалан, даволаш, талабаларини ўқитиш). Аммо, агар улар ижро этаётган ишлар ҳуқуқ вазифалари билан боғлиқ бўлса (масалан, касаллик варақасини беришга, ногиронлик гуруҳини тузишга, олий ўқув юртига кириш имтиҳонини қабул қилишга), унда мансабдор шахс ҳисобланадилар:

**ПРИЗНАК БЕЛОГЛАЗОВА** — Белоглазов аломати; Белоглазов нишонаси («мушук кўзи»); ўлик белгиси; бармоқлар билан кўз ёпбошларидан босганда, кўз қорачиғи тирноқсимон, мушук кўзини эслатадиган шаклини олади. Мазкур нишон мавҳумли (хаёлий) ўлимда учрайди. Коматоз ҳолатда, аномал даврда ва бошқа ҳолатларда ҳам Белоглазов нишонасини кузатиш мумкин. Тирик соғлом шахснинг кўз соққасини босганда кўз қорачиғининг шакли ўзгармайди.

**ПРИЗНАК БЕРНАРДА** — Бернард нишонаси; бачадон бўйини найининг секрет (безларда ишлаётган ва организм ҳаёти учун зарур бўлган моддалар) тажрибаси. Мазкур тажриба ифрат пардаси (қизлик пардасини) текширилганда ва хотин-қизларнинг жинсий алоқада бўлганлигини аниқлашда ишлатилади. Унинг мазмуни шундан иборатки, гинекологик текширилганда жинсий алоқада бўлган ёки мастурбация (онанизм) билан шуғулланган шахснинг бачадон бўйини найининг тешигидан кўп миқдорда қуюқ оқ-қулранг сўт рангли модда ажралиб туради. Донио жинсий алоқада бўлиб турган 30—35 ёшли аёлларнинг мазкур моддаси суяқ ва қулрангли бўлади. Мастурбация билан шуғулланмаган ва жинсий алоқа ҳолатини сезмаган қизларнинг бачадон бўйини найининг тешигидан гинекологик текширишида одатда бу модда чиқмайди. Бу тажриба, 1940 йили В. Г. Бернард томонидан тавсия этилган.

**ПРИЗНАК САБИНСКОГО** — Сабинский белгиси; асфиксия белгиларидан бири; ҳамма паренхиматоз аъзоларнинг қонга тўлиши ва талоқнинг кам қонлиги билан тавсифланган умумий асфектик белгиларнинг бири деб ҳисобланади. Мазкур белгини биринчи бўлиб, 1865 йили З. Ю. Сабинский кузатган (итларда тажриба ўтказган). Бу белги ҳамма вақт учрамайди, шунинг учун бунга унча эътибор бермаслик керак.

**ПРИЗНАКИ СОТРАСЕНИЯ ТЕЛА** — баданининг чайқалиш белгилари; турли шикастланиш натижасида, айниқса баландликдан йиқилиш, транспортдан (ҳаракатда бўлган автомашина ёки локомотив қисмларидан) пайдо бўлган жароҳат белгилари. Бадан силкиниш белгиларига қуйидагилар киради: ташқи ва ички белгиларнинг бир-бирига мос келмаслиги (ички белгиларнинг ниҳоят чуқур, оғир бўлиши ва уларга нисбатан ташқи белгиларнинг ниҳоят камлиги), осилиб туриш вазифаларини бажарувчи ички орган аппаратлари атрофида кўп миқдорли қонталашлар мавжудлиги, паренхиматоз аъзоларнинг узилиши, бир-бирига параллел жойлашган капсулалар, тўқималар дарз кетиши ва бошқалар.

**ПРИМЕТЫ ОСОБЫЕ** — махсус нишонлар; махсус аломатлар; ўзига хос бўлган белгилар; одам танасидаги айрим нишонлар. Бу нишонлар шахсни аниқлаш учун ёрдам беради. Қуйидаги тана нишонлари тафовут қилинади: туғма доғлар, сўғал, ортиқлар, тери

пигментациялари, селкиллэр, тери пигментларининг асбў бўлган жойлари, турли шишлар, тугма ва анатомик нуқсонлар (бўри, умурқа доғоналарининг букилиши, оёқ қўлларининг соғирлиги, ясама, сунъий оёқлар) чапдиқлар (траумадан кейин, кўбинча асбўрети, операциядан кейин, турли касалликдан кейин ва бошқалар), татуировкалар, тери, оёқ, қўл тирноқларининг касб ўнаришлари ва бошқалар.

**ПРИНУДИТЕЛЬНЫЕ МЕРЫ** — мажбурлаш чоралари. 1) Ўзбекистон республикаси ҳуқуқига кўра тиббиёт таърифномасига асосланиб кўриладиган мажбурлаш чоралари тайрихтисерий равишда жамоат учун хавfli хатти-ҳаракатлар қилган ёки жиноят қилгандан сўнг руҳий касалликка учраган шахсларни мажбурий даволаш. Ушбу чора суд томонидан тайинланади. 2) Ишқанлар, алкаголикларга қилган жиноятлари учун жиноий жазо берини билан биргалликда уларни суд томонидан чиқарилган ажримига асосланиб мажбурий даволаш чоралари.

**ПРИНУДИТЕЛЬНЫЕ МЕРЫ МЕДИЦИНСКОГО ХАРАКТЕРА** — тиббий мазмундаги мажбурий чоралар — жиноят содир қилганда ёки жиноят содир қилганда сўнг руҳий касал бўлиб қолган шахсларни Ўзбекистон Республикаси жиноий кодексининг махсус моддасига асосланиб, уларга ишбатаи тиббий мазмундаги мажбурий чоралар қўлланиб, тузалгандан сўнг жиноий жавобгарликка тортилади.

**ПРИБРЕТЕННЫЕ ПРИЗНАКИ** — ҳаётда орттирилган белгилар; яшаш таъсирида организмда шаклланувчи белгилар; мажбурий белгилар онтогенез жараёнида вужудга келади.

**ПРИЧИНА СМЕРТИ** — ўлим сабаби; касаллик, шикастланиш, касалликнинг зўрайиши сабабли юракнинг бевосита ёки изчиллик билан тўхталиши. Бунга ўлим келтирувчи бахтсизлик, шикастланиш ҳодисалари ҳам кирди, масалан, сувда чўкиш, чақмоқ уриш, ис гази билан заҳарланиш ва бошқалар. Суд тиббиётига оид мурдаларни текширишида ҳамма вақт ўлим сабабини аниқлаш зарур бўлади. Эксперт мурдани текшириш натижасида топилган маълумотлар ва қўшимча лаборатория ҳулосаларига асосланиб, воқеа ҳолатларини тахминлаб ўлим сабабини аниқлаш лозим. Ўлим сабабини аниқлаш жараёнида у асосий касалликни (жароҳат, ҳолат) таъкидлаб ажратилиш лозим, чунки одатда ўлим сабаби асосий касаллик (жароҳат, ҳолат) билан тўғри келади, шунингдек ўлим ҳолатига олиб боровчи шароитлар билан ҳам боғлиқ. Суд тиббиёти фикрномасида (хулосасида) ўлимни келтиришга боғлиқ бўлган топотогенез ва муҳитни келтириши керак. Айрим вақтларда ўлим сабаби, морфологик ўзгаришларга асосланиб, осонлик билан аниқланади (масалан, аорта аневризмасининг ёрилиши, миокард инфаркти, бош мия жароҳати, жигарнинг ёрилиши, бош мия суягининг кўплик синиқлари ва бошқалар). Айрим вақтларда эса морфологик ўзгаришлар топилмагани туфайли унинг аниқланиши қийинлашади. Унда эксперт ўлим ҳолатини таҳлиллаб, воқеа содир бўлган жараёни ишбатаи олиб ўлим сабабини аниқлаш мумкин (юракнинг рефлектор тўхталиши, эпилептик тутқаноқ ва бошқалар). Шундай ҳолатлар ҳам рўй бериши мумкинки, эксперт ўлим сабабини аниқлай олмайди (мурда чириши, лаборатория анализларининг салбий жавоблари ва бошқалар). Бундай ҳолларда эксперт ўлим сабабини аниқлаб бўлмаслик асосларини қайд қилиши лозим. Шунинг ҳам таъкидлаб ўтиш керакки, адабиётда ўлим сабабининг рақобатлари келтирилган. Рақобат — бу икки ва ундан ҳам кўп бўлган рақобатчилар орасидаги рақиблик. Ўлим сабаби фа-



қат бигга, иккита бўлиши мумкин эмас. Аммо, айрим ҳолларда, айрим сабаблар, ўлиш жараёнида, уни тезлаштириши мумкин.

**ПРИЧИНЕНИЕ ТЕЛЕСНЫХ ПОВРЕЖДЕНИЙ** — танга шикаст етказиш. Турли фожиялар натижасида, уришишда, дўппослашда, автомобиль фалокатида ва бошқа сабаблар натижасида киши баданига шикаст етиши мумкин. Суд тиббиёти муассасаларида етказилган шикаст даражаси суд тиббиёти экспертлари томонидан аниқланади. Умуман айтганда киши баданига шикаст етказиш ҳаракатлари учун етказилган шикаст даражасига қараб жазолаш Ўзбекистон Республикаси жиноят кодексининг 104—111-моддалари билан таснифланади. Танга шикаст етказиш уч қисмдан иборат. Оғир, ўртача оғир ва енгил тап шикастлари тафовут қилинади. Оғир тап шикастлари жиноят кодексига асосланиб, қуйидагича таърифланади: содир этилаётган нийтда ҳаёт учун хавфли бўлган ҳолдан баданга оғир шикаст етказиш натижасида кўриш, сўзлаш ёхуд бирор аъзоннинг ишдан чиқиши ёки унинг фаолияти тамоман йўқолишига, умуман соғлиги бузилиб, умумий меҳнат қобилиятининг ўттиз уч фоиздан кам бўлмаган қисмининг доимий йўқолишига, ҳомиланинг тушиши, баданини тузалмайишган даражада ҳунуклашишига сабаб бўлса — беш йилдан саккиз йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади. Қасддан баданга оғир шикаст етказиш: а) ҳомиладорлиги айбдорга аён бўлган аёлга нисбатан; б) ўз хизмат ёки фуқаролик бурчини бажариши муносабати билан шахсга ёки унинг яқин қариндошларига нисбатан; в) ўта шафқатсизлик билан; г) оммавий тартибсизликлар жараёнида; д) тамағирлик ниятида; е) безорилик оқибатида; ж) миллатлараро ёки ирқий адоват замирида; з) диний таасублар замирида; и) киши аъзоларини кесиб олиб, бошқа кишига кўчириш (трансплантат) ёки мурданинг қисмларидан фойдаланиш мақсадида; к) бир гуруҳ шахслар томонидан содир этилган бўлса, саккиз йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади. Қасддан баданга оғир шикаст етказиш: а) икки ёки ундан ортиқ шахсга нисбатан; б) такроран, хавфли рецидивист ёки илгари ушбу кодекснинг 97-моддасида назарга тутилган тарзда қасддан одам ўлдирган шахс томонидан; в) ўта хавфли рецидивист томонидан; г) уюшган гуруҳ аъзоси томонидан ёки шу гуруҳ маънаатларини кўзлаб содир этилган бўлса; д) жабранувчининг ўлимига сабаб бўлса — ўн йилдан ўн икки йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Қасддан баданга ўртача оғир шикаст етказиш ва қасддан баданга енгил шикаст етказиш таърифлари ва уларга нисбатан жазолаш чоралари Ўзбекистон Республикаси жиноят кодексининг махсус моддаларида, юқорида кўрсатилгандай батафсил келтирилган.

**ПРОБА ДИЛЛОНА** — Диллон тажрибаси; гўдакнинг тирик туғилганлигини исботлаш учун рентгенологик усулни ишлатиш тажрибаси. Мазкур усул жуда ҳам сезгир бўлиб, унинг ёрдами билан меъда-ичак тажрибаси ечиб бўлмайдиган энг кам миқдорли ҳаво мавжудлигини аниқлаш мумкин. Рентген усули билан ажратилган ўпкани кекирдак-бронх, альвеол ва ўпка тўқималаридаги миқдори кам бўлган ҳавони аниқлаш мумкин. Бу тажрибани Диллон 1865 йили тавсия этган, аммо у кам ишлатилади.

**ПРОБА ПЕЧЕНОЧНАЯ НА ГЛИКОГЕН** — жигарда гликоген аниқлаш синамаси; мурданинг жигаридаги гликогенни аниқлаш синамаси. Паст ҳарорат таъсиридан ўлган шахсларнинг жигарида

гликоген бўлмайди. Мазкур синама 1897 йили тавонинг остидадан эди. А. В. Русаков уни тез ўлган одамларни уюқ муфталиги асосини билан ўлганлардан фарқини аниқлаш учун қўллаган. Агар ўлим аснония билан кузатилса, унда жигардаги гликоген йўқолади. Ҳаётини вақтда замонавий усуллар билан мурда жигарида қорбонат миқдори аниқланади. Бу эса суд аҳамиятига эгадир.

**ПРОБА ПЛАВАТЕЛЬНАЯ ЖЕЛУДОЧНО-КИШЧНАЯ** меъда-ичак (Бреслау) синамаси. У шунга асосланганки, тундан гўдак ютиш қобилиятига эга бўлиб, нафас олинган билан бирга меъда у ҳавонин ютади, натижада ҳаво меъда-ичак йўлларида тунган. Синама ўтказиш учун меъда кириш ва чиқиш қисмида боғланади, шунингдек энг гумонсиралган ичак қисмлари ни билан боғланади. Шундан кейин меъда-ичаклар мурда қоридан чиқарилади ва сув тўлдирилган идишга қўйилади. Меъда ва ичак ҳалқалари сув остида санчилиб, ундан чиққан ҳаво пуфакчаларни чиқишини кўрилади. Ичак ва меъдада ҳаво мавжудлиги, ҳавоси бор қисмларнинг сувда сузиши ва уларни сув остида санчилганда ҳаво пуфакчалари чиқиши синаманинг ижобийлигидан дарак беради.

**ПРОБА СУМЦОВА** — Сумцов синамаси. У ҳаво эмбалисини мавжудлигини аниқлаб беради; юрак-қон томирларининг ичига ҳаво кириши ўлимнинг сабаби бўлади. Уни аниқлаш учун 1863 йили П. Сумцов, ўликни ёргандан кейин, юракка кирадиган томирларни боғлаб, уни олиб сув билан тўлдирилган тос ичига қўйиб уни унинг деворларига пичоқ (скальпель) орқали санчади. М. Riehter (1905) юракни перикард халтасига қўйилган сув ичига ёради. Сув ичидан чиққан ҳаво пуфаклари синаманинг ижобийлигини кўрсатади.

**ПРОБА УШНАЯ (ВЕНТА — ВРЕДЕНА)** — кулоқ (Вента — Вредена) синамаси; у эшитув қувурчалари ва ногора бўшлигида ҳаво мавжудлигини аниқлаб беради; бола тирик тугилганини аниқлаш синамаси. Уни ўтказиш учун ногора бўшлиги сув ичига очилади. Ногора бўшлигидан (ёргандан кейин) шиллиқ суюқлик чиқса, унда бола ўлик тугилган деб ўйлаш лозим.

**ПРОДОЛЖИТЕЛЬНОСТЬ ВНЕУТРОБНОЙ ЖИЗНИ МЛАДЕНЦА** — тугилган боланинг она ичидан ташқаридаги ҳаёти; бола тугилгандан кейинги ҳаёти; тугилгандан кейин боланинг қанча вақт яшагани. Уни аниқлаш учун қуйидагиларга эътибор берилди: киндикдаги демаркацион чизиқни ёки ҳалқани (яллилангани белгиси) мавжудлиги, бу чизиқ 8—10 соатдан кейин пайдо бўлади ва бир сутканинг охирида янада яхши ривожланади, 5—7 кундан кейин эса тушиб кетади; ҳавонинг фақат қизилўнгач ва меъданинг юқори қисмида бўлиши бир неча дақиқага тенг, ингичка ичакка тушиши — бир неча соатга тенг; 2—3 кундан кейин мекония ичакдан чиқиб кетади; туғруқ шиллигининг йўқ бўлиши 2 кунга тенг; кефалогематома (қ.) 2—4 ҳафтадан кейин йўқ бўлади. Боланинг вазни, унинг узунлиги ва бошқа белгилар ҳам уни тугилганидан кейин ўлганигача ўтган вақтнинг аниқлаш учун қўлланилади.

**ПРОДОЛЖИТЕЛЬНОСТЬ ВНУТРИУТРОБНОЙ ЖИЗНИ ПЛОДА** — ҳомиланинг она ичидagi вақт муддати; боланинг она ичидagi бўлган вақти; ҳомиланинг она ичидa пайдо бўлишидан тугилгунигача кўрган умри. Бу ҳомиланинг узунлигини ўлчаб аниқланади: 25 см гача бўлган узунлик илдиз остидан чиқарилади ва ундан кўп бўлган узунлик 5 сонига бўлинади. Иккала формула (Гааз тенгламаси) ҳам боланинг неча ойлигини аниқлайди. Яна неча кун умр кўрганлигини аниқладиган формула (тенглама) мавжуд. Ушбу Балдасарова Даръе формуласи болани см, лаб ўлчанган узунлигини 5,6 сонига кўпайтиради. Тенгламадан чиққан

сон бола шунча кун она ичда булганлигини билдирадн. Ундан ташкари нўлдошнинг вазни, киндикнинг узунлиги, суяк ўзакларининг мавжудлиги ва уларнинг қўндаланг ўлчамларига қараб, бола-нинг она ичидаги кўрган умри аниқланади.

**ПРОКУРАТУРА РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН** — Ўзбекистон Республикаси прокуратураси; давлат ҳокимият органи; қонуналарни текшириб туриши ташкилоти; ҳамма вазирликлар, маъмуриятлар, муассаса, ташкилотлар, шунингдек жамоа, мансабдор шахслар томонидан қонуларни тўғри ва бир хил ижро этиш учун олий давлат назорати органи (ташкилоти). Прокуратура ташкилотларининг фақлияти, иш олиб боришлари маҳаллий органларга боғлиқ эмас. Фақат Ўзбекистон Республикаси олий кенгаши томонидан сайланган Республика прокурорига итоат этади. Мухтор республика прокурори, вилоят, ноҳия прокурорлари Ўзбекистон Республикаси прокурори томонидан тайинланади (5 йил муддатга).

**ПРОКУРОР** — прокурор (лотинча *procurator* — назорат этиш, гамхўрлик қилмоқ); давлат қонулари ижро этилишини текшириб турувчи шахс; давлат қораловчиён, қонубузарларни суд жавобгарлигига тортувчи шахс. Прокурорлар, унга юкланган вазифаларни қўндалангча ижро этадилар: барча вазирликлар, маъмуриятлар, муассаса, идоралар, кооперативлар, жамиятлар, мансабдор шахслар, фуқаролар тўғри, бир тарзда қонунни ижро этишларини назорат қилиш; жиноят қилган шахсларни жиноий жавобгарликка тортиш; тафтиш ва дастлабки тергов органлари қонунга риоя этиб, уни бузмай иш тутган фаолиятлари устидан назорат қилиш; суд органларининг ҳукм тўғрисидаги чиқарган қарор ва ажримлари устидан назорат қилиш; ҳукмни ижро этиш қўнуниятини назорат қилиш; ҳуқуқдан маҳрум этилган жойларда қўнуниятни назорат қилиш ва бошқалар.

**ПРОСТУПОК** — хато, айб, ноҳўя хатти-ҳаракат — жамоат учун унча хавфли бўлмаган ёки хавф туғдирмайдиган ҳуқуқий тартиб-боти бузиш. Бундай хатти-ҳаракатнинг оқибатига қараб, маъмурият ёки жамоат таъсири чораларини қўллаш мумкин. Ноҳўя хатти-ҳаракат жиноятдан фарқланади ва бунинг учун айбдор шахсни уртоқлик суди муҳокамасига бериши ҳам мумкин.

**ПРОТЕКТОР** — протектор, автотравма, трактор парраклари устидан қўнлайдиган қаттиқ резина; агар автомобиль травмасида унинг парраклари одам танасини босиб ўтса, унда терида специфик (ўшанга хос) излар қолади; мазкур изларнинг келиб чиқшини шундан иборатки, машина парраги терини босиб, ундаги қонни чиқариб, терининг бошиқа жойини эса протекторнинг бўшлиқларига мўл келган жойларни тўлдиреди; натижада жароҳатланган терининг ўрни протектор изини эслатади. Ушбу излар автотравма эканертиласида асосий ўрнини эгаллайди.

**ПРОТЕСТ** — эътироз — давлат ёки жамоат ташкилотларининг нотўғри, яъни қонунга асосланмаган ҳолда чиқарилган турли ҳужжатлари (далолатлари) суднинг ажрими ва жиноят ишлари юзасидан прокурорнинг қонунни тўғри амалга оширилишини талаб қилиб парозилик, яъни эътироз билдириши. Эътирозни прокурор ва вилоят судларининг раислари томонидан тегишли Рийёсатларга назорат тартибда келтирилади. Бундай эътирозлар қонуний кучга кирган ҳукм, ҳал қилув қарори ёки ажримлар устидан келтирилиши мумкин.

**ПРОФЕССИОНАЛЬНЫЕ И ДОЛЖНОСТНЫЕ ПРАВОНАРУШЕНИЯ МЕДИЦИНСКИХ РАБОТНИКОВ** — тиббиёт ходимларининг касб ва мансабга оид ҳуқуқбузарликлари; тиббиёт ходимлари орасида шундайларни учрайдики, улар ўз бурчинини унутиб, бепар-



волик, эҳтиётсизлик, бағритонлик, ниждонсизлик, шифоёналик ва совуққонликка йўл қўядилар. Тиббиёт ходимларининг касб ва маънабга оид ҳуқуқбузарликлари икки хил, яъни жиноий ҳуқуқбузарликларга ва жиноятга дахлсиз шикоятбузарликларга бўлишади. Жиноий ҳуқуқбузарликлар ўз йўли билан учти бўлишади: 1) шикоятнинг ҳаётига ва соғлиғига қарши жиноятлар; 2) аҳолининг соғлиғига қарши жиноятлар ва 3) мансабга оид ҳуқуқбузарликлар. Биринчиси учун юридик жазолар Ўзбекистон Республикаси жиноий кодексининг тегишли моддаларида кўрсатилган, улар: қонунига аборт қилиш, жиноий бола тушириш; касалга ертам кўрсатмаслик; қасдан ва эҳтиётсизлик билан таби жароҳатлари етказиш; қасдан ва эҳтиётсизлик билан одам ўлдириш. Иккинчиси, яъни аҳоли соғлиғига қарши жиноятларга: қонунсиз иррадиация қилиш, эпидемияга қарши курашни мақсадида ўрнатилган қонданни бузиш; кучли таъсир қиладиган ва заҳарли моддаларни сотиш мақсадида гайриқонуний тайёрлаш, сотиб олиш, сақлаш, ташини ёки жўнатиш, ёхуд сотиш кириди. Учинчи — мансабга оид ҳуқуқбузарлик ишлари учун қўйидагилар киритилган: ҳокимият ёки хизмат мақолатидан ташқари чиқиб, ўз вазифасига совуққонлик, мансабдорлик, қалбақчилик, Тиббиёт ходимларининг касбий ҳуқуқбузарлигининг жиноятсиз хатоликларига ҳақимнинг янглишиши ва тиббиёт амалиётидаги бахтсиз воқеалар кириди.

**ПРОЦЕСС** — процесс, жараён (лотинча — processus — олга суриш), бориш ҳаракат; 1) суд муҳокамаси, суд иши, жиноий жараён, панаунали суд, эр-хотин ажралиш жараёни ва бошқалар; 2) ҳаракатлар мажмуаси, ишлаб чиқариш, ривожланиш жараёни ва бошқалар; 3) суд тиббиёти атамалари — касаллиқнинг, жароҳатнинг асралиши, ўлкадаги касаллиқнинг зуралиши, жигар касаллиғининг жараёни.

**ПУЛЯ** — ўқ; патронда жойлашган кичкина снаряд; мазкур ўқлар узунчоқ шаклли, учи тикир қўроғининг ёки пулатдан қилиниб тушонча, мийтиқ, автомат, пулемёт куролларидан отилади. Ўқлар қобиқли, ярим қобиқли, қобиқсиз бўлиши мумкин. Одатдаги ўқлар пулат қобиқ ва қўроғинини ўзакдан иборатдир.

**ПИЖ** — пиж — ов мийтигини ўқлаш учун порох оралиғида ишлатиладиган қистирма, қатлам. Ов мийтигини патрони ичида, бевосита порох устида картонли пиж қўйиб, уни устидан кигиз (наматли) пиж қўйилади. Пиж устига гипра (соқма) қўйилади ва патрон картонли пиж билан ёки парафин билан ёпилади. Ҳар бир топилган пиж (воқеа содир бўлган жойда ёки яра ичида) муҳим суд тиббиёти аҳамиятига эга, у далилий иш ё сифатида сақланади ва (кейинчалик) терговчига топширилади.

**ПЯТНА ВИШНЕВСКОГО** — Вишневский доғлари, совуқнинг марказий нерв системасига таъсир қилиши натижасида вегетатив, шунингдек, қуёшли чигал нерв системасининг трофик фаолияти бўғинади, меъда шиллиқ пардаси вена қон томирларидан қон юриши тўхтатилади, томирлар кенгайди, унинг деворларидан қон чиқиб, меъда шиллиқ пардаси остига қўйилади, қон қўйиллиш доғлари пайдо бўлади; меъда хлорид кислотаси таъсиридан эритроцитлар парчаланиб, гемоглобиндан гемин ажралиб хлоргемин ҳосил қилади, натижада қон доғлари қора тусли жигар рангга айланади; ушбу доғлар Вишневский доғлари деб аталади (1895 й. саратовлик шифокор С. М. Вишневский топгани туфайли). Суд тиббиёти амалий ишларида бу доғларнинг аҳамияти бор; уларнинг мавжудлиги киши совуқ таъсиридан ўлганлигини билдиради. Совуқдан ўлган шахсларнинг меъдасида 75—80% топилади.

**ПЯТНА КРОВИ** — қон доғлари; қон билан бўлганган жой-

лар; барча қон доғлари шакли ва хусусиятларига қараб қуйидагиларга бўлинадн: томчилар, қатралар, сачратқилар, учқунлар, кўлмак, оққан из (доғ), тамга ва бошқалар. Уларни воқеа содир бўлган жойда ёзиш, тасвирлаш муҳим тергов ва суд тиббиёти аҳамиятига эга.

**ПЯТНА ЛУКАМСКОГО-РАССКАЗОВА** — Лукамский-Рассказов доғлари; киши сувга чуқиб ўлганда унинг юрак ва ўпкасининг юзасида (эпикард, илебра пардалари остида) қизил-ним пушти рангли қон (қуйилиш) доғлари пайдо бўлади ва улар Лукомский Рассказов доғлари деб аталади. Бу доғлар Тардье (пятна Тардье — қ.) доғларидан каттароқ; ушбу доғларнинг ранги ва катталиги альвеолалараро капиллярларни ёриб чиққан сув миқдорига боғлиқ. Агар мурда сув остида икки ҳафта қолса, Лукомский-Рассказов доғлари йўқолади.

**ПЯТНА ЛЯРШЕ** — Лярше доғлари; киши ўлгандан кейин унинг организми қурғи бошлайди, суюқликлар буғланади. Қуриш жараёни кўз мугузидан бошланади, шунинг учун 5—6 соат ўтгандан кейин, кўзнинг очиқ жойларида кўз шох (мугуз) пардаси хиралашади, кейинчалик кул рангга айланади; ушбу ўзгариш кўз ярим очиқ ҳолатда қолдирилганда яққол кўринади; агар кўз қовоғини силжитиб қаралса, онда уч бурчакли кулранг қуриган доғлар кўринади; мазкур доғлар Лярше доғлари деб аталади. Учбурчакнинг асосий қисми ичкарига қаратилган бўлади.

**ПЯТНА ТАРДЬЕ** — Тардье доғлари механик асфиксиядан ўлган шахсларнинг мурдаси ёриб текширилганда ўпка юзасида, сероз парда (висцерал илебра) остида ва юрак юзаси сероз парда — эпикард остида нуқта шаклли, қизил рангли кўпгина қон қуйилган доғларни кўради. 1895 йили биринчи бўлиб француз суд тиббиёти профессори Тардье топгани туфайли, улар Тардье доғлари деб аталади.

## Р

**РАЗБОЙ** — босқинчилик, фуқароларнинг шахсий мулкни эгаллаш, давлат ёки жамоат мулкни талон-тароғ қилиш жиноятни яшириш мақсадида жабрланувчининг ҳаёти ёки соғлиги учун хавфли бўлган зўрлик ишлатиб ёки шундай зўрлик ишлатиш хавфи билан қўрқитиб тажовуз қилиш. Ўзбекистон Республикаси жиёят кодексининг 164-моддасида қуйидагилар ёзилган. «...Босқинчилик баданга оғир шикаст етказиб қилинса ёхуд ашаддий жиноятчи томондан амалга оширилса, мол-мулкни мусодара қилиб ўн йилдан ўн беш йилгача муддатга озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади».

**РАЗВРАТНЫЕ ДЕЙСТВИЯ** — ноҳўя ҳаракатлар, беҳаё ҳаракатлар; балоғатга етмаган ўсмирларга нисбатан эркак ва аёлнинг ноҳўя ҳаракат қилиши жиний жазога тортилади; ноҳўя ҳаракатларга: жинсий аъзони сонлар оралигида, ўсмир жинсий аъзосига тегизиб ишқалаш, ёш болаларга жинсий аъзони, уятсиз суратларни кўрсатиш, уятсиз воқеаларни айтиш ва бошқалар кирди ва булар фақат тергов йўли билан аниқланади. Беҳаё ҳаракатлар ўсмирларнинг жиний сезгирлиги эрта уйғонишига сабаб бўлади; бундай ҳаракатлар кўпинча жабрдийда танасида яққол белгилар қолдирмайди, аммо воқеа содир бўлаётган жараёнда ўсмирлар танасига сперма доғлари гушиши, жинсий орган атрофида, қизлик пардасида ёки унинг атрофида жароҳатлар — моматалоқ, тирналиш, қонталаш кабилар кузатилиши мумкин.

**РАЗВРАЩЕНИЕ МАЛОЛЕТНИХ** — ёш болаларни бузиш, ёш болаларга нисбатан уятсиз ҳаракатлар қилиш

**РАЗДАВЛИВАНИЕ** — босиб янчиш; эзиб юбориш; шундай ҳолатки, жароҳатланиш натижасида тўқималар ёзилган бўлилади. Тўқималараро суюқликлар сиқиб чиқарилади. Тўқималар ўзлари начакланиб, қаттиқлашади ва қуриydi. Эзилиш ички ва ташқи буфферлар оралиқларида, бош, қўл, оёқларни катта оғир нарсалар боғайда, деворлар, карьерлар ўпирилиши, қўлаши, йиқилишида пайдо бўлади. Мазкур атамалар одатда катта, кенгина жароҳатларнинг (оёқ, қўл, калла, аммо аъзоларнинг эмас) тасвириши, ифодалаш учун қўлланилади.

**РАЗДРАЖИМОСТЬ, ВОЗБУДИМОСТЬ** — организм фаолиятини ўзгартириши; мазкур ҳолатлар ташқи ва ички муҳит таъсиридан вужудга келади, организм ўз реакцияси билан жаноб қайта ради.

**РАЗМОЗЖЕНИЕ** — мажақлаш; аъзолар бутуллигини, улар тўқималарининг қисман (бирон жойида) ёки умуман ҳаммаси бузилишига мажақланиш деб айтилади. Масалан, автомашини паррагининг босиб ўтиши натижасида жигар мажақланиши. Мазкур жароҳатлар балангликдан йиқилишда, транспортлар травмасида учраб туради. Мазкур атама паренхиматик аъзоларнинг жароҳатланишида ишлатилади.

**РАЗМЯТИЕ** — янчилиш, эзилиш; тана жароҳати. кўпинча темир йўл, автотранспортлар таъсиридан пайдо бўлади.

**РАЗРУШЕНИЕ ТРУПА ЖИВОТНЫМИ** — мурданинг ҳайвонлар томонидан бузилиши; мурдани ҳашаротлар, қурт-қумурсқа, кемпировчи, майда ва катта йиртқич ҳайвонлар бузиши мумкин; ҳашаротлар ичида энг кўп учрайдигани — бу уй пашшаси; улар 1,5—2 ҳафта ичида чақалоқ мурдасининг юмшоқ тўқималарини бутунлай бузиши мумкин, катта киши мурдасини эса 1—1,5 ой ичида бузади. Пашшалар кўп вақт ўтмай, киши ўлгандан кейин унинг табиий тешиклари, яра, кўзи атрофларида кўнгина оқ заррачаларга ўхшаш тухумларини қолдиради, 1 сутка ўтгач улардан курттаклар пайдо бўлади, улар курттакларга ўхшаш, дарров юмшоқ тўқималарни еб, тезда ривожланиб кетади, ўзидан протеолитик фермент ажратиб тўқималарни эритади, 1—1,5 ҳафтадан кейин курттаклардан капалаклар ва 2 ҳафтадан сўнг капалаклардан пашшалар пайдо бўлади. Уй пашшаларининг биологик ривожланиш даври (15—20°C да) тахминан 3—4 ҳафтага тенг; агар ҳарорат 30°C бўлса, ушбу давр 2 ҳафтада гугаши мумкин. Пашшанинг биологик даврий ўсишлари киши ўлгандан кейинги вақтни аниқлашга катта ёрдам беради. Масалан, тухум қолдириш киши ўлганидан 1 кун ўтганини кўрсатади, агар улар билан биргаликда курттаклар учраса — бир кундан кўп бўлади; курттаклар сони кўпайса — унда 1 ҳафта ўтганлигини кўрсатади ва бошқалар

**РАЗРЫВ** — ёрилиш; жароҳат натижасида рўй берган тўқимашикастланиши, ёрилган жойи; бутун тўқималар оралиғида ҳосил бўлган ёрилиш жароҳати. Травматологияда ҳаддан ташқари тўқималарнинг чўзилиб жароҳатланишига ҳам атама ишлатилади. Айниқса, бу атама ички аъзоларни ўтмас буюмлар билан ёки юқоридан йиқилиш натижасида пайдо бўлган жароҳатларни ифодалашда ишлатилади.

Одатда, ички аъзоларнинг ёрчилиши кузатилганда ташқи томондан, яъни терида жароҳатлар кузатилмайди. Кузатилса ҳам, унча кўп бўлмайди.

**РАНЕНИЕ** — жароҳатланиш; мазкур атама шикастланиш, жа-



роҳат синоними сифатида ишлатилади; ташқи муҳит таъсиридан пайдо бўлган жароҳат.

**РАНЫ** — яралар, тери бутунлигининг бузилиши; аксари тери ости юмшоқ тўқималар, нерв қои томирлари, ҳаттоки ички органларнинг бутунлиги ҳам бузилади. Яра турлари қандай буюмлардан жароҳат етказилганлигига боғлиқ, шунингдек шикастланиш механизмига қараб ўтмас, қаттиқ буюмлардан зарб етган, йиртилган, эзилган, тишланган яралар тафовут қилинади; ўткир буюмлардан — кесилган, санчилган, санчиб кесилган, чопилган яралар пайдо бўлади; ўқотар қуроллардан — ўқ теккан, пистонли, осколкали яралар тафовут қилинади. Яраларнинг жойлашгани, уларнинг шакли, четлари, канали, бир-бирига зич тақалиб турганини тадқиқот қилиш катта суд тиббиёти аҳамиятига эга, чунки уларни текшириб яраларнинг қайси буюм таъсиридан ва қандай қилиб вужудга келганлигини аниқлаш мумкин. Микроскопик текшириш ёрдами билан яралар киши ҳаёт пайтида, яъни тириклигида ёки ўлгандан кейин пайдо бўлганлигини тафовут қилиш мумкин. Ҳаёт пайтида вужудга келган яранинг ўзини ҳос белгилари бор. Уларнинг четлари бир-биридан ажралиб туради, яра канали бўйи тўқима бутунлигининг бузилиши, канал бўшлиғида, унинг четларида қои қуйилиши; канал агрофида тери ости ёи клетчаткасида, юмшоқ тўқималарда қопталашлар кузатилади; уларнинг самаралиги жароҳат етказилган буюмнинг катта ва кичик, енгил-оғирлиги на бошқа омилларга ҳам боғлиқ. Вақт ўтиши билан яранинг четлари ўзаро улашиб эт олганда жароҳат ўрнида узунчоқ чандиқ қолади, яра четлари очилиб турган, йириглаб кетган жароҳатларда, уларнинг четлари орасидаги бўшлиқ аввалига нобуд бўлган жойларда, кейинчалик қолган жойларда грануляция билан тўлиб боради. Сўнгра бу грануляциялар эпителий билан қопланган чандиқ тўқимага айланади.

**РАНЫ КОЛОТО-РЕЗАННЫЕ** — санчилган-кесилган яралар; кесувчи буюмлар баданда фақат дами ёки қирраси билан сирганиб кесмай, балки ўткир учи билан кирганда ҳам кесиши мумкин; бундай тава шикастланиши санчилган-кесилган яралар (жароҳатлар) деб, унинг буюмлари эса санчувчи-кесувчи буюмлар деб аталади; мазкур буюмлар таркибига пичоқлар, ханжарлар, қайчилар ва бошқалар киради. Дами ўткир учли буюм чуқурликка ботиши билан тўқималарни кесиб ажратади. Санчилган-кесилган яранинг асосий белгиси шундаки, унинг чуқурлиги, кенлиги ва узунлигидан кўпроқ бўлиб туради. Агар икки дамли чархланган ханжар билан санчилса, жароҳат кесилган ярага ўхшайди; аммо унинг чуқурлиги ҳамма вақт яранинг узунлигидан кўпроқ бўлади; агар бир дамли пичоқ бўлса, унда яра шакли ундов белгисига ўхшайди, унинг яримойсимон бурчаги пичоқни пона томонида ва ўткир бурчаги — чархланган тиги томонда жойлашган бўлади.

**РАНЫ КОЛОТЫЕ** — санчилган яралар; қўндаланг, турли кесиладиган четлари кесилмайдиган, аммо учи ўткир конуссимон буюмлар таъсиридан вужудга келадиган яралар билан таърифланади. Бундай буюмлар санчувчи буюмлар ва улардан пайдо бўлган жароҳат санчилган яралар деб аталади. Бундай буюмлар туркумига бигиз, стамеска, долото қайчи, бураткич ва бошқалар киради. Ушбу буюмлар ўткир учи билан тери қопламани жароҳатлантириб, кейин уни йириб, тери ости тўқималарни чўзиб, ичкарига киради. Жароҳатлантирувчи буюм ўзининг тиги билан сирпаниб, яра атрофидаги терини тирнайди. Санчиқ яранинг шакли ёриқсимон бўлиб, одатда буюмнинг қўндалангига тўғри келмайди, чунки тери эластик толалари қисқаради. Санчиладиган буюм қиррали бўлса, унинг қирраларидан пайдо бўлган жароҳат нурсимон бўлади. Буюмнинг

қирраларни қанча чиқиб турган ва ўткир бўлса, яранинг нурсимонлиги шунча самарали бўлади; кўп қиррали санчувчи буюм тартида конуссимон, кўндаланг, доирасимон тешик қолдиради. Санчувчи буюм катта куч билан суяк тўқимасини жароҳатlantирса, унда жароҳатнинг кириш тешиги санчувчи буюмнинг диаметрига, унинг кўндаланг кесимига тўғри келиши мумкин.

**РАНЫ ОГНЕСТРЕЛЬНЫЕ** — ўқ теккан яралар; ўқ теккан яраларнинг келиб чиқиши ўқотар қурооллар билан боғлиқдир; снаряддин портловчи энергия билан ҳаракатга келтирувчи буюм ўқотар қуроол ва ундан пайдо бўлган ярани ўқ теккан яра деб аталади; мазкур жароҳат, у ўқнинг катта тезлик билан учиб (юзлаб, ҳаттоки минглаб метр секунд тезлик билан) жисмга тегишидан ҳосил бўлади. Одам танаcида портловчи модданинг ёниши натижасида пайдо бўладиган ўзгаришлар (яралар) қуйидаги таъсирлардан иборат: портлаш тўқини, газ, юқори даражали температура; граната, артиллерия снарядлари, бомба, минаялар ёрилишидан парчаланган осколкалар, сочма ўқ (пистон), газ (милтиқ, тўплончалардан отилган) лар таъсиридан вужудга келган яралар. Ўқотар яраларнинг шакли, тавсифи отилган ўқнинг, қуроолнинг турлирига боғлиқ. Суд тиббий амалиётида кўпинча ўқотар қуроолларида чиққан ўқ, сочма жароҳатлар (сочма ўқ яралари) учраб туради.

**РАНЫ РЕЗАННЫЕ** — кесилган яралар; юмшоқ тўқималарнинг кесилиши натижасида ажралини, фақат ўткир буюмларнинг перпендикуляр таъсирига эмас, балки уларнинг тангенциал босим ҳаракатига ҳам боғлиқ. Жароҳатларнинг бундай ҳолатдан пайдо бўлган меҳнатини кесувчи буюмларга мансубдир. Ушбу буюмлар туркумига биринчи бўлиб пичоқлар, ханжарлар, пискалар, паккилар кирди; улар туркумига ўткир қиррали буюмлар, масалан синиқ ойналар ҳам кирди. Кесилган яралар озгина босим ва тортиш жараёнида юзага келади; босим кучи жароҳат бўйи бир хил бўлмайди: бошлангишида қаттиқроқ бўлиб, кейинчалик пасайиб, охирида йўқ бўлиб кетади; шунинг учун кесилган яралар ўзига ҳосдир; яранинг четлари силлиқ, бурчаклари ўткир, унинг узунлиги, чуқурлиги ва кенлигидан ортиб туради; кесилиши бошлаган жой, яранинг учдан бир қисми чуқурроқ ва охири юзаки жароҳатланган бўлиб, тирналган шаклни ўхшатади. Агар кесувчи буюм кесилган йўнида бир неча маротаба бурилса, унда тирналган кесимчага ўхшаш жойлар бир нечта бўлиши мумкин. Кесикчага ўхшаш жароҳатлар яранинг тагида ҳам бўлиши мумкин, масалан тоғай ва суякда. Агар кесил жараёнида тери бурма ҳолатда бўлса, унда яра эгри-бугри, плонизи шаклида бўлади. Утмас, тишчанган кесувчи буюмлардан пайдо бўлган яра четлари нотекис ва гадир-будур бўлади; ўткир чарчлаган паккилардан вужудга келган яралар жуда ҳам чуқур бўлиши мумкин. Кесилган яраларнинг тарқалган жойлари турлича бўлиб, уларни тадқиқлаш катта суд тиббиёти аҳамиятига эгадир. Кесилган яралар бўйи олдида, билакнинг ички юзасида жойлашган бўлса, унда киши ўз-ўзига жароҳат етказган деб ўйлаш мумкин. Ушбу жойларда пайдо бўлган яралар одатда кўп, бир-бирига яқин, параллел жойлашган бўлади; уларни текширганимизда айрим яраларнинг четларида бир нечта тирналган, юзаки жойлашган ярачаларни кўришимиз мумкин. Ўзини ҳимоя қилиш учун кесувчи буюмни қўли билан ушлаганда, қафт ва панжалар ичи жароҳатланади.

**РАНЫ РУБЛЕННЫЕ** — чопилган яралар; чопилдиган қуроол, асбоб ва буюмлар таъсиридан келиб чиққан яралар (жароҳатлар). Чопилдиган буюмлар (қуроол, асбоблар) конуссимон кесимга эга

булиб, улар ўткир учи билан жароҳат етказди. Мазкур буюмлар туркумига қилчлар, шамширлар, болталар, тешалар, қийма чопқилар, пойтешалар ва бошқалар кирди. Чопилдиган буюмлар тўғри ва ўткир бурчак ости таъсирдан жароҳат етказиши мумкин, чопилган яралар суяк тўқимасининг шикастланиши билан таърифланади. Ўткир тигли (дамли) чопилдиган буюмларда пайдо бўлган яралар, уларни қийшиқ тутиб товоли билан урган яралардан фарқланади. Товоли билан урганда теридаги яранинг бир учи ўткир, иккинчиси эса «П» шаклини ҳосил қилади. Агар болта тиги билан тор бурчак остида урилса, унда баден юзасида лахтак яралар пайдо бўлади. Бурчак ҳосил бўлган томоғида болта тиги сирғаниб, ўша жойда терини тимдалайди, шилади.

**РАНЫ УШИБЛЕННЫЕ** — лат еган яралар, зарб егган яралар; ўтмас буюмлар билан жароҳат етказганда суякка яқин жойлашган тери (бош суяк гумбази, болдир олди ва бошқалар), жароҳатланишида пайдо бўлади. Яранинг четлари моматалоклашган, эпидермис шилшган; четларини очиб яранинг тағида тўқима бириктирувчи ўлчагичларни кўриқчаларга ўхшашини куриши мумкин; яралар шакли юлдузсимон ва кўч қиррали буюмлар таъсиридан нисбатан юзи катта бўлган буюмлар таъсиридан ҳосил бўлган чизикли яралар вужудга келади, купинча бундай шаклли яралар соч билан қопланган калла терисида учрайди; қиррали буюмлар (болта, болга, тешаларнинг пона юзи) билан урганда яранинг четларида буюмнинг қирраларига мансуб бурчаклар ҳосил бўлади; бундай яраларнинг ўтмас буюмлар таъсирига хос бўлган яра четларида буралиб чиққан соч пиёзчаларини кўришимиз мумкин, мазкур лат еган яралар учун хос бўлган ушбу мезон кесилган, чопилган яраларда учрамайди, чунки ўткир буюмлар соч пиёзчаларини кесиб ташлайди. Агар урилдиган буюмларнинг одам тана юзасига нисбатан ҳосил бўлган бурчаги  $90^\circ$  дан кам бўлса, унда буюмнинг босишидан ташқари, тангенциал таъсири вужудга келади; урадиган зарба бурчаги қанча кам бўлса, тангенциал таъсири шунча самарали бўлади;  $75-30^\circ$  бурчакда зарба етказилган жойда тилиниши, қонталашлар кўринади; агар бурчак ундан ҳам кам бўлса, унда фақат тилинишларини кўришимиз мумкин. Ҳажми катта бўлган буюмлар юқори энергияга эга бўлган тезлик билан бурчак ҳосил қилиб, жароҳат етказганда, лахталанган, йиртилган яралар ҳосил бўлади; айрим вақтларда юшмоқ тўқималарда қон билан тулган «киссалар», «чунтаклар» ҳосил бўлади.

**РАСПРОСТРАНЕНИЕ ВЕНЕРИЧЕСКИХ ЗАБОЛЕВАНИЙ** — таносил касалликларини тарқатиш, сировга таносил касаллигини юқтириш. Таносил касаллигини даволатидаги беш туртин ва бу касалликни юқтириш жиноят деб ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси жинсий кодексининг 113-моддаси билан жавобгарликка тортилади.

**РАССТРОЙСТВО ЗДОРОВЬЯ** — соғлиқнинг бузилиши: Ўзбекистон Республикаси жинсий кодексининг қонунига тегишли, енгил ва унча оғир бўлмаган тан жароҳатлари даражасини аниқлайдиган мезонлардан бири деб ҳисобланадиган касаллик, организм нормал ҳолатининг бузилишига айтилади. Мазкур соғлиқнинг бузилиши деган тушунча ҳар бир шахсга тегишлидир. Масалан, бу тушунча ишловчи ёки ишсиз шахсга, болага ёки қарияга, ногирон ва бениқбатларга тегишли бўлиши мумкин. Аммо, соғлиқнинг бузилишини вақтинча иш қобилиятини йўқотиш тушунчаси билан мослаштириш нотўғри (мумкин эмас). Ишловчи, ишга лаёқатли шахсларнинг соғлини ёмонлашганда уларнинг иш қобилияти вақтинча йўқолиши ёки йўқолмаслиги мумкин. Масалан, бурун суяги шикастланганда



соғлиқ бузилса ҳам, аммо иш фаолиятини давом эттириш мумкин, лекин вақтинча иш қобилияти йўқолмаслиги мумкин. Бундай ҳолда ишлаб туриб, биратўла даволаниш мумкин. Тан жароҳатининг даражасини баҳолашда суд-тиб эксперти шахснинг иш қобилиятини йўқотиш мuddатини инобатга олмасдан, унинг объектив соғлиқни бузилиш мuddатини инобатга олиши лозим; унинг объектив умумий ҳолатини аниқлаши лозим, шунинг учун жабрдийданинг фақат соғлигининг бузилиш давомийлигини, уни тўлиқ даволаниш учун қанча вақт кетишини инобатга олиши керак.

**РАССУДОК** — идрок, тирик организмнинг маълумотларини қабул қилиб қайта ишлаш жараёни; ўз майдонидаги объектни, нарсани ҳиссий ақс эттириш шакли сифатида аниқланади, ундан информатив мазмунини шакллантиради.

**РАСТЛЕНИЕ** — порасида қиз болани зўрлаш, номусига тажовуз қилиш; иффатини бузиш; ахлоқий бузилиш. Агар қизлик пардасининг бутунлиги жинсий алоқа бўлмасдан (бошқа, масалан, ноҳуя ишлар билан) бузилса, унда номусга тегиш деб бўлмайди. Одатда суд тиббиёти эксперти номусга тегишликни аниқлашга лаёқатли эмас, чунки у буни аниқлай олмайди. Эксперт фақат ҳақиқатдан жинсий алоқа бўлган ёки бўлмаганлигини, шунингдек қизлик пардаси бузилган ёки бузылмаганлигини аниқлайди.

**РАСЧЛЕНЕНИЕ ТРУПА** — мурдани бўлак бўлак қилиб ташлаш; жиноятни йўқ қилиш, яшириш мақсадида қотил ўлиқни бўлақларга ажратиб, парчалаб ташлайди. Бу парчаланган мурдани текшириш катта аҳамиятга эга. Агар бу бўлақлардан бирон қисми топилса, унда терговчи томонидан турли саволлар қўйилиши мумкин; топилган ўлик бўлаги қайси жинсга тегишли? Ўлдирилган шахснинг ёши, қандай усудда ўлдирилгани ва ўлдирish учун қандай қуроллар қўлланилгани ва бошқалар.

**РВОТНЫЕ МАССЫ** — қусуқ, уни текшириш катта тиббий аҳамиятга эга. Қусуқ турли суд тиббиёти фожиаларида руй беради: ўлгандан кейин мурданинг орган ва тўқималарида газ пайдо бўлади; мазкур газ меъдани қисиб, ундаги озпқ-овқат бутқаларини қизилўнғач орқали оғиз бўшлиғига ташлайди ва улар мурда қусуғи деб аталади; ушбу қусуқ фақат йирик нафас йўлларида бўлиши мумкин; агар киши тириклигида қусса, унинг қусуғи нафас йўли овоз тирқишини бекитиб, асфиксия келтириши мумкин; қусуқ нафас йўллари, кекирдак, бронхлар, ҳаттоки, майда бронхларгача бориб улар йўллариини тўсиб, натижада аспирацион асфиксияни юзага келтиради. Механик аспирацион асфиксиянинг сабаблари ҳаддан ташқари кўп касалликлар натижасида, шунингдек киши маст ҳолатида ва клиник шароитларда нарксини нотўғри беришдан юзага келиши мумкин. Қусуқ айрим вақтда ташхис қўйишга ёрдам беради, масалан, киши заҳарланганда воқеа содир бўлган жойда, мурда олдида, унинг атрофида, ҳожатхонада, челақ ва ванна ичида қусуқ массасини топиш мумкин, ушбу далилий ашёлар махсус қонда-тартиб билан олиниб текширилади ва заҳарли модда билан заҳарлангани аниқланади.

**РЕАБИЛИТАЦИЯ** — реабилитация (лотинча — reabilitacio — қайта тиклаш); 1. Нотўғри айбланган кишининг обрўсини қайта тиклаш. 2. Маъмурий йўл билан ёки суд орқали киши аввалги ҳолатини қайта тиклаш. 3. Касалликлар ва шикастланишлар натижасида пайдо бўлган жисмоний, руҳий ўзгаришларини йўқотиш учун кузатилган ялпи чора-тадбирлар ва уларни ўз иш фаолиятларини бажариш учун қайтариш.

**РЕАКТИВНОСТЬ ОРГАНИЗМА** — организм реактивлиги (лотинча те қўшимча тесқари, қайта сўзи ва activus — фаол); ташқи

муҳит таъсирига организмнинг ҳаёт фаолиятини ўзгартириши, яъни организмнинг ташқи муҳит шароитига ўзини мослаштириш жавоби.

**РЕАКЦИИ МИКРОКРИСТАЛЛИЧЕСКИЕ** — микрокристаллик тажрибалар (реакциялар). Даллалли ашёларни текшириш жараёнида ишлатиладиган реакциялар. Улар доғларда қон ёки сперма мавжудлигини аниқлаш учун қўлланади. Масалан, қон мавжудлигини аниқлаш учун гемин ёки гемохромоген микрокристаллик реакциялари; сперма мавжудлигини аниқлаш учун под — холни, спермин — иккин микрокристаллик реакциялари ва бошқалар бўлиши мумкин.

**РЕАКЦИЯ** — реакция (лот, ге — қарши, қайта, actio — таъсир), 1. Иккита ёки бир нечта моддалар таъсири натижасида ҳосил бўлган янги модда (нарса). 2. Қарама-қаршилик натижасида рўй берган янги ҳаракат фаолияти.

**РЕАКЦИЯ АБСОРБЦИИ АГГЛЮТИНИНОВ** — агглютиниинлар абсорбцияси реакцияси; қон доғида (изида) АВО системасидаги қон гуруҳларини аниқлаш учун ишлатиладиган усуллардан бири. Агглютиногенлар агглютиниинларга нисбатан ташқи муҳит таъсирига анча чидамли ва турғундир. Абсорбция усулининг қондалари шундан иборатки, номдош агглютиногенлар билан зардобларнинг агглютиниинлари ўзаро учрашиб, бир-бирининг таъсири натижасида абсорбция (ютиш) ҳодисаси юз беради. Агар бундай реакцияга тушган зардобни стандарт номдош эритроцитлар билан қайтадан текширилса, унда абсорбцияда қатаашган зардобдаги агглютинииннинг дастлабки титри пасайиши, яъни камайиши, ёхуд унинг мутлақо йўқ бўлиши кузатилади. Масалан, агар текширилаётган қон доғи АВО системаси бўйича иккинчи гуруҳга мансуб бўлса, унда зардобнинг анти — А (альфа агглютинииннинг) дастлабки титри камайди; агар қон учинчи гуруҳга мансуб бўлса, унда анти — В зардобининг (бета агглютинииннинг) дастлабки титри камайди ёки мутлақо йўқолади; агарда қон туртинчи гуруҳга тегишли бўлса, унда зардобнинг ҳам альфа, ҳам бета титрлари камайди (йўқолади); ниҳоят, биринчи гуруҳга тегишли қон доғи альфа ва бета титрларини ўзгартирмайди, чунки мазкур гуруҳларда А ва В ларга тегишли антигенлар бўлмайди.

**РЕАКЦИЯ АБСОРБЦИИ ЭЛЮЦИИ** — абсорбция элюция реакцияси; абсорбция элюция реакцияси юқорида қайд этилган агглютиниинлар абсорбциялаш реакциясидан шу билан фарқ қиладикки, абсорбцияланган агглютиниин олдин элюция қилиниб, сунгра аниқланади. Ушбу реакция билан жуда ҳам кам миқдорли материалларни текшириш мумкин. Мазкур реакциянинг схемасини келтирамиз; метода жойлашган қон доғидан олинган толача спирт билан шилво берилиб, сунг иккига бўлинади. Бир қисмига альфа зардобни (агглютиниинни), иккинчи қисмига бета зардобни қуйилади. Сунгра зардобларнинг ортиқчаси музлатилган физиологик эритма билан ювиб ташланади. Агар текширилаётган объектда анти — В (бета) агглютиниинга монанд В агглютиногени мавжуд бўлса, антиген — антитела бирикмаси (комплекси) ҳосил бўлади. Бу бирикманинг анти — А (альфа) зардобни ҳосил қилмайди. Антиген (агглютиноген) В ва анти — В (бета) антителаси (агглютиниинни) орасидаги боғлиқлик объектни қиздираётганда (элюция пайтида) узилади. Антитела (агглютиниин) эритмага утгач В гуруҳига қарашли стандарт эритмаларни элюатга қўшиб, унд (антителани) аниқлайдилар. Яъни, элюатга В гуруҳли эритроцитларни қўшганимизда эритроцитлар агглютинацияси рўй беради. Анти — А (альфа) зардобни қуйилиб, сунгра физиологик эритма билан ювилган элюатнинг биринчи қисмида А гуруҳли эритроцитларнинг агглютинацияси ҳо-

сил бўлмайди, чунки объектдан олинган толада анти — А зардобини (альфа изоагглютининни) боғлайдиган А агглютиногени бўлмайди.

**РЕАКЦИЯ ЛЯТЕСА** — Лятеc реакцияси; қон ишларида агглютининларни топиш реакцияси. Қон доғларида АВО системаси гуруҳини аниқлаш нафақат агглютиногенларни топишга асосланиб, балки агглютининларни ҳам топишга асослангандир. Агглютининларни аниқлаш Лятеc усули бўлича оинирилади. Мазкур усул қоплагич ойнача билан ишлана уеман деб ҳам юришилади. Бунинг учун тоза буюм ойнаси устидан махсус қаллам билан тенг иккига бўлиб чиқамиз. Буюм ойнаси четларининг бир томонида А, иккинчи томонида В ҳарфларини ёзамиз. Қон доғи бор ишлардан 2 × 2 мм ҳажмдаги бўлақчаларни олиш керак. Бу бўлақчаларнинг ҳар бирини алоҳида-алоҳида қилиб буюм ойнасанинг иккала бўлағи ўртасига жойлаштирамиз ва устидан қоплагич ойначалар билан қоплаймиз. Тегинли ёзуви бор ойнача қоплагичларидан бирининг остидан (Шастер томизғич ёрдами билан) А гуруҳли стандарт эритроцитларининг 0,25% ли суюқлигини, иккинчисининг остидан В гуруҳли стандарт эритроцитларининг 0,25% ли суюқлигини юборамиз. Эритроцитлар суюқлиги фақат ишлатилишидан олдин тайёрланади, чунки вақт ўтиши билан улардан қалбаки (сохта) ўзига хос бўлмаган агглютинациялар ҳосил бўлиши учун кенг имконият туғилади. Текшириш объектлари жойлашган буюм ойначалари намланган бўлмага (камерага) жойлаштирилади (бўлманинг тубига ҳўлланган дога парчалари солинади). 30—40 минутлардан кейин буюм ойначалари бўлмадан чиқариб олиниб, микроскоп орқали текширилади. Аниқ натижаларга эришиш учун қоплагич ойначанинг четлари илгичка ишча таёқчанинг учи билан босилади. Бунда биз бўлақчаларнинг четларида бир-бирига ёпишган (биркиби) эритроцитларни (агглютинация ҳодисаси) кўрамиз. Агар тажрибада ангилашилмовчилик ёки тушунмовчилик юз берса, унда мешгулот охирига қадар яна ҳар 30—40 минутдан кейин, қайта микроскопда текширишни қўллаш керак (такрорий). Шунинг таъкидлаб ўтиш керакки, кузатишни 24 соат давомида олиб борса бўлади. Бундан кейин эса ўзига хос бўлмаган агглютинация ҳодисаси юз берishi мумкин.

**РЕАКЦИЯ ОПРЕДЕЛЕНИЕ ГЕМИНА (ТЕЙХМАНА)** — геминни топиш (Тейхман) реакцияси; доғларда қон мавжудлигини аниқлаш реакцияси. Мазкур реакция 1853 й. Тейхман томонидан кашф этилган. Бу ишончли реакциялардан бири бўлиб, уни ўтказиш учун доғнинг эритидан қириб олинган қириндиги буюм ойначасига қўйиб унинг устига бир неча ош тузи доғачаларини ташлаб, ундан кейин 1—2 томчи сирка жавҳардан томизилади. Сўнгра қоплагич ойначаси билан қоплаб, сиртовка алаиғаси устидан қиздирилади. Агар доғ қириндигида қон мавжуд бўлса, микроскопда қийшиқ шаклларга эга бўлган жигар рангли кристаллар кўринади. Бу кристаллар хлор гемин ёки Тейхман кристаллари деб аталади. Гемин кристалларининг ҳосил бўлиши доғда қон мавжудлигини кўрсатади, бироқ тажрибанинг салбийлиги, яъни кристалларни томмаслик қон йўқлигини исботлай олмайди, чунки кўпгина ташқи муҳит омиллари (қон доғининг ифлосланиши, уни мазут, бўёқлар ва бошқа нарсалар билан аралашмалари) кристалларининг ҳосил бўлишига тўсқинлик қилади. Шунинг учун мазкур реакциянинг турли модификациялари кашф этилган. Улардан бири гемин кристалларининг сирка бутанол буғлари билан тушишган камерада аниқлаш реакциясидир. Бунинг учун доғ қириндигидан ёки қирқилган парчасидан (матода жойлашган доғдан) олиб пробирка тагига



солинади, унинг устидан хлор жавҳари ацетондан (1,8 мл миқдорли концентратли хлор жавҳари ва 100 мл ацетон миқдори ҳисобидан тайёрланади) томизиб, догдан экстракт (сўриб олинган эритма) тайёрланади. Экстрактдан буюм ойначасига бир томчи томизиб, уни ўша заҳоти бутанол-спирка жавҳари (4:1) билан тўйдирилади. Петри косачасига қўйилади. Томчи буғлашиб кетиб, ўрнида жигар ранг тусдаги қуриган ҳошия қолади. Микроскоп орқали қараганда мазкур ҳошияда кўп миқдорли гемин кристаллари кўринади. Улар иншасимон, қийшиқ параллелограм шакллarga эга бўлади.

**РЕАКЦИЯ ПРЕЦИПИТАЦИИ В ГЕЛЕ** — гелда ўтказиладиган преципитация реакциялари; қон доғлари ифлосланганда, ундан олинган сиқма (экстракт) лойқалантирилган, пошаффоф бўлади ва бундай сиқмалар билан преципитация реакциясини суюқликда ўтказиб бўлмайди. Бундай ҳолларда преципитация реакцияси гелда масалан, агар гелида ўтказилади. Петри косачасига эритилган агар қўйилади. Агар қотгандан кейин унинг қағламда «тешикчалар» ясалади, уларнинг биттаси ўртада, қолганлари эса унинг атрофида жойлашган бўлади. Ўртадаги «тешикчага» қон доғидан олинган сиқмани (экстрактни) ва атрофдаги тешикчаларга эса оқсилларга (одам ва ҳайвонлар оқсилларига) тайёрланган зардоблардан (преципитат зардоблари) солинадди. Мазкур суюқликлар агар гелида сингишадилар (диффузия орқали), натижада сиқма (антиген) билан преципитат зардоб (антигел) учрашиб, реакцияга киришади. Агар бир-бирига мос (гомологик) бўлсалар, преципитат (оқ чизик шакли чўкма) ҳосил бўлади; агарда гегерологик (бир-бирига мос бўлмаган) бўлса, мазкур преципитат ҳосил бўлмайди.

**РЕАКЦИЯ ПРЕЦИПИТАЦИИ ЧИСТОВИЧА** — УЛЕНГУТА — Чистович — Уленгут преципитация реакциялари (лот. *praccitatio* — чўкма) қон турларини аниқлаш усули. Далилий ашёларда қон мавжудлигини аниқлагандан кейин, унинг кимга — инсонгами ёки ҳайвонга тегишли эканлигини аниқлаш. Ҳайвонга тегишли бўлса, унда қайси ҳайвонга тегишли эканлигини аниқлаш лозим. Суд тиббиёти амалий ишида қон турлари иммунологик (преципитат зардоблари ёрдами билан) усул билан аниқланади, янада аниқроғи — преципитация реакцияси орқали амалга оширилади. Суд тиббиёти амалиётда преципитация реакцияси уни кашф этган (1899) кишининг номи билан Чистович — Уленгут реакцияси деб юритилади. Мазкур реакция фақат қон турларини эмас, балки оқсил турини ҳам аниқлайди. Чунки ижобий реакция нафақат қоннинг маълум бир тури, (масалан, одамнинг қони) балки ўша одамнинг шаҳвати, тери, кўз ёши, сийдиги, сўлаги ва бошқа оқсил моддалари билан ҳам бўлиши мумкин. Преципитация реакцияси икки компонентдан; преципитат зардоб ва қон ёки бошқа оқсил антигенлардан иборат. Преципитация зардоблари марказлашган тартибда ишлаб чиқарилади. Зардоблар тишиқ ва шаффоф бўлиши керак. Преципитация усули билан қон турларини аниқлаш суюқ ва қуюқ (гель) хилларга бўлинади. Улардан биринчиси амалиётда кенг қўлланилади. Бунинг учун физиологик эритма ёрдами билан қон изидан (догдан) сиқма суюқлик (экстракт) тайёрланади. Сўнгра экстрактни тахминан ноҳол тусдаги сариқ ранггача суюлтириб, стандарт преципитатловчи зардоб билан реакцияга қўйилади. Ушбу реакция махсус конуссимон тагли пробиркачалар ёрдамида бажарилади. Уларни Чистович — Уленгут пробиркалари деб ҳам айтилади. Пробирканинг тор қисмига текшириляётган сиқма суюқлик (экстракт) юборилади. Пастер томизғичидан инсон оқсиллига преципитириланган зардоб олинади ва пробирканинг тубига

юборилади. Унинг устидан секин пробирканинг девори билан лижетка капилляри учидан преципитирланувчи зардоб юборилади. Агар одам оқсил моддасига қарин олдинг зардоб ва доғнинг сиқма суюқлиги орасида, яъни чегарасида оқ ҳалқачи мон преципитат (чўкма) пайдо бўлса, унда одам қон деб айтади. Халқа 1 соат давомида ҳосил бўлмаса, унда бошқа стандарт зардоблар (молнинг, қўйнинг, паррандаларнинг, отнинг, чўчқанин ва итнинг зардобин) билан преципитация реакцияси ўтказилади (токи халқа 1—5 минут давомида ҳосил бўлгунча). Қайси зардоб билан преципитат ҳалқаси пайдо бўлса, қон доғи ушанга тегишли бўлади.

**РЕАКЦИЯ «СМЕШАННОЙ» АГГЛЮТИНАЦИИ** — аралаш агглютинация реакцияси доғда қон гуруҳини аниқлаш усуллари дан бири; унинг схемаси қуйидагилардан иборат: объектдан олдингдан икки булак тола устига керагидан ортиқча антителалар қўйилади. Масалан, алоҳида пробиркада, бир тола устида анти-А зардобини, иккинчи тола устида эса анти-В зардобини қўйилади. Абсорбция муддати тугагач, физиологик эритма ёрдамида антиген антитела бирикмасида қатнашмаган антителанинг ортиқчаси олиб ташланади. Сўнгра толанинг бир бўлагига А гуруҳига тегишли стандарт эритроцитлар, иккинчисига В гуруҳига тегишли суюлтирилган 0,25% ли стандарт эритроцитлар қўйилади. Агар А гуруҳи эритроцитлари қўшилган тола атрофида агглютинация ҳосил бўлса, бу текшириляётган объектда А агглютиногени (антиген) мавжуд дегандир. Шунинг учун ҳам А агглютиногени зардобдаги анти-А (альфа агглютинини) билан комплекс равишда бирикма ҳосил қилади. Бу бирикма физиологик эритма билан ювилганда декомплексия қилинмайди, шунинг учун ҳам кейинчалик А гуруҳи эритроцитлари қўйилганда агглютинация содир бўлади. Қон гуруҳи тўғрисидаги хулоса қуйидагича тузилади: Агар анти-А зардобини билан ишлатилган қон доғи А стандарт эритроцитлари билан агглютинация берса, унда қон доғида А антигени мавжудлиги аниқланади. Агар анти-В зардобини билан ишлатилган объект (қон доғи) В стандарт эритроцитлари билан агглютинация берса, унда қон доғида В антигени мавжудлигини билдиради.

**РЕАКЦИЯ ЭЛЕКТРОПРЕЦИПИТАЦИИ** — электропреципитация реакциялари; мазкур реакция гель қатламида ўтказилади, фақат уни тезлаштириш учун реакция электр майдонида ўтказилади. Агар гель қатламида преципитация реакцияни ўтказиш учун 2—3 кун вақт талаб қилинса, электропреципитация мазкур вақтни 15—20 минутгача қисқартиради.

**РЕВОЛЬВЕР** — револьвер (инглизча revolve — айланмоқ); кун зарядли айланувчи доирасимон магазинга эга бўлган, қўлли ўқотар қурол. Револьверга янги патроннинг узатилиши механик жиҳатдан рўй беради: биринчи ўқ узатгандан сўнг доира айланади ва каттачча янги патрон билан стволнинг қисмида жойлашади.

**РЕГЛАМЕНТАЦИЯ ПРОФЕССИОНАЛЬНОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ МЕДИЦИНСКИХ РАБОТНИКОВ** — тиббий ходимлар касаба фаолиятининг регламентацияси (французча — regle — қонда, нозом) тиббиёт ходимлари учун алоҳида тиббий хизмат қилиш қондаси. Мустақил Ўзбекистон Республикасида махсус тиббиёт қонуни жорий этилган. Улардан энг муҳим аҳамиятга эга бўлган шифокорлик вазифалари; а) аҳолига даволаш ёрдамида кўрсатиш; б) ҳарбий ва тергов-суд органларига (ҳарбий шифокорларнинг ва суд тиббиёти экспертларининг етишмаслиги туфайли) хизмат қилиш, мазкур органларнинг талабларига биноан ҳарбий хизматга чақирилувчиларни кўриқдан ўтказиш, экспертиза қилиш ва бошқалар. Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тўғрисидаги қонуни

тиббий ходимларнинг касб фаолиятининг асосий тартиб-қонда ҳужжатларидан деб ҳисобланади.

**РЕЗУС-ФАКТОР** — резус-фактор, резус омил; баҳсли оталик ва сувдик экспертвалари учун фойдаланиладиган омиллардан бири, қоннинг бир жуфт доминанг (Rh+) ва рецессив (Rh-) аллелларга боғлиқ хоссаси; 85% одамларнинг қонида агглютиноген Rh (резус омил) учрайди ва уларнинг 15% да ушбу омил бўлмайди; мазкур агглютиноген (антиген) га қараб одамнинг қони резус мусбат (Rh+) ва резус манфий (Rh-) ларга бўлинади. Ушбу резус таърифи умр бўйи ўзгармайди, наслдан-наслга ўтиб боради. Шунинг учун оталикни иситиш экпертизаси ўтказилганда ушбу омил текширилади; айрим вақтларда нотўғри қон қуйиш натижасида ўлган шахсларни текширишда ҳам ушбу омил текширилади. Қон қуйишдан олдин трансфузион анамнез, яъни илгари қон қуйилган-қуйилмагани ва буларга қандай реакциялар бўлиш-бўлмаганини, аёлларда эса акушерлик анамнези ҳам суриштириб олинади. Резус омилни аниқлаш учун Петри косачасига антирезус зардобининг икки сериясидан томчиқичлар ёрдамида диаметри 1 см атрофида рўтадан томчи, ҳаммаси бўлиб 6 томчи томиқилади. Биринчи томчилар жуфтга текширилувчи эритроцитлар эмульсияси кичик бир томчидан (1:10 қилиб) қўйилади, иккинчи томчилар жуфтга стандарт резус мусбат эритроцитлар эмульсияси қўйилади. Шунга тадқиқалар ёрдами билан томчиларни алоҳида-алоҳида буюм ойначасининг четлари билан аралаштириб, қуриб қолмаслиги учун косача усти бекитилади ва сув ҳаммомига 10 минутга қўйилади (45°C). 10 минут ўтгач натижаси ҳисобланади. Контролда (намуна учун), яъни резус манфий эритроцитлар бўлган жойда албатта агглютинация бўлиши керак. Текширилувчи қон эритроцитларни антирезус зардоб билан агглютинация берса, қон резус манфий ва агглютинация бермаса, резус мусбат деб айтилади.

**РЕПРЕССИЯ** — репрессия (лот. repressio — бостириш, енгил); жазо чораси, жазо бериш; давлат томонидан қўлланиладиган жазолани чораси.

**РЕСТАВРАЦИЯ ТРУПА** — мурдани реставрация (лот. restavratio — тикланиш) қилиш, мурданинг тикланиши; бахтсиз ҳодисалар натижасида мурда таниб бўлмайдиган ҳолга келиб қолиши мумкин. Уни турли усуллар билан тиклаб, сўнгра суратга тушириб, кимлиги аниқланади. Мурда боши, аниқса, юзи чириши туфайли ҳам уни реставрация қилишга тўғри келади. Мурдани тиклаш учун тери остига глисерин ёки суяқ парафин юборилади. Кўз соққаси буришганда, унда сув юборилади. Агар кўз соққасининг биттаси бўлмаса, уни сунъий кўз соққаси билан тикланади (бир хил рангли бўлиши керак). Чириш давомида ҳосил бўлган газларни оғиз бўшлиғи томонидан тилиб кесиш, ишқалаш (масаж) орқали йўқотилади.

**РЕЦИДИВИСТ** — рецидивист (лот. re — яна, қайтадан + cadere — тушиш); қайтадан жиноят қилган шахс; бир неча марта жиноий иш учун судланган, яна жиноий ишин давом эттираётган шахс учун суд томонидан жазолани учун махсус ажрим чиқарилади. Ўта-хавфли рецидивистлар муддатидан илгари озод қилинмайди.

**РИКОШЕТ ПУЛИ** — ўқнинг рикошети (французча — ricochet, сакраш) ўқнинг ишон сатҳида кичик бурчак остида урилиб, ўз йўналишини ўзгартиришига ўқнинг рикошети деб айтилади. Ўқнинг рикошети турли буюмлардан, шунингдек сув юзидан ҳам бўлиши мумкин. Асосан ўқнинг рақшети 0 дан 30 гача ташкил



тўпган бурчаклардан ҳосил бўлади. Рикшет патижасида ўқнинг шакли одатда ўзгаради ва у ўз трасекториясини (йўналишини) ўзгартириб, оғир таъ жароҳати етказиши, ҳатто ўлимга сабаб бўлиши мумкин.

**РОДЫ** — туғиш, туғруқ, она организмдан йўлдош ва ҳомиланинг ташқарига чиқарилишидан иборат бўлган физиологик жараён; ушбу жараён нормал бориши чаноқ ва ҳомила бошининг ўлчамларига ва бачадон мускулларининг қисқариши қобилиятига боғлиқ. Туғруқ уч даврдан иборат: мунтазам равишда дард тута бошлаши билан бачадон бўйинининг очилиши даври; ҳомила туғилиши ва йўлдош тушиши давлари. Туғруқни аниқлаш экспертизаси ҳудуд уқдириш ҳолиларида, унга гумоиспраншда ўтказилади. Туғруқ белгилари: сут безларининг шишиши, кўкрак учинининг инметенганиси, ониз сутни ёки сутни ажратиш; қин юзида кичинишилар мавжудлиги, қизлик пардаси атрофидаги мўматалоқлар, ташқи жинсий органларнинг ўзгаришлари, жинсий тешикнинг очилиши, чонининг ёрилиши, бачадон катталиги, ундан чиқадиган модда (чиқиндилар) ва бошқалар.

**РОДЫ ПОСМЕРТНЫЕ** — ўлиқнинг туғиши; мурданинг туғиши. Улган заҳоти инсон организмда чириш жараёни юз бера бошлади; мазкур жараён йўгон ичакдан бошланиб, чириган газларнинг чиқишига сабаб бўлади. Ушбу газлар бутун организмга тарқалади, қорин бўшлиғига кириб унинг деворларини қисади. Қорин бўшлиғидаги газларнинг босими кўнайиб, айрим вақтларда 2 атмосферага чиқиб, ҳомиладор аёллар мурдаси туғишига сабаб бўлади; босим ҳомилани бачадондан итариши билан бирга, бачадонининг ўзини ҳам бураб чиқаради. Ушбу ҳолат мурданинг туғиши ёки ўлиқнинг туғиши деб аталади.

**РОСТОМЕР** — ростомер, махсус буй ўлчагич асбоб; суд тиббиёти амбулатория ва мурдалар текшириш бўлимлари мазкур асбоблар билан жиҳозланган; Ростомер узунлиги 80 см атрофида ва эни 40 атрофида бўлиб, даражаларга бўлинган тахтадир. Бу тахтанинг бошида қўзғалмас планкаси учидан суриладиган планка мавжуд. Ростомернинг тик устунига орқани ўзгирган ҳолда энса, кураклараро соҳа, думбалар ва говонлар тақаб турилади. Қўллар гавда бўйлаб паст туширилган бўлади. Товонлар жуфтлаштирилган, оёқ учлари керилган ҳолда бўлади. Қўз косасининг ташқи чети билан қулоқнинг устки чеккаси битта чизикда туриши лозим. Ростомернинг устки пластинкаси одамнинг бошига тақалади ва даража белгисига қараб буй узунлиги аниқланади. Мурдаларнинг бўйини ўлчаш учун махсус узунчоқ буй ўлчагич см ли асбоб бор. Бунинг учун мурдани махсус чорнойга қўйиб, кейин бўйин ўлчанади.

**РУБЦЫ, СУДЕБНО-МЕДИЦИНСКИЕ ЗНАЧЕНИЯ** — чандиқлар, уларнинг суд тиббиётидаги аҳамияти. Ушбу морфологик ўзгаришларнинг аксарияти жароҳат етказилган, масалан, яралар жойида найдо бўлади. Мазкур ўзгаришлар кислоталар, ишқорлар ва бошқалар таъсиридан ҳам пайдо бўлиши мумкин. Ноаниқ мурдалар экспертизаси ўтказилганда, уларни аниқлаш жараёнида (айниқса, чириган мурдаларни) чандиқлар мавжудлиги, уларнинг жойлашиши суд тиббиётида муҳим аҳамиятга эга.

## С

**САВАН** — кафан, дафн олдидан марҳумнинг жасади ўраладиган мато; оқ, юпқа бўз, дока, сурп газламалардан қилинади.

Ўлиқни кафанлаб кўмиш қадимдан одат бўлиб, сомонийлардан кейин араблар ва яҳудийларга ўтган. Бу шариятда қонунлаштирилган ва мусулмонлар ўртасида одат тусига кирган. Эксгумация (қ.) пайтида суд тиббиёти экспертлари бунга эътибор бериб, йигин баёнида батафсил тасвирлайдилар.

**САМООБОРОНА** — ўз-ўзини муҳофаа қилиш; ўз-ўзини ҳимоя қилиш, қўриқлаш; ўз кучи ва асбоблар билан ўзини ҳимоя қилиш. Ҳимоя қилиш жараёнида ҳимоячининг баданида жароҳатлар бўлиши мумкин. Улар ҳимояга хос бўлади, масалан, қафт, панжа сатҳида бир хил, кўплаб яраларнинг жойлашиши (пичоқни ушламоқчи бўлганда), панжаларнинг орқа томонидан жойлашган яралар (ўтмас таёқдан, ўзини бекитмоқчи бўлганда), бақирини ишти-жасида оғиз атрофларидаги ярим ойсимон шилинмалар, оёқлардаги мўматалоқлар (оёқларни силжитмоқчи бўлганда) ва бошқалар.

**САМОПОВРЕЖДЕНИЕ** — ўз-ўзини жароҳат етказиш; Мазкур ҳолларда суд тиббиёти экспертизаси турли сабабларга асосланган бўлади, шулардан бири ҳарбий хизматга қақирилишдан бош тортиш (УР ЖК 290-моддаси) ёки манфаат, гаразлик учун симуляция, ёлгондан ўзини бирор кўнга солиш, муғомбирлик қилиш ва бошқалар. Ҳарбий хизматга қақирилишдан бош тортиш ўз баданига шикаст етказиш ёки ёлгондан ўзини касаликка солиш орқали ҳужжатларни қалбақлаштириш билан таърифланади. Атайини, қасдан, оғли равишда, била туриб ўз соғлиғига зиён етказиш турли йўллار билан содир бўлиши мумкин: 1) механик йўл билан жароҳат етказиш (уқотар қуроллар ўткир ва ўтмас буюмлар билан); 2) сунъий йўл билан турли касалликлар пайдо қилиш (асбобсиз, қуролсиз, ёки кимёвий нарсалар, шунингдек дори-дармонлар ёхуд физик, биологик омиллар билан зиён етказиш); 3) ўзидаги бор касалликларни оғирлаштириш

**САМОПОВРЕЖДЕНИЯ ПОСРЕДСТВОМ ИСКУССТВЕННО ВЫЗВАННЫХ БОЛЕЗНЕЙ** — ўз-ўзига жароҳат етказиш йўли билан сунъий касаллик пайдо қилиш; касаллик ҳолати турли кимёвий ашёлар, физик ва биологик омиллар таъсиридан келиб чиқиши мумкин. Мазкур ҳолат ҳеч нарса таъсир қилмасдан ҳам пайдо бўлиши мумкин, масалан, узоқ вақт давомида ҳаракатсиз ётганда бўғимлар контрактураси пайдо бўлади. Суд тиббиёти амалий ишларида тери, тери ости ёғ клетчаткаси, кўриш, эшитиш системаларининг касалликлари, хирургик сунъий хасталиклар ва бошқалар учраб туради. Мазкур касалликлар охириги йилларда камайиб кетган ва уларнинг кўплари умуман учрамайди. Агар тери остига нефть маҳсулотлари — керосин, бензин юборилса, унда флегмона, хўпоз пайдо бўлади; у юборилган заҳоти (шприц орқали 0,5—1 мл) юзага келади. Кимёвий моддалар парранданинг лати, сомон найчалари орқали кесилган тери остига юборилиши мумкин. Сунъий йўл билан флегмонани пайдо қилиш учун кўпинча тон атрофига, четига ва бошқа қулаи бўлган жойларга юборилади. Флегмона пайдо бўлган жойда кичкина, нуқтасимон яра пайдо бўлади (шприц игناسининг ўрни); ушбу ярача ва флегмона жуда ҳам оғрийди, одамнинг ҳарорати кўтарилади (39—40°C) юборилган жой қизаради, шишадн ва 2—3 кундан сўнг юмшаб йиринглайди. Мазкур флегмоналарни ёрганда ундан нефть маҳсулотларининг ҳиди сезилади (флегмонадан олинган эшёни текшириш учун, лабораторияга юборилади). Флегмонанинг ўрнида сурункали, узоқ вақт даволаб бўлмайдиган яралар қолади. Шунн ҳам таъкидлаб ўтиш керакки айрим вақтларда ушбу касаллик келтирувчи жароҳатларни биргаликда бир неча кишининг баданида кўриш мумкин. Улар келишиб бир-бирига юбориши мумкин. Шунн ҳам эътиборга

олиш керакки, сурункали яралар келетгани ёки аяриги ўсимликлар масалан, люттик авлодига мансуб ўсимликлар, қинган темир тит. сиридан ҳам пайдо бўлади. Эфедрин, теофедрин ваби доридорини миқдоридан кўп ичиб, гипертоник касалликлар белгиларини келтириш мумкин; ушбу муғомбирлигини очини, фой қилиш учун судикни суд-кимё лабораториясига юборилади. Суд тиббиёти амаллий ишларига онд сунъий дизентерия касалликларини дурган, кастор орқали пайдо қилиш мумкин. Сунъий равнида ўсларини касал қилган шахслар ҳаддан гашқари касаллик синимомларини ошириб ифода этадилар; (масалан бош огринини, қорин огрини, бош айлалиши ва бошқаларини) сунъий чақирилган ичбуруғ таби ҳароғатини кўтармайди, табиий ичбуруғ эса — кўтарайди.

### **САМОПОВРЕЖДЕНИЯ ПОСРЕДСТВОМ МЕХАНИЧЕСКИХ**

**ПОВРЕЖДЕНИЙ** — ўз-ўзига механик йўл билан жароҳат етказиш; мазкур жароҳатлар турли ўқотар қурол, ўткир, ўтмас буюмлар билан етказилади. Ўқотар қуролларнинг турлари жуда ҳам кўп бўлиб, улар билан етказилган жароҳатлар ҳам турлича бўлади. Ўз-ўзига жароҳат етказадиган шахс, бунинг учун ўзига қулай бўлган, баданининг очиқ жойларини танлайди. Суд тиббиёти ходимлари шахсининг ўз-ўзига жароҳат етказганлигини аниқлаш учун турли усулларни ишлатадилар. Шуни эслатиш керакки, чанақай шахс чап қўли билан ўз-ўзига жароҳат етказадн. Агар шахсни кўрикдан ўтказилганда унинг ўнг қўлида жароҳатлар аниқланса, унда уни чапдаст (чапқўлли) деб ўнлаш мумкин. Жароҳатлар чап қўлида бўлса, унда аксинчадир. Ўқотар қуроллардан пайдо бўлган жароҳатларни кўрикдан ўтказганда, унда ўк теккан ярани, унинг қувири, кириш-чиқиш тешикларини эҳтиётлик билан назардан ўтказиш лозим. Агар шахс ўз бошига қараб отса, унда ўк кирган яра тешиги (чанақай бўлганда) бошнинг чап томонида жойлашган бўлиб, яранинڭ канали чапдан ўнгга қараб йўналган бўлади. Одатдан ўз-ўзига шикаст етказиш жараёнида шахс кийимлар устидан уни етказмайди. У албатта ўша жароҳат етказиладиган жойни кийимдан бўшатиб, кейин жароҳат етказадн. Шунинг ҳам таъкидлаш керакки, жон ширинлиги туфайли ўз-ўзига жароҳат етказадиган одам буни бирданига қила олмайди. Шунинг учун ҳам катта яраланган жойни заррабин (лупа) билан қараганда унинг атрофида, ярага параллел жойлашган ярачаларни, тирналган жароҳатларни кўришимиз мумкин. Ушбу ўзгариллар ўткир буюмлар билан етказилган жароҳатларга мансубдир.

**САМОУБИЙСТВО** — ўз-ўзини ўлдириш бу фуқаролик ва снёсий жиҳатдан фавқулодда ҳодиса деб ҳисобланади. Аммо, ўз-ўзини ўлдириш даражасига олиб бориш учун гуноҳкор бўлган шахс жавобгарликка тортилади. Бу жиноят Ўзбекистон Республикаси жиноят кодексининг 103-моддасида шундай кўрсатилган: «Моддий томондан ёки бошқа жиҳатдан айбдор бўлмаган шахсни доний равишда қувгин, бўхтон ва ҳақорат қилиш натижасида ўз-ўзини ўлдиришга, суиқасд қилиш даражасига етказиш беш йилгача муддатга озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

**СВИДЕТЕЛЬ** — гувоҳ, фуқаролик ёки жиноят ишлари юзасидан кўрилиши, текширилиши, зарур бўлган, бирор ишга доир ҳолатларидан хабардор бўлган, ҳар қандай шохидлик берувчи шахслар гувоҳ ҳисобланиб, улардан тергов ёки судда сўроқ олиниши мумкин; суд ёки тергов органларига гувоҳлик бериш учун чақирилган шахс; ушбу шахс муайян жиноий ёки фуқаролик иши учун аҳамиятли ҳолатлар тўғрисида маълумотга эгадир. Суд тиббиёти эксперти ўликин ёргани тўғрисида, жабрланувчини кўздан кечириш тўғрисида тузган хулосалари гувоҳ сифатида ишлатилади.



Экспертнинг била туриб ёлгон фикр бериши, шунингдек таржима-нинг нотугри қилиниши УР жиноят кодексининг 238-моддаси билан жиноят жавобгарликка тортилади.

**СВИДЕТЕЛЬСТВО** — гувоҳнома — юридик фактни тасдиқловчи ҳужжат.

**СДАВЛЕНИЕ ГРУДИ И ЖИВОТА** — кўкрак қафаси ва қоринининг босилиши, сиқилиши; компрессион асфиксия (қ.). Кўкрак қафаси ва қоринини босганда кишининг нафас олиш қобилияти бузилади. Замишнинг емирилиши натижасида, қум ва гравия, ер ўзига яқин жойлашган очиқ усул билан қовлаб оладиган жойларда, яъни карьерларда, шунингдек транспортларнинг ўзаро тўқнашинин, ёки тўполон пайтида оломон ичида одамнинг кўкрак қафаси ва қоринининг сиқилиши натижасида компрессион асфиксия юзга келиши мумкин. Кўкрак қафаси ва қорин бирдан босилса, киши тезда ўлади. Агарда бирдан босилмасдан, аввал кўкрак қафаси, кейин қорин босилса, унда аста-секинлик билан ўлади; босиш омиллари кўкрак қафаси ва қоринининг ёнидан бошланса, унда киши ундан ҳам секин ўлади. Кўкрак қафаси ва қоринини босиш натижасида вужудга келган ўзини механизми ўзига хос хусусиятларга эга. Қорин компрессияси (босими) жараёнида диафрагма юқорида қўтарилиб ўпкага ва юракка тақалади, натижада у нафас олиш жараёнида қатнашмай қолади. Ушбу ҳолат фақат ўпканинги нафас олиш хусусиятини бузолмай, балки юрак маромининг ҳам ишдан чиқарилишига сабаб бўлади. Бу эса ўз ичунда юрак-гомил гемодинамик вазифасини бузиб, юракни заифлаштириб, миокард гипоксиясини вужудга келтиради. Кўкрак қафасини ва қоринини босиш пайтида бош миyanинг ҳам гемодинамикаси бузилади. Натижада одам механик асфиксиядан ўлади. Кўкрак қафаси ва қоринининг босилиши механик асфиксиядан ўлган шахснинг ички органларида бўладиган морфологик ўзгаришлар белгиларидан фарқ қилмайди; асфиксия ташхисини қўйиш қийинчилик туғдирмайди, воқеа содир бўлган ҳолат эса ташхис қўйишига ёрдам беради. Фақат шунини таъкидлаш керакки, умумий асфиксия (қ.) белгиларидан ташқари, икки ташқи ва ички белгилари мавжуд, бу ҳам бўлса — ўпканинги «кармин» (қизил) иши ва ташқи белгиларидан «эксхиматик ниқоб»дир.

**СЕМЕННАЯ ЖИДКОСТЬ** — уруғ суюқлиги; мазкур суюқлик тухумдон ўсимтаси, простата, бульба уретралар ва бошқа безларнинг секретидан иборат тоғган суюқликдир. Унинг таркибида шиллик моддалар бор; улар аёллар жинсий ёллари бўйлаб сперматозоидларнинг сурилшига хизмат қилади. Ундан ташқари юқорида кўрсатилган безларнинг секретлари сперматозоидлар учун озиқ-овқат моддалари бўлиб хизмат қилади. Уруғ суюқлиги сперма деб аталади. Унинг таркибидаги моддалар, сперматозоидларнинг мавжудлиги турли суд тиббиёти текширишлари учун муҳим аҳамиятга эгадир. Масалан, оталик, оналик экспертизалари, баҳсди жинсий ҳолатлар ва жинсий экспертизаларда текширилиб, муҳим саволларнинг ечилишига ёрдам беради.

**СЕРДЦЕВИНА ВОЛОС** — сочининг ўзак қатлами, сочининг магизи; сочининг магиз қисми ингичка сочларда бўлмай, йўғон толали сочларда бир неча қатор йирик полигонал ҳужайралардан иборат бўлади. Бу ҳужайралар «тагачалар устуни» ҳосил қилиб жойлашади. Сочининг ўзак қатлами бурушган, қурган ҳужайра ва ҳаво пуфакчаларидан иборат йўғон толаларнинг марказий қисмидаги ҳаво билан тўлган каналидир. Ҳужайралар, цитоплазма-сида ацидофил трихогиалин моддаси бўлади. Соч илдизининг қуйи қисмида ёг безлари чиқарув найларининг очиладиган қисмигача

мағиз ҳужайраларининг ядроси зичлашади ва ҳужайра анчагина мугузланиб қолади. Илдизнинг юқори қисмида эва соч мағизининг ҳужайралари бутунлай мугузланган бўлади. Демак, мағиз қисми соч илдизи асосидан соч ўқи томон йўналишида ҳужайраларда мугузланиш жараёни аста-секин болади. Бу ҳол трихогелизининг зичланиши ва ҳаво пуфакчаларининг кўпайиши билан содир бўлади. Ёш улгайиши билан мағиз ва пўстлоқ қисмининг мугуз таначаларидан пигмент камайиб, ҳаво пуфакчалари кўпайиши мумкин. Бу жараён сочининг оқаришига сабаб бўлади. Одам сочи ўзак (мағиз) қатламнининг ҳайвонларникидан фарқи бор. Шунинг учун суд тиббиёти амалиётида соч инсонга ёки ҳайвонга тегишли эканлигини аниқлашда катта аҳамиятга эгадир.

**СИМУЛЯЦИЯ И ДИССИМУЛЯЦИЯ** — симуляция ва диссимуляция: (лотинча — *simulatio* — ясамалик, сохталик) диссимуляция (лотинча — *dis-simulatio* — яшириш, бекитиш). Симуляция — ёлғондан ўзини бирор кўйга солиш, мугомбирлик ишлатиш, масалан бўлмаган касаллик симптомларини ифодалаш, ясама касаллик белгиларини кўрсатиш. Суд тиббиёти амалий ишларида турли симуляциялар учраб туради. Масалан, карлик симуляцияси, кўрмалик, чўлоқ қилиб кўрсатиш симуляцияси, бўёқлар орқали сариқ касаллигини келтириш; қўл-оёқнинг ҳаракатсизлиги (контрактура) сохталиги; юрак ва томирлар касаллиги тахикардия, гипертония, гипертензия келтириш; нафас олиш системаси улка сочинин сохта-лаштириш; сийдик ажратув системасида сийдик тутолмаслигини кўрсатиш; ҳазм системасида гастрит, меъда яра касаллигини келтириш ва бошқалар. Шахе жиноят содир қилингандан сўнг (айниқса, хавфли жиноятларни қилиб) жинойат жавобгарликдан қутулиш мақсадида ўзини турли касалликларга солади. Бу касалликлар турли кўринишда содир этилади (чунинчи соқов, акли занф, кар, кўр, тутқаноқ каби ҳолатларни баҳона қилиш). Бундай шахслар суд тиббиёти мутахассислари томонидан текширилиб тегишли фикр олинади. Мутахассис ўз хулосасида терговчи томонидан қўйилган саволларга жавоб қайтаради.

Диссимуляция — ҳақиқий касалликни яшириш, масалан, олий ўқув юртига кириш, юқори жисмоний куч талаб қилувчи ишга кириш, армияга бориш учун ўз касаллигини яшириш ва бошқалар. Диссимуляция, симуляцияга мансуб бўлган жинойат жавобгарликка тортилмайди, шунинг учун ҳам суд тиббиёти амалиётида диссимуляция деярли учрамайди. Бу ҳолатни бохабар бўлиб, эҳтиётлик билан кузатиш лозим. Симулянт ўзини беморликка солиб (масваса белгиларини ўрганиб олиб), ўзини-ўзи кишиларга ташлаши, тўсатдан ҳар хил ҳаракатлар қилиши, ўз-ўзини ўлдирishi-га уриниши мумкин; нотўғри фикрларни, хулосаларни айтади, гўё галлюцинация белгиларига хос, йўқ овозларни эшитгандай, кўзига асли йўқ манзаралар кўрингандан, йўқ ҳидларни сезаётгандай, ҳақиқатдан бўлмаган ҳис-туйғуларни ифодалайди. Симулянт депрессия белгиларини ўрганиб олиб, тушқун кайфиятда юриши, кўнглини ҳам ва хавотирлик босгандай, тафаккури билан нутқини сўташиб қолгандай қилиб кўрсатиши мумкин. Ушбу ҳолат тўғрисида экпертиза ўтказилиши жуда ҳам мураккаб бўлгани учун мутахассис психиатр иштирокида ўтказилиши лозимдир.

**СИНИЛЬНАЯ КИСЛОТА** — синил жавҳари; тоза ҳолатда фақат лаборатория шаронтларида учрайди. Лекин, айрим мевалар данагининг мағзи (шафтоли, ўрик, олча, олхўри, бодом) таркибида глюкозид моддаси бор, унинг парчаланиши натижасида синил жавҳари ажралиб чиқади. Шунинг учун агар киши кўп миқдорда шафтоли, аччиқ бодом, ўрик данакларини истеъмол этса, унда у

заҳарланиши мумкин. Мазкур ҳолатларда туқималарнинг оксидланиш вазифаси йўқолади, туқималар кислородни қабул қилолмай қоладилар (қабул қилиш вазифаси йўқолади); туқималар, қондан оксигемоглобиннинг кислородини қабул қилолмаслиги натижасида туқима асфиксияси содир бўлади, чунки гемоглобин билан циан бирикиб, циангемоглобин, циангемагин моддаларини ҳосил қилади.

**СКЕЛЕТИРОВАННЫЙ ТРУП** — скелетланган мурда; скелетланган мурданинг эгсумациядан кейин олиб текширилиши, яъни экспертиза ўтказилиши мураккаб суд тиббиёти амалий ишларидан бири деб ҳисобланади. Мазкур экспертиза пайтларида эксперт қуйидаги саволларни аниқлаши лозим: текшириш учун олинган суяклар одам ёки ҳайвонларга мансублигини, агар суяклар одамники бўлса, у ҳолда инсоннинг қайси анатомик қисмига оидлиги; суяклар бир кишига тегишлими ёки улар бир неча кишининг суякларинми; суяклар эркакками ёки аёлларга мансублиги; улар қайси ёшга тўғри келиши; жароҳатланган изларнинг мавжудлиги, уларни таърифлаш ва бошқалар.

**СЛЕД** — из; суд тиббиёти жиҳатидан қон, сперма, сўлак, сийдик ва шу каби биологик суюқликлардан пайдо бўлган доғларга айтилади. Излар, айниқса қон доғлари турлича бўлади. Уларнинг шакллари қайси баландликдан тушганлиги, нимага тушганлиги ва бошқаларга боғлиқ. Суд трассология (қ.) бўйича из, деб бир буюмнинг ташқи кўринишини, яъни шаклини иккинчи буюмга қолдиришига айтилади.

**СЛЕДОВАТЕЛЬ** — терговчи; прокуратура, ички ишлар вазирлиги, миллий хавфсизлик хизматидаги киши; жиноят ишлари юзасидан дастлабки тергов ўтказувчи лавозимли шахс. Улар район, шаҳар, вилоят, жумҳурият прокуратураларида терговчи, бош терговчи бўлиб жиноят ишлари юзасидан тегишли тергов ҳаракатларини олиб борадилар. Терговчилар ўз ишларини олиб боришда УР жиноят процессуал кодекси ва УР жиноят кодексининг талабларига қатъий риоя қиладилар. Давлат миллий хавфсизлиги хизматининг терговчилари ҳам қонунга риоя қиладилар.

**СЛЕДСТВЕННЫЙ ЭКСПЕРИМЕНТ** — тергов эксперименти; воқеа вазиятини ва ҳолатини тиклаш учун терговчининг мазкур воқеага тулиқ баҳо бериши тергов ва суд органи учун катта аҳамиятга эгадир. Бу ҳаракатнинг мақсади тўплаган далиллар юзасидан уларнинг қанчалик ҳақиқатга яқинлигига баҳо беришдир. Суриштирув ёки тергов тажрибасини қайта текшириб кўришни амалга оширишда ҳолисларнинг, ҳамма тегишли мутахассисларнинг иштирок қилиши алоҳида аҳамиятга эга. Ўзбекистон ЖПКнинг махсус моддасида бу ҳақда тегишли тушунча берилган: «Иш учун аҳамияти бор бўлган маълумотларни текшириб кўриш ва аниқлаш мақсадида терговчи ҳолислар ҳозир бўлган ҳолда, зарур бўлса, — мутахассис иштирокида тегишли ҳаракатларни, муайян воқеанинг вазияти ва бошқа ҳолатларни қайтадан кўриб чиқиш ва зарур тажриба ҳамда синовлар ўтказиш йўли билан тергов экспериментини олиб бориши мумкин. Зарур бўлган ҳолларда терговчи экспериментни ўтказишда қатнашиш учун айбланувчи, гумондор, жабрланувчи ва гувоҳни чақиришга ҳаққи бор».

**СЛОВЕСНЫЙ ПОРТРЕТ** — оғзаки портрет; махсус қонда билан одамнинг ташқи тузилишини оғзаки тасвирлаш (ёзиш), бунинг учун содда энгиллаштирилган белги ва сўзлар ишлатилади. Мазкур қонда изланаётган (йўқолган) шахсни аниқлаб топиш учун ёрдам беради. Оғзаки портрет тузишда (оғзаки ўхшашлик топшига) айниқса, шахснинг юз тузилишига эътибор берилади, аммо гавданинг ҳамма қолган қисмлари ҳам ёзилади. Бунинг учун унинг



**статистик белгилари** (бўйи, гавда тузилиши, елка, гардан узунлиги, ўлчамлари юзининг умумий тузилиши, унинг ёндаш (профиль) ва тўғридан (фас) кўриниш шакллари, ундаги махсус белгилар, аъзоларнинг анормал хусусиятлари, тугма белгилари (ваддиамик белгилар), шахснинг хатти-ҳаракатлари (унинг юриши, товуши, мимикаси, ички руҳий ҳолати, юз орқали ифода қилиниши ва бошқалар) дан фойдаланилади. Оғзаки портрет тузиш усули криминалистика дарсликларида батафсил келтирилган. Суд тиббий амалиётида марҳумнинг, номаълум шахс ўлигининг текширилишида оғзаки портрет тузиш усули яатта аҳамиятга эгадир. Ушбу усулни ишлатиш мақсади, ўлган шахсни аниқлашдир. Бўйинг учун умумий белгилари, бўйи, жинси, ирқи, гавда ва аъзоларнинг тузилиши, организмнинг серологик хусусиятлари, айниқса калла, юз тузилиши, шакли, юқорида таъкидлаб ўтилган қондага асосланиб ёзилади, юз асимметриясига ҳам эътибор берилади. Шахсий белгилари, ўтказилган операция чандиги, касалликлари, анормал белгилари, татуировкаси, тугма доғларини ёзиш ҳам ўлган шахсни аниқлашда ёрдам беради.

**СЛЮНА, ОПРЕДЕЛЕНИЕ АНТИГЕНА** — сўлак, унинг антигенини аниқлаш. Далилий ашёларда сўлак мавжудлиги аниқлангандан сўнг, унинг қайси қон гуруҳига мансублиги, яъни қайси АВО системасига мансуб антигенлар борлиги текширилади. Бундан ташқари, солиштириш (контроль) учун гумонспиралган шахснинг ҳам сўлагини текширилади. Бунинг учун киши оғиз бўшлигини физиологик эритма билан чайганидан сўнг тоза кимё пробиркасига тўқиб сўлагини йиғади. Йиғилган сўлакни центрифугалаб, юқорининг қисмини Петри косачасига ёйилган 4—5 қаватли битдан тайёрланган докага қўйилади. Сўлак батамом қуригандан кейин унда ҳосил бўлган доғда АВО антигенлар системаси абсорбция (қ.) усули билан аниқланади.

**СЛЮНА, УСТАНОВЛЕНИЕ НАЛИЧИЯ** — сўлак мавжудлигини аниқлаш. Далилий ашёларда, масалан хат жилдида, папирос, сигареталарда ёки бошқа буюмларда сўлак доғлари мавжудлигини аниқлаш учун турли усуллардан фойдаланилади. Ультрабинафша нурлар остида сўлак доғлари оқариб кўринади. Шубҳасиз, сўлак доғлари мавжудлигини исботлаш учун кимёвий усул орқали доғларда птиалин борлиги аниқланади. Бу мақсадда доғда физиологик суюқлиги орқали тортиб олинган эритмага крахмал қўшиб, уни кейин текширадилар. Агар эритмада птиалин мавжуд бўлса, унда у крахмални парчалатиб, унинг (Люголь эритмасини қўйганда) рангини ўзгартиришга йўл қўймайди. Текширилган доғда сўлак, яъни птиалин бўлмаса, унда крахмал ўз рангини Люголь ёд эритмаси таъсиридан кўк рангга ўзгартиради.

**СМЕРТНАЯ ҚАЗНЬ** — ўлим жазоси — бирор кимсани ўлдирish, йўқ қилиш ҳақидаги буйруқ ёки ҳукм, фақулудда жазо чораси. Ўзбекистон Республикасининг ЖК 51-моддасида фақулудда жазо чораси — ўлим жазоси тўғрисида тегишли тушунча берилган.

**СМЕРТЬ** — ўлим, ўлиш, вафот этиш, жон бериш, қазо; организмдаги ҳаёт фаолиятининг тўхташи, тугаши; тирик организм ҳаётининг битиши. Организм ўлими — бу ҳаёт фаолиятининг табиий ҳолатидир, демак ҳаёт бор жойда ўлим ҳам бор. Ҳозирги замон тушунчаси бўйича ўлим умумий тиббиёт жиҳатидан икки тушунчага эгадир. Биринчидан, организмнинг яхлит ўлиши, яъни юрак уришининг мутлақо тўхтаб қолиши, бу эса (инфокор) учун касаллик тарихида ўлди, деб ёзишга асос бўла олади. Иккинчидан, организмнинг ўлиши аста-секинлик билан ҳаёт тўхталиши орқали тафовут қилинади; тўқима ва органларда бирдан эмас, балки аста-секин,

кетма-кет ҳаёт фаолиятининг йўқолиши билан таърифланади. Яъни, ўлим жараёнида орган ва тўқималар турли динамикага эга бўлиб, унинг текширилиши суд тиббиётида катта аҳамиятга эга.

**СМЕРТЬ БИОЛОГИЧЕСКАЯ** — биологик ўлим; одатда нафас олиш, юрак уриши тўхтаб қолиб, 5—6 дақиқа ўтгандан сўнг биологик ўлим юзага келади; ушбу ўлим организмни, тўқима ва органларни қайтадан тирилтириш мумкин бўлмаслиги билан таърифланади.

**СМЕРТЬ В ВОДЕ** — сувда ўлимнинг содир бўлиши; Киши сувда олиши нафақат чўккандан кейин эмас, балки бошқа сабаблардан ҳам бўлиши мумкин (масалан, миёга қон қуйилишидан, аорта аневризмасининг ерилишидан, гардан умуртқа поғоналарининг спинни ва бошқалардан). Бундай ҳолларда, мурдани текширганда, чўкишга хос мезонлар бўлмайди. Чўкиш жараёнига хос бўлган белгиларда ёрдамга чақирини, товуш бериш, сув юзига сузиб чиқини ҳаракатлари, аста-секинлик билан сувга чўкиш кабилар кузатиламан. Сувда тасодифан ўлиб қолишга: жисмоний чарчаб (ортиқча ҳаракатлар), офтоб уриши, «совуқлик» коллапси, терининг, томоқнинг совуқдан қўзғаладиган шок ва бошқалар сабаб бўлади. Сувга тушиб ўлган деб ташхис қўйини жуда ҳам мураккаб бўлганлиги туфайли, мурдаларни батафсил текшириш, ҳамма қўшимча лаборатория усулларидан фойдаланиш даркор.

**СМЕРТЬ ВНЕЗАПНАЯ** — кутилмаган ўлим; мазкур ўлим касаллик асосида, яъни ташхис қўйилган касаллик, аммо ўзининг оқими билан ҳаёт учун хавф туғдирмай, бирдан оғирлашиб ёки ўткир ҳолатга ўтиб, кишини ўлдириши билан тафовут қилинади.

**СМЕРТЬ, ДАВНОСТЬ НАСТУПЛЕНИЯ** — ўлим, унинг мавжуд бўлган вақти. Ўлим мавжуд бўлишидан, то уни текширилишига қадар қанча вақт ўтганлигини аниқлаш. Мазкур вақт икки даврдан иборат. Эрта ва кечки мурда даврларидир. Эрта мурда даври учун ўлган саотдан бошлаб 2—3 суткагача ва кечки мурда даври учун (агар кечки мурда белгилари бўлса) бир неча кундан ҳафталар, ҳаттоки ойларгача ўтган вақтни аниқлаш мумкин. Ўлим вақтини аниқлаш тергов ва суд органлари учун муҳим аҳамиятга эга. Айрим вақтлар жиноятчи (ўлдирган кишини) содир бўлган воқеага бевосита боғлиқ эканлигини, яъни гуноҳкорлигини кўрсатади. Суд тиббиёти ходимлари ўлим вақтини аниқлаш муаммолари билан кенг равишда иш олиб бормоқдалар. Бунинг учун, гистологик, биокимё, биофизик, физика-кимё ва бошқа усулларни қўллаб келмоқдалар.

**СМЕРТЬ, КЛАССИФИКАЦИЯ** — ўлим таснифлари, туркумлари; адлия-суд тиббиёти назарияси бўйича қуйидагича таснифланади: тонфаси бўйича иккига бўлинади — 1 — гайритабний, зўрланмишли ўлимлар, 2 — табий зўрланмишсиз ўлимлар; гайритабний ўлимлар турли таъсирлардан содир бўлиши мумкин — механик, механик асфиксияси, захарланиш, электр, атмосфера босими ва нур таъсири тафовут қилинади. Табий ўлим хиллари эса юрак-томирлари, нафас олиш органлари, марказий нерв, ҳазм системалари касаллиги, хавфли ўсмалар, инфекциян, сийдик ажратув, таносил ва бошқа система хасталикларига бўлинади. Гайри табий ўлим тонфалари 3 турга бўлинади — одам ўлдирини, ўз-ўзини ўлдирини ва бахтсиз ҳодиса. Табий ўлим тонфаси эса икки турга бўлинади — тўсатдан ва кутилмаган ўлим турларидир.

**СМЕРТЬ КЛИНИЧЕСКАЯ** — клиник ўлим; агонал даврдан сўнг келадиган ҳолат клиник ўлим деб аталади; мазкур ҳолат ҳаётдан ўлим чегарасига ўтмиши билан тафовут қилинади, демак

клиник ўлим ҳаёт ва ўлим оралини даврини ўз ичига олади. Ушбу давр ичида энг чуқур ўзгаришлар содир бўлади. Улар марказий нерв системасидан узунчоқ миёга ўтиб, нафас олиши, қон айланиши фаолиятининг йўқолиши билан таърифланади. Аммо, ҳаёт белгилари сиртдан кўринмай организмда, тўқима ва органларга ҳаёт кам миқдорда бўлса ҳам, мавжуддир. Моддалар алмашишуви жараёнининг борлиги тафовут қилинади. Ушбу давр ичида тегишли тиббий ёрдам туфайли ҳаёт фаолиятининг қайтариши мумкин. Клиник ўлим даврининг вақти ўрта ҳисоб билан 5—6 минутга деяр бўлиб, филогенетик жиҳатдан кейин вужудга келган марказий нерв системасининг қайта тикланиши ҳаёт фаолиятига боғлиқ. Охириги вақтларда гипотермиядан ташқари бошқа усуллардан фойдаланиб, мазкур 5—6 минутли клиник даврнинг чўшини янги имкониятлар яратилмоқда. Клиник даврдан сўнг биологик ўлим даври содир бўлади ва ушбу ўлим даврида организмнинг ҳаёт фаолиятини қайтадан тиклаб бўлмайди, яъни қайтаришмас умид кесил қатлий ўлим юзага келади.

**СМЕРТЬ МНИМАЯ** — ҳаёлий ўлим, мавҳумли ўлим. Тиббиёт-аниқлаш, қайд қилиш. Одатда клиник шароитда, касалхоналарда ўлимни аниқлаш қийинчиликсиз ўтади, чунки ўлим агонал даврдан кейин шифокор назорати остида вужудга келади. Аммо бошқа шароитларда, масалан тез ёрдам шифокорлари, суд тиббиёти экспертлари томонидан ҳодиса рўй берган жойларда ўлимни тасдиқлаш мураккаблашади, гавданинг ҳаракатсиз бўлиб ётиши, терининг оқариб ўзгариши; пульс ва нафас йўқлиги, юрак уришининг тўхталиши; оғриқ, ҳарорат ҳид, сезгилари, киприк ва кўз қорачини рефлексларининг йўқолиши шифокорлар учун ўлимни тасдиқлашга асос бўлиши мумкин. Бундан ташқари касалхона шароитларида рентгенография, электрография, электро-энцефалография усуллари ўлганликни тасдиқлаш учун қўлланиши мумкин. Суд тиббиёти экспертлари юқорида кўрсатилган белгилардан ташқари, узил-кесил ўлим белгилари бўлмиш ҳароратининг пасайиши, мурданинг қуриши — Лярше доғлари (қ.), мурда доғлари, мурда қотишларидан ҳам фойдаланадилар. Шубҳасиз ўлим белгиларидан бири, Белоглазов белгиси («мушук кўзи») дир; унинг мазмуни шундаки, агар кўз қосаси ёнидан (икки чеккасидан) босилса, унда кўз қорачини овал шаклига эга бўлади. Ушбу белги ўлгандан сўнг 10—15 минут ўтгандан кейин кузатилади, тирик кишиники эса — ўзгармайди.

**СМЕРТЬ МНИМАЯ** — ҳаёлий ўлим, мавҳумли ўлим. Тиббиётда ҳаёлий (мавҳумли) ўлим деган тушунча бор; унинг мазмуни шундаки, айрим ҳолларда организмнинг ҳаёт фаолияти шу қадар пасайган бўладики (чуқур ва кўп муддатли беҳушлик, ҳушдан кетиш, летаргик ҳолат ва бошқалар), сиртдан қараганда киши ҳақиқатан ўлгандай туйилади. Ушбу ҳолларда юрак уриши, нафас олиши сезилмайди ва айрим вақтларда (жуда кам учрайди) шифокор хатоликка йўл қўйиб, ўлимни таъкидлайди. Шунинг учун ушбу воқеаларнинг олдини олиш мақсадида касалхоналардан мурда (фақат, 2 соатдан кейин) патанатомик бўлимга юборилади. Ушбу вақт ичида дастлабки, шубҳасиз мурда белгилари пайдо бўлади.

**СМЕРТЬ НАСИЛЬСТВЕННАЯ** — ғайритабiiй ўлим; ташқи муҳит таъсири натижасида организм ҳаёт фаолиятини йўқотса — ғайритабiiй ўлим деб аталади. Бундай ўлимга механик, химик, термик, электрик ва бошқа омиллар сабаб бўлиши мумкин.

**СМЕРТЬ НЕНАСИЛЬСТВЕННАЯ** — табiiй ўлим. Турли касалликлар натижасида вужудга келган ўлим табiiй ўлим дейилади. Яширин ёки жуда ҳам енгиллик билан ўтаётган, ҳаёт учун



хавфли бўлмаган касаллик маълум бир шароитда организмни ўлим даражасига олиб келса, унда атрофдаги кишилар учун гумон туғдиради. Улар бу кутилмаган тўсатдан бўлган ўлимни — фожияли ўлим, яъни ғайритабiiий ўлим деб гумонсирайдилар ва шу тўфайли мазкур мурдалар тиббиёт муассасаларига экспертиза қилиш учун юборилади.

**СМЕРТЬ СКОРОПОСТИЖНАЯ** — тўсатдан ўлиш, яширини касаллик, гўё соғлом организмнинг тўсатдан, бирданига атрофдагилар учун фавқулодда ҳаёт фаолиятининг тўхталishi — тўсатдан ўлиш деб аталади. Масалан, шахс ишга кетаётганида, автобус бекатида турганида тўсатдан ўлиб қолади. Яқин орада у ўз касаллиги тўғрисида на шифокорга мурожаат қилган ва на уйдаги яқин кишиларига, ишхонадаги ўртоқларига бу тўғрисида оғиз очгани йўқ, ўзини соғ деб юрган. Ушбу шахс тўсатдан, сонпа-соғ юриб, ўлганига гумон пайдо бўлгани учун, унинг мурдаси суд тиббиёти экспертлари томонидан текширилади.

**СНОТВОРНЫЕ** — ухлатадиган дорилар; мазкур заҳарлар ўзига хос хусусиятларга эга, улар рефлектор фаолиятни вужудга келтиради. Ухлатадиган дорилар сон яхуда ҳам кўп бўлиб, улардан суд тиббий амалиётида барбитурат кислота маҳсулотлари (веронал, люминал, мелинал, барбамил ва бошқалар) кўпроқ учрайди. Ухлатувчи дориларнинг катта дозаси 30—40 минут ўтгандан сўнг ухлатади (уйқу босади) киши бўшашиди, гирдираклайверади, нутқи бузилади, кўз қорачиқлари торайиб қолади, кейинчалик у қаттиқ ухлаб кома ҳолатига тушади, оёқ-қўллар совиydi, нафас олиш жараёни бузилади, артериал қон босими тушади ва у асфиксия ҳолатидан ўлади. Вероналнинг ўлдириш дозаси—15 гр, ammo унинг бундан ҳам кам миқдори кишини ўлдириши мумкин. Ухлатувчи дориларнинг сульфан гуруҳлари (сульфанол, трипол, тетронал) барбитур кислота гуруҳига қараганда камроқ учрайди. Ухлатадиган дорилардан галлондлар, бор гуруҳларидан хлоралгидрат муҳим суд тиббиёти аҳамиятига эга. Нерв системаси таъсирдан ташқари, мазкур заҳарлар юрак-қон томирларига таъсир этади ва улар ўлим сабаби бўла олади.

**СНОШЕНИЕ ПОЛОВОЕ** — жинсий алоқа; насл-авлодни давом эттириш учун содир бўладиган физиологик ҳаракат. Мазкур ҳаракат эркак жинсий аъзосининг аёл қинига кириши билан тавсифланади. Жинсий алоқа — бу энг биринчи жинслар алоқаси. Нормал, яъни физиологик жинсий алоқа фақат икки жинсга эга бўлган, яъни эркак ва аёл ўртасида бўлиши мумкин. Жинсий ҳолатни қондириш учун қилинадиган қолган ҳамма ҳатту-ҳаракатлар жинсий алоқага кирмайди. Уларни фақат жинсий талабни қондириш учун қўлланадиган бузуқлик деб айтиш лозим.

**СОТРЯСЕНИЕ СЕРДЦА** — юракнинг чайқалиши; кўкрак қафаси қаттиқ зарба еганда юрак чайқалиши ва рефлектор равишда ишдан чиқиб, тўхтаб қолиши мумкин, яъни юрак уриши тўхталади. Агар зарба қаттиқроқ бўлса, унда юрак ёрилиши мумкин. (кўпинча ўнг қоринчанинг девори ёрилади). Ушбу ҳолат қон перикард халтачасига йиғилиб, юрак тампонадасини вужудга келтиради. Агар киши юраётган транспортнинг айрим қисмларидан зарба олса ёки ҳаддан ташқари юқори баландликдан йиқилса, унда юрак узилиши мумкин.

**СПЕКТРАЛЬНОЕ ИССЛЕДОВАНИЕ** — спектрал текшириш. Ҳозирги пайтда спектрал текширишларнинг уч хили: абсорбцион, эмиссион ва флуоресцентли кўринишлари мавжуддир. Суд тиббиёти амалий ишларида, далилий ашёларда қон мавжудлигини аниқлашда ҳам ишлатилади. Бунда спектрал текшириш гемоглобин ва

унинг ҳосилаларининг (дериватларининг) маълум бир узунликдаги нур тулқинларини ютиш қобилиятига асослангандир. Агар спектроскопнинг ёриғига бўёвчи модда эритмасидан, шу жумладан, гемоглобин ва унинг ҳосилаларини қўйсақ, унда спектрнинг маълум бир қисмида ютиш йўллари ҳосил бўлади. Уларни ютиш спектрлари деб атайдилар. Гемоглобиннинг ҳар бир ҳосиласи фақат унинг ўзигагина хос бўлган қисмдаги ютиш йўлининг жойлашиши, жадаллиги, саноғига (миқдорига) қараб аниқланади. Оксигемоглобиннинг ютиш йўллари аниқлаш энг қулайдир. Бунинг учун қон доғидан дистилланган сув ёрдамида пушти рангли сўкма (экстракт) тайёрланади, қалинлиги 1—1,5 см ли пайчада (пробиркада) қон эритмаси тайёрланади ва спектрскоп ёриғига қўйилади. Кузатиш пайтида спектрнинг фраунгофер чиққлари билан сарқ-яшил рангли қисми орасида иккита ютиш йўли ҳосил бўлади. Бу эса доғда қон мавжудлигининг энг ишончли белгисидир.

**СПЕРМА** — сперма, шаҳват (юнонча — sperma, spermatos — уруғ); эякуляцияда (шаҳват пайтида) ишлаб чиқариладиган суюқлик; мазкур суюқлик эркаклар жинсий органларида ҳосил бўладиган уруғ суюқлиги (плазмаси) билан сперматозонлар — эркак жинсий ҳужайраларидан иборат.

**СПЕРМА, ОПРЕДЕЛЕНИЕ В ПЯТНЕ** — доғларда сперма мавжудлигини аниқлаш; сперма доғларининг тиббиёт амалий ишларида текширилиши жинсий жиноят экспертизасида кўп учраб туради ва тергов органлари учун катта аҳамиятга эгадир. Сперма изларининг аёллар жинсий аъзосида (қанда) топилиши ҳақиқатдан жинсий алоқа бўлганлигини аниқлаш учун яккаю-ягона далилий ашё ҳисобланади. Сперма доғлари хотин-қизлар кийимлари, чой-шаблар ва бошқа турли буюмларида бўлиши мумкин. Мазкур буюмлар далилий ашёлар сифатида суд тиббиёти лабораторияларига юборилиб, энг биринчи, уларда сперма доғлари мавжудлиги аниқланади. Дастлаб улар қуролланмаган кўз орқали, кейин эса ультрабинафша нурлар остида кўрилади. Сперма мавжудлигини аниқлаш учун доғлар картошка суви билан ҳам текширилади. Сперма доғлари, деб хулоса бериш учун доғлардан сперматозонд (қ.) ни (ҳаттоки, биттагина бўлса ҳам) топиш лозим. Бунинг учун шубҳаланган доғлардан тола кесиб олиниб, буюм ойначасига қўйиб, уни толачаларга ажратиб, турли бўёқлар (эритрозин, фуксин, судан ва бошқалар) билан ишланади. Ундан сўнг заррабин орқали сперматозонд топиш учун текширилади. Агар сперматозондлар доғларда (эскирган, чиринган, ўзгарган доғларда) парчаланиш, бутунлиги бузилиши натижасида топилмаса, унда хроматография (қ.) усули билан ҳолин, спермин ва нордон фосфотазаси аниқланади. Мазкур моддаларнинг топилиши доғда шубҳасиз, сперма мавжудлигини билдиради.

**СПЕРМА, ОПРЕДЕЛЕНИЕ ГРУППЫ В ПЯТНЕ** — доғларда сперма гуруҳини (группасини) аниқлаш. Далилий ашёларда сперма доғлари мавжудлиги аниқлангачдан сўнг сперма доғлари кимга тегишли эканлиги аниқланади. Бунинг учун энг аввало АВО системасига тегишли антигенлар текширилади. Мазкур антигенлар абсорбция (қ.) абсорбция — элюция (қ.) усуллари орқали аниқланади.

**СПЕЦИАЛИСТЫ КОНСУЛЬТАЦИИ** — мутахассислар консултациялари: жароҳатларни яхши таърифлаш, уларнинг даражаларини аниқлаш учун жабрдийда, гумондор, айбланувчи ва бошқаларни кўриқдан ўтказишда (суд тиббиёти экспертизаси ўтказиш учун) тегишли тиббиёт мутахассисларини гаклиф этиш ўринлидир. Суд тиббиёти экспертизаси мутахассислар иштирокида ёки улар-

нинг ёзма равишда берган маълумотлари (консультациялари)га асосланиб (фойдаланиб) эксперт хулоса тузади.

**СПИД, РАСПРОСТРАНЕНИЕ, УГОЛОВНОЕ НАКАЗАНИЕ** — СПИД касаллигининг тарқалиши, жинсий жавобгарлиги; СПИД (синдром приобретенного иммунодефицита — орттирилган иммуно-танқислик синдроми) касаллигига қарши кураш юзасидан халқаро ҳамкорлик қилиш йўлида тадбирлар қабул қилиниши жуда муҳим аҳамиятга эгадир. Ҳар бир шахс СПИД касаллиги борлигини била туриб, бошқа шахсни шу касаллик билан хавф остига қолдирса (юқтирса) жиноятнинг субъекти деб ҳисобланади. Бу жиноят қасддан ёки эҳтиётсизлик билан содир бўлиши мумкин. СПИД касаллигига юлқиш шахснинг розилиги туфайли бўлган бўлса ҳам, барибир жиноятчи, жавобгарликка тортилиши лозим. Шунинг ҳам таъкидлаб ўтиш керакки, СПИД вирусини юқтиришнинг олдин олиш учун аниқ тадбирлар мавжуд. Масалан УР фуқаролари, шунингдек УР ҳудудида истиқомат қилувчи, ёхуд вақтинча турган чет эл фуқаролари ва фуқароликка эга бўлмаган шахслар СПИД вирусини юқтирган-юқтирмаганликларини аниқлаш учун тегишли тиббиёт кўригидан ўтишга мажбур. Агар бу шахс ихтиёрий равишда ундан бош тортса, унда у ички ишлар органларининг ёрдамида соғлиқни сақлаш, даволаш муассасаларига мажбуран келтирилиши мумкин. Ўзбекистон Республикаси ЖКсининг 113-моддасига келтирилган била туриб бошқа шахсни СПИД касаллигини юқтириши хавфи остига қўйиш — 8 йилгача муддатга озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади. Унда СПИД касаллиги борлигини билган шахснинг бошқа шахсга бу касалликни юқтириши — 10 йилгача муддатга озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади. Мазкур модда аҳолининг саломатлигини муҳофаза қилиш ва мамлакатимизда СПИД вирусини тарқатмаслик чорасини, шунингдек бу касалликка қарши кураш тадбирларини кўзга тутати. СПИД XX-асрнинг улати, унинг вирусини асосан қон қўйиш, бесоқолбозлик, тартибсиз жинсий алоқа қилиш йўллари орқали одамдан-одамга юқади.

**СПОРНОЕ МАТЕРИНСТВО** — волидаликка (оналик) даъво қилиш; Суд тиббиёти амалиётида айрим вақтларда тугилган чақалоқ ёки онасиз ўсаётган болани за бола алмашув жоғросини ҳал қилиш учун волидалик (оналик) экспертизаси ўтказилади. (болани қайси хотин тугганилигини аниқлаш учун ўтказиладиган экспертиза). Ушбу экспертизани ўтказиш учун бола, гумонсиралган она ва отанинг қонлари текширилади. Эритроцитлар, лейкоцитлар, зардоб ва изофермент системаларининг гуруҳлари аниқланади. Чунки аниқ бир қонулашган қоида бўйича мазкур гуруҳлар антигенлари наслдан-наслга ўтади. Эксперт ушбу хусусиятга асосланиб (қонларни текшириб), текширилатган аёл боланинг онаси ёки онаси эмаслигини аниқлаб беради.

**СПОРНОЕ ОТЦОВСТВО** — оталик баҳслиги, ушбу экспертиза волидалик экспертизасига ўхшаш (спорное материнство — қ) боланинг отаси гумонсиралган эркекми ёки мазкур боланинг отаси бўлиши мумкин эмаслигини аниқлаб бериш учун тузилади. Буни ўтказиш учун бола ва ота-она қонлари текширилиб, махсус жадвалдан фойдаланиб, экспертиза хулосаси чиқарилади.

**ССАДИНЫ, СУДЕБНО-МЕДИЦИНСКИЕ ЗНАЧЕНИЯ** — тирналмалар (тирналишлар), уларнинг суд тиббиётидаги аҳамияти. Тирналишлар муҳим суд тиббиёти аҳамиятига эгадир. Уларнинг мавжудлиги жароҳат етказилишининг қачон, қаерда ва қандай етказилганлигини ифодалайди. Жароҳат етказилган вақтни аниқлаш, уларнинг морфологик ўзгаришларига боғлиқ. Тирналиш буюм-



нинг таъсирини остида содир бўлади, эпидермис ши-  
линади; кўпинча эпидермис базал, тикасимон қатлами оралиғида  
таллинади. Тираялган жойнинг усти ҳўл, оч қизил (нимшушти)  
рангли, соғлом шикастланмаган тери атрофидан пастроқ жойлаш-  
ган бўлиб, бир неча соат ўтгандач сўнг пўстлоқ билан қопланади.  
1—2 кун ўтгандан кейин, қуйилиб қолган қон ва лимфадан иборат  
бўлган қаттиқ қорақўтир найдо бўлади. У шикастланмаган тери  
атрофи билан бир текисликда жойлашган бўлиб, кейинчалик undan  
ҳам юқорилашади; унинг остида эпителлизация (ўсиш) жараёни  
рўй беради. Ушбу жараён периферия (чет) дан марказга қараб  
ташқил топади. Қорақўтир ўз остидаги тўқималарни зарарли таъ-  
сирлардан сақлаб туради. Остидаги тўқималар эпителий билан  
қопланади (эт олади). Жараҳатланган жой битиб тўлгандан ке-  
йин қорақўтир 7—10 кун ўтгандан сўнг ўзи қўчиб тушади. Мазкур  
жой қаттикроқ силлиқ пигментлаган бўлади. Кейинчалик ҳамма  
белгилар йўқолади.

**СТЕРЖЕНЬ ВОЛОСА** — соч ўқи; ўзаги; сочнинг теридан чи-  
қиб турадиган қисми. Соч ўқи соч воронкасидан чиқади, унга ёр  
безлари ўз маҳсулотини қуяди. Яхши ривожланган сочда сочнинг  
мағиз, пўстлоқ ва куткула қисмлари тафовут этилади. Соч ку-  
тикуласи соч илдизининг пастки ва юқори қисмларида одам ва  
ҳайвонлар сочларида бир хил тузилишга эга эмас. Сочнинг пўст-  
логиди соч рангини белгилловчи пигмент — меланин дозалари жой-  
лашади. Сочнинг мағиз қисми ингичка толали сочларда бўлмайди,  
йўғон толали сочларда мағиз қисми учрайди ва у бир неча қатор  
йирик, полигонал ҳужайралардан иборат бўлади. Бу ҳужайралар  
«тангачалар устун» ҳосил қилиб жойлашади. Ушбу устун кенг-  
лиги ҳаёвон ва одам сочларида бир хил бўлмайди, ҳайвонларники  
жуда қалин бўлиб, соч ўқининг бутун узунлигига жойлашган бў-  
лади; одамники эса ингичка бўлади ва соч ўқи бўли узилиб-узил-  
либ айрим оролчаларда бўлиниб кетади. Турли жинсий ишларда,  
автоаварияларда, воқеа содир бўлган жойда ёки далилий ашёлар-  
да тешилган сочлар ва уларнинг текширилиши, одам ёки ҳайвон  
сочларига тегишли эканлигини аниқлаш, катта суд тиббиёти аҳа-  
миятига эгадир. Бундан ташқари, соч экспертизаси ўтказилганда,  
сочнинг юлиниб олинган ёки ўзи тўқилган ва undagi ўзгариш-  
ларни аниқлаш бошқа турли саволларни ечишга ҳам ёрдам беради.  
Бунинг учун сочнинг тузилиши (строение волос қ.) undagi ўзига  
хос ўзгаришларни яхши ўздаштириш талабга мувофиқдир.

**СТРАНГУЛЯЦИОННАЯ БОРОЗДА** — странгуляцион жўяк;  
илмоқ ҳалқадан қолган из. Ўз-ўзили осиб ўлдирган шахслар мур-  
даси текширилганда бўйинда (гәрданда), арқондан, симдан,  
шикурдан, қайишдан ва бошқа шунга ўхшаш буюмлардан қилинган  
ҳалқа изи кўринади. Мазкур из жўякчага ўхшайди; унинг чуқур-  
лиги, жаталлиги, ҳалқанинг (илмоқнинг) қаттиқ юмшоқ каллиги-  
гига бўғалиқ. Қаттиқ буюмдан қилинган ҳалқадан чуқур, киргоқ-  
лари ажралиб турган из — жўякчани кўрамиз. Агар ҳалқа юмшоқ  
буюмдан қилинган бўлса, undan қолган из юзаки, сезилмас, атроф-  
даги теридан фарқи кам, оқ сарғиш рангли бўлади. Ўрта, яримқат-  
тиқ ҳалқа ўртача из (жўякча) қолдириши, шикастланган атроф-  
даги теридан ўртача ажралиб турганлиги билан таърифланади.  
Яхши юзага чиққан странгуляцион жўякнинг «боллиш»лари ва унинг  
таги (ости) кўринади. Странгуляцион жўякчани текширилганда, унинг  
қерда жойлашганини, йўналишини, ёпилган, ёпилмаганлигини,  
кенглигини, чуқурлигини, рангини, рельефини (сатҳини), қаттиқ-  
лигини ва бошқа хусусиятларини батафсил ёзадилар.

**СТРАНГУЛЯЦИОННАЯ БОРОЗДА ПОСМЕРТНАЯ** — ҳаёт-

дан сўнги странгуляцион жуяк; ўнандан кейин пайдо бўлган странгуляцион жуякча. Ўз-ўзини осиб ўлдирган шахслар мурда-сини текширганда ҳамма вақт эксперт бир нарсани унутмаслиги керакки, қотил қилинган жиноят илзларини йўқотиши, тергов орган-ларини чағитиши мақсадида ўзи ўлдирган марҳумнинг жасадини осиб қўяди. Ҳақиқатдан ўз-ўзини осиб ўлдирган еки бошқа киши томонидан осилганлигини (аввал ўлдириб, кейин осиб қўйилган-лигини) аниқлаш учун странгуляцион жуякча яхшилаб текшири-лади. Агар қотил шахсни бошқа йул билан ўлдириб, кейин жабр-дийда гарданга ҳалқа қўйиб осса, унда странгуляцион жуякча ўз-ўзини осиб ўлдирган жонли жуякчадан фарқ қилади. Жонли жуякча атрофида қон қўйилмаган бўлади. Микроскоп (заррабин) орқали кўрилганда, унга мансуб бўлган ўзгартишлар мавжудлиги топилади.

**СТРАНГУЛЯЦИОННАЯ БОРОЗДА ПРИЖИЗНЕННАЯ** — ҳаётли странгуляцион жуякча; тирикликда пайдо бўлган странгу-ляцион жуякча. Ҳақиқатдан странгуляцион жуякча киши тирик-лигида, яъни киши ҳаёт фаолияти борлигида пайдо бўлганлигини аниқлаш учун, жуякча бўлган жойини ва унинг атрофидаги ши-кастланмаган теридан кесиб олиб, икки олим ойначасининг орали-гига қўйиб, уларни босиб туриб ёруғликда қараб кўрилади (тек-ширилади). Агар странгуляцион жуякча киши тириклигида пайдо бўлган бўлса, унда унинг атрофида, айниқса жуякчанинг атрофи-даги «болишча» лар бўйида нуқтасимон қирин рангли қонталаш-чалар (муматалоқчалар), уюшган қон доғлари кўринади (Бока-риус белгиси). Странгуляцион жуякчалар бўйи кесилган терисини заррабин орқали кўриб, унда эпителнал қаватининг ясилани-ши, эпидермиснинг юзи силлақланishi, мугуз қавати тубдан бузи-лиши, эпидермис ядролари штрих шакли бир-бирига параллел жойлашиши кузатилади. Терининг теласимон шакли тўқималари юлинган ҳолатни эслатади, улар бир-бирига яқин жойлашган бу-лади. Жуякча остидаги қон томирлари ясиллашган, эзилган унинг юқори ва пастки валикларидagi қон томирлари қонга тўйинган бўлади. Мушак толалари (айниқса, қаттиқ нимқаттиқ ҳалқалар-дан ҳосил бўлган жуякчаларда) ясиллашган, айрим вақтларда уларда қонталашлар кўринади; нерв толалари томонидан аргиро-филия шилиши, пармисимон эгъа бугрилар, вакуолизация, фраг-ментация парчаланиши кузатилади. Ўлгандан кейин ҳосил бўлган странгуляцион жуякчаларида эса ушбу ўзгаришлар (тери қатлам-ларининг ясиланишидан ташқари) кузатилмайди.

**СТРОЕНИЕ ВОЛОС** — сочиниг тузилиши; давлани ашёлар си-фатида соч жинсин жинопи, угирлик, одам ўлдирини ва бошқа экспертизаларда кенг равншда текширилади. Мазкур экспертиза-ларни ўтказиши учун соч мавжудлиги, унинг қимга мансублиги, юлиниган, ўзи тушганлиги, уларда жароҳат бор-йўқлиги каби савол-ларни ечиш лозимдир; бунинг учун энг бирикчи сўғонинг тузили-шини билиши керак. Соч икки қисмдан: соч ўқи ва соч илдиздан иборатдир. Соч илдизининг қўйи 2/3 қисмида ёғ безлари чиқарув наиччаларининг ойналаган қисмига мағиз хужайраларининг ядро-си эчлашади ва хужайра аичагина мугузланиб қолади. Илдизнинг юқори қисмида эса соч мағзининг хужайралари бутунлаи мугуз-ланган бўлади. Соч илдизи тери сатҳига нисбатан қилишқ бўли-либ, мураккаб тузилган қонча — соч фолликуласида жойлашган ва йўғолашиб, соч сўғони (ниёзчаси) ни ҳосил қилади. Соч сўғонида тағидан ботиб кирган соч сўғичи юмшоқ шаклланимаган бирикти-рувчи тўқимадан иборат. Соч сўғичининг периферик ва энг паст-ки қисмларини қоплаган комбиал хужайралар соч кутикуласи ва

соч пчки эпителиал қишви ҳосил қилади. Соч қопи эпителиал қишлардан ва бириктирувчи тўқимали соч халтачасидан иборат. Эпителиал қишлар ўз навбатида пчки ва ташқи қишга бўлинади. Соч учк тери устида ётади ва у уч қисмдан: мағиз иустлоқ ва кутикуладан иборатдир. Иустлоқ қаватида соч рангини белгиловчи пигмент — меланин дончалари жойлашади. Соч терининг ҳосиласи бўлиб, баданининг деярли 95% ни қоплайди. Одатда баданининг узун сочлар билан зич қопланган қисми терининг сочли юзаси деб ҳисобланади. Бош гумбазиди соч энг кўч жойланган жой деб ҳисобланади.

**СУД** — суд, одил суд органидир. «Суд» термини остида судья ва халқ маслаҳатчилари, қонунда белгиланган ҳолларда суд раиси ва суд аъзоларидан иборат суд таркиби назарда тутилади.

**СУДЕБНАЯ МЕДИЦИНА** — суд тиббиёти; кизёвий, физикавий, биологик медицина биланлари мажмуасини ишлатиш усуллари орқали одил судлов, ҳуқуқшунослик органларига ёрдам бериш учун қўлланиладиган фан.

**СУДЕБНАЯ ФОТОГРАФИЯ** — суд фотографияси. Одам тана-сида ҳосил бўлган жароҳатларни, шикаст етказилганликларни, мурдада бор бўлган жароҳатларни, мурданинг ўзини, ундаги белгиларни, турли объектиларни, ундан ташқари, жиноят содир бўлган жойни, жиноят ишларини, жиноят қилишида қўлланган асбоблар, далилди ашёлар, қуроллар ва бошқаларни фотоаппарат орқали расмга олинишининг муҳим аҳамияти бор. Ноаниқ мурда шаклини аниқлаш, тешилган жароҳатларнинг механизмини аниқлаш, жиноят юзасидан тергов олиб боришида жиноятчининг қилган ҳатти-ҳаракатларини фан қилиши ва бошқалар шулар жумласидандир.

**СУДЕБНО-МЕДИЦИНСКАЯ ЭКСПЕРТИЗА** — суд тиббиёти экспертизаси. Суд тиббиёти ютуқларининг амалий экспертизада қўллангани. Суд тиббиёти экспертизасининг соғлиқни сақлаш сие-темасига кириши ва ўз вазифаларининг ижро этилиши Ўзбекистон соғлиқни сақлаш вазоси қонунларида кўрсатилган. Ушбу ҳужжат Ўзбекистон республикаси Олий кенгаши сессиясида тасдиқланган. Суд тиббиёти билимларини суд, тергов, дастлабки тафтиш органларининг амалий ишларига оид бўлган саволларни ечиш учун ишлатилишини суд тиббиёти экспертизаси деб айтади. Экспертиза шунингдек суд тиббиёти экспертизаси тергов, суд жараёнида далиллардан бири деб ҳисобланади. УР жиноят процессуал кодексининг 27-моддасида далиллар тулаш тўғрисида қўйиладиганар келтирилган: «Иш бўйича тулланган далилларнинг ҳаммасини тергов, суд тиббиётичи тахх, воқекурор ва суд ечишқлаб, ҳар томонлама, объектив равишида текшириб чиқиши лозим». Суд тиббиёти экс-пертизаси фанат суд ва тергов органлари томонидан қўйиладиган саволларни ечмасдан, балки соғлиқни сақлаш амалий ишларини жадаллаштириши учун ҳам муҳим аҳамиятга эгадир. У турли воқеалар, давоилар, фалокатлар, шикастланмишлар ва к.с.оликлар, кутилмаган улимлар мавжудлигини аниқлаб, уларни батафсил тек-шириб, тиббиёт хизматчиларининг камчилик сабабларини тешиб ишкестлавиши, тусатдан ўзини, захарларини каби вазифалар ечимини амалий равишида бажареди. Демак, суд тиббиёт экспертизаси бу сириничдан, жиноятчилик ёки унга гумонли ишлар юзасидан тергов жараёнида иш жўлга келган қонун билан регаментлашти-рилган тиббиётга оид аниқ саволларни ечиш ва ижра этилиши, бахт-сиз воқеалар, захарларини, тасдиқий ўлимларининг бадири баши, яъни тиббиёт профилактикаси учун зарур бўлган вақий амалий текширувидир.



## СУДЕБНО-МЕДИЦИНСКАЯ ЭКСПЕРТИЗА, ОБЪЕКТЫ —

суд тиббиёт экспертизасининг объектлари. Суд тиббиёти экспертиза объектлари асосан уч қисмдан иборат: биринчидан тирик одам, юридик терминология бўйича — тирик шахслар; иккинчидан — мурдалар; учинчидан эса — далилий ашёлар, яъни турли қурол-аслаҳалар, буюмлар, ашёлар, қайсики жиноят содир қилишга ёки туғридан-туғри, уларни далил бўлганлар ёки уларнинг ўз устига жиноят содир қилиш жараёнида тушган жиноят излари (қон, сперма, сўлак, тер доғлари, сочлар ва бошқалар) ни сақлаганлари туфайли, далилий ашёлар сифатида текширилади. Суд тиббиёти текшириш (экспертиза) жараёнида тиббиёт ҳужжатларидан (касаллик тарихи — касаллик варақаси, тиббиёт журналининг ёзуви ва б.) ва тиббиёт учун даҳслез ҳужжатлар (воқеа содир бўлган жойни, ўлишни транспорт воситаларини кўздан кечириш), баённомалари, метерологик, сув гидротехник чишоотлар маълумотлари ва б. фойдаланилади. Одатда ушбу ҳужжатлар махсус тергов ва суд органлари томонидан тузилган жилдлар (материалы дела — маълумотлар туғрисидаги ҳужжатлар) ичида бўлади. Шунинг учун ҳам мазкур текширишлар — ҳужжатлар маълумоти бўйича ўтказиладиган суд тиббиёти экспертизаси деб аталади. Ҳужжатлар маълумоти одатда суд тиббиёти экспертизасининг тўртинчи объекти деб юригилади. Аммо ушбу ҳужжатларни текширишда асосан, юқорида кўрсатилган объектлар ва далилий ашёлар туғрисидаги маълумотлар учратилади. Махсус, мустақил ҳужжатлар экспертизаси фақат криминалистика томонидан ўтказилади. Мазкур криминалистика экспертизаси ҳужжатларнинг ҳақиқийлигини ёки ясамалигини ва бошқа хатти-ҳаракатлар мавжудлигини аниқлайди. Айрим суд тиббиёти экспертизасининг ўтказилишида бир неча объектлар текширилади, масалан, агар бiron шахс санчилган кесилган жароҳат натижасида касалхонага тушиб ундан кейин қазо қилса, унда учтадан иборат бўлган объектлар, яъни мурда, унинг касаллик тарихи ва жароҳат етказилган янчоқ (далилий ашё) текширилиши мумкин.

## СУДЕБНО-МЕДИЦИНСКАЯ ЭКСПЕРТИЗА, СТРУКТУРА —

суд тиббиёти экспертизасининг тузилиши (структураси). Ўзбекистон Республикасида суд тиббиёти экспертизалари ноҳия, ноҳиялараро вилоят, жумҳурият (мухтор жумҳурият) республика суд тиббиёти экспертизалари мавжуддир.

**СУИЦИД** — суицид, ўз-ўзини ўлдириб қўйиш; ўз жонига суиқасд қилиш. (самубийство қ) Аксарият бу воқеалар асаб касалликлари натижасида вужудга келади. Одам депрессия ва тезда айбдорман, деб ваъасига тушиши натижасида, янги натижилаштирилган таъсири («овозлар» буруни) билан ва бениқа сабабларга қўра ўз-ўзини ўлдириб қўйиши мумкин.

## Т

**ТАНАТОЛОГИЯ** — танатология (يونونча -- thanatos ўлим ва logos, таълимот), ўлим туғрисидаги фан (таълимот). Танатология фани терминал ҳолатларга оид таълимларни етиш учун, яъни айнан ўлим сабабларини, унинг динамик жараёналари (танатогенези), киник, биохимик, морфологик ўзгаришларининг кузатилиши учун мулжалланган. Икки хил, умумий ва шахсий танатология тафовут қилинади. Биринчиси, ўлим жараёнига оид бўлган умумий қонуниятларни, иккинчиси эса турли касаллик ва турли ўлим сабабларига оид бўлган терминал ҳолатнинг ўзига хос хусусиятларини

ўرғанади. Улим организм ҳаёт фаолиятининг охири ва муқаррар босқичи бўлгани туфайли, танатология, биология, физиология, биохимия, патология фанларининг ҳаётга оид масалалар мажмуаси билан chambarchas боғлиқдир. Чунки, танатология муаммолари аввалдан бери, бутун дунё олимларининг диққат-эътиборига сазовор бўлиб келган бўлса-да, ammo танатология, махсус тиббий-биологик фанлар соҳаси, тармоғи бўлиб, инсбатан яқинда вужудга келган. Маъмур фан бизнинг ҳудудимизда мутафаккир суд тиббиёти олими Г. В. Шор томонидан киритилган. У «танатологик тафаккур» ва «танатологик фикр» тушунчаларини мурда текширилишига киритган.

**ТАНАТОЛОГИЯ СУДЕБНО-МЕДИЦИНСКАЯ** — суд тиббиёти танатологияси. Умумий танатология ўзини жараёнини, унинг сабабларини, вужудга келишини ўрғанади. Суд тиббиёти танатологияси умумий танатологияга оид саволларни ечиш билан биргаликда махсус, одил судлов, дастлабки тафтиш, тергов ва соғлиқни сақлаш органларига тегишли саволларни ечади. Суд тиббиёти бўлимига тегишли танатология гайритабиий, зўрликдан, тўсатдан, бевақт ўлган шахслар мурдаларини текширади.

**ТЕЛЕСНЫЕ ПОВРЕЖДЕНИЯ, ЗАДАЧА ЭКСПЕРТА** — таби жароҳатлари, таби шикастлари, экспертнинг вазифаси. Суд тиббиёти экспертнинг вазифаларига қуйидагилар киреди: 1) таби жароҳатларининг мавжудлигини аниқлаш ва уларнинг тиббиётга оид таърифларини бериш (муматоқ, чақа, шиллима, яра, синиқ ва ҳоказолар); 2) жароҳатларнинг келиб чиқиш механизмини аниқлаш (қайси буюм, қурол-аслаҳалар билан жароҳат етказилган, уларнинг хусусиятларини таърифлаш); 3) жароҳат етказилган вақтни аниқлаш; 4) таби жароҳатининг даражасини аниқлаш. Ушбу саволлардан ташқари экспертнинг олдига, вақеа юз берган ҳолатларга қараб бошқа саволлар қўйишини мумкин, шунингдек, жароҳат етказилганда жабрдийда қайси ҳолатда бўлиши (ўтирган, турган, ётган ҳолати) мумкин ва бошқалар.

**ТЕЛЕСНЫЕ ПОВРЕЖДЕНИЯ, КЛАССИФИКАЦИЯ ПО УК РУЗ** — Таби жароҳатларининг Ўзбекистон Республикаси ЖК оид таснифлиниши. Ўзбекистон Республикаси жиноят кодексининг моддаларига асосланиб, таби жароҳатлари қуйи олти қисмга бўлинади: 1) қасдан баданга оғир шикаст етказиш (ЎЗР ЖК 104-моддаси). 2) қасдан баданга ўртача оғир шикаст етказиш (ЎЗР ЖК 105-моддаси). 3) кучан руҳий ҳаяжонлангани ҳолатида қасдан баданга оғир ёки ўртача оғир шикаст етказиш (ЎЗР ЖК 106-моддаси). 4) зарурий мудофаз чегарасидан четга чиқиб, қасдан баданга оғир шикаст етказиш (ЎЗР ЖК 107-моддаси). 5) ижтимоий хавфни қилгани содир этган шахсни ушлашнинг зарур чоралари чегарасидан четга чиқиб, баданга қасдан оғир шикаст етказиш. (ЎЗР ЖК 108-моддаси). 6) қасдан баданга енгил шикаст етказиш (ЎЗР ЖК 109-моддаси).

Қасдан баданга оғир шикаст етказиш мезонлари деб — ҳаёт учун хавфли қурши, сузлаш, эцигаш қобилиятини йўқотиш ёхуд бирон аъзонинг ишдан чиқиши ёки унинг фаолияти тамоман йўқолишига, руҳий касалликка чаллишига ёки умуман соғлиғи бузилиб, умумий меҳнат қобилиятининг ўттиз уч фонздан кам бўлмаган қисмининг деимий йўқолишига ёки ҳомиланинги тушиши ёхуд баданинги тузалмайдиган даражада хунуклашишига айтилади.

Қасдан баданга ўртача оғир шикаст етказиш мезонлари деб содир этилаётган пайтда ҳаёт учун хавфли бўлмаган ва ЎЗР ЖК кодексининг 104-моддасида назарда тутилган оқибатларга олиб келмаган, лекин соғлиқнинг ўзоқ вақт, яъни камида йигирма

бир кун, ammo тўрт ойдан кўн бўлмаган даврда ёмонлашувига ёки умумий меҳнат қобилиятининг ўн фоиздан ўттиз уч фоизгача йўқолишига айтилади.

Кўсдан баданга енгил шикаст етказиш деб соғаниқнинг қисқа муддатга ёмонлашувига ёки меҳнат қобилиятининг унча узоқ бўлмаган муддатга йўқолишига олиб келмаган баданга енгил шикаст ва соғаниқнинг қисқа вақт, яъни олти кундан ортиқ аммо йигирма бир кундан кўн бўлмаган муддатга ёмонлашувига ёки умумий меҳнат қобилиятининг 10 фоизгача йўқолишига айтилади.

**ТЕЛЕСНЫЕ ПОВРЕЖДЕНИЯ, НЕИЗГЛАДИМОЕ ОБЕЗБРАЖЕНИЕ ЛИЦА** — Тананинг жароҳатланishi патижасида юзининг тузалмайдиган даражада хунуклашishi. УР ЖК 104-моддасига асосланиб, мазкур тан шикастлиги оғир даражада ҳисобланади. Ammo, юзининг тузалмайдиган даражада хунуклашishi тиббиёт тушунчасига кирмайди. Демак, суд тиббиёти эксперти юзининг тузалмайдиган даражада хунуклашishi мавжудлиги ёхуд мавжудсизлигини аниқлай олмайди. Уни аниқлаш суд шикастига қиради. Суд тиббиёти эксперти баданга шикаст етказиш даражасини аниқлашда умумий қондаги асосланиб, жароҳатланган жойлар юздами ёки бонка жойдами эътиборга олмай, баданга шикаст етказиш даражасини аниқлайди (масалан, унинг меҳнат қобилиятини ўзгартирган мезолига асосланиб). Агар жабрдийда юзидаги кесилган яра тўғриси 6 кун меҳнат қобилиятини йўқотса, унда мазкур тан жароҳати соғаниқнинг бузилишига сабаб бўлган енгил шикаст етказиш даражасига қиради. Ушбу яранинг тузаланишига 30 кун талаб қилинса, яъни жабрдийда меҳнат қобилиятини 3 ҳафтадан кўн йўқотса, унда мазкур тан жароҳати ўртача оғир танга шикаст етказиш даражасига қиради. Шунинг ҳам айтиши керакки, суд тиббиёти эксперти тан жароҳати шахсининг юзида жойлашганини инобатга олиб умумий, одатда ечалдиган саволлар (жароҳатнинг таърифи, уларнинг келиб чиқиши механизми, қайси буюм билан етказилганини, вақти ва даражасини аниқлаш) дан ташқари, жароҳат етказилган жойда ўзгармас қолмайдиган из (чандиқ ёки билик таърифи) қоладими ёки йўқ дидирмай, яра ўрни ечалдирилиб кетадими, деган саволларга албатта жавоб бериши керак. Силиқланиши деб шундай ҳолатни айтадиларки, у жароҳат ичининг кирайиб, ранги ўзгариб сийилмай кетishi билан таърифланади. Мазкур ўзгаришлар, масалан чандиқнинг из қоладирмай йўқ бўлиши табиий бўлиши керак. Агарда ушбу ўзгаришлар хирургик ёрдам (пластик операция) билан тикланса, унда мазкур шикастлик силиқланмайдиган жароҳат ҳисобланади.

**ТЕЛЕСНЫЕ ПОВРЕЖДЕНИЯ, ОПАСНЫЕ ДЛЯ ЖИЗНИ** — ҳаёт учун хавфли бўлган тан жароҳатлари, танга ҳаёт учун хавфли бўлган шикаст етказиш. Ҳаёт учун хавфли жароҳатлар, ушбу етказилган патига хавфли бўлган ёки жароҳатларининг еч бўлмаганда қўни асоратлари: кўрши, эшигини, қобилиятини ёки бирор бонка аъзоларни анатомик вухотини ёки ушбу аъзолар фўнгииятининг издан чиқиши, руҳий касаллик ҳомилдорликнинг узилishi, саботан руҳий меҳнат қобилиятининг қамлида учдан бир қисмининг йўқолиши ва эшигини умрбод хунуклашishiга айтилади. Тиббиёт ёрдам кўрсатилаётганда ўлим билан туғайдиган ёки ўлим хавфини туғидирадиган жароҳатлар ҳаёт учун хавфли жароҳатлар, деб ҳисобланади. Шунинг учун танга шикаст етказиш даражасини аниқлашда жароҳатнинг оқибатига (асоратига) кўрсатмасдан, ҳаёт учун хавфли жароҳат деб таърифланиши эътиборга олиб, оғир тан даражаси белгиланади. Судда мазкур жароҳатлар табиий ёрдамсиз ўлим билан туғилиши ёмондига асос-



лашиб, қуйидаги ҳаёт учун хавфли жароҳатлар тафовут қилинади: бош, умуртқа поғонаси, кўкрак қафаси ва қорин бўлигини тешиб (сағиниб) кирган яралар (ички аъзолар бузиламаса ҳам); бош суякларининг очик ва ёшиқ синиши ёки уларнинг дарз кетиши; йирик қон томирлари (шоҳ томир, уйқу томирлар, қўлтиқ ости, сон, елка артерия ва веналар)нинг жароҳатланиши; узун қувурсимон суякларининг очик синиқлари; оғир даражали бош чайқалишлари; қорин, кўкрак қафас бўшлиқларидаги аъзоларининг тери ости ёрилиши; мия шишиши; гардан умуртқаларининг синиши, оғир шок ҳолати; хушдан кетиш билан мия қон айланишининг бузилиши, амнезия пайдо бўлиши, агар булар клиник ва рўй берган ҳодиса жиҳатдан, яъни қўл ёки ҳалқа билан буғилганлиги тасдиқланса; ҳалқум, ҳиқилдоқ, бўғиз, трахея, қизилунгачларни тешиб кирувчи яралар; камда 25% тана сатҳини қоплаган II-III даражали алаңадан, электрдан ва кимёвий куйиш. Қолган жароҳатларнинг таънага шикаст етказиш даражаси уларнинг асоратларига қараб аниқланади.

### **ТЕЛЕСНЫЕ ПОВРЕЖДЕНИЯ, ОСВИДЕТЕЛЬСТВОВАНИЕ —**

Таъ жароҳатларини гувоҳлантириш. Бундай жароҳатларни тавсифлаш, уларнинг даражасини аниқлаш суд тиббиёти амбулаторияларида (кабинетларида), даволаш муассасаларида, суд мажлисларида ўтказилади. ЖПК махсус моддасига асосланиб, жабрдийдани (жабрланувчини), гумондорни, айбланувчини ёки гувоҳни суд тиббиёти текширувидан ўтказиш зарур бўлиб қолганида, терговчининг ўзи албатта қатнашини лозим. Гувоҳлантириш баднини батафсил, мумкин қадар луна орақли кўриш билан бошланади. Эксперт аста-секин кўриқдан ўтказиб, жароҳатларни кўриб, уларни батафсил ёзиб баёнлаштиради. Бунда жароҳатларнинг жойи, уларнинг шакли, ўлчамлари, объектив белгилари ва бошқа хусусиятларига эътибор берилади. Ҳар бир жароҳат алоҳида ёзилади. Барча жароҳатларни кўшиб ёзиш маъ этилади. Агар гувоҳлантириш пайтида мураккаб жароҳатлар мавжуд ёки уларнинг бўлишига гумон пайдо бўлса, масалан, саяк синиқлари, ички аъзолар жароҳатлари ва бошқалар унда мутахассис шифокорлардан маслаҳат олинади, рентген ва бошқа лаборатория, клиник текширишлар ўтказилади. УР суд тиббиёти экспертиза ўтказиш тўғрисидаги қондага асосланиб, ҳамма керакли клиник, диагностика усуллари қўлланилиши мумкин; ҳамма тиббиёт муассасалари экспертизани юқори илмий даражада ўтказиш учун барча керакли чора-тадбирларни кўришга мажбурдирлар.

### **ТЕЛЕСНЫЕ ПОВРЕЖДЕНИЯ, ПОТЕРЯ ЗРЕНИЯ —**

таъ жароҳатлари, кўриш қобилиятини йўқотиш. Таъга шикаст етказиш натижасида киши кўр бўлиб қолгани ёки яқинидаги буюмлар тузилишини (шаклини) ажрата олмаслик. Мазкур ҳолат вақтинча эмас, балки мутлақо тиклаб бўлмайдиган саботли кўриш қобилиятини йўқоттидир. Ушбу ҳолатни тасдиқлаб шуни ҳам айтиш керакки, кўриш қобилиятини фақат икки кўзда эмас, балки битта кўзда йўқотган тақдирда таъ жароҳатининг даражаси — таъга оғир шикаст етказиш туркумига киради. Чунки ушбу таснифлаш кўриш қобилиятини йўқотишга кирмай, умумий меҳнат қобилиятининг камидан учдан бир қисминини йўқотиш туркумига (бир кўзда кўриш қобилиятини йўқотиш деимий меҳнат қобилиятининг 35% ни йўқотишга олиб келади) киради.

### **ТЕЛЕСНЫЕ ПОВРЕЖДЕНИЯ, ПОТЕРЯ ОРГАНА —**

Таъ жароҳатлари, аъзони йўқотиш. Таъга шикаст етказиш натижасида бирорта анатомик аъзони ёки бирорта аъзо: тил, қўл, оёқ, туғиш ва наслий қобилиятини йўқотиш тўғрисида гап юритилади. Тил

йўқотиш деб, унинг анатомик жиҳатдан йўқ бўлишига ва сўзлаш хусусиятининг умуман йўқолишига айтилади. Қўл, оёқ (напжа, товоқ) йўқолиши деб, мазкур аъзоларнинг анатомик жиҳатдан йўқ бўлишига ва уларнинг фаолияти тўхталишига айтилади. Шуни ҳам таъкидлаш керакки, аъзони йўқотиш оғир тан жароҳати (танга оғир шикаст етказиш) га киради, иккинчи жиҳатдан, яъни меҳнат қобилиятини йўқотиш билан ҳам шу даражага киради, чунки ҳар бир аъзони йўқотиш учдан бир қисмидан кўп бўлган деимий меҳнат қобилиятини умуман йўқотишга олиб келади. Ишлаб чиқариш қобилиятини йўқотиш ҳам, аъзо йўқотиш билан тенгдир.

**ТЕЛЕСНЫЕ ПОВРЕЖДЕНИЯ, ПОТЕРЯ СЛУХА** — Тан жароҳатлари, эшитиш қобилиятини йўқотиш; шикаст етказиш натижасида эшитиш қобилиятидан маҳрум бўлиш. Эшитиш қобилиятини йўқотиш бу танга шикаст етказиш натижасида қар бўлиб қолишдир. Мазкур тушунчага қулоқ чаногидан 2—5 см масофадаги баланд овозни эшитмаслик ҳолати ҳам киради. Танга оғир шикаст етказиш натижасида жабрдийда эшитиш қобилиятини бир қулоғида йўқотса, унда шикастланиш ўртача оғир тан жароҳати даражасига киради.

**ТЕЛЕСНЫЕ ПОВРЕЖДЕНИЯ. «ПРАВИЛА ОПРЕДЕЛЕНИЯ СТЕПЕНИ ТЯЖЕСТИ ТЕЛЕСНЫХ ПОВРЕЖДЕНИЙ»** — Тан жароҳатлари. «Тан жароҳатларининг оғирлик даражасини аниқлаш қоидалари». Суд тиббиёти экспертизаси, шунингдек суд тиббиёти гувоҳлантириши мавжуд қонун-қоидаларга асосланиб ўтказилиши лозим. Мазкур ҳужжатларда суд тиббиёти экспертизасининг шет-руттив методик қўлланмалари бўлиб, улар жумласига «Тан жароҳатларининг оғирлик даражасини аниқлаш қоидалари» киради. ЎР ЖПК (Жиноят процессуал кодекси) нинг 173-моддасига асосланиб, шикастланишни (демак, унинг даражасини ҳам) аниқлаш учун (суд, тергов органлари томонидан жиноятларни текшириш жараёнида) мажбурий суд тиббиёти экспертизаси ўтказилади.

**ТЕЛЕСНЫЕ ПОВРЕЖДЕНИЯ, ИРЕРЫВАНИЕ БЕРЕМЕННОСТИ** — Ҳомиладорлик узлишига сабаб бўлувчи тан жароҳатлари; Танга шикаст етказиш натижасида ҳомила тушиши, аборт ёки вақтидан илгари туғиш, оғир тан жароҳати ҳисобланади. Танга оғир шикаст етказиш даражаси ҳомиладорликнинг муддатига қарамай, бир хил оғир тан даражаси бўлади. Ҳомила тушишини аниқлаш қилинчлик туғдирмаса-да, аммо унинг келиб чиқиши, аёлнинг жароҳат олиши билан боғлиқ бўлганлигини аниқлаш мурракбдир. Мазкур суд тиббиёти экспертизаларини акушер-гинеколог мутахассислар иштирокида ўтказиш тавсия этилади. Экспертиза жараёнида ҳақиқатдан ҳам ҳомиладорликнинг бузилиши аёлнинг жароҳат олгани билан боғлиқлиги ёки боғлиқ эмаслиги (яъни, ҳомиладорликнинг айрим патологик ҳолатлари мавжудлиги) аниқланади. Бунинг учун баъзи ҳолларда жабрланувчининг касалхонага ётқизиш текширишга тўғри келади.

**ТЕЛЕСНЫЕ ПОВРЕЖДЕНИЯ, СПОСОБЫ ПРИЧИНЕНИЯ** — Танга шикаст етказиш усуллари. Мазкур усуллар қийнаш ва азоблаш хилларига бўлинади. Ушбу жароҳат учун жазолаш чоралари Ўзбекистон Республикаси жиноят кодексининг 110-моддасида кўрсатилган. Овқатдан, иссиқликдан, сув ичшидан маҳрум этиб, соғлиққа зиён етказиш — қийнашдир. Ўзлуксиз чимчилаш ва бошқа шунга ухлаш жароҳат етказиш — азоблашдир.

**ТЕПЛОВОЙ УДАР** — Иссиқ уриши; организмга иссиқликнинг умумий таъсири. Иссиқ уриши умуман организмга таъсир қилса, офтоб уриши жараёнида иссиқлик (қуёш нурлари) кўпроқ бошга

таъсир этади. Иссиқ уриши бир печта даврларга бўлинади. Биринчи даври, иссиқлик радиация патижасида, организм иссиқликни бериши туфайли, қисқа муддат ичида «бефарқлиги» билан таърифланади. Иккинчи «қўзғалиш» даври, бу давр одамнинг безовталаниши, ҳароратининг янада юқори кўтарилиши, иссиқликни ажратиши қўл-оёқ, ҳаракатларининг қўзғалиб кетиши, асаб бузилиши, бош айланиши, юрак уриши, нафас таятиши, айрим вақтларда кунгил айнаши ва қусиш билан таърифланади. Учинчи давр «ҳолдан кетиш» давридир. Бунда адинамия, ступор ҳолати содир бўлади, нафас олиш пасаяди, артериал қон босими тушади, яъни ағонал олди ҳолати рўй беради. Одатда тана ҳарорати  $42,5-43,5^{\circ}$  лигида, бирламчи нафас тўхталиши билан ўлим содир бўлади. Бунга марказий нерв системаси ва қон айланишининг бузилиши патижасидаги чуқур ўзгаришлар, гипоксия, моддалар алмашинувишининг издан чиқиши ва токсик таъсир сабаб бўлади.

**ТЕРАТОСПЕРМИЯ** — тератоспермия (юнонча — teratos — маъийб); уруғнинг, сперматозонининг нормадан четга чиқиб, патологик заиф бўлиш ҳолати.

**ТОКСИКОЛОГИЯ** — Токсикология (юнонча — toxicon — заҳар, logos — фан, таълимот)лар заҳарлар, тўғрисидаги фан, таълимот. Токсикология умумий ва хуёсий токсикологияларга бўлинади. Биринчи токсикология турли заҳарли моддаларга хос умумий ўзгаришлар қонуниятларини ифодаласа, иккинчи токсикология эса айрим, маълум бир заҳарнинг организмга таъсирини ўрғанади ва уларга қарши таъсир этувчи моддаларни топиб даволаш чора-тадбирлари билан шугулланади. Ҳозирги вақтда: 1) суд тиббиёти, 2) саноат, 3) озиқ-овқат ва 4) ҳарбий токсикологиялар тафовут қилинади. Булардан энг биринчи бўлиб, (тарихий жиҳатдан) суд тиббиёти токсикологияси юзага келган. Буни айрим мисоллар билан ифодалаш мумкин. Масалан, билиннг эраииздан аввал, 399 йили экспертиза йўли билан қадимги юнон файласуфи Сократнинг ўсимлик заҳарли моддаси — сикунций билан заҳарланиб ўлдирилганлиги аниқланган.

**ТОРФЯНОЕ ДУБЛЕНИЕ** — Торфлик ошлан; Мазкур ҳолатлар мурдани торфли жойлар ёки торфли ботқоқларга тушиши патижасида юзага келади. Ошловчи моддалар, шахсан гумус жавҳарлари (кислоталари) терини ошлайди, у тўқ жигарранг, қаттиқ бўлиб ошланган терига ўхшайди. Ички аъзоларнинг ҳажми камаёли. Гумус жавҳарлари таъсирдан суякдаги минерал тузлар эриб, бутунлай ювилиб кетади ва суяклар тоғай ҳолатини олиб, пичоқ билан яхши кесилади. Микроскоп орқали қараганда, тери, мушак толалари ва нерв таначалари ўзгармай, ўз ҳолатларини сақлайди. Гистологик препаратларда ҳамма вақт бегона қора рангли моғор мицелияларига ўхшаш, тери ўстига жойлашган таначалар кўринади. Ботқоқлик жойларга тушган мурдалар ниҳоят узоқ вақт давомида ўзгармай туради, ҳатто ундаги бўлган жароҳатлар ҳам сақланади, уларнинг тириклик пайтида содир бўлганлиги ҳам билинади.

**ТРАВМА** — травма, жароҳат, маъийб бўлган жой. Суд тиббиёти амалиётида транспорт травмалари кўп учрайди. Автомобиль, темир йўл, ҳаво йўли, сув транспорти, мотоцикл, трактор травма (травматизм) лари тафовут қилинади. Буларнинг ичида автомобиль травмаси (автотравма қ.) энг кўп учраб туради. Организмнинг ташқи муҳитдаги зарарли бирор таъсирдан шикастланиши. Қуйидаги травматизмлар тафовут қилинади: 1) маиший травматизм (эҳтиётсизлик билан, қасдан қилинган); 2) ҳарбий травматизм (тинчлик ва уриш пайтларида); 3) ишлаб чиқариш травматизми



(саноат, қишлоқ хўжалик травматизми); 4) спорт травматизми (махсус ташкилий ёки яққа машгулотлар натижасида келиб чиққан жароҳатлар); 5) транспорт травматизми.

**ТРАСОЛОГИЯ** — трасология, иллар ҳақидаги таълимот бўлиб, криминалистика фанининг гармонидир. Бу фан илларни текшириб жиноят содир бўлганини ва илларнинг қандай шароитда юзга келганини аниқлайди. Ушбу фанга кўра ҳар бир буюм, ашё ўзига хос хусусиятларга эга илларни қолдиради. Жиноят содир бўлган жойда қўл-оёқ ва бошқа иллар қолдирилиши мумкин.

**ТРАУР** — Мотам (форсча-тожикча), қайғули ҳолат, инсон вафоти табиий офат, йирик ҳалоқат муносабати билан бўлган маърака, таъзия, расм-русумлар. Мотам урф-одатлари махсус бир рангдаги (кўпинча, қора) либос кийиши, марҳумнинг фазилатларини айтиб йиғлаш, тўй, хурсандчиликларда иштирок этмаслик ва бошқа ҳолатларда намоён бўлади.

**ТРЕУГОЛЬНИК МЕССЕРЕРА** — Мессерер учбурчаги; понасимон синиқ; найсимон (қувурсимон) суякларнинг деформацион буқланиши натижасида содир бўладиган учбурчакли (понасимон) синиқ. Мазкур синиқнинг асосий қисми таъсир қилган куч томонида жойлашган бўлиб, унинг учи куч йўналиши томонда жойлашган. Бу учбурчак Мессерер томонида (1880—1884 йиллари) кашф этилган учун унинг номи билан юритилади.

**ТРУДОСПОСОБНОСТЬ** — меҳнатга лаёқатлилиқ; меҳнат қобилияти. Бу қобилият организмнинг руҳий ва жисмоний жиҳатдан ишлаш фаолиятини кузлайдиган тушунчадир. ЎР конституциясининг махсус моддасида фуқароларнинг меҳнат қилиш ҳуқуқлари ҳақида тегишли тушунчалар берилган. Бу моддага кўра меҳнатга лаёқатлилиқ фақат биологик тушунча бўлмай, балки жамоат тушунчасига ҳам эга, чунки бу тушунча ўзига комплекс жараёнларни, фақат организмнинг ички ҳолатини эмас, балки унинг атрофидаги ташқи муҳитларни олади. Ижтимоий фойдали меҳнат фаолиятида ўзи танлаб олган соҳада ҳалол меҳнат қилиш, меҳнат ва ишлаб чиқариш натижасига риоя қилиш, меҳнатга лаёқатли ҳар бир фуқароннинг бурчи ва шарафли ишидир. Ижтимоий фойдали меҳнатдан бўйин товлаш жамият қондаларига хилофдир. Меҳнатга лаёқатлилиқ қуйидагиларга бўлилади: 1) умумий меҳнат қобилияти кишининг мазакаларга бўлимаган ишларда оддий шароитда ишлаш қобилияти; 2) касабали иш қобилияти; 3) махсус меҳнат қобилияти — аниқ ва махсус шароитда ижро этиладиган иш қобилияти. Ўзбекистон Республикасида меҳнатга қобилиятсизликини, касаллик, бахтсиз ҳодиса ёки бошқа сабаблар туфайли ишга қобилиятини вақтинча ёки тамомла (оғишмас) йўқотишни экспертиза қилиш учун жамоат таълимот органлари томонидан тузилади; ногиронлик гуруҳини ва муддатини белгилайди; ногиронларга меҳнат юзасидан тавсиялар беради ва ҳоказолар. Ундан ташқари суд тиббиёти экспертизаси ҳам мавжуд. У ўз амалий фаолиятида фуқаролик ва жинсий ишлар бўйича одам организмнинг шикастланиши натижасида йўқотган иш қобилиятини аниқлайди. Меҳнат қобилиятини йўқотиш иккига бўлинади: вақтинча ва тамомла. Меҳнат қобилиятини тамомла йўқолганини аниқлаш учун тиббиёт экспертизаси амалиётида махсус «табиблик суғурта экспертизасини ташкил этиш ва ўтказиш қўлланмаси»дан фойдаланилади.

**ТРУП, РАСЧЛЕНЕНИЕ** — мурдани ажратиб ташлаш, бўлиб юбориш, парчалаш; суд тиббиёти амалиётида парчаланган мурданинг текширилиши ўзига хос хусусият ва қийинчиликларга эгадир. Парчалаб юборилган мурда кўпинча темирйўл, автотравма фо-

жиаларида учрайди. Криминал парчаланishi ҳам учраб туради. Мазкур мурда парчаланishi жиноятни яшириш мақсадида қилинган бўлади. Бўлиб ташланган мурдани текшириш усуллари терговчи томонидан қўйилган саволларга боғлиқ. Агар парчалаб ташланган қисмлари топилса, унда ушбу объектлар одамга тегишли эканлиги аниқланади. Айрим вақтларда жуда ҳам майдалаб ташлангани туфайли, булакларини қайси анатомик турга тегишли эканлигини аниқлаш зарур бўлади. Тана қисмлари кўйдирилган ёки дегриглаб кетган бўлса, уларни текшириш жуда мушкулдир. Бунинг учун морфологик, гистологик текширишлар ўтказилади. Оқсиз моддаларнинг одамга тегишлилиги аниқланади. Парчаланган объектлар одамники бўлса, унда улар бир кишигами ёки бир неча кишига тегишлилиги аниқланади. Мазкур ҳолларда албатта қон ва тўқима гуруҳи, хиллари текширилади. Мурда қисмлари бир киши ёки бир неча кишиники эканлигини аниқлаш учун солиштириш (масалан, суякларни) усулларидан ҳам фойдаланилади. Нонаниқ мурда шахсини аниқлаш учун унинг жинси, ёши махсус белгилари, касби ва бошқаларни билиш лозим. Улим сабабини топиш осон бўлмайди, чунки мурда бўлиб ташланганда қотил жароҳат етказган жойларини парчалаб, йўқ қилиб юбориши мумкин.

**ТРУП, СКЕЛЕТИРОВАНИЕ** -- мурдани скелетлаш. Суд тиббети амалиётида скелетланган мурда текширилганда асосан қуйидагиларга эътибор бериш лозим: 1) скелетланган рўй берган воқеаларни текшириш; 2) скелетланган мурданинг скелет қолдиқларини текшириш; 3) умумий текширишни физико-техник текшириш маълумотлари билан солиштириш. Охириги масала мурданинг шахсини аниқлаш учун ўтказилади. Шахсини идентификациялаш жуда мураккаблашади. Бунинг учун марҳумнинг жинси, ёши, бўйининг узунлиги, тана тузилиши ва бошқа нунга ўхшаш саволларни ечиш лозим. Бу мақсадда тос (чанеқ) ва бош суякларни текширилади. Эркак, аёл бош суякларининг устки мушак бириктирадиган пастбалиндлик, гадир-будирлик жойлари бир-биридан фарқ қилади; ташқи энса тешиги, ёпоқ суяги, сўргичсимон ўсимталар, қош усти ёйи ва қаншари жинси жиҳатдан бир хил эмас. Эксперт ихтиёрида бир неча найсмон суяклар мавжуд бўлса, у уларнинг ҳаммасини ўлчаб, ўрта мажмуасини ҳисоблаб, ўлган шахсининг ёшини, бўйини аниқлайди. Суякларда жароҳат излари топилмаса, унда ўлим сабабини аниқлаб бўлмайди. Айрим вақтларда, масалан бош суякларини текширганда жароҳат излари топилмаганда, мазкур жароҳатлар ўлим сабаби бўлиши мумкин, леб гумонсираса бўлади, лекин узил-кесил айтиб бўлмайди. Скелет қолдиқларининг текширилиши, комиссия тартибда ўтиши лозим, анатом, рентгенолог, керак бўлса, бошқа мутахассисларни ҳам жалб этиш мумкин.

## У

**УБИЙСТВО** — ўлдириш, одам ўлдириш; юридик тушунча бўйича қасддан ёки эҳтиётсизлик натижасида бир киши томонидан иккинчи кишини ҳаётдан маҳрум этиш. Бу энг хавfli ва оғир жиноятдир. Қонунга хилоф равишда одам ҳаётига қасд қилиб ёки эҳтиётсизликдан одам ўлдириш тўғрисида УР жиноят кодексининг 97—103-моддаларида жазо чоралари кўрсатилган. Шахсининг ҳаётига, соғлигига, эркинлигига қадр-қимматига қарши хатти-ҳаракат-

лар бўйича УР жиноят кодексларида қўйиладиган кўрсатилган:— 97-модда — «Қасддан одам ўлдириш», 98-модда — «Кучли руҳий ҳаяжонланган ҳолатида қасддан одам ўлдириш», 99-модда — «Она-нинг ўз чақалоғини қасддан ўлдириш», 100-модда. «Зарурий му- дофая чегарасидан четга чиқиб, қасддан одам ўлдириш»; 101-мод- да — «Ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ушлашнинг зарур чоралари чегарасидан четга чиқиб, қасддан одам ўлдириш»; 102-модда — «Эҳтиётсизлик натижасида одам ўлдириш»; 103-мод- да — «Ўзини ўзи ўлдириш даражасига етказиш». Одам ўлдириш киши ҳаракатидан ёки ҳаракатсизлигидан содир бўлиши мумкин. Шунинг учун ҳам қонун чиқарувчи ташкилотлар ўлим жазосини қўллашнинг зарур деб тонганлар.

**УГОЛОВНАЯ ОТВЕТСТВЕННОСТЬ** — жиний жавобгарлик; ҳуқуқ тартибини бузганлик учун жавобгар қилишнинг бир тури; жазо чораси суд ҳукми билан белгиланади; жиний қилган шахс ўз қилмиши учун жавоб бериши шарт ва уни жавобгарликка тор- тиш қонунга асосланган. Ингиломий, маъмурий ва шу каби жавоб- гарликлардан жиний жавобгарликнинг фарқи шундаки, бунда давлат ёки жамоат ташкилотлари ёхуд айрим фуқароларнинг мулк- ки ва ҳуқуқларига зарар етказилади. Бунда айбдорлар суд йўли билан қонунда белгиланган тартибда тергов қилиниб, иш суд маж- лисида қўрилади ва тегишли ҳукм чиқарилади.

**УГОЛОВНО-ПРОЦЕССУАЛЬНЫЙ КОДЕКС** — жиний-про- цессуал кодекси. Жиний-процессуал қонуларнинг жамиятимизда жинийчиликни тугатиш, ҳуқуқий тартибланнинг бузилишига йўл қўймаслик ва янги ахлоқ кишисини тарбиялашдаги аҳамияти ин- ҳоятда каттадир. Жиний судлов ишларини юритиш юзасидан Ўз- бекистон Жиний процессуал кодексига белгиланган тартиблар Ўзбекистон Республикасининг барча судлари, прокуратура, тергов ва қидирув органлари учун ягона ва мажбурий бўлган қонундир. Ушбу кодекс республикамиздаги асосий кодекслардан бири бўлиб, бу кодекс моддаларининг бир хил тушунилиши ва бир хил татбиқ этилиши тергов ва судлов ишларининг тўғри олиб борилишини ва одил судловни ҳаққоний ўтказилишини таъминлайди.

**УГОЛОВНОЕ ПРАВО** — Жиний ҳуқуқи. Юридик нормалар- ни ифодалайдиган ҳуқуқнинг бир соҳасидир. Жиний ҳуқуқи айб- дорни жавобгар қилиш асослари, қандай ҳаракат ёки ҳаракатсиз- ликни ижтимоий хавфли эканлигини ва содир қилинган жиний учун қандай жиний жазо белгилаш чорасини кўзлайди. Жамоат учун унча хавфли бўлмаган жиний содир қилинган шахсларни тузатиш ва қайта тарбия қилишда кенг жамоатчилик таъсирини кучайтириш, давлат ёки жамоат учун хавфли бўлган жинийларга нисбатан кескин кураш олиб бориш мустақил Ўзбекистон жиний ҳуқуқининг асосий бурчидир.

**УГОЛОВНЫЙ ЗАКОН** — жиний қонун; давлатга қарши жи- нийлар ва ҳарбий жинийлар учун жиний жавобгарлик ҳақидаги умумиттифоқ қонулари. Ўзбекистон жиний қонунлари Ўзбекистон Республикаси жиний кодексидан иборатдир.

**УГОЛОВНЫЙ КОДЕКС** — жиний кодекси; жиний қонунлари тўплами. Жиний жавобгарликнинг асосий ва умумий қоидалари, жиний тушунчаси, жазодан озод қилиш асослари, судланганлик муҳлатлари — кодекснинг умумий қисмида кўрсатилган бўлса, жи- нийнинг аниқ соҳалари ва содир қилинган жиний учун белгилан- ган жазо чораси ва унинг турлари жиний кодексининг махсус қисмида мунтазамлаштирилган, Ўзбекистон Республикаси жиний кодекси ижтимоий ва давлат тузумини, мулкни, шахсни ва фуқароларнинг ҳуқуқларини жиний тажовуздан қўриқлашни вазифа



қилиб қўяди. Ана шу вазифаларни амалга оширишда ушбу жиноят кодекси жамоат учун хавфли бўлган ҳар қандай ҳаракатлар жиноят ҳисобланишини аниқлайди ва жиноят қилган шахсларга исбатан қўлланиши лозим бўлган жазоларни белгилайди.

**УДАВЛЕНИЕ ПЕТЛЕЙ** — ҳалқа билан бўғиш. Бўғиш жараёни ҳалқани қўл билан ёки бирон механизм орқали тортиш натижасида содир бўлади. Ҳалқа турли буюмлардан тайёрланиши мумкин. Уларнинг турлари, натафизиологик, морфологик ўзгаришлари осини (повешение — қ.) натижасида рўй берадиган ҳолатдан фарқи йўқ. Ҳалқа билан бўғишнинг ҳалқа билан осиндан асосий фарқи шундаки, биринчидан бўғиш (гардан) да ҳосил бўлган странгуляция жўякча (из) бир хил чуқурликда, бир текисликда, горизонтал ҳолатда жойлашган бўлади. Айрим вақтларда, масалан ҳалқа остида бирор нарса (киyimларнинг бирор қисми) қола, ёки очиқ ҳалқа бўлса, унда странгуляция жўякча бир текисликда бўлмай, уезлиб туриши мумкин. Осин натижасида пайдо бўлган странгуляция жўякча қийшиқ горизонтал ҳолатда бўлиб, унинг чуқурлиги бир хил бўлмайди; у аста-секин камайиб бориб, охири (юқори қисмида) йўқ бўлиб кетади. Ҳалқа билан бўғганда унинг изи ёниқ бўлади; осин натижасида ҳалқанинг изи очиқ бўлади; бўғишда из (жўякча) гарданинг ўртасида қалқонсимон без оралигида (кўпинча) жойлашади, осинда esa унинг юқори қисмида бўлади.

**УДАВЛЕНИЕ РУКАМИ** — қўл билан бўғиш. Бир қўллаб (кўпинча олдидан) икки қўллаб (кўпинча орқадан) бўғишлар тавофут қилинади. Улим сабабининг келиб чиқиши кўпинча уйқу артерияларини, ҳиқилдоқ усти ва адашган нервларни босиш билан боғлиқ.

**УДАР** — зарба; қаттиқ жисмлар зарбаси; жисмларнинг ҳаракат вақтида тўқнашганда юзага келувчи ҳодиса. Зарба давом этадиган вақт оралиғи, одатда жуда ҳам кам, аммо бир-бирига урилувчи жисмларнинг жинсланиган юзаларидаги кучлар жуда катта бўлади. Урилган вақтда зарба кучлари таъсири билан жисм нуқталарининг тезликлари анчагина ўзгаради, деформациялар, товуш тебранишлари, жисмларнинг қизиши, жисм, буюмларнинг механик хоссалари ўзгариши, икки томонлама урилиш тезлиги, жисмларнинг зарба еган жойи емирилиши мумкин; зарбанинг элементар назариясига кўра, жисм тезлигининг зарба вақтидаги ўзгариши тикланиш коэффициенти  $\frac{mv}{2}$  билан ифодаланиб, бу

коэффициент қиймати урилаётган жисмларга боғлиқ бўлади.

**УДАР СОЛНЕЧНЫЙ** — офтоб уриши. Иссиқ минтақаларда офтоб уриши кўпинча йилнинг баҳор ва ёз фаслларида учрайди. Офтобнинг иссиқ нурлари таъсиридан бош мияда ўзгаришлар юз беради. Биринчидан, миянинг ҳарорати кўтарилади, иккинчидан, марказий нерв системаси, қўёшнинг нурлари узоқ вақт давомида таъсир этиши туфайли, издан чиқади, натижада бош оғриғи, юзнинг қизариши, куч кетиши, кўнгил айниши, қусиш, пульснинг, нафаснинг тезлашиши, тана ҳароратининг кўтарилиши (40°C гача) кузатилади. Кейинчалик кўриш қобилияти йўқолади, тана ҳарорати 42—44°C гача кўтарилади. Нафас олиш тезлашади, Чейн — Стокс ҳолатига келади ва айрим оғир ҳолларда нафас олиш маркази фалажланади.

**УДАРНАЯ ВОЛНА** — зарба тўлқини; жисм муҳитда товушдан ҳам тез ҳаракатланганда зарба тўлқини содир бўлади. У масалан, товушдан ҳам тез учадиган самолётларнинг учишида, портлашларда, қудратли электр разрядларида вужудга келади. Ушбу тўлқин зарбаларидан айрим фожиалар рўй бериши натижасида одам тана-

сида жароҳатлар пайдо бўлади. Портлаш пайтида ҳосил бўлган зарба тўққини одам, ҳайвонларни шикастлаши, иншоотларни бузиши, жанговар техникани нобуд қилиши ёки шиддан чиқариши мумкин.

**УМИРАНИЕ** — ўлиш. Ўлиш жараёнини, унинг сабабини ва ўлгандан кейинги ўзгаришларни ўрганувчи фан танатология (қ.) деб аталади. Организм ўлаётганида турли ҳолатлар рўй беради ва бу терминал ҳолат деб аталади. Терминал даврида агоналолди, агонал ва клиник ўлим ҳолатлари тафовут қилинади. Агоналолди ҳолат марказий нерв системаси фаолиятининг бузилиши, артериал қон босимининг пасайиши, бадапнинг кўкариши, терининг оқариши ёки олачибор бўлиши билан таърифланади. Агоналолди ҳолат узоқ вақт давом этиши мумкин. Ундан кейин агония юз беради. Агонал ҳолати ўлиш жараёнининг яна ҳам чуқурроқ босқичи бўлиб, организмнинг ҳаётини сақлаш учун, охириги марта курашиши деб ҳисобланади. Гипоксиянинг яна ҳам жадаллашиши натижасида мия пўстлоғи фаолияти заифланади. Шунинг учун ўлаётган шахс аста-секин ҳушидан кетади. Мазкур ҳолатда физиологик вазифалар марказий бульбар таркибининг фаолиятига ўтади. Юрак томир, нафас олиш системаларининг фаолияти пасаяди, одатда ўпка шишиши пайдо бўлади, рефлекслар бузилади, аста-секин организмнинг бутун физиологик фаолияти йўқолади. Агонал даври қисқа бўлиши, аммо соатлаб, ҳатто кунлаб давом этиши мумкин. Бу ҳолат муҳим суд тиббиёти аҳамиятига эга. Мазкур давр ичда баъзан турли воқеалар рўй беради. Масалан, ўзига-ўзи ёки бошқа кишига жароҳат етказиши ҳам мумкин. Агонал ҳолат, юрак тўхталишидан кейин клиник ўлимга ўтади ва шундан кейин ҳақиқий ўлим рўй беради.

**УТОПЛЕНИЕ** — чўкиш, сувга чўкиб ўлмоқ, сувга ботиб кетмоқ. Чўкиш механик асфиксиянинг бир тури. Мазкур асфиксия нафас олиш йўлларини суюқлик билан тўсганда содир бўлади. Чўкиб ўлиш фақат одамнинг бутунлай сувга (суюқликка) чўкиши натижасидагина содир бўлмайди, балки у одам калласи сувга ботганда, ҳаттоки фақат юзи билан ботиб, нафас йўллари тўсилганда ҳам (бу ҳол ариқчада ёки ҳатто тоғора ичидаги сувда ҳам юз бериши мумкин) пайдо бўлиши мумкин. Баъзан чарчаш мастлик, ҳушдан кетиш ва бошқа ҳолатлар чўкиб ўлишга сабаб бўлади. Соғлом, ҳаттоки сузиш спортчи билан шугулланиб келган кишилар ҳам чўкиб ўлишлари мумкин. Бу ҳол бирдан совуқ сувга тушганда бош мия қон томирларининг спазмаси (қисқариши) туфайли содир бўлади. Ўпка ичи босими бирдан кўтарилиши натижасида кескин асфиксия рўй беришидан одам ҳушидан кетади. Нафас йўлларига сув кириб, кекирдак ва йирик бронхлар шиллиқ пардасини кичрайтириши сабабли йўтал бошлаяди. Шиллиқ моддалар сув ва ҳаво билан қўшилиб кичик, тургун пуфакчалар пайдо қилади. Улар нафас йўлларини тўлдиради. Мурдани сувдан чиқариб олинганда унинг оғиз атрофини шундай пуфакчалар ўраб олади (газлар босими нафас йўлларида ташқарига чиқади).

## Ф

**ФЕНОМЕН** — феномен (юнонча *phenomena* мавжудлик); камдан-кам учрайдиган, ниҳоят кам учрайдиган ҳолат (ёки белги).

**ФЕНОМЕН ВИНОГРАДОВА** — Виноградов феномени; Виноградов белгиси; бир метрдан кўп бўлган масофадан (1000 метрга) ўқ отилганда, қурумнинг кириш тешиги атрофида мавжудлиги. Мазкур қурум кийимнинг иккинчи қатламида ёки терида жойлаш-

ган бўлади. Кийимнинг биринчи қатламида Виноградов феноменида қурум ўқнинг кириш тешиги атрофида учрамайди. Қурумнинг яқин бўлмаган масофадан қатламлаши сабаби, ўқнинг ниҳоят катта тезлиги (500 см кўп), ишоннинг хусусияти (кийимнинг қаттиқ, юқалиги, 2—3 қатламлиги) ва кийим қатламларининг оралиги 0,5—5 см лиги билан тавенфланади. Виноградов феноменининг механизми шундан иборатки, ўқ қаттиқ тезлик билан учиб, кетидан ҳосил қилган буғлиққа қурумни олиб кириб, кийимнинг биринчи қабатидан ўтганидан кейин, кинетик энергиясини аўқотади, натижада унинг кетидаги қурум иккинчи ишонида, кириш тешигининг атрофида ёйилади. Қурумнинг мажкур ёйилиши яқин масофадан ҳосил бўлган қурум қатламини фарқланади. Яқин масофадан отилган ўқнинг қуруми биринчи ишонида, яъни кийимнинг биринчи қатламида жойлашган бўлиб, у Виноградов феномени натижасида ҳосил бўлган қурумга нисбатан жадалироқ, овал ёки доира шаклга эга бўлади. Виноградов феноменида учрайдиган қурум қатламининг шакли крестсимон (хочсимон) бўлиб жадалсизроқ бўлади.

**ФЕНОТИП** — фенотип (юнонча *phaino* мавжудлайман ва *typos* — из, намуна, шакл); индивиднинг белги ва хусусиятлари мажмуаси; генотипнинг муҳим шароитлари билан ўзаро таъсир этиши натижасида шаклланган, ривожланишнинг маълум босқичидаги белги; фенотип генларнинг келгуси авлодларда пайдо қилувчи ҳар хил аломатлари, яъни ташқи кўриниши

**ФЕНОТИПИЧЕСКАЯ КОРРЕЛЯЦИЯ** — фенотипик корреляция. Селекция масалаларини ҳал этиш учун фойдаланишдан иборат бўлган популяциядаги икки белгининг биргаликда ўзгариш даражаси.

**ФИЗИКО-ТЕХНИЧЕСКИЕ ИССЛЕДОВАНИЯ** — физик-техник тадқиқотлар; суд тиббиёти объектларининг физик-техник усуллари билан текширилиши. Мажкур текширишлар махсус жиҳозланган вилоят, жумҳурият суд тиббиёти экспертиза бюросининг бўлими ёки бўлимиш физик-техник лабораторияларида ўтказилади. Ушбу лабораторияларда мурдалар, тирик шахслар, далилий ашёлар экспертизалари учун керак бўлган объектларни физик-техник усуллар ёрдами билан объектив илмий асосдаги тадқиқот ишлар олиб борилади. Физик-техник экспертизанинг вазифаси қуйидагича:

— ўткир, ўтмас буюмлар, таъсирдан терида, тўқималарда, суякларда, организм аъзоларида, кийим-кечакларда пайдо бўлган жароҳат изларини аниқлаш;

— шахсни мурда суякларидан аниқлаб бериш;

— таънада, кийимларда иссиқдан, электрдан ва кимёвий таъсирдан келиб чиққан жароҳатларнинг мавжудлигини топиш;

— текшириляётган шахсининг ёшини аниқлаш ва ҳоказолардпр. Ушбу саволларни ечиш учун суд тиббиёти фотография, макро ва микро ўлчаш, микроскопик, рентгенологик, рангли контакт — диффузион усуллар эмиссион спектрал таҳлилдан фойдаланилади.

**ФИКТИВНОСТЬ** — қалбакчилик — шахслар томонидан (мансабдор ёки умумий шахслар) ҳужжатлар ёки нарсаларнинг сохтасини тайёрлаш (ишлаб чиқариш) ва ундан фойдаланиш ҳоллари, мансабдор шахс томонидан тамагирлик мақсадида расмий ҳужжатлар ўрнига била туриб ёлгон ҳужжатлар тузиб бериш ёки дафтарларга (касаллик тарихига) била туриб нотўғри сўзлар ёзиш ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси жиноят кодексининг махсус моддасига кўра мансабдорлик жинояти билан айбланади.

**ФЛЮОРЕСЦЕНТНЫЙ АНАЛИЗ** — флюоресцент таҳлили. Айрим оқсил моддаларни флюорохром билан ишлов бериб, кейин уни



ультрабинафша нурлари орқали кўриш усули. Масалан, қон доғининг одамга ёки бирон ҳайвонга мансублигини аниқлаш учун иммунизация йўли билан олинган зардобга муайян флюорохром воситасида ишлов берилади. Ушбу зардоб текшириладиган объект билан қўшилганда антиген комплекси ҳосил бўлса, унда ультрабинафша нурлари орқали флюоресценция мавжудлиги аниқланади. Бу эса қон ўша зардобга тегишли эканлигининг далили бўлади.

## К

**ХАЛАТНОСТЬ** — шахсинг, айниқса мансабдор кишининг совуққонлик; эътиборсизлик, бепарволик билан ўз хизмат вазифасига қараш. Ушбу бепарволик билан иш тулган шахслар Ўзбекистон Республикаси жиноят кодексининг 151-моддаси билан жавобгарликка тортилади. Мазкур кодексда қуйидагилар келтирилган: «Совуққонлик, яъни мансабдор шахсининг хизмат вазифаларини бажармаслиги ёки ўз вазифасига виждонсизлик, бепарволик ёки тўраҳонлик билан қараш туфайли, давлат ёки фуқароларнинг қонун билан қўриқланадиган ҳуқуқ ва манфаатларига ва жамоат манфаатларига жиддий зарар етказиши мансабга совуққонлик билан қараш, яъни мансабдор шахсининг ўз вазифаларига лоқайдлик ёки виждонсизларча муносабатда бўлиши оқибатида уларни бажармаслиги, фуқароларнинг ҳуқуқлари ёки қонун билан қўриқланадиган манфаатларига кўп миқдорда зарар ёки жиддий зиён етказилишига сабаб бўлса,— энг кам ойлик ҳақининг эллик бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача аҳлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади. Уша қилмиш баданда ўртача оғир ёки оғир шикаст етказилишига сабаб бўлса,— олти ойгача қamoқ ёки уч йилгача озодликдан маҳрум қилини билан жазоланади.

**ХИМИЧЕСКОЕ ОРУЖИЕ** — кимёвий қурол; заҳарланган моддани қиргин қуроллари ўрнида ишлатиш; мина, снаряд, ракета, авиабомба ва бoshқаларга заҳарловчи, одам ва ҳайвонларни қирувчи моддаларни жойлаштириб, уларни қўллаш. 1925 йили Женевада кимёвий қуролларни ишлатмаслик тўғрисида халқаро конвенция бўлиб ўтган.

**ХРОМАТОГРАФИЧЕСКОЕ ИССЛЕДОВАНИЕ В СУДЕБНОЙ МЕДИЦИНЕ** — суд тиббиётида хроматографик усулнинг қўлланиши. Анатомик усуллар ичнда хроматографик усуллар алоҳида ўрни эгаллайди ва улар кейинги пайтда тиббиёт ва биологик соҳаларда кенг қўлланилмоқда. Ҳозирги вақтда икки хил хроматографик, яъни суюқлик ва газли хроматографик текширувлар тафовут қилинади. Узининг мураккабсизлиги ва ниҳоят қулайлиги туфайли, суюқлик хроматографияси кенг оммалашган. У қоғозли, юпқа қатламли, колонкали; аффинли ва иоң алмашинувли хроматографларга бўлинади. Юқори сезгирли ва специфikli усул бўлганлиги сабабли, суюқлик хроматографиясидан суд тиббиёти амалий ишларида қон ва сперма мавжудлигини, уларнинг гуруҳларини доғларда аниқлаш учун фойдаланилмоқда.

**ХРОМАТОГРАФИЧЕСКОЕ ОПРЕДЕЛЕНИЕ НАЛИЧИЯ КРОВИ В ПЯТНАХ** (метод Д. Д. Джалалова) — доғларда қон мавжудлигини хроматографик (Ж. Ж. Жалолов усули билан) аниқлаш. Далилий ашёларда қон мавжудлигини аниқлаш учун суюқлик хроматографияси усулларидан — қоғозли ва юпқа қабатли хроматографик усуллар амалга оширилмоқда. Бажариш қондасига кўра қоғозли хроматография юқорига, пастига ва горизонтал йўна-

лишига бўлинади. Булардан биринчиси энг қулайроғидир. Уни бажариш учун оддийгина асбоблар — шиша идиш. (камера) найчалар керак бўлади. Идишнинг ҳажмига монанд қоғоз ва найчалар кесилади. Идиш ҳажми  $20 \times 20 \times 25$  см дан катта бўлмагани маъқул. Шиша идиш бўлмасининг баландлиги ва кенлигига мос равишда хроматографик қоғоз варағи кесилади. Ушбу варағча, оддий қалам билан узунлигин 20 см, кенлиги 20 мм дан бўлган тасмалар чизилади. Варақнинг бир четидан 20 мм масофа қолдириб, старт чизиги белгиланади. Алоҳида ҳар бир тасманинг старт чизигига текшириладиган объектлар қўйилади. Кейин хроматографик қоғоз варақлар объектлар билан шиша бўлимида вертикал ҳолатда қўйилади. Текшириш объектлари жойлашган қоғоз варақларини бўлмага шундай жойлаштириш лозимки, уларнинг паски учлари бўлима тағида жойлашган эритма (бутанол + аммиак 1:1 тенглигидан иборат) ичига 0,5 см атрофидагина ботиб турсин. Суёқлик қоғознинг капиллярлиги туфайли, тепага кўтарилиб, унинг сатҳи юқори қисмининг ярмига етгандан кейин, хроматографик қоғоз варақлари шиша бўлмасидан (камерадан) олинади, қуритилади ва кетма-кет хлороформдаги асосий бензидиннинг 0,1% ли эритмаси ва 3% ли водород перекиси эритмаси билан ишлов берилади. Бундан қон пигментига мансуб бўлган зоналар туқ кўк ранга бўялади. Хроматограммаларни сувли идишга ботирганда мазкур зоналар хроматографик қоғоз тасмаларининг оқ сатҳида тургун ўзгармас қизил, жигаррангга айланади. Зоналарнинг  $R_f = 0,10 - 0,12$  га тенг бўлади. Бу эса объектларда ҳақиқатдан ҳам қон доғи мавжудлигини исботлайди.

**ХРОМАТОГРАФИЧЕСКОЕ ОПРЕДЕЛЕНИЕ НАЛИЧИЯ СПЕРМЫ В ПЯТНАХ** — (метод Д. Д. Джалалова) — доғларда сперма мавжудлигини хроматографик (Ж. Ж. Жалолов усули билан) аниқлаш. Мазкур усул шубҳасиз далилий усуллардан бири, деб ҳисобланади. Бу усул фақат спермага хос бўлган, кичкина сперма доғида (энг кам миқдорли доғда), эркинли холин, спермин ва нордон фосфатазаларнинг мавжудлигини аниқлашга асосланган. Сперманинг турли буюмларда жойлашгани туфайли, холин, спермин ва нордон фосфатазаларни аниқлаш техникаси бир-биридан фарқланади. Суд тиббиёти амалиёти шунини тасдиқлайдики, сперма доғлари (излари) асосан кийим-кечак, чойшаб-тушак ва бошқа шунга ўхшаш буюм, ашёлар, яъни газмол тўқималарда учрайди. Шунинг учун ҳозир тўқима газмолларда (матоларда) жойлашган доғларда сперма борлигини аниқлайдиган хроматографик усул технологиясини келтирамиз. Бунинг учун доғлардан кичкина, ҳажми  $2 \times 3$  мм бўлган бўлакчаларни алоҳида олиб, уларга 1% ли фенолфталин фосфат натрий эритмаси билан ишлов берилади. Кейин олдиндан тайёрлаб қўйилган хроматографик қоғоз варақларидаги чизилган тасмаларнинг старт чизигига бу бўлакчалар алоҳида (ҳар бир чизилган тасмада) қистирилади. Сўнгра хроматографик қоғоз варақлари текширилувчи объектлар билан юқори чиқувчи хроматографик шиша бўлмасига (камерасига) вертикал ҳолатда қўйилади. Бўлма тағидаги суёқлик эритмаси (бутанол + музловчи сирка жавҳари + дистилланган суви 4:1:5 тенглигидан иборат бўлган суёқлик) қоғознинг капиллярлиги туфайли тепага кўтарилиб, унинг сатҳи юқори қисмига етгандан кейин, хроматографик қоғоз варақлари шиша бўлмасидан олинади, қуритилади ва кетма-кет икки реактив билан ишлов берилади. Биринчи реактив (азот жавҳаридаги асосий висмут нитрати, йод ва калий йод бирикмаларининг буглари) таъсиридан сперма хроматограммасида қўнғир-сарғиш рангли спермин зонаси ( $R_f = 0,06 - 0,07$ ) ва қизил-

ҳушгир рангли холин зонаси ( $Rf=0,18-0,19$ ) пайдо бўлади. Иккинчи реактив (0,1% ли натрий шқор эритмаси) таъсирдан қизил пушти рангли фенолфталин (нордон фосфатаза таъсирдан фенолфталинфосфат натрийдан парчаланган модда) зонаси ( $Rf=0,92-0,93$ ) пайдо бўлади. Мазкур спермин, холин ва нордон фосфатазаларнинг кичкина матода (газмол тўқимасида) жойлашган доғда топилиши, унинг шубҳасиз сперма доғи эканлигини тасдиқлайди.

## Ц

**ЦАРАПИНА** — таталама, тирналма, тирпапиш; тери юзининг узунчоқ (чизиқли) механик шикастланиши. Микроскоп (заррабин) остида қаралганда, эпидермиснинг шилинганини ва узунасида айрим жойларида уни оролчасимон қолганлигини куришимиз мумкин.

## Ч

**ЧЕШУИЧАТЫЙ СЛОЙ ВОЛОСА** — сочнинг тангачасимон қатлами; сочнинг устки қатлами; у ядросиз, протоплазмасиз пигмент доначаларисиз ҳужайралардан иборат. Мазкур ҳужайралар яссиланиб кетган, шохланган, кератинга бой бўлиб, сочни ташқи механик, кимёвий ва биологик таъсирлардан сақлайди.

**ЧЛЕНОВРЕДИТЕЛЬНОСТЬ** — аъзо зиёнлик, аъзо зараркунандлик. Қиши ўз баданига шикаст етказиш, бу юридик атама, яъни терминидир. Ўз баданига шикаст етказиш механик таъсир ёки сунъий равишда касаллик пайдо қилиш, ёхуд ўзида бор касалликни оғирлаштириш натижасида юзага келади. Мазкур ҳолат, яъни ўзига-ўзи шикаст етказиш жинсий ишдир. Буни ўр жиноят кодексининг махсус моддасида куриш мумкин. Ўзининг бирор аъзосини майиб қилиш ёки бошқа йўллар билан ҳарбий хизматдан бўйин товлаш, деб ҳисобланган моддада қуйидагилар таъкидлаб ўтилган: а) ҳарбий хизматчининг ўзига бирон шикаст етказиш (бирон аъзосини майиб қилиш) йўли билан ёки ўзини ёлгондан касалликка солиш, ҳужжатларни қалбакилаштириш, ҳарбий хизмат вазифаларини бажаришдан бўйин товлаш, уч йилдан етти йилгача муддатга озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади; б) шу ҳаракатлар уруш вақтида ёки жанг вазиятида қилинса — ўлим жазоси бериш ёки беш йилдан ўн йилгача муддатга озодликдан маҳрум қилиш билан жазолайди». Ўз-ўзига шикаст етказишни текшириш учун суд тиббиёти экспертизасининг аҳамияти ниҳоятда каттадир. Бу соҳада унинг вазифаси: жароҳатларнинг тавсифларини ва уларнинг баданга шикаст-етказиш даражасини; бадандаги жароҳатлар содир бўлган воқеага тўғри келиши ёки гумондор шахснинг қўрсатмасига мос келишини аниқлаш ва ҳоказолар.

## Ш

**ШТАНЦ МАРКА** — штанц марка. Милтиқ ва бошқа ўқотар қурол найининг оғзини герметик ҳолатда тираб отилса, териди (кийимда) ҳалқасимон, қурол най учининг тамғаси қолади. Мазкур из штанц — марка деб аталади. Қурол най учининг изини



диаметри ва конфигурациясига қараб, қайси қуроқдан отилганлигини аниқлаш мумкин.

**ШТЫК** — найза (қ. кошъ), совуқ қуроқларнинг бир тури. Унинг таъсиридан механик жароҳат бўлмиши — санчик яра пайдо бўлади.

## Э

**ЭКСУМАЦИЯ** — эксгумация (латинча ex — дан ва gimus — ер). Умуман айтганда, эксгумация — мурдани ердан (гўрдан) қазиб олиши. Бу иш терговчи хатти-ҳаракати туфайли, унинг чиқарилаган қарорига асосланиб, шахсан уш, гуноҳдор ва суд тиббиёти экпертининг иштирокида ташқи этилади. Агар суд тиббиётига тегишли мурда ёрмасдан кўмила ва келинчалик уни текшириш учун зарурият пайдо бўлса, унда биринчи марта текшириш учун мурда гўрдан қазиб олинади ва бу ҳолат бирламчи эксгумация деб айтылади. Бу вазият илгари суд тиббиёти томонидан ёриб кўмилаган мурдани текшириш учун эксгумация қилинса, унда такрорий эксгумация деб айтылади. Мурдани кўмилаган жойидан қазиб олиб, тегишли суд тиббиёти экпертизасини, утказиб, суфра яна кўмиш турли сабабларга асосланган бўлмиши мумкин. Қўмишча бу одам ўлдирми билан боғлиқдир. Живоят ишларида тергов олиб боришда мурдани дафн қилинган жойдан қазиб олиниб, тегишли текширув утказилгандан сўнг яна ўз жойига, аслидаги ҳолатга келтириб кўмиб қўйилади. Ўзбекистон Республикасиен профессонал кодексининг (ЖПК) 163-моддасида, бу ҳақда қувондан тушурича берилган: «а) ким жойдан қазиб олиш зарур бўлиб қолганда, терговчи бу туғрида қарор чиқарали. Унинг қазиб олиш иши терговчи ва суд тиббиёти мутахассисе-врачи, зарур ҳолатларда эса бениво мутахассиселар иштирокида бажарилати». Эксгумация қўйиладиган ҳолатларда утказилади: а) мархумни суд тиббиёти тарафидан ўзини сабабни аниқламай кўмилаганини сабабни, уни суд тиббиёти экпертизасидан утказиш зарур бўлганда, масалан нима сабабдан ўлган, ўзини-ўзи ўлдирганини ёки биров қасдан ўлдирганини; б) қайтадан мурдани қовлаб олиб текшириш зарурияти биринчи марта утказилган суд тиббиёти экпертизасининг тула-тукие бўлмаслиги натижасида; в) текширилган дадилни ашдларни солиштириш учун баъзи нарсаларни мурдадан олиш, масалан сеч толасининг зарур бўлиб қолганида; г) ўлган кишининг кимлигини билми мақсадлиа қовлаб олиш. Бунда мурдани танайдиган кишига кўрсатиш ва ундан қандай белгиларга қариб тешиналганини аниқлаш алам; д) агар мурда кийим-бонилари билан кўмилаган бўлса ва ундаги живоят ишларини текшириш зарур бўлиб қолганда.

**ЭКСПЕРТ И ЕГО ОТВЕТСТВЕННОСТЬ** — экпертининг маъсулияти (жавобгарлиги). Сурштирувчи шахс, терговчи, прокурор ва суд қақиринига асосан ҳоазир бўлиши, саволларга жавобан объектив равишда ўз фикрини ёзиш суд тиббиёти экпертизасининг бурчи, деб ҳисобланади. Агар берилган саволлар экпертининг мутахассислам касбидан ташқари бўлса ёки фикрима беини учун тегишли ҳужжатлар етишмаса, унда у экпертиза утказиш муамки эмаслигини ва қўмишча ҳужжатларни талаб қилиши мумкин. Экперт қўйидаги ҳуқуқлардан фойдаланиши мумкин: иш ҳужжатларни билан тешииб ички; қўмишча ҳужжатларни талаб қилиб олиш; тергов, суд сўроқларида бўлиб, айбонувчи, судланувчига саволлар бериш. Бида туриб нотўғри (кўрсатма) фикр билдириши ёки экпертиза утказишдан бош тортми жавобгарлиги туғрисида экперт

огоҳлангирилади. Нотўғри, ёлғон экспертиза тузиш Ўзбекистон Республикаси жиноят кодексининг 238-ва сабабсиз, экспертиза тузишдан бўйин товлаш 240-моддаларида кўрсатилган. Экспертиза ўтказиш жараёнида эксперт дастлабки тергов ҳужжатлари, маълумотларидан фойдалана туриб, суриштирув ёки дастлабки тергов маълумотларини ошкор қилса; унда бу кодекснинг 239-моддаси билан жавобгарликка тортилиши тўғрисида огоҳлангирилади.

**ЭКСПЕРТИЗА** — экспертиза мутахассислар томонидан бирор масала юзасидан қатъий ҳулоса чиқариш учун ўтказилган махсус текшириш. Ушбу ҳулоса ҳуқуқий маъмурий органларнинг амалий ишларига тегишли саволларни ечиш учун зарурдир. Жиноят ёки фуқаролик ишлари юзасидан бирор соҳани аниқлаш мақсадида мутахассислар (экспертлар) фикридан фойдаланилади. Экспертиза турли соҳаларда ўтказилиши мумкин. Терговчи экспертиза ўтказишни зарур деб топса, у ҳолда қарор ёзади, унда экспертнинг ёки мутахассиснинг номи кўрсатилади. Эксперт ўз фикрини бериши лозим бўлган саволлар ва экспертга тақдим этиладиган материалларнинг рўйхати баён қилинади. Экспертиза тегишли давлат муассасасида ўтказилса, экспертнинг шу соҳа бўйича мутахассислигини шу муассаса бошлиғи тасдиқлайди. Ушбу муассасалардан бири, суд тиббиёти экспертизаси ҳисобланади. Бу экспертиза давлат муассасаларидан биридир. Экспертиза тайинланиши ва ўтказилиши мунтазам равишда Ўзбекистон Республикаси жиноят процессуал кодексларининг аниқ моддаларида ва махсус қўлланма, кўрсатувларида белгиланган. Экспертиза ўтказиш мажбурий бўлган ҳоллар УР ЖПКнинг 173-моддасида кўрсатилган: 1) ўлимнинг сабабларини ва баданга етказилган шикастнинг қандайлигини аниқлаш; 2) айбланувчининг ақли расолиги хусусида ёки иш текшириляётган пайтда ўзининг характерида тушуниб ва билиб қилаётганлиги тўғрисида суруштирувчи шахсда, терговчида, прокурорда ёки судда шубҳа пайдо бўлганда айбланувчининг руҳий ҳолатини текшириш; 3) гувоҳнинг иш учун аҳамияти бўлган ҳолатни тўғри идрок қилиши ва шу ҳолат тўғрисида тўғри кўрсатувлар бериш қобилияти ҳақида шубҳа туғилганда унинг руҳий ёки жисмоний ҳолатини аниқлаш; 4) гумондорнинг, айбланувчининг ва жабрланувчининг ҳужжатлари бўлса, унинг ёшын билиш; 5) Ўзбекистон Республикаси жиноят кодексининг моддаларида кўрсатилган жиноятлар тўғрисидаги ишлар бўйича жабрланувчининг жинсий балоғатга етганлигини текшириш.

**ЭКСПЕРТИЗА ЖИВЫХ ЛИЦ, ДОПОЛНИТЕЛЬНАЯ** — тирик шахслар экспертизасини ҳужжатлаштириш (документация судебно-медицинская, қ.).

**ЭКСПЕРТИЗА ЖИВЫХ ЛИЦ ДОПОЛНИТЕЛЬНАЯ** — тирик шахсларнинг қўшимча экспертизаси. Қўшимча экспертиза тергов, органларнинг қарорига асосланиб ўтказилади. Мазкур экспертизанинг тергов томонидан белгиланиши янги далиллар, маълумотлар пайдо бўлишига боғлиқдир. Эксперт бундай ҳолларда УР ЖПК моддасини қўллаб, аввал берган ўз фикрини ва ҳулосасини кенгайтиради ёки уни ўзгартиради.

**ЭКСПЕРТИЗА ЖИВЫХ ЛИЦ КОМИССИОННАЯ** — тирик шахсларнинг комиссия экспертизаси. Айрим суд тиббиёти экспертизалари фақат мутахассислар иштирокида ўтказилади. Мазкур комиссия экспертизаларга қуйидагилар кирди: а) доимий, иш қобилиятини йўқотганлигини аниқлаш экспертизаси; б) тиббиёт ходимларнинг касб ҳуқуқ бузарлик экспертизаси; в) тергов суд маълумотлари (материаллари) бўйича мураккаб экспертизалар.

**ЭКСПЕРТИЗА ЖИВЫХ ЛИЦ, ПЕРВИЧНАЯ И ПОВТОР-**

**НАЯ** — бирламчи ва такрорий тирик шахслар экспертизаси; сурштирувчи шахс, терговчи, прокурор қарорига ёки суд ажримига асосланиб ўтказилган суд тиббиёти экспертизаси бирламчи экспертиза деб аталади. Агар эксперт фиарининг туғрилиги ҳақида шубҳа туғилса, масалан, экспертиза ўтказилган шахснинг компетенция бўлмаслиги ёки экспертиза ўтказишда процессуал қондаларнинг бузилганлиги ва бошқалар кўзатиб, унда такрорий экспертиза белгиланади. Бу такрорий экспертиза ЗР ЖПК 176-моддасига асосланиб, бошқа бир ёки бир неча экспертга топширилади.

**ЭКСПЕРТИЗА ЖИВЫХ ЛИЦ, ПОВОДЫ И ЦЕЛИ** — тирик шахслар экспертизасини ўтказиш сабаблари ва мақсадлари. Жабрдийда, айбланувчи, гумондор ва бошқа шахсларни куриқдан ўтказиш энг кўп учрайдиган экспертиза турларидан биридир. ЗР ЖПК 173-моддасига асосланиб, қуйидаги ҳолларда экспертиза ўтказилиши мажбурий ҳисобланади: баданга етказилган жароҳатларни тавсифлашда, айбланувчининг, гумондорнинг ёши, ақли расолиги туғрисида, шунингдек гувоҳнинг, жабрдийданинг руҳий ва жисмоний ҳолатларини аниқлаш учун ва бошқалар. Экспертиза ўтказиш сабаблари ва мақсадлари қуйидагилардир: тап жароҳатлари ва касалликларнинг мавжудлигини (баданга етказилган шикастлик тавсифини, доимий иш қобилиятини йўқотганлигини, агровация, дизагровация, симуляция, диссимуляция, сунъий пайдо қилинган касалликларни, умумий соғлиқни, эъзобузарликларни, яъни сунъий жароҳат етказганлигини, руҳий ҳолатни) аниқлаш; жинсий ҳолатни (гермофродитизм, балогатга етганлигини, қизлик пардасини, эркак ва аёлларнинг жинсий қобилиятличилигини, ҳомиладорлиқни, аборт бўлганлиги ва бошқаларни) аниқлаш; жинсий жинсий алоқаларни (номусга тегиши, ўн олти ёшга тулмаган шахс билан жинсий алоқа қилиш, ёш болаларни бузиш, хотин кишини жинсий яқинлик қилишга мажбур этиш, никоҳ ёшига етмаган шахсни эрга бериш ва бундай шахс билан никоҳда бўлиш, икки хотинни ва кўп хотинли бўлиш, бесоқолбозлик, таносил касалликларини, шунингдек сиздин тарқатиш кабиларни); мастлик ҳолатини ва бошқаларни аниқлаш учун.

**ЭКСПЕРТИЗА ПО МЕДИЦИНСКИМ ДОКУМЕНТАМ И МАТЕРИАЛАМ СЛЕДСТВИЯ** — тиббиёт ҳужжатлари ва тергов материаллари бўйича экспертиза ўтказиш. Суд тиббиёти экспертиза объектларидан бири, бу тиббиёт ҳужжатлари, сурштирув ёки тергов материалларидир. Мазкур материаллар (қўйилган саволларга асосланиб) текширилган мурда, куриқдан ўтказилган жабрланувчи, айбланувчи, гумондор ва бошқа шахслар; текширилган далил ашёлар туғрисидаги ҳужжатлар ёки терговчи тузган жинсий иш бўйича маълумотлар бўлиши мумкин. Энг кўп учрайдиган тиббий маълумотлардан касаллик тарихи, амбулаторий харижаси, тиббий ҳужжат ва бошқа турли маълумотлар (реентген, лаборатория таҳлиллари ва бошқалар) бўлиши мумкин. Дастлабки тергов ёки суд манбалари бўйича ўтказилган суд тиббиёти экспертизалари бирламчи, қўшимча такрорий комиссия ва комплексли бўлади. (176—178 ЗР ЖПК моддалари).

**ЭКСПЕРТИЗА СУДЕБНО-МЕДИЦИНСКАЯ** — суд тиббиёти экспертизаси (қ. судебно-медицинская экспертиза).

**ЭКХИМАТИЧЕСКАЯ МАСКА** — эхжиматик ниқоб. Компрессион механик асфиксия натижасида рўй берадиган ҳолат. Мазкур ҳолат мурда кўкрагининг устки қисмида, бўйнида (гарданда) терининг яшилши, цианоз (кўк рангга кириши) ва кўп миқдорли нуқтасимон кўк-тўқ қизил рангли қонгалаш пайдо бўлиши билан таърифланади.



**ЭКХИМОЗЫ ПОД ПЛЕВРОЙ И ЭПИКАРДОМ** — плевра ва эпикард остидаги экхимозлар. Мазкур ўзгаришлар тез ўлганда, масалан, асфиксияда пайдо бўлади. Плевра ости ўпка юзасида, эпикард ости юрак юзасида яққол, қизил рангли нуқтасимон қон-талашларнинг пайдо бўлиши билан тавсифланади. Биринчи бўлиб 1895 йили француз суд тиббиети олими Тардьё тонгани туфайли, унинг номи билан юритилган (Тардьё доғлари).

**ЭКХИМОЗЫ СУБКОНЪЮНКТИВАЛЬНЫЕ** — конъюнктив (қовоқ) ости экхимозлари. Кўз олмасининг оқсил пардасида, қовоқ ости қон босимининг кўтарилиши натижасида темирларнинг ёрилиши туфайли кўп ёки сийрак нуқтасимон, яққол қизил рангли қонталашлар пайдо бўлиши. Мазкур қонталашлар одатда осини натижасида юзга келгани учун бу белги асфиксия белгиси ҳисобланади.

**ЭЛЕКТРИЧЕСТВО АТМОСФЕРНОЕ** — ҳаво электри; атмосфера электри; чақмоқ. Чақмоқ бу электрланган булултурлар ёки булултурлар билан ер оралишида пайдо бўлган электр разряди. Мазкур разряд электрик, мезоник ва термик таъсиротларга эгадир.

**ЭЛЕКТРИЧЕСТВО ТЕХНИЧЕСКОЕ** — техник электр; техник электроток. Ўзгарувчи ва ўзгармас электр токи тафовут қилинади. Ўзгармас токнинг (500 вольтгача) организмга таъсири ўзгарувчи текнинг таъсирига инебаган настрок. Ток кучлиниши 500 в га етганида иккала токнинг организмга таъсири тенглашади. Агар кучлиниши 500 В дан кўпаяди, унда ўзгармас текнинг таъсири кўпроқ бўлади. Одатда ўзгарувчи токдан жароҳатланиш кўпроқ учраб туради. Жароҳат (шикастланиш) етарлиги асосан токнинг физик параметрларига боғлиқдир, аммо рўй берган ҳолат ва организмнинг ўзига ҳам боғлиқ. Мурда кўриқдан ўтказилганда айниқса, ток таъсирининг белгиси бўлиши — электр тамгасига эътибор берин керак.

**ЭЛЕКТРОМЕТКА** — электр тамгаси; электр белгиси; электр эти. Одатда ток ўтказувчи булмаган, масалан сим ёки унинг уралоқлари билан жароҳатланувчи жой, масалан тери, бир-бирига теклиниги пайдо бўлган жароҳат (ва) сим шаклини эслатади — «электр тамгаси» вужудга келади, шикастланган жойи (электр тамга) қаттиқ, оқ сарғиш, кўлагит-сарғиш ёки кўлагит бўлади. Унинг четлари белинсимон чиқиб туриб, таги шинабланган бўлади. Яра атрофларида ялангликни сезишмади. Электр тамга айрим вақтларда тирилган, кичикки кесилган яра ёки қаварик шикастларини эслатиши мумкин.

**ЭЛЕКТРОТРАВМА** — электротравма, электр жароҳати. Мазкур травма атмосфера ва яқинки электр таъсиридан вужудга келади.

**ЭМБОЛИЯ** — эмболия (латинча embolē — босиб кириш) қон темирлар системасининг шохобларига қон оқими билан унга тушган зарраларнинг олиб келини ва темирчаларнинг ичда тикилиб, қониб, қон айланишини тўхтатиб жарабни, тўқималар қонсизланиши. Эмболия келтирган заррача, эмбол деб аталади.

**ЭМБОЛИЯ ВОЗДУШНАЯ** — ҳаво эмболияси; очик жароҳатларда вена таниқларининг шикастланиши натижасида пайдо бўладиган ҳолат вужудга келган веналар орқали қон оқимида ҳавонинг кириб тикилиши. Агар жароҳат ҳавонинг майдори кўп бўлмаса ( $V = \frac{4}{3} \pi r^2 h$ ), унда одатда ушбу ҳолати орқали, қўнни ҳаво эриб кетади. Унинг майдори кўп бўлиб берган 10—20 см<sup>3</sup> ҳаво кириб қолса, унда ҳаво тикилиб, эрик доринчаларини фибриляция даражасига келтириб, натижада юрак тўхталишига олиб келади. Ҳаво

эмболиясининг мавжудлигини мурда юрагида аниқлаш учун Сумцов синамаси (проба Сумцова қ.) ўтказилади.

**ЭМБОЛИЯ ГАЗОВАЯ** — газ эмболияси. Одамнинг сув ости чуқурлигига тушиши, атмосфера босимининг ортинги натижасида ва бирдан юқори босимдан нормал ҳолатга келиши натижасида пайдо бўладиган организмдаги ўзгаришлар. Мазкур ҳолатда декомпрессон ўзгаришлар юз беради. Қондаги эритган газлар ажралиб чиқиб, пуфакчалар шаклида газ эмболларини ҳосил қилади. Ушбу эмболлар қон томчиларига тиқилиб қолиб, кесон касаллигини келтиради. Унинг кичик белгилари турли бўлиб, улар асоратларидан — кўрлик, фалажлик, қорлик, ивак қорасонлари, руҳий касалликларни таъкидлан мумкин. Газ эмболияси одамнинг ўлишига сабаб ҳам бўлиши мумкин. Мазкур таъхикни қўйиш учун Сумцов тажрибаси (проба Сумцова — қ.) ўтказилади.

**ЭМБОЛИЯ ЖИРОВАЯ** — ёғ эмболияси; қон томчиларига ёғ томчиларининг тиқилиб қолиши; Мазкур ҳолат очиқ суяк синиқланиш ва тери ости ёғ тўқималарининг жароҳатланиши натижасида рўй беради. Ёғ томчиларининг қон оқимига тушиб ва у орқали ўпка капиллярларини, мия ва бошқа органлар қон томирларини беркитиши ўлимга сабаб бўлиши мумкин. Ёғ эмболларининг мавжудлиги ҳаётган жароҳат, яъни тирикликда олинган жароҳат белгиси ҳисобланади.

**ЭМФИЗЕМА ТРУПНАЯ** — мурда эмфиземаси; эмфизема (юнонча emphiseima шишиш, бўрт-иш, кенчиш); ҳавонинг ёки газнинг тўқималар орасига кириб, унинг шишиши. Кўке оралиги, тери ости, тўқима, ўпка ва бошқа эмфиземалар тафовут қилинади. Демак, эмфизема киши организм тўқимасида ёки бирор аъзода ҳавонинг тўпланиб қолиши натижасида шу аъзонинг шишувидан иборат бўлган касалликдир. Суд тиббиёти амалий ишларида альвеоллар ўпка эмфиземаси асфиксия жараёнида учрашиб туради. Унинг келиб чиқиши шиддатли, қаттиқ, кескин вафас олиш ҳаракатларини ўпка ичи босимининг кўтарилиши, альвеолларининг кенгайиши ва альвеоллараро тўқималарнинг ёрилиши билан боғлиқ. Бундай пайтларда ўпка плевра бўшлигини тўлиқ эгаллаб олади. Эмфизема газдан ҳам бўлиши мумкин. Масалан, мурданинг чиршиш газлар пайдо бўлиши ва улар тери остига йиғилишига ҳамда мурданинг шишишига, яъни мурда эмфиземасига сабаб бўлади. Айниқса, мурда боши, лаблари, кўкрак безлари, қорин бўшлиғи, мойк халтачаси, бекалари шишади ва турли асоратлар рўй беради.

**ЭРЕКЦИЯ** — эрекция; жинсий олат ҳажмининг катталашини ва қаттиқлашиб, росланиши. Эрекция пайтида жинсий олатнинг ҳарорати ошади. Эрекция торсимон тана бўшлиқларининг қон билан тўлиши натижасида юзага келади. Эрекция пайтида жинсий олат бошининг катталашини ва сийдик чиқарис қаналининг тешиги кенгайиши кузатилади.

**ЭТИКА СУДЕБНО-МЕДИЦИНСКАЯ** — суд тиббиёти эксперти-ниниң этикаси, ҳуққи. Агар ҳақимлик этикаси бу тиббиёт этикаси бўлса, суд тиббиёти экспертининг этикаси, тиббиёт этикасининг бир қисмидир. Суд тиббиёти экспертининг этикаси, бу унинг жаблиланувчи, гумондор, уларнинг ёру қариндошин, экспертилараро, ҳаттоки айбланувчиларга ишбатан бўлган муомаласи, ҳуқуқ-аъволи, олобидроки, бурчи демаклар.

**ЭУТОНОЗИЯ** — эутонозия, касалнинг ўлим олди азобларини шифокор томонидан сийллаштириши улаш азобини сийллаштириши. Эутонозия этик, тиббий ва руҳий илжимоий муаммосидир. Мазкур муаммо азалдан, VII асрдан бошлаб одамзотни қизиқтираб келди.

Охири вақтларда, тиббиёт фанларининг ривожланиши туфайли, хусусан реаниматология бўлими нисбатан янги фаннинг вужудга келиши билан, айниқса одам умрининг ўрта узунлиги кўтарилиши билан эутонозия муаммоси қайтадан ривожлана бошлайди. Икки хил фаол ва фаолсиз эутонозиялар тафовут қилинади. Биринчи хилда шифокор (ҳаким), била туриб, касални азоб, талвасадан қутқариш учун фаол равишда (люминал бериб ёки бошқа усул қўлланиб) тезроқ ўлдирди; ўлишига фаол ёрдам беради. Иккинчи хилда ҳаким касалга тиббий ёрдам бермасдан, ўз ҳолига қолдиради, яъни фаолсиз, эътиборсизлик ила касалнинг тезроқ ўлишига кўмаклашади. Ҳам биринчи, ҳам иккинчи, яъни фаол ва фаолсиз эутонозиялар қопун томонидан ман этилган, чунки эутонозиянинг қўллалиши шифокор томонидан касални ўлдирish ҳисобланади.

**ЭЯКУЛЯТ** — эякулят — лотинча (ejaculor — отилиб чиқариш, чиқариб ташлаш), шаҳват. Олатдан отилиб чиқадиغان урув суюқлиги. Мазкур ҳолат эякуляция (қ.) пайтида рўй беради.

**ЭЯКУЛЯЦИЯ** — эякуляция (лотинча ejaculatio — отилиб чиқариш, чиқармоқ); урув суюқлигининг орқалик олатидан отилиб чиқарилиши.

## Ю

**ЮВНОЛОГИЯ** — ювнология (лотинча juvenis — ёш ва юнонча logos — фан); организмни мумкин қадар кўпроқ ёш ҳолатида қолдириш, уни ёшартириш усуллари билан шуғулланидиган фан. Герантология фани қариллик механизмини ўрганса, ювнология фани эса умрни узайтириш, фаол ёшликни сақлаш, ҳатто ёшликни қайтариб бериш муаммолари билан шуғулланади.

**ЮРИСПРУДЕНЦИЯ** — юриспруденция, юридик фаолият соҳаси. Ҳуқуқий фанларининг мажмуаси. Ҳуқуқий соҳалар турлича бўлиб, жиноят ҳуқуқи жиноят процессуал, граждалик, никоҳ, оила ҳуқуқлари ва бошқаларнинг нормаларини биллиш тавсия этилади. Жиноят ҳуқуқининг айрим нормаларини биллиш, турли жиноятларнинг олдини олиш ва унга қарши кураш учун ёрдам беради.

**ЮСТИЦИЯ** — юстиция, адлия, юстиция ва зирлиги, уларнинг маҳаллий органлари вилоят юстиция бошқармаси деб аталади. Тошкент шаҳрида шаҳар адлия бошқармаси мавжуд. Юстиция ва зирлигининг маҳаллий органлари судларнинг иш фаолиятини тафтиш қилиш бўли билан текшириб кўради.

## Я

**ЯДОВИТЫЕ РАСТЕНИЯ** — заҳарли ўсимликлар. Турли заҳарли моддаларни ишлаб чиқарадиган ва ўзида туллайдиган ўсимликлар. Мазкур ўсимликларнинг таркибиде алкалоидлар, глюкозидлар, сапонинлар ва бошқа моддалар бўлиб, уларни одам (ёки уй ҳайвони) истеъмол қилганда унинг қонига ўтиб, бутун организмни заҳарлайди.

**ЯДОХИМИКАТЫ** — заҳарли химикатлар йилма сўзлар тушунчаси бўлиб, турли органик ва аорганик химик бирикмалар, шунингдек ўсимлик алкалоидларини ўз ичига олади. Улар билан заҳарланиш ишлаб чиқариш шаронтларида, юклаш, сақлаш пайтларида, хавфсизлик тадбирларини бузганда рўй беради, аммо аксарият ҳолларда уларни ишлатилган пайтда заҳарланиш юзага



чиқади. Заҳарли химикатлардан — пестицидлар кимёвий усул билан зараркунадаларни йўқ қилиб, ўсимликлар ва ҳайвонларни ҳаёт фаолиятини сақлайди. Заҳарли химикатлар гуруҳига қўйидагилар киради: дефоллиантлар, кемирувчи ва думалоқ куртларни йўқотадиган моддалар, инсектицидлар, бактерицидлар, фунгицидлар, эндопаразит ва эктопаразитларни йўқотадиган моддалар, дезинфекцион моддалар ва бошқалар. Буларнинг ичидан гербицидлар, инсектицидлар ва фунгицидлар энг кўп ишлатиладиган моддалардандир.

**ЯДОХИМИКАТЫ МЕДЬСОДЕРЖАЩИЕ** — шундан заҳарли химикатлар (оқтингувуртан мис, бордоқ сукоқлиги, алорли мис, асоли сульфат мис). Оқтин моддалар билан боғланишдан аъб минат мис вужудга келади. Заҳарли моддалар кўпайиши хусусиятига эгадир. Мазкур моддаларни ютганда оғиз атрофларини кўбидириши металл таъминининг сезилиши, сўлак оқishi, қусиш, қонли ич кетиш, чанқаш кузатилади. Тилнинг ранги кўкаради, тана ҳарорати пасаяди, иштаҳа йўқолади. Агар нафас йўллари орқали кирса, ҳарорат ошади (39° гача) терлаш, бурундан қон кетиш, йўтал, қалтираш, жонсарақлик, меъда-ичак оғриқлари кузатилади. Заҳарланиш гемолитик анемия билан тавсифланади. Оғир ҳолатларда заҳарланиш коллапси, чангак, кома, уремия, диффузли нефроз каби белгилар билан таърифланади.

**ЯДОХИМИКАТЫ МЫШЬЯКСОДЕРЖАЩИЕ** — маргимушли заҳархимикатлар (кальций арсени, арсенит нитрати). Мазкур заҳарлар оқтин моддаларга, ферментлар системаларига протиологик таъсир этади. Уларнинг буғлари нафас йўлларини яллиғлаш хусусиятига эга, йўталиш натижасида қонли балғам ажралади. Заҳар оғиз орқали тушганда металнинг таъми сезилади, қусиш, чанқаш кузатилади; меъда яллиғланади, оғир гастрозитерит ва тана сувсизланиб гипохлоремия содир бўлади. Маргумиш бирикмалари гемолиз, токеник генагит, миокардидистрофияларни пайдо қилади. Мурдани текшириганда бош мия, орқа мия қобикларининг шишиши, қон томирларининг гиперемияси, кичик қонталашлар, томирларнинг кенгайиши, периваскуляр шишиши, қон томирларининг стаз ва тромблари кузатилади; жигарда ёғ дистрофияси ва кичик некроз участкалари, ўпка қонга тўлиши, галоқ пульпаларида кичик қонталашлар, эритроцитларнинг емирилиши, меъда-ичак йўлларида — десквомагив эзофагит, меъда сероз пардасининг қонга тўлиши, шиллиқ пардаларнинг эрозияга учраши, шиллиқ пардалар ости қон томирларининг стаз, ва фибриноз энтероколитлари кузатилади.

**ЯДОХИМИКАТЫ ФОСФОРОРГАНИЧЕСКОГО СОЕДИНЕНИЯ** — фосфорорганик бирикма заҳархимикатлари. Улар жумласига карбофос, мегафос, тиофос, фазолан хлорофос ва бошқалар киради. Мазкур заҳарли моддалар ташқи муҳит таъсирига чидамсиз бўлиб, кумулятсиз, тўланиш хусусиятига эгадирлар. Улар шикастланмаган тери орқали кириши мумкин. Ушбу заҳарлар холинэстераза ферменти фаолинини тўхтатиши туфайли, нервлар ва мушаклараро ацетилхолинни ҳаддан ташқари кўпайтиради. Заҳарланиш миоэ аккомодация спазми, тери тугунлари шиллиқ парда секретини кучайиши, сфинктор вазифаларининг бузилиши, мушак фибрилляциялари, томир тортишлари (чангаклари) руҳий бузилишлар, бош оғриги, қўрқини ҳолати, фикрнинг пасайиши, галлюцинация, нафас қайтиши, ўпка шишиши билан таърифланади. Мия тўқимасида фосфатаза фаоллигиши (миқдорини) аниқлаш диагностика учун муҳим аҳамиятга эга. Патологоанатомик ўзгаришлар фосфорорганик бирикмалари билан заҳарланишда уларга хос тавсифлари бўлмаса ҳам, мия тўқимасида турли микроскопик ўзгариш-

лар, шунингдек, мианынг қонга тўйиниши, шивши; мия қобрида, қобик ости узакларда, миачада, узунчоқ мияда майда қонталашлар, дистрофик ўзгаришлар (ўзак хроматолиз, эктопияси, карнолиз карноцитозиз); юракда — серозли миокардит, эндокардит; жигар ва буйракларда доначали, вакуолли ва ёгли дистрофия, некроз ўчоқлари (жигарда) кузатилади.

**ЯДОХИМИКАТЫ ХЛОРОРГАНИЧЕСКОГО СОЕДИНЕНИЯ** — хлорорганик бирикма заҳархимикатлари. Гексохлоран, гексохлорбензол, гептахлор, ДДТ, каптен, полихлоркамфен, теднон мазкур заҳарлар қаторига киради. Улар ташқи муҳит таъсирига чидамли, кумулятив (тўпланиш) хусусиятга эга бўлиб, организмга нафас олиш ва овқат ҳазм қилиш йўлларидан, шунингдек шикастланмаган тери орқали кириш қобилиятига эгадир. Ёнда, липидларда яхши эриши туфайли, улар тезда нерв ҳужайралари ва паренхиматоз органлар ичига кириб йиғила (тўплана)дилар. Уларнинг таъсири биокимёвий механизми жиҳатдан нафас олиш ферментини ишдан чиқариши билан таърифланади. Заҳар нафас йўллари билан кирганда, уларнинг шиллиқ пардаларини яллиғлантиради, ринит, трахейт, бронхит касалликларини ва уларнинг шиллиқ пардаларидан қон кетишини, йўтални пайдо қилади. Заҳарлар овқат ҳазм қилиш йўллари орқали тушса, унда қорин, кўкрак қафаси оргиқлари (қизилўнғач спазми туфайли) кузатилади. Қонга сўрилиш жараёнида нерв системасининг вазифалари бузилади, натижада, кучсизланиш, бош оғриғи, бош айланиши, ҳарорат кўтарилиши, уйқусизлик, қўлоқларининг оғриши, оғир ҳолатларда эса токен энцефалит кузатилади. Айрим ҳолларда заҳарланган шахс 1—2 соатдан кейин ўлади.

**ЯДРО БЕХЛЯРА** — Бехляр ўзаги, суякланиш ядроси, суяк бўлиб қотиб қолиш ўзаги. Мазкур ядро муҳим суд тиббиёти аҳамиятига эгадир, чунки унинг пайдо бўлиши, ривожланиши иссон ёшини аниқлашга ёрдам беради. Масалан, кизил рангли, думалоқ шаклли, диаметри 0,3 см бўлган ядрони ҳомиланинг сон суяги эпифиз қисмида кўрсак, унда ҳомилани 8 ойлик деб ҳисоблаш мумкин.

**ЯДЫ** — заҳарлар. Суд тиббиёти тушунчаси бўйича турли хил моддалар кам миқдорда ташқаридан организмга кирганда кимёвий ва физикавий ўзгаришларини содир қилиб организмни занфлаштира ёки одамни ўлдира ола заҳар, яъни заҳарли модда деб айтилади. Ушбу заҳарлар (ўсимлик, минерал модда ёки кимёвий синтез маҳсулоти ва бошқалар) тирик организмга кириб таъсир қилганда, ўткир ёки сурункали заҳарланиш юз беради. Заҳарланиш турли хил заҳарларнинг организмга таъсир этиши натижасида вужудга келадиган касалликлар мажмуасидир; заҳарланиш ўткир, сурункали, заҳарли таъсир қилувчи моддалардан, шунингдек ишлаб чиқаришга алоқадор бўлган моддалардан, озиқ-овқат, дори-дармондан бўлиши мумкин; заҳарловчи моддалар ҳарбий ишларда қўлланиши мумкин. Ҳарбий ҳаракатлар вақтида душманнинг жонли кучларини шикастлашга мўлжалланган гоят заҳарли бирикмалар биринчи марта Германия томонидан I жаҳон урушида қўлланилган. Ҳарбий ишларда қўлланиладиган заҳарлар турли бўлади, шунингдек: умумий заҳарловчи, терини яллиғлантирувчи, бўғувчи: қичшитирувчи ҳамда шартли равишда нервни фалажловчи. Суд тиббиёти амалий ишларида одамни ўлдириш мақсадида ўсимлик, ҳайвонларда ҳосил бўладиган модда, минерал модда, ёки кимёвий синтез маҳсулоти ва бошқа турли заҳарловчи моддалар қўлланилиши кузатилади. Шунинг учун бу заҳарли моддаларни организмга етказадиган таъсирини, ўзгаришларини текшириш ниятида махсус суд тиббиёти токсикология (қ.) фани шуғулланади.

**ЯДЫ ДЕСТРУКТИВНЫЕ** — деструктив заҳарлар. Мазкур заҳарларнинг маҳаллий таъсири, айниқса куйдириш ва яллиғланишидир. Аммо қонга ўтгандан кейин, улар ички органларда дистрофия ва некроз ўзгаришларини келтиради. Шунинг учун бу моддалар деструктив заҳарлар гуруҳига киради. Уларнинг сони бисёр, жумладан металл, металлоид ва уларнинг туз бирикмалари кўпроқ учрайди. Деструктив заҳарлар марказий ва периферик нерв системаларига таъсир этиб, энцефалопатия (қ.) ва фалажликни келтиради; қон томчилари, юрак, буйрақлар, жигар тўқималарида деструктив ўзгаришлар пайдо бўлади. Металл бирикмаларидан энг кўп учрайдиган заҳарланмиш сёмоб бирикмаларидан бўлса, металлоид бирикмаларидан мишьак (маргимуш) бирикмаларини келтириши мумкин.

**ЯДЫ, КЛАССИФИКАЦИЯ** — заҳарлар туркумлари. Клиник ва морфологик ўзгаришларга асосланиб, заҳарлар икки туркумга бўлинади — резорбтив — фақат қонга сўрилгандан кейин ва маҳаллий — тушган жойида таъсир қилувчи заҳарлар. Маҳаллий заҳарлар тери ва шиллиқ пардаларга тушганда уларни куйдириш, яллиғланириш, ўлдириш хусусиятларига эга. Улар қаторига ишқор, кислоталар, ўткир буг ва газлар (хлор, бром, йод, аммиак буглари ва бошқалар) киради. Кўп заҳарли усимликлар, илон, африм балиқлар ва бошқа заҳарли моддалар ҳам маҳаллий таъсирга эга. Резорбтив заҳарлар клиник ва морфологик ўзгаришларга қараб, деструктив, функционал қонни унатирувчи заҳарларга бўлинади.

**ЯДЫ, КРОВЯНЫЕ** — қон заҳарлари, қонга таъсир этувчи заҳарлар. Бу заҳарли моддалар гуруҳига қўнни заҳарлар кирсада, улардан суд тиббий аҳамиятига эга бўлганлардан гемоглобинотропик ва қонни гемолизлантурувчи заҳарлар кўпроқ учрайди. Гемолиз келтирувчи заҳарлар эритроцитлар стромани бузиб, гемоглобиннинг қон зардобига ўтишига кўмакланади. Улар қаторига мишьак водороди, илон заҳари, қўзиқорин заҳарлари ва бошқалар киради. Гемоглобинотроп заҳарлар турларида метгемоглобин ҳосил қилувчи (бертолет тузи, нитратлар-нитробензол, нитроглицерин ва бошқалар) ва гемоглобин боғланувчи (кўмир пен) лар киради.

**ЯДЫ, ЛАБОРАТОРНЫЕ ИССЛЕДОВАНИЯ** — лаборатория усуллари билан заҳарларни текшириш. Одатда заҳарланмиш натриксий, воқеа содир бўлган жойдан томиган далилий ашёлар (қусуқ, шиша ости дори-дармон қолдиқлари ва ҳоказолар) текшириш учун лабораторияга юборилади. Ундан ташқари заҳарланган киши кўрикдан ўтказилаётганда ёки заҳарланмишдан уаган шахснинг мурдасини текширганда биологик объектаар тўқима органлар олинади ва уларни ҳам текшириш учун суд тиббиет лабораториясига юборилади. Мазкур лабораторияда химик, физик (кўпинча спектрографик), гистологик, ботаник, фармакологик, микробиологик ва биологик (ҳайвонларда эксперимент ўтказиш) текширувлар ўтказилиши мумкин.

**ЯДЫ МЕСТНЫЕ** — маҳаллий заҳарлар; тушган жойида таъсир этувчи заҳарлар. Биринчи тушган жойида ўз таъсирини кўрсатувчи заҳарланмиш маҳаллий заҳарланмиш дейилади. Суд тиббиёти амалий аҳамиятга эга бўлган маҳаллий заҳарлардан олтингурут, туз, уксус, азот кислоталари ва ишқорлардан калий, натрий, аммоний ҳамда формалин, фенол (ва унинг бирикмалари) кўп учраб туради. Мазкур заҳарлар кўпинча оғиз орқали тушгани учун юборилган ва тушган жойларда — терида, оғиз атрофида, лабларда, буйин, кўкрак олди, қўлларда, оғиз, қизилтуғач, меъда-ичакнинг бошланғич қисми шиллиқ пардаларида ўзининг куйдириш таъсирини кўрсатади. Бу заҳарлар фақат тушган жойида таъсир қилмас-



дан, балки (концентрациясига, қанча вақт таъсир этини тушган ишончли заҳарлар тафовут қилинади. Деструктив заҳарлар, масалан, заҳарнинг таъсирига қараб) умумий тана аъзоларида турли функционал ва морфологик ўзгаришлар келтиради.

**ЯДЫ РЕЗОРБТИВНЫЕ** — резорбтив заҳарлар. Баданга сўрилгандан кейин таъсир этувчи заҳарли моддалар — резорбтив заҳарлар деб аталади. Резорбтив модданинг заҳарлини жарасида клиник, морфологик ўзгаришларига қараб деструктив, қон ва функционал заҳарлар тафовут қилинади. Деструктив заҳарлар, масалан маргимуш, сикоб бирикмалари ички органлар (юрак, жигар, буйрак ва бошқалар) да морфологик жиҳатдан қаттиқ, кўзга яққол кўринарли ўзгаришларни мавжуд этади. Қон заҳарларининг таъсири энг биринчи бўлиб қондаги биокимёвий ўзгаришларни келтиради, масалан карбонат ангидридининг таъсири. Функционал заҳарларининг таъсиридан организмдаги функционал ўзгаришлар фақат клиник жиҳатдан яққол кўринади, аммо морфологик ўзгаришлар юзаки бўлиб, айрим вақтларда эса ҳатто билинмайди. Функционал ўзгаришлар баъзан шундай таърифланадики, уларнинг симптомларига (белгиларига) қараб қайси модда билан заҳарланганини аниқлаш мумкин, масалан атропин, морфин, стрихнин ва бошқалар билан заҳарланганда мазкур ўзгаришлар кузатилади.

**ЯДЫ ФУНКЦИОНАЛЬНЫЕ** — функционал заҳарлар. Суд токсикологияси бўйича функционал заҳарлар клиник ўзгаришларни яққол кўрсатади, ҳатто заҳар келтирувчи моддага ҳос бўладиган ўзгаришларни келтиради, аммо морфологик ўзгаришлар ёки бўлмайди, ёки бўлса ҳам юзаки ва заҳарловчи моддага ҳос бўлмайди. Функционал заҳарлар билан заҳарланганда, айниқса клиник белгилар марказий нерв системасига таъсир қилиши билан тавсифланади. Мазкур заҳарлар кўпинча марказий нерв системасига таъсир қилувчи заҳарлардан ташкил топади, ҳатто уларнинг айримлари кимёвий жиҳатдан кескин фарқланса ҳам, аммо уларнинг таъсири клиник оқими бўйича ўхшаш мумкин. Шунинг учун функционал заҳарлар ўз йўли билан, ўзининг асосий таъсирларига қараб яна айрим гуруҳларга бўлинади: умумий функционал, марказий орқа миё, юрак нерв ва юрак ичи заҳарларига бўлинади.

